

БАХТИЁР ОМОН

**НОШИР
ДАФТАРИ**

Тошкент

“SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти

2019

*Тошкентнинг Хадра мавзесидаги Ноширлар
уйида хизмат қилган фидойи ҳамкасбларимнинг
порлоқ хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф

УЎК: 821.512.133-3.

КБК 84 (5 Ў) 7

О 55

Омон, Бахтиёр. Ношир дафтари. Бадиалар, мансуралар. Тошкент,
“Sharq”, 2019. – 224 бет.

Олим ва адиб Бахтиёр Омон “Ношир дафтари” китобининг “Яхшиларни эслаб” фаслида юртимиз илм-иждод аҳли орасида танилган олимлар, адиблар, шоирлар ва таржимонлар – Бўрибой Аҳмедов, Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Қодир Мирмуҳамедов, Нормурод Нарзуллаев, Иноятилла Сувонқулов, Ҳасан Тўрабеков, Жонибек Субҳон, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф шахсияти ва ижодининг муҳим қирралари очиб берилади.

“Устозларга эргашиб” фаслида илм-маърифат, маданият намояндалари: Насриддин Раҳмонов, Омон Матжон, Маҳкам Маҳмудов, Сойибжон Негматов, Ёркул Абдуллаев, Саъдулла Отамуродов, Дилбар Икромоваларнинг мазмунли ҳаёт йўллари қаламга олинган.

Китобдан муаллифнинг “Ношир дафтари”, “Баҳор, қиш...” номли бир қатор бадиалари, мансуралари ҳам ўрин олган.

Мазкур китоб олий таълим даргоҳлари гуманитар фанлар йўналишида таҳсил олаётган филологлар, журналистлар, тарихчилар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Сўз боши муаллифи Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари доктори.

ISBN 978-9943-03- -

С Бахтиёр Омон, “Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси, 2019 йил.

НОШИРНИНГ ҲАЁТ ДАФТАРИ

(Сўзбоши ўрнида)

Ушбу китобни варақлаганингиз сари бир инсонни кашф эта борасиз. У инсон катта ҳаётий тажрибага эга – республика миқёсидаги нуфузли идораларда раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, маърифий-интеллектуал соҳаларнинг паст-баландини кўрган, қошоналари, улуғвор равон йўллари-ю... жинкўчаларида шитоб юрган, одим отган, халқона тил билан айтганда, оқ-қорани таниган олим одам. Зиёли одам. Тўғри одам.

Қандай ишларидан мамнун бўляпти бу одам? Қайси амалларини хотирлаб таскин топмоқда у? Таниган-билган, ич-ичидан ҳавасу ҳурмат қилган устозлари кимлар? Хизмат юзасидан кимлар билан ҳамдам-ҳамнафас бўлган эди? Ва, ниҳоят, баҳаво ва серчашма тоғу тошлардан бошланган ибтидо бешафқат шаҳри азимнинг тигиздан-тигиз пучмоқларида интиҳо бекатларига юз тутгани сайин якунлар, хулосалар, сарҳисоблар қандайин ибратларни тақдим этмоқда биз мутолаа шинавандалари учун қўлимиздаги китоб?

Жавоблар, ибратлар... адоқсиз ўйлар ортида мен ҳеч иккиланмай таърифлаётган зиёли, тўғри ва бо маърифат Бахтиёр Омон исмли инсоннинг сиймоси гавдаланади. Муаллиф хотираларини борица ёзади, бўяб-бежамайди, чуқур кетмайди, икки оғиз жумлада кимнинг кимлигини, ниманинг қандайлигини самимият ила тасвирлайди-қўяди. Қайси идорада ва қандай мартабани эгаллаганидан қатъи назар, зиммасидаги вазифани тўғри ва ҳалол адо этиш руҳида яшаганини, айни чоқда банда хатолардан холи эмаслигини зинҳор унутмаганини, нима бўлган тақдирда ҳам ҳаётнинг оғир синовларига бардошли бўлиш муҳимлигини ё бевосита, ё билвосита таъкидлайди, эслатади, уқдиришни истади.

Сўнгги саҳифаларни муаллиф нидо сиёҳида, нидо оҳангларида битган. Бу қандай сиёҳ, қандай оҳанг? Мен баён этишим мумкин бўлган изох ўша оҳангга путур етказиб қўйиши мумкин, деган истиҳолада сўзни мухтасар қиламан. Эҳтимол, китобни “Ношир дафтари” эмас, “Ҳаёт дафтари” деб номлаш ҳам мумкин эди, бироқ заҳматкаш муаллиф билан сўз талашиш, фикр олишиш одатимизни шу ўринда қўя турсак-да, мутолаага ошиқсак кам бўлмаймиз, муҳтарам китобхон.

**Хуршид Дўстмуҳаммад,
адиб, филология фанлари доктори,**



ТАРИХ ИЛМИНИНГ БИЛИМДОНИ

Мен Бўрибой Аҳмедов билан “Амир Темур жамияти” (ҳозир шу номдаги Жамғарма)ни тузиш жараёнида 1989 йилда танишганман. Наврўз байрамидан кейин “Навоий” кўчаси 30-уй биносида, Бўрибой Аҳмедов, Фахриддин Ашрафхўжаев, Ақром Аминов, Неъмат Ҳақимов ва яна беш-олти киши йиғилиб, буюк бобомиз номидаги жамиятнинг биринчи таъсис мажлисини ўтказган эдик. Бўрибой ака нашрга тайёрлаган “Амир Темур ўғитлари” китобида тилга олинган адолат, ватанпарварлик, фидойилик, мардлик ғоялари янги жамиятнинг низомини ишлаб чиқишда дастуриламал вазифасини ўтаи. Режаларимиз улкан, фақат уни амалга оширишга маблағ етишмас эди. 1989 йил май-июнь ойларида расом Неъмат Ҳақимов муқовасини безаган “Амир Темур ўғитлари” китобчаси Ақрам Аминов бош муҳаррирлигидаги “Наврўз” нашриётида икки юз минг нусхада (!) босмадан чиқарилди. Бу – халқимиз орзиқиб кутган китоб бўлишидан ташқари, янги жамиятнинг молиявий-ташкилий жиҳатларини ҳам тўлдирди.

Жамият аъзолари пойтахтдаги олий ўқув даргоҳларида, илмий муассаса ва ташкилотларда қизиқарли учрашувларни ташкил этишди. Мен Ишчилар шаҳарчасидаги Терапия сихатгоҳига Ҳамза театри актёри Теша Мўминовнинг оқ “Жигули”сида борганман. Теша Мўминов XV асрга тегишли жаранглаб турувчи темир совутларини кийиб, Амир Темур ролини ижро этганида, зал гулдурос қарсақларга кўмилиб кетган...

Ёши олтмишдан ошган, паст бўйли, қотмадан келган Бўрибой Аҳмедов билан танишгунимга қадар “Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан” (1962), “Кўчманчи ўзбеклар тарихидан” (1965, Москва), “Хондамир” (1965), “Баҳр ул-асрор” (1977), “Балх тарихи” (1982), “XV–XVIII асрлар Ўрта Осиё тарихий-жуғрофий адабиёти” (1985), “Мирзо Улуғбек” (1990), “Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари” (1991) каби китоблари чоп этилган, яна ўнлаб

мумтоз асарларни ўгирган эди. Икки-уч марта суҳбат қургандан кейин феъл-атворимиз, характер ва ижодкорлигимиз тўғри келдими, домла билан умрларининг охиригача борди-келди қилиб юрдим. Форс-тожик тилини билганим учун қўлёзмаларнинг айрим бобларини бирга кўрар ёки кичик асарларни таржима қилардим. Шу баҳона, алломаларимизнинг бой ижоди, нодир фикрлари ва башоратлари билан танишдим. Ўтмиш ва бугун илм-фанининг уйғунлик тарафига нигоҳ ташлаб, хонликлар, амирликлар билан истиқлол даври афзалликларини қиёслаб ўргандим. Ота-боболаримизнинг ҳам диний, ҳам дунёвий илми барабар эгаллаши ютуғи эди, албатта. Дин уламози Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) ҳаёти ва унинг замондошлари ҳақида ёзилган тарихчи олим Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” (“Оби ҳаёт томчилари”) асарида таъкидланганидек:

Гар на илми ҳол фавқӣ қол буди, кай шуди,

Банда аъёни Бухоро Хожайи нассожро?

(Яъни: Дунёвий илм авлиёлик илмидан устун бўлса,

Бухоро аъёнлари тўқувчи Хожаса қул бўлармиди?)

Бу сўзларда олам-олам маъно мужассам. Домланинг хонадонида бўлиб ўтган қизғин суҳбатлар камина учун илмий дарсхона, сабоқхона эди. Бўрибой ака Себзор даҳасидаги 34-уйда истиқомат қиларди. Йўлим усти бўлганиданми, Ноширлар уйи¹дан Юнусободга қайтишимда бирров уйларига кириб, қўлёзмалар-у, янги китобларнинг корректураси билан танишиб кетардим.

– Сиз менга кераксиз. Ноширларга тайёрлаб қўйган ишларим ўнтадан ошиб кетибди. Умрим етса, барини чоп эттираман! – дерди домла.

Тиниб-тинчимас домланинг ижодий таклиф ва ғоялари менга ҳам илҳом бағишлаган. Олимнинг ички дунёси, турмуш тарзини ўрганиш асносида форсча қўлёзмаларни ўгириш, юртимиз тарихи, айниқса, ўзим

¹Ҳадрадаги Навоий кўчаси 30-уй кўзда тутилмоқда Узоқ йиллар мобайнида бу муҳташам бинода давлат нашриётлари ва Маданият вазирлиги жойлашган (Б.О.).

туғилиб ўсган Нурота тарихи ҳақида маълумотлар йиғишга киришдим. Нурота тоғлари Туркистон тоғ тизмаларининг бир бўлаги. Оқтоғ этагидаги булоқлардан бири Нурбулоқ – нур таратувчи чашма. Нақл қилинишича, жаҳонгир Александр Македонский (Искандар Мақдуний) милоддан аввалги 329 йилда Чашма бошида тўхтаб ўтган...

Домла манбашунос, ҳам темурийшунос олим сифатида республиканинг сиёсий-ижтимоий тадбирларида иштирок этарди. Учрашув ва тадбирларнинг кети узилмасди. Бўрибой ака урушни кўрган эмасми, жасоратли, иродали одам эди. Бир ишга аҳд қилдими, токи самарасини кўрмагунча дам олмасди. Унинг юртпарварлигидан ҳамма хабардор эди.

У умрининг охирида зиммасига тушган масъулиятни чуқур ҳис этарди. Олдин ман этилган тарихий мавзуларда янги асарлар битишни ўйлар, юқори идораларнинг эътиборини оқлаш ниятида қариган чоғида кеча-ю кундуз ижод қиларди. Унга қанд касали азоб берса-да, ўзбек давлатчилиги тарихига доир қўлёзмаларни тадқиқ этишдан чарчамасди.

Бўрибой ака яхши манбашунос эмасми, форс ва араб тилидаги нодир асарлардан энг кераклисини топиб, Шарқшунослик институти каталогига киргизарди. Менинг вазифам маълум: қўлёзмаларни кўздан кечириб, бир ношир сифатида уни мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб, қайси нашриётда, қанча нусхада чоп этиш мумкинлиги юзасидан тавсиялар берардим. Албатта, ўзим ишлайдиган “Мерос” нашриётининг манфаатини унутмасдим.

Нашриётимизда 1992 йили “Ўзбек улуси” китоби камина муҳаррирлигида дунё юзини кўрди. Унда Олтин Ўрдада, Жўчи улуси ҳудудларида вужудга келган Абулхайрхон тузган кўчманчи ўзбеклар давлатининг тарихий мавқеи, сиёсати, кейинроқ Муҳаммад Шайбонийхон бошлиқ ўзбекларнинг Ўрта Осиёда темурийлар салтанатига, Шохрух, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобурга қарши урушлари ҳақида муфассал ҳикоя қилинади. Китобда бой қўлёзма манбалардан фойдаланилган. Хусусан, Маъсуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Камолиддин

Бинойнинг “Шайбонийнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Абулхайр Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” асарларидаги кўз илғамас тарихий нуқталар, машҳур шахслар тақдири яхши таҳлил этилган.

Б. Аҳмедов сермахсул ижодкорлигини исботлаб, истиқлол йилларида қарийб икки юз босма табоқлик (3200 бетлик!) еттита китобни босмадан чиқарди. Нашриёт талабига кўра, камида уч марта корректураси ўқилганини ҳисобга олсак, муаллифнинг заҳматларини тасаввур қилса бўлади. Мен рўйхатни кўрсатиб:

–Йигирма йиллик ишни дўндирибсиз. Энди озгина дам олинг, қанд касалингиз кўзғамасин, –дедим.

–Қанд касалига учраган кўп ишлаши керак, –ҳазиллашди домла. –Агар ишларни тўхтатсам, армонда қолиб кетаман. Кучим-қувватим борида буларни китоб қилишим зарур. Совет даврида эркинлик, рағбат бўлмаганидан не-не истеъдодли шарқшунос олимларимиз китоб чиқаролмай ўтиб кетишди. Қўлёзмалар фондидаги юзлаб нодир асарлар “мени тадқиқ қилинг, ўз халқимга ошкор айланг”, деб кутиб ётибди...

Бўрибой ака жафокаш зиёли. Олдига қачон борманг, ёзув столи устида ўнлаб қўлёзмалар, корректуралар, қайдномалар ва қораламалар тахланиб ётарди. Яқин кўмақдоши, жонфидо умр йўлдоши Мунисхон ая майда ҳарфларда ёзилган қўлёзмаларни беҳато териш, унга тузатишларни киритиш, яна хатжилдларга жойлаб, нашрга тайёрлаш ишларига бош-қош бўларди. Кўнгилчан, меҳнаткаш ўзбек аёли Бўрибой аканинг асосий суянчиғи, ҳамкори эди. Кўпинча, тиббий муолажа маҳали бориб қолсам, домла одати бўйича: “Иним, кетиб қолманг, зарур гаплар бор”, деб қизиқтириб қўярди. Муолажа тугагач, икки-уч соатлаб қолиб кетардим. Шарқ Уйғониш даври олимлари асарлари ҳақида гаплашардик. Ғарб ва Шарқ олимларининг ўзаро муносабатлари, антик Рим ва юнон илм-фани, маданияти арбоблари Сукрот, Арасту, Афлотуннинг таржима бўлган асарлари тақдири, Беруний, Форобий,

Ибн Сино сингари алломаларимизнинг шаклланиш босқичларини таҳлил қилардик. Юртимизнинг икки забардаст шахси – давлат арбоби Амир Темур ва буюк шоир Навоийнинг ҳаётига доир маълумотларни тўплаб борарди. Кейинроқ, бу ривоят ва ҳикоятлар “Аждодлар ўғити”² номи остида чоп этилди.

Ҳар бир китоб, таржима ва илмий мақоланинг тайёрланиши жараёнини кузатишимнинг ўзи мароқли эди. Ўзига хос ёзиш услуби, муаммога мантиқий ёндашуви бошқалардан фарқ қиларди. Устознинг суҳбати ширин, фикрлари тўқмағиз, мазмундор бўлиб, тарихий воқеаларни содда, халқона тилда тушунтирар эди.

Домла кичик илмий-тадқиқот институтига етгулик юкни ўз зиммасига олганди. Ўтмиш тарихимизнинг мураккаб даврларини қамраб олган Ўзбек улуси, Турк ҳоқонлиги ва Амир Темур даврининг чуқур билимдони эди. Учта манбанинг шаклланиши, ривожланиши ва таназзули сабабларини яхши таҳлил қиларди.

1990-йиллар бошида республика газета ва журналларида, илмий давраларда Ўзбекистон тарихига қизиқиш пайдо бўлганида Ҳамид Зиёев, Гога Ҳидоятлов, Абдулаҳат Муҳаммаджонов, Ҳайдарбек Бобобеков, Ашраф Аҳмедов, Турғун Файзиев каби таниқли олимларнинг мақолалари матбуот ва телевидениеда тез-тез кўриниб қоларди. Бу долзарб мавзу кўпчиликни қизиқтириши табиий ҳол эди. Аммо англашимча, тарих фанлари доктори Бўрибой Аҳмедовнинг мавзуларни танлаш маҳорати, тиниқ ифода услуби эсда қоларли бўларди.

–Бундай ёзиш услуби ва бадиий маҳоратга қандай эришгансиз? – деб сўрадим бир куни.

–Бунинг тарихи узун, иним, –жавоб берди домла. – Мен 1950-йилларда

² Қаранг.: Аждодлар ўғити. Ҳикоятлар, ҳикматлар, тамсиллар. Тўпловчи ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Т.: Чўлпон, 1990.

Андижондаги газеталардан бирида журналист сифатида икки йил ишладим. Ўшанда таъсирчан ёзишни, таҳрир санъатини эгаллашга интилдим. Охиروқибат, шу услуб роман ёзишимда ҳам каминага далда бўлди...

Устознинг ҳикоя қилишича, газетада ишлаган пайтлари маҳаллий раҳбарлардан бири таҳририятга машқларини юборади. Ёзуви анча бадхатлигидан, қўлёзмани аранг ўқишади. “Итқий шеърлар” деган сарлавҳанинг биринчи сўзига ҳайрон қолишса-да, ноилож уни қабул қилишади. Ўзидан сўраб олишга ботинишолмайди. Машқлар ўша ном остида босилиб чиқади.

Эртаси куни муаллиф дарғазаб бўлганча, таҳририятга келиб пўписа қилади. Маълум бўлишича, “Итқий шеърлар” дегани аслида “Ишқий шеърлар” экан.

Бир гал олдиларига борганимда, қизил муқовали, анча кўламдор тадқиқот: “Тарихдан сабоқлар” китобини³ тухфа этдилар. Уйга келибоқ, китобни варақлашга тушдим. Узоқ йиллик машаққатли меҳнатнинг маҳсули эди бу. Ўттиз босма табоқлик қалин китобнинг биринчи бўлими “Олис асрлар садоси”, иккинчиси, “Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда”, учинчиси, “Сиймолар, сулолалар, атамалар” деб номланарди. Мазза қилиб ўқиб чиқдим.

Китобнинг илмий қимматига талаб ошгани важдан унинг энг муҳим хусусиятларини сизга таништириб ўтсам. Биринчи бўлимда таниқли рус шарқшунос олимлари В. В. Бартольд, А. К. Арендс, И. П. Петрушевскийнинг ўзбек манбашунослигига қўшган тарихий хизматлари, шунингдек, чингизийлар, темурийлар, шайбонийларнинг ворислари, Ўзбеклар ўтмиши, кечмиши, Жўйбор хожаларининг мавқеи ўрганилган.

Иккинчи бўлим ҳам бой манбалар асосида ёзилган бўлиб, Абулғозихон (“Шажарайи турк”), Маҳмуд ибн Вали (“Баҳр ул-асрор”), Биноий (“Шайбонийнома”), Клавихо (“Кундаликлар”), Улуғбек (“Тарихи арбаъ

³ Қаранг.: Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994.

улус”), Ҳофиз Таниш Бухорий (“Шарафномаи Шоҳий”) асарлари, шунингдек, Кошғар тарихи (“Равзат ар-ризвон”), Хива тарихи, Балх хонлиги тарихи, “Чингизнома”, “Темур тузуклари”, “Тарихи Абулхайрхоний” сингари тарихий манбаларнинг мазмуни-моҳияти ҳар жиҳатдан таҳлил қилинган.

Навбатдаги бўлимда араб халифалиги (632–1258), аштархонийлар, бадавийлар, салжукийлар, мўғул феодали империяси, темурийлар, бобурийлар, Дашти Қипчоқ ўзбеклари ҳамда Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Кўк Ўрда, Абулғозихон, Темур Малик, Бароқхонларнинг тарихдаги ўрни, Н. Бичурин, И. Берёзин, Б. Чўбин, Ч. Валихоновларнинг ноёб илмий мероси тадқиқ этилган. Унда Мовароуннаҳр заминидаги минг йиллик тарихнинг ҳали ўрганилмаган олтин саҳифалари заргарона очиб берилганига гувоҳ бўламиз.

Биргина китобда шарҳланган тарихий сиймолар, даврлар, воқеаларни кўриб чиққанимизда, устознинг нақадар чуқур билимга эkanлигини билиб олиш мумкин. Бундай мураккаб давр воқеаларини ҳар бир тарихчи олим ҳам чуқур таҳлил қилишга қодир эмас.

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг “Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан”, “Хондамир”, “Улуғбек”, “Маҳмуд ибн Вали”, “Давлатшоҳ Самарқандий”, “Мирзо Улуғбек”, “Амир Темур”, “Ўзбекистон тарихи манбалари” каби китоблари тарихимизнинг ёзилмаган саҳифаларига бағишлангани билан диққатга молик.

Бир куни уйларига борганимда, “Тарихдан сабоқлар” монографиясини менга совға қилиб:

–Яхши китоб – инсоннинг иккинчи умри. Булар менинг фарзандларим, давомчиларим. Уларни қўлга олиб ўқиганда, каминани ҳам эслаб қўярсиз, – дея бағриларига босдилар. – Қўлёмаларимни дунё юзини кўришида сизнинг ҳам улушингиз бор, укажон...

Китобнинг титул varaғида: *“Қадрли ва садоқатли иним Бахтиёр Омоновга зўр ҳурмат ва умид билан Б. Аҳмедов. 10.03.95 й.”* деб ёзилган дастхатни ўқидим. Ушбу бебаҳо тухфадан ҳозирга қадар илмий ишларимда

фойдаланиб келаман.

Барчага маълумки, буюк саркарда Амир Темурунинг 660 йиллик тўйи 1996 йилда халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бўрибой Аҳмедовнинг “Буюк Амир Темуру” номли тарихий романи, бир неча альбом-китоблари ўзбек, рус, инглиз тилларида рангли нақшларда босмадан чиқди. Парижда ЮНЕСКО ташаббуси билан бўлиб ўтган илмий анжуманда Бўрибой Аҳмедов мазмунли маърузалари билан қатнашиб, жаҳон олимларининг эътирофига сазовор бўлди. Байрам тадбирларидан кейин домланинг обрў-эътибори ошиб кетди.

...Умрининг қолган олти йили давомида устоз тугалланмаган кўплаб асарларини ёзиб битирди. Аммо қанчадан-қанча қўлёзмалари ёзув столлари устида қолиб кетди. Шарқшунос ўғли Музаффар уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда. “Отанинг шарқ манбашунослигига оид асарлари шояд чоп этилиб, ёш олимларнинг тадқиқотига манба вазифасини ўтаса”, деб орзу қилади у.

Бўрибой Аҳмедов ҳаёти, шахси ҳақида яна кўп ёзиш мумкин. Улар йирик олим бўлишига қарамасдан, ҳамиша дилкаш, ҳазилкаш юрарди. Адиб Шодмон Отабекнинг “Дўрмон хангомалари” китобида ёзилишича, бир куни Бўрибой ака троллейбусда кетаётиб, “Алпомиш” достонини олдин “уриб чиққан” олимни учратиб қолади. У озиб-тўзиб, абгор бўлиб қолганди. Бўрибой ака ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, чандиб олади: “Нима бўлди, сизга? Алпомишдек йигит эдингиз-ку?!” Олимнинг дами ичига тушиб кетади. Навбатдаги бекатда хайр-маъзурниям насиё қилиб, ўзини эшикка уради.

Устоз бутун умрини республикамизда тарих илмининг шаклланиши ва ривожига бағишлади. Қарийб қирқ йил Академиклар шаҳарчасида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ишлади. Юзлаб қўлёзмаларни тадқиқ этиб, ишлов берди, ўгирди ва китоб ҳолига келтирди. Аслида, бу – машҳур тадбиркорнинг меҳнатидан ҳам қимматлироқ, ундан-да ардоқлироқ иш, миллатга чинакам хизмат қилиш, қолаверса, буюк қисмат эди. Игна билан қудуқ қазишга ўхшайди. Сабр, чидам, кучли ирода керак бўлади бунинг учун.

Бўрибой ака Амир Темур номли жамғарманинг раиси бўлиб ҳам ишлаган эди. Ўшанда Азамат Зиё ва камина тафтиш комиссияси аъзоси бўлганмиз. Жамғармани ташкил этиш, иқтисодий оёққа турғизиш, мамлакат ва хорижий элларда танитишдек ташкилий-тарғибот ишларини домланинг шахсан ўзлари бажарди. 90-йиллари уларнинг наشريёт фаолиятига кўмак бериш жараёнида иштирок этганимдан хурсандман. Ўша ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Бўрибой ака “Буюк Амир Темур” номли тарихий романини ёзди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Бўрибой Аҳмедов 2002 йили 78 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этиб, табаррук зиёратгоҳ Чиғатой қабристонида қўйилди. Зукко ўзбек бу зиёлини замондошларимиз билимдон тарихчи олим сифатида ҳамиша қадрлайдилар.

Устознинг “Иним, кетиб қолманг, зарур гаплар бор” деган оҳанрабодек сўзлари эса қулоқларим остида ҳамон жаранглаб туради.

НУРЛИ СИЙМО

Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультети кечки

бўлимида ўқиб юрганимда, профессор Ғайбулла Саломов дарсга кириб қолди. Ўрта бўйли, чиройли кийинган, хушсурат, юзидан нур ёғилиб турган домлани ҳаммамиз бир кўришда ёқтириб қолдик. Улар “Таржима назариясига кириш” фанидан маъруза ўқиди.

–Дунёда 2500 та тил мавжуд. Фараз қилайлик, агар 2000 тил доирасида ўзаро биттадан китоб ўгирилса, 3 млн. 998 мингта янги таржима асари пайдо бўлади. Бу биттадан китобнинг таржималари,—деб сўз бошлади ўқитувчимиз. – Жаҳон миқёсида ҳаммадан кўп таржима қилинадиган адиблар ва олимлар сирасига Вильям Шекспир, Гомер, Аристотель, Жюль Верн, Агата Кристи, Ф. Достоевский, Ч. Диккенс, Жорж Сименон киради. Таржима халқлар дўстлигига хизмат қилувчи энг муҳим восита...

Жаҳон адабиёти билимдони яхши нотик эди. У дона-дона, бийрон сўзларди. Биз, газета-журналларда ишлайдиган ёш журналистлар таржиманинг мамлакатлар ва давлат арбоблари ҳаётида юксак кадрланишини билмас эканмиз. Бадиий таржима устаси икки халқни яқинлаштириб, анъана, урф-одат ва қадриятларини сингдириб боришини англай бошлаганмиз.

Ғ. Саломовнинг таъкидича, 1952 йилда тузилган Халқаро таржимонлар федерацияси қирқдан зиёд мамлакатда бадиий ва илмий-техникавий адабиётларни ўгирувчи 12 минг таржимонни атрофига тўплабди. Улкан армия ғарб ва шарқ халқларининг илм-фани ва маданиятини уйғунлаштириб, тарғиб этиб келаётир.

Бир куни машғулот пайтида:

–“Таржимон” аслида ким? – деб сўрадик домладан.

–Таржимон аввало синчков ўқувчи, ажойиб услубчи, сўз устаси, яхши психолог, ҳар томонлама билимдон шахс, –ҳозиржавоблик билан жавоб берди у.

Сўнг, қадимий санъат бўлган таржима миллий адабиётнинг ривожланиш суръатини тезлаштирувчи, миллий тилларнинг луғат бойлигини

оширувчи манба эканлигини асослаб берди.

–Таржима – тил ва тафаккурнинг бузилмас иттифоқи. Таржима бор экан, халқлар бир-бири билан доимо жонли мулоқотда, адабиётлар бир-бирига вобаста, бир-биридан баҳраманд. Таржима бор экан, фикр-фикрдан сув ичади, бойийди ва ўткирлашади.

Ушбу таърифлардан таъсирланиб, биз талабалар таржимада кучимизни синашга аҳд қилдик. Албатта, аҳд, ваъда яхши самаралар берди. Ўзимдан қиёс қилсам. 1986–1990 йилларда Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти “Наср таржимаси” таҳририятида муҳаррир бўлиб ишлаганимда, кичик асарларнинг таржимасига қўл урдим. Форс-тожик тилини ўргатувчи кечки курсга қатнаб, сертификат ҳам олдим. Илк таржимам – таниқли афғон адиби Аъзам Раҳнавард Зарёбнинг “Ўғри” ҳикояси“ эди. Унда афғон характерининг нозик қирралари очиб берилган. Ҳикоя “Савр шабадалари” номли тўпламда (1987) босилиб чиқди. Кейин таниқли ёзувчи Жалол Икромийнинг “Қора қузғунлар” романини (Тошпўлат Аҳмад билан), Гулбаҳор Каримованинг “Тобланиш” қиссасини (Шерали Сокин билан) ўзбекчага ўгирдим.

Ўзимда озгина умид ҳосил бўлгандан кейин 1987 йилда сўз санъаткори Лев Толстойнинг болаларга аталган “Акула” ҳикоялар тўпламини ўгирдим. 1994 йилда машҳур хитой ёзувчиси Лао Шэнинг “Бева аёл қиссаси”ни, икки йил ўтгач, ўша муаллифнинг “Мушуклар салтанати” романини ўгириб, китоб ҳолида нашр эттирдим.

Домла Тошкент давлат дорилфунуни, Миллий энциклопедия нашриёти ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳалол меҳнат қилди. Бу даргоҳларни бошқарган Тошмуҳаммад Саримсоқов, Иброҳим Мўминов, Алишер Азизхўжаевлар ҳам устозни ҳузурларига чорлаб, доно маслаҳатлар олишарди. Чунки одамийликда ҳам, олимликда ҳам у барчага намуна бўлгулик билимдон эди...

Ҳаёт синов ва имтиҳонлардан иборат. Республика прокуратураси масъул ходими бўлган ёлғиз ўғли, суянган тоғи Ҳабибулла Саломов

кутилмаганда бедарак йўқолиб, на ўлиги, на тириги топилмагач, у телбаларча ўзини ижодга урди. Ўша оғир йилларда “Армон”, “Эй, умри азиз”, “Эзгуликка чоғлан, одамзод”, “Халоллик бозорда сотилмайди”, “Толибнома”, “Мен сув ичган дарёлар” сингари китоблар ёзилди...

Устознинг қиёфаси классик алломаларга ўхшайди: калта соқол, кўзойнак таккан, қўлига ҳасса ушлаган... Юзларини кўрибоқ кўз олдингизга рус адиби Антон Чехов келади. Ҳақиқатан ҳам, бу зотнинг мазмунли маърузалари, донишмандона фикрлари, теша тегмаган ҳикматлари ҳар қандай кишини ўзига чорлайди. Кексалик даврида ёзилган шеърий китоблари ҳам маънодор, дардли эди.

Сўнгги йилларда Ғайбулла ака шоирлар, олимлар, халқ табиблари ҳақида бадиалар ёзди. Ўзлари касалманд бўлишига қарамасдан, ўйлаган ижодий ишларини тугаллашга интилди...

Устознинг вафоти кутилмаганда рўй берди. Сўлим баҳор фасли дорилфунунда ўтаётган тадбирларидан бирида ҳушидан кетиб йиқилди. Шифокорлар етиб келишганда, не-не улуғ муаллимларнинг руҳи кезиб юрган қутлуғ ҳовлида жон таслим қилганди. Шум хабарни эшитган зиёли борки, Бодомзорга, Боксчилар кўчасидаги 59-хонадонга шошилди...

Дафн маросими камтарона ўтди. Ҳовли ҳамкасблар ва шогирдларга лик тўлди. Академия ректори Алишер Азизхўжаев ўзи таъзияга бош-қош бўлди. Домланинг руҳига тиловат қилиниб, ичкарига кирар эканмиз, охириги йилларда ҳовлида деярли ўзгариш бўлмаганига амин бўлдик. Улар кеча-ю кундуз китоблар ёзишга берилган, ҳовлига қарайдиган ўғил эса...

– Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилган кундан бошлаб, Ғайбулла ас-Салом шу олий даргоҳнинг профессори сифатида тингловчиларга дарс берди,—деган эди профессор Нажмиддин Комилов. — Устоз Академиянинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиб, жамоанинг ҳақли эҳтиромига сазовор бўлган эди. Биз бу кекса алломанинг нурли қиёфаси, илмий кенгашлардаги залворли фикрлари, насиҳат-ўғитларига ўрганиб қолган эдик...

Қарийб элликка яқин фан номзоди ва фан докторлари ишига раҳбарлик қилган, юзлаб шогирдлари билан фахрланиб юрадиган дарёдил зот эди у. Юртимиз донишманд олим, толмас тадқиқотчи, элга дардкаш, илму маърифатга камарбаста бўлиб келган ўзбек зиёлисидан ажралди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, катта қалб эгаси, фидойи инсон Ғайбулла Саломов бугунги куннинг алломаси эди десак янглишмаймиз. Ул зотнинг беғубор қиёфасини, пурҳикмат сўзларини, пок ҳаёт тарзини биз ҳали кўп хотирлаймиз. Устоз бир кундаликларида ёзганларидек:

Тугилган кунинг эсдан чиқса чиқсину, бироқ нима учун тугилганинг эсдан чиқмасин.

Одамларни барча кучли ва заиф томонлари билан, улар қандай бўлсалар шундайлигича қабул қилиш керак.

Агар сен ҳалол меҳнат қилсанг, одамлар сени ўзлари излаб топади.

Кўришни истасанг, ҳар қандай кимсада ҳам истаганча яхшиликларни кўришинг мумкин. Бунинг учун некбин кўз бўлиши керак.

Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас.

Юксалишни истасанг – бошқаларни кўтар!

Бошқаларни пастга тортаётган одам ўзининг ер қаърига кириб кетаётганини сезмайди.

Ёмоннинг ёмонлигини гапиргандан кўра, яхшининг яхшилигини гапирган яхши.

Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай бир тилда гаплашгинки, то гаплашгунингга қадар у сенга душман бўлса – дўстга айлансин!

Ижодкорнинг услуби одамнинг ички дунёсини, характерини, фикрларини очиб берар экан. Ғайбулла домланинг сўзда ва амалда бир хил бўлиб қолишининг ўзи мардлик ва жасорат эди...

Ўзбек миллий қомусчилигига тамал тошини қўйган олим, публицист, ғамхўр ва меҳрибон устоз Ғайбулла Саломовнинг мустақиллик даври

алломалари қаторидан муносиб ўрин олишига шак-шубҳа қилмайман.

УСТОЗ, МУРАББИЙ ВА ДЎСТ

Нажмиддин Комиловнинг ҳаётида 1965 йили муҳим бурилиш содир

бўлди: Ҳасан Қудратуллаев Душанбе шаҳридан кўчиб келган Қутбиддин эшон Муҳиддинов билан уни таништирди. Қатағон жафоларини тортган зиёли илоҳиёт, араб, форс тиллари ва адабиётининг билимдони бўлиб, Шарк шеърляти ва мумтоз адабиётни бемалол шарҳлаб берарди. Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг катта ходими бўлган Қутбиддин эшон “Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати” тўрт жилдлигининг фаол муаллифига айланди. Шундай қилиб, пиру муридлик муносабатлари шаклланиб, у филология фанлари номзоди Қутбиддин эшон Муҳиддиновнинг вафотига қадар (1983) давом этди.

70-йиллар охирида Ғайбулла Саломов Нажмиддин акани дорилфунунга ишга чақирди. Улар “Таржима назарияси ва амалиёти” фанига асос солиб, филолог ва журналистларга сабоқ беришди. Журналистика факультети талабаси бўлган камина ҳам 1978 йилдан бошлаб, уларнинг дарсларини тинглашга муваффақ бўлганман.

Ғ. Саломов мамлакатимизда бадиий таржиманинг ўта долзарб муаммоларини ўрганиб, янги илмий мактабга асос солди. Янги йўналишни шакллантириш мақсадида “Таржима тарихи”, “Таржима услублари”, “Таржима назарияси асослари” сингари дастур ва қўлланмаларни ёзди. 1980-йилларда “Таржима санъати” тўплами баёзи қўлма-қўл бўлиб кетди, тез орада унинг олти китоби босмадан чиқди. Унда жаҳон классик адабиёти вакиллари Данте, Ҳофиз, Хайём, Шекспир, Л. Толстой, Ҳейне, Гёте, Пушкин, Лермонтов асарларининг таржималари танқидий ўрганилиши бараварида, Навоий, Бобур асарларини рус тилига ағдариш масаласи ҳам кун тартибда қўйилди.

Саломов мулоҳазали, дипломат киши эди. Садоқатли шогирдлари – тортинчоқ Нажмиддин Комил, мулойим Тилак Жўра, мулоҳазали Султонмурод Олимни илмий ва адабий давралар билан яқиндан таништиришдан чарчамасди.

Нажмиддин Комилов муаллимлик ва таржимонлик фаолиятини бирга олиб борди. Ижодий муҳитдан фойдаланиб, кечаю-кундуз илм ва ижоддан

завқланиб яшади. Бу борада Аллоҳнинг қудрати ва ўз кучига ишониб, истеъдоди ва иродасини намоён эта билди.

Бир гал домладан: “ Бундай донғи кетган асарларни ёзишга қандай вақт топдингиз?”, деб сўрадим.

– Ҳали куч-қувватим бўлган ва соғлиғим яраган пайтда барига улгуриш кераклигини руҳан ҳис қилдим, –жавоб берди устоз. Яна қўшиб қўйди: – Инсон эртага нима бўлишини билмайди. Сиз ҳам имкон туғилганда, илҳом париси қўнганида, яхши нарсаларни ёзиб қўйишни ёддан чиқарманг.

Шарқ шеърятининг етук вакиллари – А. Жомий, Ф. Аттор, Ж. Румийнинг бебаҳо асарларини Н.Комилов ўгиргана таржимасига танқидчилар жуда юқори баҳо беришди. Сабаби, Нажмиддин ака ўзбек ва тожик тилларини барабар биларди. Жомий ва Навоий “Хамса”сига жо бўлган илоҳий сўзларнинг маъно-мазмунини шарҳлашга билим-тажрибаси етарди. Юртимизда бундай сўфиёна мақом, даражага етган олимлар санокли эди.

90-йиллар бошида “Ёшлик” журналида “Ўлмас сатрлар қудрати”, “Ишқни оловлантирган сув”, “Жон ва жонон можароси”, “Тимсоллар тимсоли”, “Ахтарин ашк этдию...”, “Эрур кўнгилларга сафо ишқ”, “Аҳд қилдим...”, “Соқий, талх бўлди айшим” каби теран илмий-таҳлилий мақолалар босилгандан кейин олимни халқимиз қайта кашф этди. Мумтоз шоирларнинг ижодини шарҳлаб берилиши ўзбек адабиётшунослигида янги воқеа эди, албатта. Ана шу шарҳлар, изоҳлар олимнинг иқтидори ва имконияти баландлигидан далолат берарди.

Нажмиддин Комиловнинг қисқача таржимаи ҳолига назар ташласак. 1937 йил 5 октябрида Тожикистоннинг Панжикент туманида таваллуд топди. 1965 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тугатди. Филология фанлари доктори (1985), профессор (1991) бўлди. Ўзбек энциклопедияси Бош таҳририятида катта муҳаррир (1970–71), ТошДУда катта ўқитувчи (1971–75), Тошкент шарқшунослик институтида кафедра мудири (1991–94; 2001 йилдан), Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссиясида раис (1999–2001) бўлиб ишлади. Аммо умрининг сўнгги 18

йилини тасаввуф намояндалари фаолиятини тадқиқ этиш, тасаввуф тарихини ёзиш ва, ниҳоят, Ўзбекистонда тасаввуф мактабини яратиш ишига сарфлади. Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ибн Арабий, Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилди. Ўз навбатида, Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, Султон Валаднинг “Маориф”, Азизиддин Насафийнинг “Зубайдат ул-хақойиқ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарларини моҳирона ўзбекчаштирди.

Нажмиддин Комилов даставвал таржима, қиёсий адабиётшунослик, таржима тарихининг назарий масалаларига оид тадқиқотлар олиб борган бўлса, кейинроқ матншунослик ва адабий жанрлар ривожига билан боғлиқ масалаларни ўрганди. Тақдир ниятга яраша бўлади. Кўп вақт ўтмасдан, салоҳияти баланд домлани давлатимиз юқори лавозимларга лойиқ қўрди. 1994–1995 йилларда Президент девонида бош консультант, 1995–1999 йилларда Давлат ва жамият қурилиши академиясида илмий ишлар проректори лавозимида ишлаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маънавият ва маърифат соҳасидаги минглаб истеъдодларни тарбиялаб етиштирди.

Яхшидан боғ қолади, дейдилар. Домла масъулиятли ишлар билан банд бўлишига қарамай, ўзининг илмий мактабини яратиш ғоясидан воз кечмади. Шоҳ ва дарвеш, тасаввуф ва дин муносабати масалаларига доир ўнлаб йирик тадқиқотларни ёзиб, жамоатчиликка тухфа қилди...

1998 йилда Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясини битиргандан кейин усозим етакчининг нутқ маданиятига доир магистрлик ишимни давом эттиришни сўрадилар. “Сиёсий етакчи нутқ маданиятининг жамиятни демократлаштириш жараёнларига таъсири” мавзусидаги тадқиқотни ёзиб тугалладим, 2004 йилда диссертацияни ёқлаб, сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олдим.

Ойига камида уч марта устоз билан учрашиб, идоравий ва илмий ишлар бўйича маслаҳатлар олардим. Ўшанда “Ибн Сино” номидаги тиббиёт

нашриётига раҳбарлик қилардим. Академия биноси 12-қаватидаги кабинетга кирар эканман, эшикнинг ўнг тарафидаги деворда ҳассага суянган кўйи дунёни кузатаётган Ғайбулла Саломовнинг портретига кўзим тушарди. Ҳа, Саломов–Комилов мактаби адабиёт аҳлига бадиий таржима – истиқболли, баракали ижод йўналиши эканлигини сингдиришди. Бунинг натижасида икки тилли зуллисонайн таржимонлар авлоди етишиб чикди.

Нажмиддин Комилов илм ва ижодда таққослаш, солиштириш услубини кўп қўлаган. Жумладан, “Ибн Сино ва Данте” (1983) асарида ўзбек олимларидан биринчи бўлиб Шарқу Ғарбнинг адабий алоқаларини даврлаштирди. Машҳур итальян шоири Данте Алигъерининг (1265-1321) “Илоҳий комедия” номли асари таҳлилига киришганда, бу умуминсоний қадрият ва қарашларнинг илдизларини “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна”, “Синдбоднома” сингари Шарқ дурдоналари бағридан излайди. Рисола муаллифи Ғарб тафаккурига Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби марказий осиёлик донишмандларнинг кўрсатган таъсирини далиллашга уринади. “Шарқ Уйғониши улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, тафаккур ва ижод паҳлавонларини майдонга келтирди,—деб ёзади Н. Комилов.— Бу улкан маданият умумбашарий цивилизацияга қўшилиб, унинг узлуксиз ривожига омил бўлди, турли алоқа воситалари орқали Ғарбга ўтиб, янги Европа тафаккури тараққиётига таъсир кўргазди. Етти аср давомида араб халифалиги қўл остида турган Испаниянинг Қурдоба, Сивилия, Ғиронада вилоятларида Шарқ илм-маърифати кенг қанот ёйди. Испан қироллари араб тилини мукаммал билар, ўз саройларида араб шоир ва олимларини сақлар, барча испан зиёлилари арабча таълим олиб, шарқона урф-одат руҳида тарбияланар эдилар”⁴.

Шарқ илм-фани ва маданиятининг Европага кўчишида таржимонлар улкан хизмат қилдилар. XII асрларда араб тилидаги илмий асарларни лотин, испан, француз, кастил тилларига таржима қилиш авж олди, Толедо ва

⁴ Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. —Т.: Маънавият, 1999. — 57-бет.

Болоня шаҳарлари таржимачиликнинг йирик марказларига айланди.

“Бу қадимий санъат” (1988) китобида илмий ғоялар, фикрлар изчил давом эттирилди. Китобда XVIII–XX аср бошларида Хоразм адабий муҳитининг Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Бобожон Санойи, Комил Хоразмий, Баёний каби ижодкорларининг таржимонлик маҳорати тадқиқ этилган. Хоразм таржима мактаби Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Кайковус, Шайх Саъдий Шерозий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий сингари машҳур ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилига ўгириб, доврўғ ёйган эди. Бу мактаб вакиллари ўзбекчалаштирган асарлар қаторида “Маҳбуб ул-қулуб”, “Анвори Сухайлий”, “Ҳафт кишвар”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Зубдат ул-ҳикоёт”, “Қобуснома”, “Раъно ва Зебо”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Саломон ва Абсол”, “Вомиқ ва Узро”, “Бадоеъул-вақоеъ”, “Равзат ус-сафо”, “Зафарнома”, “Тулистон”, “Бўстон” сингари ранг-баранг услуб, мавзу ва йўналишдаги китобларни келтириб ўтиш мумкин.

“Тасаввуф” номли икки жилдлик (1996, 1999) монография устознинг илмий мақомини юксак даражага олиб чиқди. Маълумки, тасаввуф илми сирасорлари ҳақида ёзиш учун диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаш талаб этилади. Тасаввуфни англамасдан туриб, миллий маънавият тарихи, Шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъатини яхши ўрганиб бўлмайди. “Ислом тарихи бизда тасаввуф тарихи билан бирга олиб қаралгандагина тўғри ёритилиши мумкин”, дейди муаллиф. Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби шайхларимиз эътиқод қўйган илм ҳам айна тасаввуф эди. Халқ маънавиятининг ўчмас хазинаси Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Атойи, Жомий, Навоий, Машраб, Огаҳий, Амирий, Сайқалий ва яна ўнлаб шоирлар асарларининг бош ғоялари, тимсол ва тамсиллари ҳам тасаввуф негизида қурилган эди.

“Тасаввуф, бу – Мутлақ илоҳни таниш ва севиш; авлиёлар эътиқодидан

тузилган; покиза ахлоқ ҳақидаги илмдир”.

Ўзбек китобхонлари Н. Комиловни нозик дидли таржимон сифатида биларди. Устоз 90-йилларда Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”, Шайх Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-хақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) сингари асарларини маҳорат билан ўзбекчалаштирди. 1994 йилда Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома” асари таржимаси 40 минг нусхада чоп этилди. Бу шоҳ асарнинг таркибида уч юздан зиёд ибратли ҳикоят, тамсил ва қиссалар жойлашган. Унинг ўзбек тилидаги нусхаси ўша маънавий хазинадан кичик бир гулдастадир, албатта. Китоб хотимасида таржимон Атторнинг фалсафасини шундай очиқ беради: “Чексиз катталиқ ва чексиз кичиклик ва торлик (қабз), ёйилиш ва йиғилиш, мухтасарлик ва муфасаллик, зарару наф, яралиш ва йўқолиш, берклиқ ва ошқоралиқ, куллу жузъ, қотиш ва суюқлашиш, туғилиш ва ўлиш, тортилиш ва узоқлашиш ва ҳоказолар, буларнинг мувозанати, зиддиятлари ҳақида, бу тазодий воқеа-ҳодисаларнинг “жангу сулҳи”, улардан инсон ақли, шуури ва руҳида пайдо бўлган ўзгаришлар хусусида ёзади”⁵. Буюк Атторнинг ҳикматлари файласуф ва филологлар, шоир ва адиблар учун энг қимматли манба ҳисобланади.

Ноширлик давримда ушбу таржималарнинг нашрида имкон қадар иштирок этдим. Ёдимда, бир куни “Футувватнома...” таржимаси қўлёзмаси дарагини эшитиб, Нажмиддин аканинг уйларига ўтдим. Бошқа нашриётлар эндигина харидор бўлиб туришган экан.

–Қанча нусхада босишади? – сўрадим.

– Тахминан 5 мингта дейишди.

–Биз уни ўттиз минг нусхада чоп этамиз,–дедим. –Шу қўлёзмани “Мерос” нашриётига топширсангиз.

Кўндирдик. Шундай қилиб, китоб ўттиз минг нусхада дунё юзини

⁵ Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин, тафсир. Амалга оширувчи: Нажмиддин Комилов. – Тошкент, Ёзувчи, 1994. –73–74 бет.

кўрди.

Футувват нима дегани? Фатий – “ёшлик”, “ёш йигит”, “жавонмард” маъносини билдиради. Табиийки, гап ҳалоллик, поклик, эътиқод ҳақида борар экан, яшашнинг шу йўлини интиҳоб қилган жавонмардлар унга сидқидилдан амал қилганлар. Футувват қуйидагилардан ўзларини четда сақлаган: ғийбат, ёлғон, ножўя, номақбул сўзлар, ҳаром нарсалардан ҳазар, халқ озоридан қўлини тортиш...⁶ Муаллиф ўз асарида эътиқод, тўғри яшашнинг сир-асрорларини адаб қоидалари орқали тушунтиради. Навоийнинг таъкидича, Хуросон давлати улуғлари даврасида Қуръон тиловати ва шеър замзамасида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг олдида тушадиган одам бўлмаган. Қироатни маромига етказгани, зоҳирий ва ботиний билимларни мукаммал билгани учун бул зот Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг назарига тушади. Шу жиҳатдан олганда, биз нашр этган рисола кўпчиликка манзур эди.

Биз ижодий ҳамкорликни давом эттирдик, 1995 йилда “Нажмиддин Кубро” номли рисола чоп этилди. Китоб “Силсила”, “Кароматлар”, “Муридлар” каби боблардан ташкил топади. Унда Хоразмнинг донғи кетган фарзанди Нажмиддин Кубро (1145–1221)нинг Эрон, Миср, Шом, Ироқ, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Тус каби мамлакату шаҳарларда яшаб, маънавий-руҳий балоғатга эришиш босқичлари ёритилади. Айниқса, Шайхнинг мўғул босқинчиларига қарши кураши ва ўлими воқеаларини ҳаяжон билан ўқийсиз.

Рисолада адабиётшунослик фанига бир қатор тушунча, атама ва талқинлар киритилган. “Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади, – дейди муаллиф. – Доира – фалак доираларининг айланиши, доғ – дунё тимсоли ва нуқта – ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо

⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик тилидан Н. Комилов тарж., –Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. –10 бет.

булар марказга томон, яъни нукта сари интилади. Нукта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.”⁷

Энди, ўрни келди, профессор Нажмиддин Комиловнинг илм-фан, адабиёт, санъат ва жамиятимиз олдидаги улкан хизматларига тўхталсак.

Биринчи хизмати шуки, давлатнинг юқори лавозимларида ишлаган даврида маънавиятнинг нуфузи, обрўсини ошириш зарурлигини жамиятга англатди. Хусусан, Амир Темур, Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек салтанатни бошқаришда маърифатли зотларга нечоғлик суянгани туфайли мамлакат равнақ топиб келганлигини асослади. Домланинг эзгу ғоялари, фикрлари юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 1994 йилда республика Маънавият ва маърифат марказини ташкил этишга доир тарихий қарор қабул қилинди. Мазкур соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, вилоят ва туманларда маънавият масаласи бўйича ҳоким муовини лавозими жорий этилди.

Иккинчи хизмати шуки, давлат ва жамият бошқаруви академияси тингловчилари бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари, муовинлари, масъул ходимларига ислом динининг маърифий вазифаси, тасаввуф илмининг моҳиятини янги талқинларда кўрсатиб, илм-фан, маънавиятга ўзгача меҳр-муҳаббат уйғотди. Ислом фалсафаси, тараққиёт фалсафаси, ўтиш даври психологиясини, замон талабларини англата билди. Истеъдодли шогирдлар узоқ туманларга раҳбар бўлиб ишга борганида, динимизда сақланган тўғрилиқ, адолатпарварлик ғояларини тарғиб қиладиган, бу борада нима тўғри-ю нима хурофот эканини тушунадиган даражага етдилар.

Учинчи хизмати шуки, қадим юртимизда тасаввуф қоидаларини ёйиб, ўзининг илмий мактабини яратди. Бу мактабнинг Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олим, Садриддин Салим Бухорий, Анвар Турсунов сингари давомчилари туғилди. Улар Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтларида, Самарқанд, Тошкент, Бухоро дорилфунунларида,

⁷ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. –Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 21 бет.

Шарқшунослик институти ва Ислом университети (академияси)да ишлашади ёки таҳсил олишади. Умид билан экилган ниҳоллар ширин меваларини бера бошлади...

Инсон комиллик йўлига узоқ йиллик пиру муридлик машаққатлари орқали эришади. Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир. Зотан, инсоннинг мутлақ ҳақиқат, мутлақ адолат ва покликка эришиш истаклари айтилиб тасаввуф орқали тўлиқ шаклланади. Бу эҳтиёж, орзу, кучли завқ ва иштиёқни, ўзини унутиш ва беҳудликка олиб борган Ишқни келтириб чиқаради. Мовароуннаҳр тупроғида ўрта асрларда шакллана бошлаган ўз-ўзини такомилга етказиш ғоялари, эзгулик, хайр, ҳиммат, мардлик ҳақидаги қарашлар бутун мусулмон оламига кенг тарқалиб, катта ижтимоий ҳодисага айланаёзди. Аммо, афсуслар бўлсинки, собиқ иттифоқ даврида руҳият илми ривожи тўхтаб қолди. Фақат 1990-йиллар ўрталарида филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” номли икки жилдлик тадқиқотида Шарқ фалсафий тафаккури юксалишини белгилаб берувчи тасаввуф таълимотини янги ғоялари, фикрлари билан бойитди!

Тўртинчи хизмати шуки, тасаввуф илмидан бохабар, ҳалол, иймонли, садоқатли шогирдларни тарбиялашга улгурди. Айтилиб дамларда, мухлис ва шогирдлари олий ўқув даргоҳларида ишлаб, устознинг ишини самарали давом эттирмоқда.

Тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоийнинг дунёқарашини, адабий меросини мураккаблиги, фалсафий теранлиги билан ҳаққоний ёритиб бўлмайди. Бу илмий хулосани замондошларимиз кўриб ва сезиб туришибди. Тан олиш лозимки, маънавий отамиз бўлган Навоийнинг ижодида яширинган маънолар хазинасини яхши билмаймиз. Бу масаланинг ечимини топиш вақти аллақачон етиб келган бўлса-да, таълим даргоҳида ўқитиш бўйича ечим топилган эмас.

Нажмиддин Комилов жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳолати, одамларнинг фикрлаш тарзи, тафаккур дунёси даражаларини биларди. Навоийнинг ижоди таҳлилига узоқ вақт сарфлаган эди. Чунки Ҳазрат асарларида тилга олинган ярамас иллатларнинг бугунги кунда ҳам яшаб келаётганидан азият чекарди. *“Нафс домига тушган одам бир хиёнат кетидан иккинчисини қилаверади. Алдаш, ёлгон сўзлаш, найранг ишлатишни ўзининг “ҳунари”га айлантиради”*,–деб ёзади устоз “Хизр чашмаси” китобида.

Инсондаги ахлоқий сифатларни тарбиялаш йўли орқали жамиятни барқарорлаштириш, юксалтириш зарурлигини кўп тарғиб қиларди. Асарларида Аллоҳнинг одамларга юқтирган ажойиб хусусиятлари моҳиятини имкон қадар очиб беради.

Олимнинг фикрича, инсонга тухфа этилган *биринчи хислат – қаноат*. Кишида қаноат бўлмаса, бориға шукр қилмаса, Аллоҳ берган ризққа кўнмаса, тамаъгир бўлади, бошқалар молиға кўз олайтиради, натижада тўғри, ҳалол яшашдан чекинади. “Таъма – бу қуллик, чунки бировдан доим бир нарса кутиб ўтирган одам ўз нафсининг қулиға айланади. Қаноатли одам илм ва маърифат билан шуғуллана олади, дунё ва охиратни ўйлайди. Таъмагир, ҳарис одамда илм билан шуғулланишга, маърифат эгаллашга вақт йўқ. Туну кун олтин ҳирсида яшайди. Яратган Парвардигори эсига тушмайди, демак маънавий дунёси ҳам қашшоқлашиб қалби қотади, тошбағир махлукқа айланади”. Нақадар тўғри таъриф! Бугунги кунда Юртбошимизни ҳаддан зиёд қийнаётган коррупция, порахўрликнинг илдизи ана шу қисқа сўзларда аниқ-тиниқ ёзилган.

Иккинчи хислат – саховат. Ғариб ва бенаво, бева-бечора, етим, қаровсиз қолган қариялар, толиби илмлар, хуллас фақиру ҳақир одамларга қилинадиган ҳотамийлик асли бу. Аммо сахий, бадавлат одам керилиш ва миннат учун шу ишларни қилмайди.

Учинчи хислат – маърифат. Аввало Илоҳ маърифати ҳаммада бўлиши жоиз. Лекин унга эришиш учун инсон ўзини чуқур ўрганиши ва яхши билиши керак.

Мисол учун, Навоий дostonларининг қаҳрамонлари имон-этиқоди мустаҳкам, илм-маърифати етук шахслар. Олимлар – хору зор, жоҳиллар – мансаб эгаси, деб афсус чекади шоир. Жамиятнинг ёзилмаган “қоида”си ҳозирда ҳам мавжуд.

“Хизр чашмаси” китобининг “Қалбларнинг севгани” бобида ўрта асрлардаги тасаввуф адабиёти билан замонавий адабиётнинг фарқини кўраимиз. Унинг илдизлари, такомиллашув жараёнларидан хабардор бўламиз.

...Хўш, тасаввуф илми деганда нимани тушунаимиз? Бизга маълумки, тариқатнинг Марказий Осиёга ёйилиши X–XI асрларда яшаган буюк мутасаввуф Юсуф Ҳамадоний (1048-1149)дан бошланган. Ул зоти мукаррам Бухорога кўчиб келгач, ерли халқ вакилларида юзлаб муридларга бу илмнинг сир, аҳкомларидан таълим беради. Муридлар ичидан Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийдан иборат тўрт забардаст сўфий етишиб чиқади. Улардан Гиждувоний “хожагон” тариқатини ривожлантиришга муваффақ бўлади. Ҳамадоний бошлаган “Силсилаи шариф” – “Олтин занжир” араб давлатларидан энди ўзбек диёрига кўчади.

Тасаввуфнинг мағзида илми Ҳақ – ботин илми, қалб тафаккури ётади. Инсон ўз заковатига ишониб, Ҳақнинг ягоналиги ва улуғлиги ҳақида тафаккур қилиши лозим. Сўфий шоирлар ижодининг марказида шу мақсадлар ётади. Лекин, собиқ тузум даврида бу илм, ҳатто ислом динининг мақсад ва вазифалари халқимиздан яширилди. Оқибатда ўзбек халқи ҳам динсизлик, этиқодсизлик ва фикрсизлик ботқоғига ботди. Асли, бу – шахс ва жамият таназзули, улкан йўқотиш, орқага кетиш эди. Динсиз, этиқодсиз, фикрсиз киши билан узоққа бориб бўлмайди. Устоз масаланинг айни шу нозик жиҳатига жамоатчилик этиборини қаратиб, фандаги “бўшлик”ни тўлдиришга ҳаракат қилади. Олим Робия Адавия, Мансур Халлож, Аҳмад

Яссавий, Алоуддин Аттор, Абдулло Ансорий, Абусаид Абулхайр, Абдурахмон Жомий, Умар Ҳайём, Пахлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Машраб, Мирзо Бедил сингари тасаввуф йирик намояндаларнинг ижодини чуқур таҳлилдан ўтказиб, Аллоҳга муҳаббат, садоқат, фидойиликнинг асл моҳиятини тушунтиради. Бу мураккаб вазифани удалаш санокли ўзбек олимларининг қўлидан келади, холос.

Собиқ Иттифоқ даврида дин – афъюн, тасаввуф – реакцион мистик оқим, деб қора тамға босилди. Бундан кўзланган пинҳона мақсад – жамиятда комил инсонни эмас, сохта, ёлғон ғояларга эътиқод қўйган авлодни шакллантириш, унинг устига зўравон тузумни куриш ва одамларни бошқариш бўлганди. Совет замонида яшаган таниқли олимлардан бири Е.Э.Бертельс ҳам Навоий “Ҳамса”си дostonларидаги илоҳий муҳаббат ғоясини инкор этади. Олим илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббатни бир-бирига зид қўйиб, “шоир кўпроқ иккинчисини қуйлаган”, деган хато фикрни билдиради⁸.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг тадқиқотларида ҳаққоний, соф ёндашувни кўрамиз. Келинг, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonига шарҳларини кўриб чиқайлик. “Руҳи Мутлақ ошиқ ва маъшуқа танига киради, шунда Руҳлар ўзаро туташади,—деб ёзади муаллиф. – Аммо тонг ёришганда, севишганлар эл назаридан кўрқиб, яна ажралишади, негаки ҳали Руҳи Мутлаққа яқинлашув бир-бирига сингиш ва эриб кетиш дегани эмас... Лайли Ўз эгаси қошига келгач, ўлимни қувонч билан қарши олади, сабаби маъшуқаси – Илоҳ васлига ахийри етишади. У фоний дунёнинг кайф-сафоси, лаззатларидан қутулиб, абадий фароғатга етишгани туфайли бахтлидир. Лайлининг Илоҳ васлига етишганини билган Мажнун йўлга тадорик кўради. Иккови ҳам висол они яқинлашгани, севгилиси (Илоҳ) билан мангу қовушиш имкони етиб келганидан хурсанд”. Сўфий шоирнинг хулосасига кўра, ҳар бир одам ошиқлик йўлини тутиб, ишқ тариқатига кириб, ўзини ўлимга эмас, балки васл майини ичишга тайёрлаб бормоғи даркор. Албатта,

⁸ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи и Джами. –М.: 1965. – С.122.

инсоннинг ақли ва фаросати Илоҳни тасаввур этишга ожизлигини билган Навоий уни Лайли тимсолида беради.

Ана шундай илмий талқинлардан энг машҳури шоҳ ва дарвешга бағишланади. Сўфий шеъриятида дарвешлар зоҳиран афтодаҳол, жанда кийимда (хирқада) кўринса-да, лекин ботинан илм-маърифатли, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлган. *Тасаввуф аҳли наздида “шоҳ – қул, дунё қули. Чунки у мол-дунёга ҳирс қўйган одамларнинг энг “пешқадами”, энг зўри,*– дейди олим. – Шундай қилиб, шоҳ дунёдан тўймаслик, зулму зўравонлик рамзи бўлса, дарвеш ўз хусусияти билан шоҳнинг бутунлай тескараси – салтанат, тахту тожни инкор этиш, унга нафрат тимсолидир”⁹. Демак, халққа раҳбар бўлиш учун инсон қалбини илоҳиёт нури ва маърифат дунёси билан зийнатлаши лозим, деган хулосага келади.

Устоз ҳокимият, подшонинг имконияти билан маърифат, билимнинг даражасини қиёслаб, мансабга хос ижобий ва салбий қусурларни санаб ўтади. Инсондаги ҳокимиятга ҳирс, дунёпарастликни танқид қилади. “Ҳар қандай подшо яхшиларни ҳимоясига олиб, олимлардан доимо маслаҳат сўраб, ёмонларни жиловлаши ва жазолаши лозим”, деган фикрни илгари суради. Мазкур ғоялар ҳозирда ҳам ҷамиятимизда ўз қимматини йўқотмаганига тўла амин бўлмоқдамиз.

Домланинг “Садди Искандарий” достонига оид тадқиқоти ҳам ўзбек адабиётшунослигида янгиликдир. Асардаги ота ва бола, шоҳ ва раият, шоҳ ва аъёнлар, устоз ва шогирд, шоҳ ва дарвеш, донишмандлик ва амалиёт, тақдир ва тадбир, инсон ва Худо муносабатига оид ахлоқий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикрлар ҷамият аъзоларини тарбиялайди, ҳам поклайди...

Искандар тақдирида жаҳонгирлик ёзилган, у бу мақомга фақат ўткир билими, маънавий-ахлоқий камолоти туфайли эришган. Асарда инсон комилликка етиб, юқори мартаба-ю, мақомга, шон-шавкатга эришганида манманликка берилмаслиги, Худо олдида ўзини ожиз ҳис этиши тараннум этилган. Бу мураккаб нуқталарни бирма-бир таҳлил қилган муаллиф:

⁹ Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005. –102-бет.

“Шоҳлик унинг учун зўрлик ва ҳукмронлик воситаси, мумтозлик белгиси эмас, балки халқ ва Ҳақ олдидаги вазифа, бурч эди”, деган хулосага келади.

Ўзаро суҳбатларимиз чоғида домла: *Ўз вужудингга тафаккур айлагил, ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил*, деган тасаввуфнинг олтин қондасини кўп такрорлар, яъни инсон ўзига ишониб, мақсадлари сари интилиши лозим, токи бошқаларнинг кўмагини кутишга зарурат қолмасин, дер эди.

Устоз китобларидаги ғаройиб талқинлар, фикрлар, услублар сизни ўзига жалб этади. Сўфиёна ғоялар ўқувчи қалбини маърифат нури билан тарбиялаб, ўзини англашга даъват қилади. Аллоҳ томонидан яратилган илму ҳикматни билиш, ҳаётда мусаффо руҳ, пок ният билан яшашга ўргатади. Биз тасаввуф илмининг нозик қирраларидан хабардор бўлганимиз сари дунёни қалб кўзи билан кўришга ҳозирлик кўрамыз...

Нажмиддин Комилов “Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи” (1-китоб, 1996), “Тасаввуф тавҳид асрори” (2-китоб, 1999) китобларида тасаввуфнинг моҳиятини чуқур тадқиқ қилиб, бир вақтлар четга суриб қўйилган, ман этилган, ўтмиш билан бугун ўртасида бузиб ташланган кўприкни тиклашга урингани ўзиёқ қаҳрамонлик эди, назаримизда. Ислом дини, нақшбанд тариқати, фалсафа, мантиқ ва бадиий адабиёт илмидан хабардор Нажмиддин ака ўзбек халқига шоҳ, дарвеш, нафс, маърифат, қаноат, саховат маъноларининг моҳиятини тушунтириш бараварида, одамларни ҳаётда зоҳирий (ташқи) амалларга, ўткинчи ҳою-ҳавасларга, нопок хатти-ҳаракатларга кўнгил боғламасликка ундади. Устознинг ўзлари ҳам руҳий поклик, тартиб-озодалик қоидаларига амал қилиб яшадилар.

Профессор Нажмиддин Комилов жамиятимизга улкан хизматлар қилган, шоҳ асарлар битган бўлса-да, жуда камтарона ҳаёт кечирди. Тўғриси, шу йўлни ўзига раво кўрди. Олим “зиёли шахснинг сўзи ва иши бир бўлиши керак”, деган ақидага суянди. Гарчи юқори мансаб, нуфузли давлат идораларида масъул лавозимларда ишлаган бўлса-да, луқмаи ҳалол ризқи билан оилани боқиш, халқ билан хушмуомалада бўлиш, кибру такаббурлик

кўчасидан узоқда юришга одатланди. Сағбондаги Олча торкўчасида, танга тушгулик ҳовличада қирқ йил умргузаронлик қилди. Сокин, тоза, осуда муҳитда ўзининг энг сара, забардаст асарларини авлодларга ёзиб қолдирди.

Эшитишимизча, йигирма йилча бурун шифокорлар ўт қопи жарроҳлигида донор қонидан гепатит С асоратини Нажмиддин акага юқтиришибди. Пинҳона кечган жигар хасталиги ишини қилиб, ахийри енгди...

Халқимизнинг суюкли фарзанди, шарқшунос олим ва жамоат арбоби Нажмиддин Комилов 2012 йилнинг 26 апрелида 75 ёшида оламдан кўз юмди. Устоз “Чиғатой” қабристонидида – давлат, маданият ва санъат арбоблари ёнида мангу уйқуда ётибди. Зиёратгоҳга ҳар гал кирганимда, қалбим ҳаяжонга тўлади, кўзларим намланиб, илиқ хотиралар ёдимга тушаверади. Ўткинчи дунё билан хайрлашиб, боқий дунёга йўл олган хоксор инсон Нажмиддин Комилов энди орамизда йўқ.

Мен Нажмиддин аканинг шогирди, мухлиси эканлигимдан фахрланиб юраман. Улар ёзган ўлмас мисраларни кўпинча ичимда шивирлайман:

*Ойдин тунда ой меҳмонинг бўлганда,
Кўйнинг, кўнглинг кумуш нурга тўлганда,
Эслаб қолсанг шунда мени мабодо,
Секингина шивирлагин: қайдасиз?*

*Нигоҳингни сеҳрласа кенг само,
Зухра юлдуз туҳфа этса хуш наво,
Қулоғингга чалинса таниш садо,
Секингина шивирлагин: қайдасиз?*

*Садо бўлиб кириб борай хонангга,
Ўлтирайин ойга боқиб ёнингда.
Мени излаб талпинганинг онингда,
Секингина шивирлагин: қайдасиз?*

Нажмиддин ака менинг устозим, мураббийим ва оғайи дўстим эди!
“Устоз, Сиз билан мулоқотдаларим ҳаётимнинг энг тотли, файзли онлари

эди. Сиз тасаввуф илмидан мадад олиш, ҳалол яшаш, сабрли бўлиш ва адолатли ишларга бош қўшишни ўргатдингиз. Елкангизга чопон ташлаганча, жилмайиб турган сиймонгизни эслаганда, китобларингизни ўқиганда, ичимда секингина шивирлайман: “Сиз ёнимиздасиз, Устоз!”.

МОҲИР ТАРЖИМОН

1989 йилда Адабиёт ва санъат нашриётининг “Наср таржимаси” тахририяти мудир лавозимида хизмат қилардим. Бир куни эндигина олтмишни қоралаган, барваста гавдали, синчков Қодир Мирмуҳамедов учта калин папкани кўтариб эшикдан кириб келди. Илиқ саломлашдик. Устоз тақдим этган асарларни бажонидил қабул қилдим. Мухаррирларга тезликда кўриб чиқишни тайинладим, чунки бу ноёб қўлёзмаларни вақтида чоп этмасак, бошқа нашриётлардан, албатта, харидор чиқарди. Ходимлар танишиб бўлгач, ўша пайтнинг талаби бўйича, уларни нашриётнинг мавзулар режасига киритдик. Бу хушхабардан устознинг бошлари осмонга етди.

–Укажон, сиз ҳали янгисиз, “ўйин”ларни деярли билмайсиз. Биласизми, шу мумтоз адибларнинг асарлари таржимасини тугатганимга етти йилдан ошибди. Нашриёт режасига киритишмаса, нима қилай?! –деди Қодир ака.

– Ўтган ишга саловат. Шахсан ўзим сизни ҳимоямга оламан... Таржималарингиз халқимизга етиб борса, китобхонларнинг онги, тафаккури ўзгаради, –дедим кўнглини кўтариб. –Миллатимизга юксак савияли, бақувват асарлар зарур. Социализмнинг сохта ғояларини мадҳ этган енгил-елпи, саёз китобларни чоп этишдан фойда йўқ.

–Баракалла, ўғлим, менинг неча йиллик дардимни очик айтдингиз... Жамиятимизга ҳам ошкоралик замони етиб келганига ишондим.

Қодир ака миннатдорчилик билдириб, хонадан чиқиб кетди.

Кечаги гап ҳамиша бугунга тўғри келмайди. Ҳадемай, “ошкоралик” компанияси бутунлай барҳам топиб, ноширларнинг мавзулар каталоги (беш йиллик режамизга жаҳон адабиётининг энг илғор асарларини киритган эдик – Б.О.) давлат томонидан яна қаттиқ назоратга олинадиган бўлди. Фуқаронинг маърифати, тафаккур дунёсини бойитадиган китоблар рўйхатдан бутунлай олиб қўйилди. Халқимизга руҳий-маънавий озуқа берувчи Европа ва Лотин Америкаси ёзувчилари асарлари ҳукмрон мафкурага тўғри келмас эмиш...

Биз Қодир аканинг биргина китобини чоп этишга улгурдик. Бу –Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романи эди. Қолган иккита таржимаси тахририят ғаладонида қолаверди. Ўзи ҳам воқеаларнинг шитобидан хабардор бўлгач, йўлақларда овози эшитилмай қолди.

Шу бўйи, биз беш йилча кўришмадик. Бир куни Мустақиллик майдонида тасодифан учрашдик. Ўша салобат, ўша викор ва ўша классик киёфани кўриб хайратландим. Қодир Мирмухамедов арбобсифат француз адибларига ўхшаб кетарди. У ёқ-бу ёқдан гаплашгач, “сиёсий” вазиятни илғади, шекилли, мендан хафа эмаслигини айтди.

–“Жаҳон адабиёти дурдоналари” туркумидан ўрин олган асарларни юртдошларимизга тезроқ етказиш илинжида туну кун ухламадим,— деди Қодир ака хафа бўлиб. – Баъзи йирик китобларнинг таржимасига қарийб ўн йил умрим кетди, укажон.

Бу гапларни эшитиш менга оғир эди, албатта. Шунда иложсизлигим, имкониятим чекланганидан афсусландим. Халқини маърифатли бўлишини хоҳлаган, фидойи, жасоратли таржимоннинг меҳнати ноширлар томонидан кадрланмаганидан озгина эзилдим...

Қодир Мирмухамедов ўзбек заминида дунёга келган буюк ижодкор эди! Улар халқимиз кўзига суртиб ўқийдиган Ҳомернинг “Илиада”, “Одиссея” дostonлари, Ж. Бокаччонинг “Декамерон”, Л. Толстойнинг “Ёшлик” повести, В. Гюгонинг “Бюг Жаргаль”, Ж. Лондоннинг “Мартин Иден”, Р. Тагорнинг “Хонадон ва жаҳон”, “Сўнгги дoston”, М. Горькийнинг “Клим Самгиннинг ҳаёти”, М. Бульгаковнинг “Уста ва Маргарита” каби қирқдан зиёд йирик асарларнинг таржимони сифатида юртимизда ном қозонган эди.

...“Илиада” дунёнинг шоҳ асарлари сирасига киради. Манбаларда ёзилишича, Александр Македонский бу дostonни ҳарбий юришларида олиб юрар, кечаси ёстиғи тагига қўйиб ётар экан. Буни эшитганимдан кейин “Илиада” дostonининг ўзбекча нашрини яна ўқиб чиқар эканман, таржимоннинг бадий маҳорати-ю, сўз бойлигига тасанно айтдим. Дostonда Троя (Илион) шаҳри бўсағасида юнонлар билан трояликлар ўртасида бўлиб

ўтган ўн йиллик урушнинг охирги ўнинчи йили тасвирланган. Троя – юнонларнинг ғоятда қудратли шаҳри бўлган. Зевс ўғли Дардан эвараси Ил асос солган шаҳарни набираси Приам бошқаради. Шохнинг қасри ҳам, хотини малика Ҳекуба билан яшайдиган кошонаси ҳам ҳашаматли: подшо билан элликта ўғли ва келини, элликта қизи ва куёви истиқомат қилишарди. Трояликларни енгиб, шаҳарни забт этганларни беадад шон-шуҳрат, беҳисоб ўлжалар кутарди...

Қодир Мирмухамедов ўлмас асарнинг мураккаб услубини, тасвирий жозибасини юксак даражада сақлайди. Ўзбекистон халқ шоири Асқад Мухтор: “...Эпоснинг архаиклашган тили, тасвирий усуллари, мифологик тушунча-тасаввурлар, киноя-ишораларнинг нозик маъноларигача барча хусусиятларини чуқур англаб етиб, “Илиада”нинг улуғвор мусикий олами, Ҳомернинг шеърий даҳосига кириб бориб, уни ўзбек шеърияти оҳанглари билан ифодалаш шарафига муяссар бўлган”, деб заҳматкаш таржимоннинг меҳнатини юксак баҳолайди. Таржимон қадимги даврнинг руҳи, асар лексикаси, турли ибораларни, Ҳомерга хос дунёвий-маиший тафсилотларни яхши ифодалайди. Ҳатто китоб охирида юнон мифологиясини изоҳлаб махсус рисола ёзади. Атама истилоҳлар изоҳи китобхонни асарнинг мағзини тушуниб етишига ёрдамлашади.

Шундай қилиб, “Илиада” таржимаси ўзбек таржимачилигининг жиддий ютуғига айланди. Икки халқнинг дўстлиги ва яқинлашувига хизмат қилувчи бундай ижодий юмушни ҳамма уддалай олмайди. Катта ҳажмли асарларни (“Илиада” достони ўн олти минг мисра – Б.О.) кўз нурини аямасдан, ўзбек зиёлисига етказган таржимонимиз содда, камтар, хоксор киши эди. Соддалик – буюклик дегани шу одамда жамулжам бўлганди, десам янглишмайман.

Сўнгги йилларда биз халқни билимли, маърифатли қилувчи адабиётларни эмас, балки юзаки, енгил-елпи маҳсулотларни чоп этишга берилиб кетдик. Фирдавсий, Румий, Шекспир, Булгаков, Бунин, Толстой, Достоевсий, Маркес, Иво Андрич, Айтматов сингари атоқли адибларнинг баркамол асарлари навбат кутиб ётибди. Мисол учун Япония, Дания,

Англия, Францияда болаликдан китобга меҳр-рағбат уйғотиб, тарбиялаб боришади. Ёш авлод онгли, савияли, ақлли бўлдимиз, демак фикри тиниқлашади, ўзи ўсади, улғаяди. Ноширларимиз “бўшлиқ”ни тўлдириш учун янги дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишса, миллатимиз миллий ғурури кўтарилар эди, назаримда.

Қодир Мирмуҳамедов кутубхонамизда савлат тўкиб турган “Илиада”, “Одиссея”, “Уста ва Маргарита” каби ўнлаб китобларнинг моҳир таржимони, миллат, халқ маърифати йўлида умрини фидо қилган ўзбек зиёлиси эди. Қодир ака бадавлат яшагучи ашулачиларга ўхшаб қарсакларга кўмилиб яшамади. Аммо улардан ўн чандон кўпроқ миллатимизга хизмат қилганига шоҳидмиз: “Раҳмат, матонат ва жасоратингизга!”

Мен заҳматкаш таржимон ўгирган китоблар, бадиий фильмлар узок йиллар мобайнида ҳар биримизга завқу-шавқ беражагига қаттиқ ишонаман.

НАҚШБАНД ТАРИҚАТИ МУХЛИСИ

Олтмишга кирган, баланд бўйли, сочлари оппоқ Убай Аббосович Абдураззоков 1990 йилнинг бошида Матбуот ва ахборот қўмитасини бошқарди. Гарчи лавозимда узоқ ўтирмаган бўлса-да, биз бу кишидан ички тартиб, руҳий қувват, жасурлик ва тантилик фазилатларини ўргандик.

Убай ака қўл остида ишлайдиган ходимларнинг келиб чиқиш жойи, ўзини тутиши, ички дунёси ва дунёқарашига алоҳида эътибор қаратарди. Менинг қадимги Нурота чашмаси ёнида туғилиб ўсганимни эшитган заҳоти муносабатимиз илиқлашди.

– Оқтоғ бағрида, қадимдан булоқлар кўз очган мусаффо гўшада таваллуд топишда хислат кўп, укажон, – деди вазир бир суҳбатимиз пайтида.–Билсангиз, мен Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг ихлосмандиман. Бу тариқатдан мурод шулки, Аллоҳнинг номини юракда нақш этишдир. “Нақш банд бар дил банд”, яъни Аллоҳ номини кўнглингда нақш эт, дегани. Мен бу ўлмас таълимотга абадул-абад содиқ қоламан!

Вазирнинг ҳаётда суянчиғи, эътиқоди борлигини эшитиб, унга ҳурматим чандон ошди. Истиқлолга эришгунга қадар кўпчилик Ўрта Осиёдан чиққан бу тариқат асосчисининг номини тилга олишга ботина олмас эди-да.

–Туркияда Нақшбанд тариқатининг қанча давомчиси борлигини биласизми? – дабдурустдан сўради Убай Аббосович.

Каловланиб қолдим.

– Тўрт миллион киши шу йўлни танлаган! –жавоб берди вазир жим ўтирганимни сезиб. – Биз, ўзбекларнинг ҳам қалбимиз Аллоҳда, қўлимиз ишда бўлиши лозим. Шунда юртимизда барака ва файз бўлади! Тушунарлими?

Мен тасдиқлаш ишорасида бошимни қимирлатдим. Вазиримизнинг аччиқ сабоғидан кейин Баҳоуддин Нақшбандийнинг ҳаёт йўлига оид кўплаб китоблар ва мақолаларни топиб ўқидим. Жумладан, Идрис Шохнинг

“Сўфийлик тариқати”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоти айнил-ҳаёт” китобларида бу ҳақда ажойиб фикрлар билдирилган. Манбаларда ёзилишича, Баҳоуддин етти йил саройда аён, етти йил мол боққан, етти йил йўл қуриш билан машғул бўлган. Сўнг, шавкатли Бобо ас-Самосийдан таълим олган. Ҳазрат “Бизнинг тариқимиз – суҳбатдур”, деган. Яъни, у киши суҳбат орқали шогирдлари, асҳобларини тарбиялаб борган. Баҳоуддин айтадиларки, “Хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат бордир, хайрлилик жамиятдадур”. Нақадар пурмаъно, фойдали ҳикматлар, шундай эмасми?

Бир куни шу масалада гап очилиб қолганида, баҳс-мунозарамиз бир соатга чўзилди. Убай Аббосович пиримиз Баҳоуддин нима учун “нақшбанд”, деб лақаб олганлиги ҳақида янгиликни маълум қилдилар.

–Турк олимлари ул зотнинг ота-боболари наққош эканлигига доир ривоятни нотўғри деб ҳисоблашади,—деди у. —Уларнинг фикрича, “нақшбанд”нинг маъноси маънавиятдан келиб чиқади. У қалблар наққоши бўлган, яъни Аллоҳ нақшини ўз муридларининг қалбларида маънавий жиҳатдан нақш қилиб қолдирган. Эшитишимча, бир нақшбандий шоир бундай деган: “Эй, нақшбандия тариқатида менинг йўлдошим, Ҳақ зикрини қалбингда мустаҳкам ўрнатгин, нақш қилгин. Баҳоуддин лақаби “Нақшбандий” эмас, балки Нақшбанддир.

Убай Аббосович билан суҳбатимиз самимий, мулоҳазаларга бой бўлди, шекилли, устоз иймон-эътиқод ғунчаларини кўргач, мени қўллаб-қувватлажагини очиқ айтди. Шу боис, бошқарма бошлиғи Хайриддин Назиров билан муносабатимиз илий бошлади...

Аммо буюк бобомизнинг ҳақиқий мухлиси билан учрашувимиз узоққа чўзилмади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида юқори идораларда билимли, иродали, туну кун ишлагувчи кадрларга эҳтиёж кучайди. Шу сабабли, устозни Ташқи ишлар вазирлиги тизимига ишга чақиришди. Кейин Ўзбекистоннинг Туркия давлатидаги фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига лойиқ кўрилди...

ПЕШҚАДАМ НОШИР

Асли жиззахлик, босиқ бу кишини ҳамкасбларимиз пешқадам ношир, деб билишарди. Эркин Бойсинов янгича фикрловчи, ташаббускор раҳбарлардан эди. 1980-йилларнинг охирларида Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳомийлигида очилган “Меҳнат” нашриётига директор излашганда, бир овоздан шу номзодга тўхталишди. Барчага маълумки, М. Горбачев эълон қилган ошкоралик йилларида корхоналарга бирмунча эркинлик берилган, идораларда “мени сайланг” компанияси авж олганди...

Эркин ака бозор иқтисоди талаб-қоидаларини яхши ўзлаштирган, ўта ғайратли, чапдаст раҳбар сифатида тезда оғизга тушди. Ўша вақтда, идоравий юмушларни қатъий буюртма асосида ташкил этиш, нашриётни иқтисодий бақувват корхонага айлантириш, маблағ топиш ғоят машаққат эди.

– Биз ўзимиз пул топамиз ва ходимларни ҳам бой қиламиз, – деди Эркин ака вазирликнинг ҳайъат мажлисида. – Бошқаларга ўхшаб насияга китоб чиқармаймиз, омборхонани китобга тўлдирмаймиз. Фақат буюртмага ишлаймиз, керак бўлса, хўжаликларга бориб, тарихини ёзиб берамиз!

1980-йилларда республика ёшлар газетасидан ишдан кетгандан кейин “Навоий – 30” га келган уддабурон раҳбар Рустам Шомуродович Шоғуломов ҳам шу корхонанинг “Тасвирий санъат” бўлимида икки йилча қўним топганди. Рустам ака ўз раҳбаридан китобатчилик сир-асрорларини, замонавий иш услубларини ўрганди. Соҳани тушунгач, уни “Ўзбекистон” нашриётига директор қилиб юборишди. Бунда “Меҳнат” нашриётида ўрганган зўр тажрибаси, албатта, қўл келди. Жумладан, иш бошлаган йиллари тўрт-бешта харидоргир русча китобларни юз минглаб нусхада чиқариб, корхонага каттагина маблағларни туширди...

Шу ўринда, **қисқагина изоҳ** келтирамиз: Хадрадаги зиё маскани – Навоий кўчаси, 30-уйда асосан икки гуруҳ раҳбарлар ишлайди. Улардан бири 50–60-йилларда нашриётлар ташкил этилганда, бинода иш бошлаган кадрлар

ва уларнинг фарзандлари бўлса, иккинчиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти (ҳозирги “Шарқ” нашриёт-матбаа компанияси) биносида – Буюк Турон кўчаси, 41-уйда фаолият олиб борган ходимлар эди. Мисол учун, Зиёд Есенбоев, Марат Ғоибов, Ботир Диёров, Абдумалик Мажидхўжаев, Эркин Комилов, Эркин Зокиров биринчи бионинг калдирғочлари бўлса, Рубен Сафаров, Хайриддин Назиров, Рустам Шоғуломовлар иккинчи бинодан раҳбарликка келган кадрлар эди.

Камина 1976–1982 йилларда Тошкент давлат дорилфунуни журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиганимда, “Шарқ” концернининг журнал-ҳарф териш цехида тўрт йилча мусахҳих бўлиб ишлаганман. Цехдаги қайноқ ҳаёт мени ҳалол меҳнатга, ақли, тажрибаси, ҳам кучига таяниб яшашга ўргатган.

Биз ҳамкасблар “Нур – Шарқдан”, деган сўзни такрорлар эдик. Матбаа соҳасининг пири даражасига етишган, бағрикенг, ишбилармон Ислон Шомуродович Шоғуломов раҳбарлик қилган йилларда “Шарқ” концерни (кейинроқ компания) тизимда пешқадамликни қўлдан бермай келарди.

Биринчи мактабнинг ёрқин намояндаси бўлган Эркин Бойсиновнинг ҳам келажаги нурли эди. Қадди тик, жингалак соч, бир сўзли бу киши қўлида ишлаган кадрлар кенг жамоатчилик ўртасида у қадар кўзга ташланмаса-да, иқтисодий масалада ўта тажрибали, “абжир” эди. Асли, бозор иқтисоди талаби, эҳтиёжи шундай бозорбоп кадрларни талаб этарди-да.

Бироқ Эркин ака қўққисдан оғир касалликка чалинди ва кўп ўтмай, эллик беш ёшида вафот этди. Бу – ўзбек ноширчилигида катта йўқотиш эди, албатта. Қисқа вақт давомида у соҳани оёққа кўтариш, бозор иқтисодига мос самарали усулларни жорий қилишга улгурди. Бойсиновнинг хизмати шундан иборатки, у кучли, ишбилармон кадрлар захирасини шакллантирди. Хусусан, Рўзмат Сафоев, Азимжон Рихсиев, Мўътабар Икромов, Рустам Мирзаев, Маҳмуд Тўйчиев, Илҳом Усмонов, Акбарали Нурматов, Анвар Мадрахимов сингари ишчан, ғайратли шогирдларни раҳбарликка тайёрлади.

1980 йиллар ўрталарида нашриётлар ва босмахоналар кўплигидан раҳбар кадрлар қаҳатчилиги сезиларди. Бу масала ҳозирда ва келажакда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди. Ўшанда “Меҳнат” нашриётининг тажрибали кадрлари Матбуот қўмитасининг оғир участкаларида ўз истеъдодини намоён этиб, ноширлик ва матбаачиликнинг ривожига ҳисса қўшдилар. Мисол учун, Рўзмат Сафоев – нашриёт, босмахона раҳбари ва вазир ўринбосари; Азимжон Рихсиев – босмахона директори; Мўътабар Икромова, Рустам Мирзаев, Маҳмуд Тўйчиев, Миршомил Миралимов – нашриёт директорлари; Ислон Усмонов – нашриёт бош муҳаррири; Акбарали Нурматов – республика китоб савдоси бирлашмаси раҳбари ўринбосари лавозимларида самарали ишлаб, соҳанинг ривожини таъминлаб бердилар.

Айни дамда, бу тизимда “Меҳнат” нашриёти мавжуд эмас. 2004 йилда ноширлик ва матбаачилик соҳасида рўй берган антиқа “ислохотлар”дан кейин ўнлаб нашриётларнинг фаолияти барҳам топди. Улар ўрнига тўртта нашриёт-матбаа ижодий уйлари очилди...

Ҳа, 1950–1990-йилларда Хадрадаги Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган нашриётлар республика таълими, маданияти сарчашмаси, яловбардори, билим ва зиё даргоҳи сифатида беқиёс ишларни амалга оширди. Унинг бошида турган фидойи касбдошларимиз, жумладан, Рустам Шоғуломов, Наим Ғоибов, Эркин Воҳидов, Восиқ Абдувалиев, Шомухиддин Мансуров, Усмон Соибов, Ринат Рискіев, Эркин Воҳидов, Шоир Усмонхўжаев, Наримон Ҳотамов, Олим Мирзаев, Рустам Мирзаев, Дилбар Икромова, Жаббор Раззоқов ҳамда юзлаб муҳаррирларнинг хизматларини ҳамон эслаб турамыз.

Эркин Бойсинов бошлаб берган ноширлик мактаби фаолиятини ҳам илиқ сўзлар билан хотирлаймиз.

ТАРЖИМАГА БАХШИДА УМР

Барваста гавдали, баланд бўйли, қорачадан келган Ҳасан Тўрабеков узок йиллар мобайнида Ғафур Ғулом номидаги бадиий нашриётнинг “Наср таржиси” таҳририятини бошқарди. Фақат бир марта тажриба тариқасида раҳбарият уни лавозимга лозим кўришганида рад этолмади. 1988–1990 йилларда нашриётнинг бош муҳаррири бўлиб ишлаганда, бўлим мудирлигини каминага топширди. Аммо “кабинет” иши унга ёқмади ва эски ўрнини истади...

Халқимизга манзур бўлган “Парма ибодатхонаси”, “Қизил ва қора” каби жаҳон адабиёти дурдона асарларининг таржимони Ҳасан Тўрабековни ўзбек китобхонлари яхши билишарди. Устоз суҳбати дилкаш ва маърифатли шахс эди. Маълумки, 1980-йилларда таржимонлар адиблардан кўпроқ қалам ҳақи олишарди. Ҳ. Тўрабеков профессионал таржимон эмасми, ўз тили билан айтганда, деярли ҳар йили битта машҳур чет эл адибининг китобини “юмалоқ ёстиқ” қилиб ташларди. Аммо у уйқусиз тунлар эвазига уч-тўрт йилда енгил машинасини алмаштирса, ғаламисларнинг кўзлари аламдан ўйнаб кетарди.

Билимдон, ўта меҳнаткаш, ўз касбининг фидойиси бўлган Ҳасан акани соддалиги ва самимийлиги учун жуда ҳурмат қилардим. Бир куни кабинетда ўтирганимизда, тиниб чарчамаслиги боисини сўрадим.

– Мен деҳқон боласиман, укажон. Ёшлигим далада ўтган, –деб йўғон билакларини кўрсатди у. –Нашриётга келгунга қадар нукул далада кетмон чопганман. Бўш вақтим қолди дегунча русча саргузашт китобларни ўқирдим. Кимки меҳнат қилса, хор бўлмайди, укагинам.

Устоз оҳанрабо услубга эга ижодкор эди. Буни ўзининг ҳаётлик даврида уч марта босилган француз адиби Стендалнинг “Қизил ва қора” романи таржимасидаги сарлавҳалардан билиб олиш мумкин: “Йўқсиллар мулки”, “Киборлар жамиятига биринчи қадам”, “Тақводорлик хизматида”, “Таъсирчанлик ва акобир мунофиқ”, “Нотавон кўнгилга қўтир жомашов”,

“Нохуш тафсилотлар”. Сўзлар, фикрлар нақадар маромига келтириб ишлатилган. Албатта, ҳар қандай асар таржимаси ўқимишли, таъсирчан бўлиши мутаржим (таржимон)нинг сўз бойлиги ва бадий маҳоратига боғлиқ. Устознинг бадий тил маҳоратини бир-иккита мисолларда очиб беришга уринаман. Стендалнинг “Қизил ва қора” романидан иқтибос: “Бу воқеа ҳақида бичиб-тўқиб оғиздан-оғизга ўтган ва муболағали тафсилотлар билан бойитилган турли-туман миш-мишлар сўнгги икки кун давомида Веррьер шаҳарчасини алғов-далғов қилиб юборганди” (Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 1986, 21-бет). Сизни, беихтиёр, сўз сеҳри, яна жумлалар таровати яна ўзига ром қилиб олади. “Аббат Пирар Жюльенга ўргатган ахлоқ қоидаларига ўзи ҳам амал қиларди, у софдил ва диёнатли бўлиб, ифвогарлик билан шуғулланмас ва ўз вазифасини сидқидилдан бажарар эди. Аммо бахтга қарши, тангри уни баджаҳл қилиб яратган эдики, бундай одамлар ранж-алам ва нафратдан қаттиқ изтироб чекадилар. Унга нисбатан айтилган ҳақоратли гаплардан биронтаси ҳам бу оташқалб одамда из қолдирмай ўтмасди. У шу пайтга қадар юз марталаб истеъфога чиққан бўларди-ю, бироқ тангри белгилаб берган бу лавозимда ҳақиқатан ҳам фойда келтираётганига сидқидилдан ишонарди. “Мен мунофиқлик ва бутпарастлик йўлига ғов соляпман”, дерди у ўзига-ўзи” (Ўша китоб, 231-бет). Эътибор беринг, биринчи жумла китобхонни ўзига жалб этса, иккинчи гапда аббат Пирарнинг ички олами, турмуш тарзи ва характери таржимон томонидан устакорларча тасвирланади.

Ҳақиқатан ҳам, Стендалнинг асари ёзилишига туртки бўлган жиноят хроникаси уни баркамол ижтимоий-психологик роман даражасига кўтаради. Асар қаҳрамони Жюльеннинг илк бор тарбиячи сифатида Веррьер шаҳрининг мэри жаноб де Реналь хонадонига ташрифи янги саргузашт, қизиқарли романтик воқеаларни бошлаб беради. Йигитни де Реналь хоним кутиб олади. “Баланд бўйли, қадди-қомати келишган де Реналь хоним бир вақтлар бутун вилоятда энг соҳибжамол аёл саналган. Хушхулқ аёл сифатида шуҳрат топган бу хонимнинг кўплар шайдоси бўлган. У табиатан ғоят

тортинчок бўлиб, бундай сулув жувонларга ўхшаб ўзига зеб беришни хаёлига келтирмайди. Фақат осуда боғларда севимли ўғлонлари билан сайр қилиб юрса, бас. Уни бирров кўрган одам қувлик ва шўхликни билмайдиган де Реналь хонимнинг чехрасидан нур ёғилиб туришини сезмай қолмайди”.

Жюльен билан де Реналь хоним орасида туғилган муҳаббат ҳарорату эҳтирос билан табиий, тиниқ сўзларда тасвирланадики, китобхон уларнинг мусаффо туйғуларига беихтиёр мафтун бўлиб қолади. Китобхон севишганлар билан бирга боғу роғларни сайр қилади, тоғ-тошларга чиқади, Парижнинг турмуш тарзи, черковлари, роҳиблар, шаҳар аъёнлари ва бошқа нуфузли кишилари билан танишади. Шу тариқа, қаҳрамонлар яшаган жамиятнинг ҳақиқий қиёфаси чизиб борилади...

Йигит умр бўйи ҳақиқатни излайди, киборлар жамиятидаги мавжуд қонун-қоидалардан қоникмайди, ҳаётдаги адолатсизлик, мунофиқлик ва эркинликнинг бўғилишига қарши кўп бора исёнлар қилади. Ахийри, у тўппончадан икки марта ўқ узгандан кейин киборлар хонадонидан де Реналь хоним ҳаётига қасд қилганликда айблаб қамашади. Хоним ўзига келгач, севгилисини излаб, қамоқхонага келади. Жюльенни кўрганда, “менга тўппончадан икки марта ўқ узганингдан кейин ҳам сени севаман” деб юборганини сезмай қолади. Суд ёш, келишган йигитни ўлимга ҳукм қилади. *“Мен ҳақиқатни севардим. Лекин қани у? – дейди роман қаҳрамони қамоқда ўлимини кутиб ётганда. – Ҳаммаёқда фақат риёкорлик ёки энг камида фирибгарлик, ҳатто энг диёнатли, энг улуг одамлар ҳам бундан мустасно эмас”.*

Севги, ҳақиқий ишқ ҳар нарсадан устун туради. “Де Реналь хоним ваъдасини бузмади. У ўзини-ўзи ўлдиришга ҳаракат қилмади-ю, лекин Жюльен қатл этилганидан сўнг орадан уч кун ўтгач, ўз болаларини бағрига босиб туриб, дунёдан кўз юмди” (574-бет). Юракларни жунбушга келтирган роман шу ерда поёнига етади.

Ҳасан Тўрабеков бадиий таржималарининг тили шундай бой, ўйноқ, равон, ўйноқи ва таъсирчан. Бунинг сабаби шундаки, устоз ишга

киришишдан олдин адибнинг ҳаёти, ижод йўли билан танишар, кутубхоналарда соатлаб ўтирар, қаламга олинган халқ тарихи ва қаҳрамонлар характери нозик қирраларини ўрганар, воқеаларнинг муҳитига кириб олгандан кейингина таржимасини бошларди. “Қизил ва қора” романига қайноқ беш йили кетган эди...

Афсус, Хасан ака кўп яшамади, олтмиш ёшга етар-етмас, юрак хуружидан вафот этди. Умрини бадий таржимага бахшида этган камсуқум, меҳрибон устознинг не-не ажойиб орзу-ниятлари ушалмай, армонлигича қолди...

МЕҲРИ ДАРЁЧА ЭДИ

Ажойиб шоир ва дилкаш инсон Нормурод Нарзуллаев (1934-2006) билан 90-йиллар бошида танишдим. Ўша вақтда Нормурод Нарзий кўшиқлари ўзбекнинг барча хонадонларига кириб улгурган эди. Ўрта бўйли, истараси иссиқ Нормурод ака хушчақчақ, одамохун, ҳис-ҳаяжонга берилган, ғайратли киши эди. Учрашув, гап-гаштакларда акахоннинг яйраб ўтиришини кўп марта кўрганман. Бир одати яхши эсимда: яқинлари билан учрашса, кўлларини кенг ёзиб: “Оҳ, халқим, сен билан қалбим”, деб шеърларни тўқиб кетаверарди. Дўст-биродарларини юксак қадрларди.

Ошноларни илдиз деб билгин,

Илдиз абад ерга туташгай.

Яхшиларни юлдуз деб билгин,

Юлдуз ботса, йўлчи адашгай.

Кўкка етгай бу бошим,

Дўстлар сўраб келсалар,

Кўзларда қалқар ёшим,

Дўстлар сўраб келсалар.

Тил дўсти бор, дил дўсти бор, англагил,

Тилда сезмас, сезмас асло дилда ҳам.

Бор яхшилар, бор ёмонлар элда ҳам,

Учрагайдир дўсту душман йўлда ҳам.

Нормурод ака биздек ёш ноширларга одамийлик, оқибатлиликдан сабоқ берганини унутмайман. Ўта самимий, очик кўнгил бу одамнинг дўстлари, улфатлари ва мухлислари бисёр эди. Айниқса, унинг номини эшитганда аёл шоиралар яйраб-яшнаб кетишарди. Чунки устознинг муҳаббат, висол ва

хижронга бағишланган кўшиқбоп шеърлари сон-саноксиз эди. Унинг суҳбатида бўлган, яқиндан билган ҳофизлар халқона, содда шеърларга дарҳол куй басталаб, куйлашга шошилар эдилар. Дарвоқе, Муҳаммад Юсуф 1990-йилларда эл оғзига тушгунга қадар Н. Нарзий кўшиқларининг доврўғи, шашти анча баланд бўлганлигини кўпчилик биларди...

Нормурод Нарзуллаев 70-йилларда юқори лавозимларда ишлаб, давлат ва жамоат ишлари билан банд бўлишига қарамай, самарали ижод қилди. У “Суюнчи”, “Сизни Ватан эркалар”, “Меҳр чашмаси”, “Зарафшон зарлари”, “Уфқларда кўзларим”, “Ёғду”, “Нигоҳлар”, “Лаҳза ва ларза” сингари китоблари орқали шеърхонлару кўшиқчиларнинг меҳрини қозонди. Бу китобларда юртимизнинг бетакрор латофати, нафис инсоний туйғулар, ёшлик ва севги тараннум этилган эдики, уларни кўпчилиги ёшлар кўнглидаги гаплар эди.

Сени кўрсам, йўқолур ором,

Табиатда етилган малак.

Бир илтимос дилдан, дилором,

Сочларингни этма чамбарак.

xxx

Кулгин, майли, санам, кулгин,

Кула билгин юракдан.

Қошгинамга кулиб келгин,

Баҳра олсин юрак, тан.

xxx

Наргиз кўзли гул санам ёр ишқида ёнарму,

Арзимни айтсам, бир пас менга қулоқ соларму?

Мен Нормурод ака билан у лавозимлардан кетиб, ёшлар нашриётида ишлаган кезлари дўстлашганман. У киши “Янги аср авлоди” нашриётида бош муҳаррир, камина тиббиёт нашриётида меҳнат қилардим. Сўлим баҳор ойларида вилоятларда ўтадиган “Китоб байрамлари”да, турли ижтимоий-

маърифий тадбирларда иштирок этганмиз. Касб тақозосига кўра, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятларида хизмат сафарларида бирга бўлишимизга тўғри келган. Ёдимда, устоз ҳар гал давраларга қувончу шодлик улашар, учрашув-тадбирларни бирпасда қиздирарди. “Қамолот” ёшлар ташкилотининг деярли барча маданий тадбирларида иштирок этгани боис, вилоятлардаги ёшлар Нормурод акани ўзларига устоз, деб биларди.

У оташин, ўйноқи, таъсирчан бадиий тилда қалби буюрганини ифодалаб, ўзининг оламини кашф этган шоир эди. *Қарийб беш юзга яқин шеърлари ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб қуйланиб*, одамларни меҳр-оқибат, вафо ва садоқатга бошлагани ўзиёқ унинг нақадар қалби дарё шоирлигидан далолат беради...

Нормурод ака кўпинча ҳаёт ташвишларидан кўнгли озор чеккан дамларида қирқ йиллик дўсту биродарлари – етук ношир ва сўз устаси Наримон Ҳотамов, Самарқандда яшагувчи хоксор олим, профессор Иноятилла Сувонқулов, атокли фантаст адиб Ҳожиакбар Шайхов билан ҳасратлашиб қоларди. Бир-бирига дўст, ҳамроҳ, дардкаш, елкадош эди улар.

Афсус, шоирнинг умри қисқа экан. Нормурод ака айна қамолот ёшида орамиздан кетди. Унинг қувноқ қиёфаси, чакноқ кўзлари ва дилбар ҳазиллари эса ҳануз қулоқларимиз остида жаранглаб турибди.

Нормурод Нарзуллаев бир шеърида шундай дейди:

Чаманларда қуйлаб ўтай толеимга тасанно,

Қалбим мулки – меҳриғиё муҳаббатдан тугилгай.

Нарзий, буюк саодатдир эл ишқида ёнмоғинг,

Келажакка имон, нидо муҳаббатдан тугилгай.

Ижодий сафарларда бўлганимда, Нормурод акадан ғайирлик, ҳасад ва ёлғон гапларни эшитмадим. Бугунги алғов-далғовли замонда асл ижодкор шахсининг ноёб хислати шундай бўлишини истардим. Очиққўнгил, ҳаёлчан, романтик қиёфаси билан у хотирамизда қолди.

ТИНИБ -ТИНЧИМАС ОЛИМ

Мен домла билан она юртим Нуротада танишдим. Бир гал Тошкентдан уйимга борганимда, қайнотамникига меҳмонга Иноятилла ака ва қизи Адолат келиб қолишди. Самарқанд тиббиёт институти олтинчи босқичи талабаси Адолат умр йўлдошим Аминанинг яқин дугонаси эди.

Қайнотам Норқул Файзуллаев – Аллоҳ раҳматига олган бўлсин – кўли энгил шифокор, суҳбати ширин, билими кенг, дилкаш инсон эди. Шу одамийлик хислатиданми, ишқилиб, йигирма йил Нурота шаҳридаги марказий, кейин юкумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори бўлиб ишлади. 80-йилларда бетиним югур-югурлар натижасида қурилган, йигирма гектар майдонлик туман шифохонаси қурилишининг ташкилотчиларидан бири бўлганди. Афсус, 62 ёшда тўсатдан вафот этдилар...

Биринчи май куни домла билан пурвиқор Нурота тоғлари пастидаги кенгликларга сайру саёҳатга чиқдик. Узоқдаги севимли Оқ уйча (болаликда биз лола терадиган жой шундай аталади) атрофига гиламларни тўшаб, қизил ва сариқ лолақизғалдоқлардан тердик. Чўпон бобо отарида, даштнинг майин шамоллари эсиб турган бепоён яйлов бағрида чордона қуриб, бафуржа ҳордиқ чиқардик. Э-ҳе, шунда домланинг қулфи диллари очилганини бир кўрсангиз...

– Сангзор дарёси атрофида ўзим кўрганим жаннатий табиат манзаралари мени лол этарди. Қадим Нуротанинг кенг яйловлари, дала-даштлари, тоза ҳавоси ундан ошиб тушди, – деди Иноятулла ака. –Энди бу юртни қуйлашга бел боғлаб, “Сангзор садолари”нинг давомини ёзаман!

Яқинда домланинг шу номдаги китоби нашриётда чоп этилиб, адабиёт аҳлининг назарига тушганди. Воҳа улкан истеъдод эгаси Ҳамид Олимжон, таниқли давлат арбоблари Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, халқ ёзувчиси Назир Сафаров, Шукур Саъдулла, Насрулла Охундий, Орифжон Икромов,

Баҳром Иброҳимов (Йўқсил), Оқилжон Ҳусанов, Тўра Сулаймон, Мели Норматов, Жонибек Субҳон сингари ижодкорларни етиштириб берган эди.

Рўпарамда турган қирқ беш ёшлардаги маърифатли, маданиятли, табиатан ҳалим Иноятилла ака билан биз кўҳна тарихимизнинг олтин саҳифалари, ўтмиш ва янги давр адабиёти, бугунги истеъдодли ёшлар ижоди ҳақида қисқача сўзлашдик. Педагогик соҳада бой тажриба орттирган, адабиётчилар орасида танилган домла ўта камтарин, суҳбати ширин экан. Эртаси куни меҳмонни кузатар эканмиз, Самарқандда учрашишга аҳдлашдик.

Шу тариқа, қадим пойтахтга йўлим тушганида, албатта, Иноятулла акани йўқлаб уйига ё кабинетига борардим. Кўнглига яқин суҳбатдошни кўрганда, бағоят яйраб кетадиган бағридарё, меҳмондўст домла араб, форс ёзувидаги қўлёзмаларнинг шинавандаси ва хазинабони эди. Ҳар гал ўнлаб янги топилган нодир қўлёзмаларни қўлимга тутқазиб:

– Умрим етса, ўзим ва шогирдларим билан бирга, уларни ҳозирги кирилл ёзувига ўгириб, китоб ҳолига келтираман. Сиз чоп этиб берасиз, таълим-тарбиябоп асарларни ёшларимиз мазза қилиб ўқисин, – дерди.

– Илоҳим, ниятингизга етинг, хайрли ишга қўл урибсиз, – дердим мамнун бўлиб.

Иноятулла Сувонқуловнинг таржимаи ҳоли мароқли. Туғилган йили ва жойи: 1934 йил Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Кориз (Кўриқ) қишлоғи. Падари бузруквори Мулла Субҳонқул қуръонхон зиёли бўлган, у кишининг меҳмонхонасида илм-маърифат аҳли доимо йиғилиб турган. У ерда ўтган қироатхонлик, шеърхонлик ёш Иноятулланинг кўнглида сўзга меҳр-муҳаббат уйғотган...

Самарқанд давлат университети филология факультетини битирган ёш йигит Ғаллаорол туманидаги ўрта мактабларда, 1964 йилдан эса Қарши давлат университетида ўқитувчилик қилади. Ўша йилларда севимли машғулоти – илмли, саодатли кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, хонадонларда сақланган қўлёзмаларни тўплаб, тадқиқ этиш ишлари билан

шуғулланди. Бу ишлар бесамар кетмади: воҳада яшаган Муаззамхон, Махмур Коризий, Убайдулла Аламқаш, Шароф Нарзий каби ўнлаб ижодкорларнинг қутлуғ номи ва адабий мероси тикланиб, халқимизга қайтарилди. Шу манбалар асосида академик Воҳид Абдуллаев илмий раҳбарлигида 1970 йилда “XIX аср ва XX аср бошларида Жиззах воҳаси шоирларининг поэтик мероси” мавзусида номзодлик, 1997 йилда “Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Домла кун бўйи институтда бўлар, тунлари уйқудан воз кечиш ҳисобига ижод қиларди. Ўша пайтда Самарқанд тиббиёт институтида кафедра мудирини бўлиб ишлади. Кейин Чет тиллар институтини ташкил этишда бош-қош бўлди. Аммо раҳбарлик курсисини рад этди – Россиядан элчиликдан қайтиб келган Юсуф Абдуллаевнинг номзодини кўрсатишди. Бу зиёли одам устозининг авлодидан эди.

Иноятилла ака бадий адабиёт шайдоси ва ҳақиқий тарғиботчиси эди. Уларнинг саховатпешалиги шундаки, қаерга бормасин, яқин кишиларига китоб совға қиларди. Йиллар ўтиб, домланинг совға қилган китобларини санасам, сони қирқдан ошиб кетибди. Улардан айримларини тилга олиб ўтсам: “Аллома олами”, “Жиззах илҳомлари”, “Тафаккур шуълалари”, “Ғаллаоролнома”, “Маънавият илдизлари”, “Ғаллаорол оҳанглари”, “Кўзинг ибрат била оч”, “Сўфи Оллоҳёр асарларида таълимий қарашлар”, “Лутф айлаб”, “Самарқанд бахшичилик мактаби”, “Халқ бахшиси”, “Халқ шоири”, “Самарқанд қадамжолари”, “Сангзор садолари”. Номларидан маълумки, домла юртимиз шаҳару қишлоқларидаги ўрганилмаган шоир-бахшилар ижодини, халқимиз тарихининг ўқилмаган зарварақларини қайтадан ёзади. Албатта, булар том маънода хайрли, савоб ишлар эди...

Ҳазрат Сўфи Оллоҳёрнинг руҳи поклари қўлладимиз, мустақиллик йилларида И. Сувонқуловнинг ижоди ниҳоятда баракали кечди. Буни кўрингки, 2000 йилдан кейин умрининг охиригача йигирмадан зиёд китоб, юзга яқин илмий мақолани чоп эттирди. Катта-ю кичик асарларининг сони эса тўрт юзтадан ошиб кетганди.

Илм ва адабиёт аҳли домланинг ижоди ва инсоний хислатларига ихлосманд эди. Масалан, профессор Н. Комилов “Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари” номли докторлик ишини “янгилик”, фантаст адиб Ҳ. Шайхов домлани “улкан қалб соҳиби”, публицист, олим А. Мелибоев “адабиётимизнинг камсуқум қаҳрамони”, дейди. Устози академик В. Абдуллаев: “Иноятилла Сувонқулов Ғаллаорол, Зомин, Жиззах воҳаси бўйлаб Убайдулла Аламқаш, Махмур Коризий, Муаззамхонларнинг қаламқашликда, айниқса, ғазалнависликда Навоийга издошликлари яққол кўзга ташланиб турганлигини аниқлади, илмий таҳлил берди”, деб олимнинг заҳматли меҳнатига юқори баҳо беради (қаранг.: Туғёнли қалб. Тўплам. Т.: Фан, 2000).

Устознинг илмий изланишлари самараси ўлароқ, “Жиззахнинг XIX аср Зебунисоси” номини олган Муаззамхон мажмуаси, Коризийнинг 3000 мисрага яқин шеърлари жамланган мукаммал девони, Аламқашнинг 5000 мисра – 257 ғазал, 61 рубойи, 18 та қитъа, 10 та соқийномаси топилди.

Домланинг шахсий архивида юзлаб нодир қўлёзмалар сақланган. Олим умрининг сўнгги йилларида уларни тартибга келтириш, сайқал бериш, номаълум номларни халқимизга танитиш билан машғул бўлди...

Фидойи, жонкуяр инсон йигирма йил Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Атамалар ҳайъати раиси ўринбосари, шаҳар ҳокимлиги атамалар ҳайъати аъзоси бўлиб ишлади. Самарқанддаги юзлаб кўча ва маҳаллаларнинг тарихий номларини тиклашда, улуғ аجدодларимиз номини абадийлаштиришда фаол қатнашди. Бу саъй-ҳаракатлар эвазига собиқ иттифоқ даврида яширилган алломалар меросини тиклашда ҳиссасини кўшди. Домла “Самарқанд қадамжолари”, “Самарқанд кўчалари” каби рисолаларида уларни тўла ёритди.

Иноятулла Сувонқулов юртимизнинг ватанпарвар, элпарвар, тоза қалбли зиёлиси сифатида ёдимизда сақланиб қолади. Ул зотнинг адабиёт, халқ олдидаги хизматини Самарқанд ва Жиззах аҳли асло унутмайди.

Устоз 2012 йилнинг 21 августида дунёдан ўтди.

НУР ФАРЗАНДИ

Эргаш Жуманбулбул ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Файзи Тошпўлатов, Қодир Халилов, Оппоқжон Қодиров. Жуманазар Ҳамроев, Ҳожиқул Худойқулов... қадим Нуротанинг ардоқли фарзандлари эди. Ҳожиқул ака эса чўпон оиласида туғилиб, замонамизнинг арбоби даражасига етишди.

Фалакни гардиши билан мабодо раҳбар бўлсам, шу одамга ўхшайман, деб орзу қилганман. Биз маҳалладош, қўшни эдик. Ҳожиқул ака ҳаммага яхшиликни раво қўрарди. Қалби тоза, ичида ғубори йўқ, бир кулса яйраб куларди.

Суҳбати ширин, сўзга чечан, маърифатли бу кишини тумандагилар ҳурмат қиларди. Моҳир ташкилотчи, ташаббускор раҳбар эмасми, имкон туғилди дегунча, қабулига келган кишиларни қуруқ қайтармасди. Яхшилик – жони дили эди...

Аммо, не бахтки, Ҳожиқул ака Навоий вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби лавозимидан тушганида, яқин ўртоқлари ўзларини четга тортдилар. Бу инсон табиатидаги қусурлар эди, албатта. Шунда Ҳожиқул ака бу дунёнинг ўткинчи ҳо-ю ҳаваслари, обрў-мартабалари одамлар турмушида нечоғлик аҳамият касб этишини, умуман одамзоднинг тубанликка кетиши, товланишлари, қалтис ўйинлари, ғалати нағмаларини тушуна бошлади. Э-ҳе, у юқори мансаб курсисида не-не “оғайни”ларини суяб қўймади, қанчасини оёққа турғизмади. Бироқ, тўсатдан ишдан олинганида яқин оғайнилари жуфтакни ростлаб қолишди...

Энди у ўзини қўярга жой тополмади: дам Самарқанд, дам Навоий, дам Нурота шаҳрига бориб, ўзига муносиб иш қидирди. Бироқ узатган қўллари қуруқ қайтди. Иш беришмагандан кейин, қўп эзилди, уйда ўтириб зерикди.

Аламига чидолмаган Ҳожиқул ака: “Мени ҳар қандай вазифага қўйсангиз ҳам розиман, бунинг учун куч-ғайратимни аямайман”, деб юқори идораларга хат ёзди. Аммо совет тузуми “тошбағир” эканлигини ичида сизди, туйди. Ҳақиқатан ҳам, “юқори”дан маънавий кўмак, тайинли жавоб

келмади.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, унга Самарқанд Регистонидаги йирик илмий-тадқиқот марказини ишониб топширишди. У шиддат билан ишга киришди. Марказ шинам, файзли обод масканга айланди. Илмий ишланмалар, нодир экспонатларнинг сони ва сифати ошди. Ташриф буюрувчи мухлислар ҳам кўпайиб бораверди. Сўнг яна кадрли ишхонаси – Самарқанд вилоят партия кўмитасига ишга ўтказишди. Аммо олдинги мавқеини тиклашга имкон топа билмади.

Бир куни Нуротада устознинг уйида учрашдик. Кўнгил сўрадим.

– Инсон жони темирдан эмас экан. Унда рух бор, ғурур бор ва асаблар тизими ишлайди. Менда ана шу тизимлар анча толиқиб қолибди, – деди Ҳожиқул ака.

Етти йиллик кадр-қимматини тиклашга уриниш, асаббузарлик аломатлари суҳбатдошимнинг хатти-ҳаракатида сезиларди.

Сўнг, Ҳожиқул ака Самарқандда, вилоят касалхонасида ётиб даволанди. Муолажалар кор қилмади, чоғи, соғлиғини текширтириш учун Тошкентга йўлга тушди. Асли, бу – унинг сўнгги сафари бўлган экан. Бирга келган ўғли Баҳодир мени йўқлаганда, Қорақалпоғистонда хизмат сафарида эдим.

Уч кундан кейин шаҳарга келиб, Ҳожиқул акани кўргани бордим. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Руҳи чўккан бўлса-да, фикрлари тиниқ, мазмундор эди.

Менга устознинг сўзлаш услуби, ўзини эркин тутиши, хотамтойлиги жуда ёқарди. Биз Ғозғон, Синтоб қишлоқларида тўй тантаналарига ўтганимизда эл-улуснинг бу одамга чексиз ҳурматига гувоҳ бўлганман. Ҳожиқул ака оддий одамларни жуда севарди, ҳар қандай илтимосини бажаришга интиларди. Кўнгли очиклиги, соддадиллигига ҳавасим келарди. Мен кўпинча халққа яқин бу одамга тош отишмаса ё зарба беришмаса, яхши бўларди, деб ўйлардим. Орадан йиллар ўтиб, ичимдаги гапларимнинг тасдиғини кўрдим. Устозни бир зарбада ерга йикитишди. Кейин иш бермай

кўйишди...

Ўша куни Ҳожикул ака менга дардини айтди:

– Бахтиёр, Навоий вилоятини ташкил этиш, кадрларни топиш, ишларни юргизиш, соҳаларни бир-бирига боғлаш ва оёққа турғизиш учун кеча-ю, кундуз уйку билмай ишладим. Буюк бобомиз номидаги макон мамлакатимизнинг энг истиқболли вилоятига айланди. Аммо кутилмаганда, биринчи котиб Есин жанобларининг “думи” деб каминани ҳам четга улоқтириб ташлашди. Аслида, биз миллатчи Есин томонида эмас, балки ўзбек халқи қадриятлари, миллатимизни асраш учун курашган эмасмидик?!

– Майли, устоз, бу катта сиёсий ўйинларнинг оқибати, сизда айб йўқ.

–Нега бўлмаса... Энди, соғлиғимни бой бериб ўтирибман, ука. Юрак ва буйрагимда нуқсонлар бор экан. Дардимни енгиш учун ёлғиз ўзим курашаман. Дармон бўлгувчи дўсту ёронлар қайда?!

– Сиз соғлиғингизни тиклаб олинг, ҳаммаси жойига тушади.

– Шифохонадан чиқиб, тўғри Нуротага йўл оламан. Энди катта шаҳарларда яшамайман! Чўпон кўй-қўзиларининг қатигини ичиб, дашту далаларда юраман. Тоза хаволардан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Э, дунёнинг кайфу-сафоси камтарона яшашда экан-у, билмас эканман-да.

Аммо, Ҳожикул ака орзусига етишиш насиб этмади. Кутилмаганда духтурлар уни жарроҳлик столига ётқизишди. Ички органларда йиринглашиш, перитонит бошланган, дейишди. Наф бўлмади, чоғи, яна операцияга олиб кирдилар. Ўғли хизмат қилаётган ҳарбий қисмдан қон олиб келганимиз эсимда...Воқеалар шиддатли тарзда юз бердики, ҳатто уйдагилар беҳабар қолишди. Духтурлар икки кун беморни жонини сақлаб қолиш учун курашди. Охирги куни уни билган, таниган тумонот одам ташқарида йиғилганини кўриб ҳайратландим. Эссиз, нажот топилмади.

1994 йилнинг 12 апрели – фазогирлар коинотга учган куни устознинг юраги урушдан тўхтади. Ҳожикул Худойкулов обрў-эъзоз топган она юрти Нурота, узоқ йиллар ишлаган Самарқанд ёки вилоятни ташкил этишда ўзи тамал тошини қўйган Навоий шаҳрида эмас, балки навқирон талабалик

йиллари ўтган Тошкент шаҳрида оламдан кўз юмди...

Мудҳиш хабар Нуротага етиб келганида кекса-ю ёшнинг кўзига ёш калқиди. Чунки халқ бу самимий, ростгўй раҳбарни жуда яхши кўрарди. Ҳа, Ҳожиқул ака туғма раҳбар эди. У Самарқанд вилоят партия қўмитаси котиби, Нурота тумани ҳокими, сўнг Навоий вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби лавозимларида ишлаган йилларида ҳам камтарлик ва инсонийликни йўқотмади.

Айни шу апрель ойлари Ҳожиқул ака ёзувчи-шоирларни Нурота тоғлари ва яйловларида сайр қилдириб юрадиган одати бор эди. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов Ҳожиқул аканинг эъзозли меҳмонлари, Азим Суюн, Ғаффор Ҳотамов, Абдусайд Кўчимов, Ҳабиб Темиров, Ҳамдам Нурий сингари шоиру носирлар севимли укахонлари эди. Улар раҳматли Ҳожиқул аканинг дилтортар, самимий суҳбатлариини ҳамон эслаб юрадилар. Биз ҳам хўрсиниш, ачиниш билан ушалмаган армонларини ёдга оламиз.

Нурнинг севимли фарзанди, жамоат арбоби Ҳожиқул Худойқулов яшаган ҳовлида кичик бюст ўрнатилган. Кўчадан ўтаётиб, унга кўз ташлаган юртдошлари: “Қалби тоза инсон эди”, деб дуо қилишади.

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ

Гулларга ўралган гўзал маскан соҳиби, биз ўқиган мактабнинг директори, бош тарбиячиси Баҳриддин Рустамов туғма тарбиячи эди. Не-не ёш полапонлар, олисларга парвозини шу мазгилдан бошлаган. Бу қутлуғ даргоҳ биз учадиган ва қўнадиган тайёрагоҳ бўлишини жуда хоҳлардик. Ажаб қисматни қарангки, “аэродром”имиз 1977 йилда негадир ёпилди. Мен 1976 йилгача ажойиб рус шоири Александр Сергеевич Пушкин номидаги ана шу мактабда таҳсил олгандим. Ташкил топганига эндиgina 36 йил тўлганида, райком котибасининг бир оғиз сўзи, имо-ишораси билан мактабга кулф осиб қўйилди. Бинони эгаллаб олган тикув фабрикасига эса “8-март” номини беришди.

Қирқ йил зерикарли ўтди. Қирқ йил синфдошлар дийдорига тўя олишмади Собик синфдошлар учрашишга интиқ бўлиб яшади. Ҳар йили таътилга келганимизда, синфхоналарга киролмай, маъюсгина ортимизга қайтардик. Мураббийларни кўрмасак, танаффусга чорлагувчи кўнғироқларнинг жарангини эшитмасак, биз қайга борамиз?! Масъум болалик даврларни кимлар билан эслашамиз?! Оҳ, Қурбонова опа, ўзингиз билмаган ҳолда, сиз болалик хотиралари, ўсмирлик хаёллари билан бирга бўлиш бахтидан синфдошларни маҳрум этдингиз. Қўлларини кўксига қўйганча, бизга боқиб турган шоирнинг қошига боролмадик. Ёмғиру қорларда шалаббо бўлган буюк шоир ҳаммамиздан қаттиқ ранжиди. Бир вақтлар у авлодларига шундай нидолар қилганди:

Қатл этасиз, эй мовий кўзлар,

Нега ахир бегуноҳ жонни?

Юраксиз, золимсиз нечун,

Қадр этмайсиз ҳатто инсонни?

Шоир халқнинг виждони, фахридир. Марина Цветаева ёзганидек, “*Россия Пушкинда бутунлашади, Пушкинда парчаланади... Мен жонажон денгизим – Пушкин дунёсида муттасил голибликни ўргандим, қўрқувни унутдим*”. Камина ана шу ҳикматларнинг таъсириданми, ўзим суйган шоирнинг ҳаёти

ва ижоди ҳақида профессор Пётр Кузионов билан ҳамкорликда “А.С.Пушкиннинг сўнги фожеий дуэли” (“Последняя трагическая дуэль А.С.Пушкина”) номли автобиографик қиссани¹⁰ ёздим. Таваллудининг 200 йиллигига аталган бу китобда шоир яшаган давр муҳити, жамият қарашлари, унинг дунёқарашига таъсир этган шахслар, уйланиш тарихи қаламга олинади. Шу билан бирга, бошидан ўтказган ўн олтита дуэл (!)нинг сабаблари, шоирнинг охириги кунлари ва ўлими батафсил, ишонарли ёритилади. Майли, бунинг ўзи алоҳида ҳикояга мавзу бўлгулик ҳодиса...

Ажабки, мактабнинг собиқ ўқувчилари ўзлари яхши кўрган, номини кўтариб юрган Пушкинидан ажралди. Йигирма икки йилдан кейин ҳудудни куч билан “эгаллаган” 8-март фабрикаси касодга учради. Ишчилар уй-уйига тарқалди. Жонажон мактабимиз ҳудуди яна қаровсиз, бефайз жойга айланди. Туманнинг энг обрўли 1-сон мактабини раҳбарлар унутаёзди...

2014 йил ёзи. Ҳоким акамиянинг фармойишига кўра, шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган 7-сон интернат биноси ўрни икки бойваччага хатлаб берилди. Аттанг, яна бир таълим даргоҳининг ери сотилди?! Чўпон болалари ўқийдиган даргоҳнинг кўчада қолган болаларига ўқиши ва яшашига том керак бўлганида, раҳбарлар ҳўв қаровсиз иморатни эслашди. “Бир вақтлар ўғил-қизларимиз чуғур-чуғурига тўлган уч қаватли бино “бекор” ётибди. Уни таъмирдан чиқариб, кўчиб кирса бўлади”, деган қарорга келишди.

Содир бўлган воқеаларни эслашимдан муддао шуки, устоз Баҳриддин Рустамов узоқ йиллар собиқ мактабнинг республика миқёсида танилишига ҳисса қўшган эди. Бизнинг дардимиз устознинг ҳам дарди, қувончи ва ташвиши ҳам эди. Ўша алғов-далғов замонда райком қарорига қарши боролмагани учун шогирдлари олдида қадди букилган, изза тортиб, ҳаммадан кўпроқ қайғуга ботган директоримиз бўлганди...

¹⁰Кузионов П., Омонов Б. Последняя трагическая дуэль А.С.Пушкина. – Т.: Издательство медицинской литературы имени Абу Али ибн Сино, 1999. –128 стр.

Ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлган Баҳриддин ака ўрта бўйли, озгин, нурли киши. Ташаббускор раҳбар, жуда кучли нотик Баҳриддин Рустамовнинг сўзи кескир, ўзи ҳозиржавоб, мақол ва маталларни ёддан билгувчи эди. *“Болам, Яссавийни, Навоийни, Маширабни билгин, шеърү газалларини ёд олгин, шунда умринг анча мазмунли кечади”*, деб насихат қиларди толибларга.

Ҳар гал қишлоққа борганимда, тўй ва маъракаларда учрашиб қолганимда, уларни ҳурмат билан йўқлардим. Озгина суҳбат қувардим.

–Ўғлим, авлиё жойда туғилиб ўсганингни унутма ва шунга муносиб бўл!–дерди Баҳриддин ака мени бағрига босиб. –Она тупроғингга, хеш-ақрабо, мураббий ва саййид зотларга ҳамиша таъзимда бўлсанг, кам бўлмайсан.

Меҳрибон, бағрикенг бу зот саксон ёшдан ошганида оламдан кўз юмди. Ўлимидан сал олдинроқ, уйларига кириб бордим. Ҳовли саҳни кичикроқ, одми, ўртаҳол эди. Муаллимнинг ҳовлиси шу-да. Биз йўлакдан велосипед зўрға ўтадиган дарвоза олдидаги камсуқум меҳмонхонага кириб, бир соатча гаплашдик.

– Муаллимнинг асаб толалари, мактаб директорининг машаққатли меҳнатини икир-чикирлари билан ёзса бўлармикан? – дея саволга тутдилар мени.

–Бундай юмушни фақат ўқитувчи бўлган ижодкор уйдалайди, –жавоб бердим. – Бошқанинг қўлидан келмайди. Дейлик, узоқ йиллар Халқ таълими вазирининг муовини бўлиб ишлаган Насриддин Раҳмонов “Умр йўли” номли хотиралар китобида бу ҳақида батафсил ёзади.

–Насриддин ака туғма педагог, улкан ташкилотчи. Нуротанинг фаҳри, тимсоли...

–Ҳали, насиб қилса, сиз ҳақингизда ҳам ёзамиз. Хавотир олманг, –деб кўнглини кўтардим.

Баҳриддин ота содда, очиқкўнгил, самимий эди. Ана шу хислатлари учун эл-улус муаллими яхши кўрарди.

–Умримнинг тўқсон фоизи мактабларнинг деворлари орасида ўтди. Шогирдларимнинг ютуқларидан хабардорман. Мактабимиздан ўндан зиёд фан доктори, етмишга яқин фан номзоди етишиб чиқибди. Яшаган умрим ва меҳнатимдан розиман,—деди сал қоматини кўтариб.

–Тарбиявий сабоқларингиз учун розимиз, устоз. Сиз минглаб шогирдлар юраги тўрида яшайсиз,—дея тасалли бердим.

–Шу илиқ гапларнинг ўзи менга катта мукофот, обрў, болам. Уйимга йўқлаб келганингиз, эътиборингиз учун раҳмат.

Меҳмонхона салқин ва сокин эди. Устоз-шогирд руҳий ҳолатимиздан келиб чиқиб, кун бўйи суҳбатлашишни истардик. Шу кунларда қиладиган ишимиз қолмаган: домла нафақада, мен таътилда бўлсам...Назаримда, бугун ўзим қизиққан кўплаб саволларга жавоблар олишни хоҳлардим.

Биз синфдошларимиз билан яқинда ўтказган ўттиз йиллик дийдорлашув кунини эслашдик. Қишлоқ хўжалик коллежи биносида, 2006 йилда ўтган тадбир олдидан ўттизга яқин собиқ синфдошларга сабоқ дарсини ўтиб бердилар. Домла ўзгармаган: қўл, бармоқлар ҳаракатида нозик аломатларни кўрамиз. Уларнинг имо-ишорага тўла таъсирли нутқини берилиб тинглаймиз. Болалигимизда анча таниш мактаб директорининг нутқи оҳанрабодек қулоқларимизга ёқади...

–Ўғил-қизларим! Жазирама июль ойида аттестатни қўлга олиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган хаяжонли дамларингиз ёдимда турибди. Тузум ҳам, одамлар ҳам ўзгарган бўлишига қарамасдан, мураккаб ҳаёт сўқмоғида ўз ўрнингизни топганингиздан хурсандман, – деди домла. – Кимдир фан номзоди, кимдир ҳоким, кимдир мактаб директори бўлибди. Энг муҳими, юртнинг корига ярайдиган яхши одам бўлиб етишдингиз. Жамиятда иззат-обрў топган шогирдларим борлигидан фахрланаман. Муҳим насиҳатим шуки, сизга ҳарф ўргатган, сабоқ берган муаллимларни унутманг. Ўзингиз ҳам бир-бирингизга меҳр-оқибатли бўлинг, болаларим. Зардушт бобомиз айтганидай, инсондан фақат яхши сўз ва яхши ном қолади. Ўтинчим шуки, ота-она ва устозларнинг шаънига доғ туширманг...

Қирқ беш дақиқалик дарс тўғрилиқ ва яхшиликка бағишланган эди. Бугун ҳам устознинг ҳаёт, умр, фарзандлар тарбиясига доир ҳикматларига кизиқардим. Ёшларнинг тарбиясидаги ярамас иллатларнинг илдизи ҳақида сўрамоқчи эдим. Бироқ кутилмаганда хонага тўртта меҳмон кириб келди-ю, суҳбатимиз чала қолди. Навоий шаҳридаги санаторийда дам олишган хатирчиликлар Нурота Чашмаси зиёратига келишган экан. Ноилож, бошқа гал келишимни айтиб, хонани тарк этдим.

Ваъдам бўйича, ўзаро суҳбатлардан олган таассуротимни жамлаб, қоғозга туширишга аҳд қилдим. Кўнглим чопгани сабабли, шаҳарга қайтгандан кейин ушбу мазмунда хат ёздим:

“Салом Баҳриддин домла! Эллик беш йил мактабда ишлаб, шундан ўттиз беш йили раҳбарлик курсисида ўтирган сиздай олийҳиммат зотга олдин ёзмаган эдим. Ёзишмалар бир жойга жамланса, э-ҳе, ҳаётдаги не-не муаммоларни муҳокама қилган бўлардик. Етуклик аттестатини қўлимга олганимда, олтин медалга илинмаганим боис, гапнинг очиги, сиздан қаттиқ ранжисигандим. Ўзим яхши кўрган ўзбек тили ва адабиёти фанидан баҳоимни пасайтириб, ягона олтин медал бошқа синфдошимга насиб этгани менда ёмон таассурот қолдирди. Аммо шунга қарамай, Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультети кечки бўлимига ўқишга кирдим. Кундузи “Шарқ” концерни босмахонасида ишлаб, оғир меҳнатга кўникма ҳосил қилдим. Шоир, адиб дўстларим билан маънавий суҳбатларда англашимча, адабиётдан билимим мақтайдиган даражада эмас экан. Омадни қарангки, шарқшунос олим Нажмиддин Комиловга шогирд тушдим: йигирма йилча этакларидан тутиб, авлиёлар, султонларнинг ҳаёти ва ижодидан баҳраманд бўлдим. Ҳалоллик ва тўғрилиқ дарслари мени тарбиялаб, улгайтириб бораверди.

Баҳриддин ота, мактаб ҳовлисида юрганимда, сиз менга анчагина танбиҳу ўғитлар берган эдингиз. Ҳатто, 7-синфдалигимда бир ўртоғим билан жиққамушт уришиб, қўлга тушганимда, билагимдан маҳкам ушлаб:

– Дўстингга қариши кучингни ишлатма. Бу гумроҳликдан бошқа нарса

эмас. Сен ақлингни ишлат, ақлинг зўр бўлсин! –деб койиган эдингиз.

Яна бир гал ўқитувчим қошингизга етаклаб кирганида, елкамга қўлингизни ташлаб:

–Сенга баҳо керакми ёки билим? Улардан бирини танла! –дедингиз.

Кўзингизга тик қарай олмадим. Бояги ҳаяжон йўқолган, ҳоврим босилган эди. Сохта баҳога учиб, бир зумлик обрўга эга бўлиб ўткинчи нарса эканлигига мени ишонтирдингиз. Билим – инсонни юксалтириб, эзгу ишларга бошлайди. Энди йиллар ўтиб, ўзим дарс бераётган Ахборот технологиялари университетида шогирдларимни билимли ва юртга садоқатли бўлишга, енгил йўللардан юрмасликка ўргатмоқдаман.

Яқинда уйингизга ўтсам, яна санаторийга дам олишга кетганингизни айтишди. Олдинги сафар Зоминга жўнаган экансиз.

Сизга мактуб ёзиб юрагимни озгина бўшатдим. Мактубимга “Юрак оғриқлари” номли китобимни қўшиб қўйдим. Ҳурмат билан шогирдингиз”.

Бу мактубим устозга етиб борганида, бетоб ётган эканлар. Ўғлининг айтишича, “Отасига ўхшабди. Фикри ўсибди, улғайибди. Мени яхшилик билан эслаганини айтмайсизми?! Умри зиёда бўлсин, илоҳим”, деб дуо қилибдилар. Орадан икки ойча ўтар-ўтмас, домланинг вафот этганлигини эшитиб, қаттиқ изтиробга ботдим.

Отахон ўзига ҳайкал қўйиб кетгани ҳақиқат эди. Баҳриддин акани нуроталиклар “мактаб директори”, ”устоз”, “муаллим”, деб атар эдилар. Бу таърифлар ичида биринчиси менга ёқади. Негаки, муаллимнинг сони бисёр, мактабни бошқаришни эса ҳамма эплай олмайди...

Устознинг ўғли Хайриддин қўйиб қўйгандек отасининг ўзи. У ҳам мактабда муаллим. Тўй-ҳашамларда учрашиб қоламиз. Баҳриддин домлага ўхшаб кетадиган қиёфани кўрсам, беҳад шодланаман. Отасининг ҳурмати ҳаққи қуллуқ қилиб, бағримга босаман.

Қадим Нуротанинг иймонли фарзанди Баҳриддин Рустамов чиндан ҳам моҳир педагог, пок тийнатли инсон эди.

ХОКИСОП ИНСОН

Меҳридарё инсон Жонибек ака билан саксонинчи йиллар ўрталарида Ғафур Ғулом номидаги нашриётда бирга ишлаш насиб этди. Гулистон шахридан азим пойтахтга кўчиб келгунга қадар у “Зангори уфқлар” номли биргина китобчасини чоп эттирган эди. Бу ҳаёт, рўзғор ташвишларидан қутулолмагани, ижодга деярли вақт қолмаган, деб ўйлардим.

– Нега кам ёзгансиз? – сўрадим Жонибек акадан.

– Ҳаёт мураккаб, укажон. Узоқ туманларда яшасанг, рўзғор машаққати елкангдан босиб туради.

– Китоб ёзишга фурсат топилмайдими?

– Албатта-да. Қариндош-уруғларнинг кўплиги, тўй-маъракаларнинг боши кети узилмаганидан фақат тунлари шеър ёзишга ўтирардим, – жиддий жавоб берди у.

Бунинг номи ўзбекчилик! Асрлар оша етиб келган урф-одатлар, тўй-ҳашамлар истеъдодли шахсларнинг вақтини, бой имкониятини “ўғирлар” эди, чамамда. Аммо пойтахтга кўчганидан кейин ўзини буткул ижодга урди. Форс-тожик тилидан таржималар қилди, шеърлар, дostonлар ёзишдан бир зум тўхтамади. Сабаби, ёши элликка яқинлашган, қўлидан учиб кетган кунларини тўлдирмоқни истарди.

Жонибек Субҳон 1944 йилнинг 9 июнида Жиззахнинг Зомин туманида туғилди. 1970 йилда Самарқанд давлат университетини битиргандан сўнг, ўн йил “Сирдарё ҳақиқати” газетасида, 1980–1984 йилларда ЎЗА вилоят бўлимида, 1984–1986 йилларда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида ишлади.

Акахон (у кишини биз шундай атардик) ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, тобланган киши эди. Нашриётда ишлаган Зарафшон воҳаси вакиллари – Абдували Қутбиддин, Азиз Саид ва каминага ҳар жабҳада маслаҳату кўмаклар берарди. Сабр-тоқатли бўлиш, адолатли ва тўғри ишлаш сирларини ўргатиб борарди. Акахон кўп қаршиликка учраганлиги гап-

сўзларидан билинарди. Характеридаги ростгўйлик фазилати баъзида бемалол ижод қилишига, муаллифлар билан мулоқотига халақит берарди. “Сарикман-да, нима қилай”, деб ҳазиллашарди.

Аммо акахон куйинчак, тиришқоқ, меҳнаткаш эди. Дўст-биродарлар олдидаги инсоний бурчини беҳато бажарар, имкон топилганида, уларга таъмасиз, холис ёрдам кўрсатарди.

Бир куни хотамтойлиги сабабини суриштирдим.

–Зомин бекларининг неварасиман! –қатъий жавоб берди у.

Чиндан ҳам, ишхонада бекларга хос виқор билан юрар, идора юмушларини чаққон бажарар, майда-чуйда гапларга эътиборсиз, қўли очик эди.

Акахон дам Зоминда, дам Самарқандда, дам Сирдарёда қариндош-уруғларининг тўйларида ҳомий, камарбаста бўлиб хизмат қилганига шохид бўлардим. Биз, ёш ноширлар акахонни дилдан гаплашадиган, баланд-пастни тушунадиган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган киши сифатида ҳурмат қилардик. Каминага келсак, Юнусободнинг 15-мавзесида, қўшни бўлганимиз учун тез-тез кўришардик.

Бу елиб-югуришлар, уйқусиз ижод завқи ўз самарасини бера бошлади. Ж. Субҳон кўплаб шерий китобларини чоп эттирди. Хусусан, “Сенга интиламан”(1987), “Катта ҳаёт бўсағасида”(1987), “Қирралар”(1988), “Замон кўнғироғи”(1990), “Ота макон”(1991), “Тазарру онлари”(1993), “Силсила”(1994), “Рўё” (1994) каби китоблари ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди.

Жонибек Субҳон аруз вазнида ҳам ёзарди. Бундай истеъдод ҳамма шоирларда ҳам учрамайди. Булардан ташқари, адабий жамоатчилик бу кишини яхши таржимон сифатида ҳам ардоқларди. Шарқ шеърятининг қиёси йўқ шоири Мирзо Абдулқодир Бедил ғазалларини ва бир қатор шоирларнинг шеърларини форс-тожик тилидан моҳирона ўгирган эди:

Қазо бош хатига уфқнингким қайси кун рақам урди,

Дедим: не манглайимга ёзилибдурки, қалам урди.

Оловдаги тақа нафасидан сиз зофил бўлмангиз,

Қадамига, ки шамнинг бош то базм ичра қалам урди (Ф. Аттор).

Аммо Жонибек ака ижодкорлар ўртасида сакланиб қолган “ўйинлар”га берилмади: характериға мос равишда ҳалол, покиза умр кечирди. Асли шунинг ўзиёқ унинг бахти ва бойлиги эди. Акахон турмуш тўфонлари, ғайирларнинг қаршилигини енгиб, ғолиблардек мардона яшаган бўлса-да, барибир, қанд касаллиги уни енгиб қўйганди...

Шоир ва таржимон Жонибек Субҳон 2008 йилда оламдан ўтди.

ТЎҒРИСЎЗ ШОИР

Мен Шавкат ака билан қарийб беш йил бир жамоада ишладим. Қўркмас, бир сўзли инсон эди у. Ўзини тутиши, юз ифодаси, ҳаракатларида катъийлик, чапдастлик аломати сезиларди. Истеъдодли дўстлари, тенгдошлари билан шеър сеҳри, шоирлик уммони ҳақида гаплашган пайтдан бошқа дамларда у кулмасди, жиддий тураверарди.

Шоирнинг таржимаи ҳоли ибрат бўлгулик. 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш вилоятининг Қорасув туманининг Помир маҳалласида хизматчи оиласида туғилди. 1973 йилда Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт институтини битирди, Тошкентга келиб, Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир ва бўлим бошлиғи, кейинчалик республика Ёзувчилар уюшмасида масъул ходим бўлиб ишлади.

Шавкат Раҳмон 80-йилларда ўзбек адабиётида кучли оқимни ташкил этган лирик-фалсафий, исёнкорлик руҳидаги шеърларни яратди. Ўзининг такрорланмас овози, бетакрор ижоди билан тенгқурларидан фарк қиларди. “Рангин лаҳзалар” (1978), “Юрак қирралари” (1981), “Очиқ кунлар” (1983), “Гуллаётган тош” (1984), “Уйғоқ тоғлар” (1986), “Хулво” (1988) каби бир қатор шеърӣ тўпламлари орқали у халқимиз орасида яхши танилди. Шоирнинг ўз қўли билан тайёрлаган, аммо вафотидан кейин нашр этилган “Сайланма” (1997) сани кўздан кечирсангиз, бутун ижоди давомида яратилган сара асарлари қаторида хасталик дамларида битилган видолашув шеърларига ҳам дуч келамиз.

Шавкат ака сохта, баёнчиликка мойил шеърӣятни тан олмасди, мен гувоҳи бўлган йиғинларда раҳбарӣят ҳар қанча дағдаға қилмасин, бўлмағур қўлёмаларни йиллик режадан чиқариб, ўрнига истеъдодли шоирларнинг китобини киритарди. Унинг принципиал ёндашуви, ҳалоллиги, тўғрисўзлигига тан берардик.

Нашриётда 1986–1991 йилларда шеърӣят бўлими инқилобий ўзгаришларни амалга оширишга кудрат топганди. Бир-биридан гўзал, такрорланмас шеърӣ тўпламлар дунё юзини кўра бошлади. Истеъдодли

ёшларга кенг йўллар очилди ва ғамхўрлик ҳаддан зиёд кучайди. Мисол учун, ўша йилларда Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Амир Худойберди, Аъзам Ўктам, Чори Аваз, Равшан Файз, Рауф Субҳоннинг китоблари чоп этилди. Шавкат ака ёш истеъдодлардан баъзиларини ёнига ишга чақирди.

У Лорка ижодини аслиятдан ўгириш истагида испан тили билан махсус шуғулланди, испаншунос олимлар билан ҳамсафар бўлиб Лорканинг юртига ҳам борди. Миллат шеъриятига хос поэтик образ ва шаклларни, халкнинг миллий урф-одатларини синчиклаб ўрганди. Шу боис, Лорканинг “Энг қайғули шодлик” (1989) китобига кирган шеърлар таржимоннинг юксак поэтик маҳоратидан дарак беради. Таржималарни ўқиш жараёнида унинг машаққатли бир юмушни қойилмақом адо этганини тасаввур қилиш қийин эмас. Китобга ёзилган изохлар, тушунтиришлар жамланса, Шавкат Раҳмоннинг лоркашунос сифатидаги махсус тадқиқоти ҳам пайдо бўлади. Лорка шеърларида образлар, туйғулар, дарду аламлар миллий, жонли ифодаланади. Инсон умрини учиб ўтаётган қушга ўхшатишади. Умр – ўлчоғлик экан, унинг қадрига етиш лозим.

Ҳаётининг сўнгги йилларида Шавкат ака оғир касалликка чалинди. Шунда ҳам у принципиал, мард инсон сифатида ҳаётий позициясидан воз кечмади. Иродаси букилмади. Ғаройиб шеърларини ёзди, ёзаверди... Шоир бир шеърида:

*Мендан нима қолур,
Абадий нурлар.
Барқ уриб яшаган дунё томонда?
Уриниб-суриниб сира тўймаган
Бир кўнгил қолади.*

деб ёзса, охирги шеърларидан бирида:

*Айт, эй хаста булбулим,
Ўшга қачон етамиз?*

*Яшил боғлар сарғайди,
Майиз бўлди гужумлар,
Оҳ, вой мунча йўл оғир.
Булбулим...*

дея ўткинчи ҳаёт билан, сеvimли китобхон билан сўнгги бор видолашган эди, гўё.

Мен “истеъдод ўлмайди”, деган ҳикматнинг маъносини шоир Шавкат Раҳмоннинг ижодий йўлида ёрқин тасаввур қиламан. Биз кам суҳбатлар курган бўлсак-да, у ҳақгўй, виждонли шахс сифатида хотирамда муҳрланди. Ён атрофида ишлаган айрим “дст”лари вазият, шароит ва имкониятга қараб товланиб, турланиб туришларига унинг асаблари дош бермасди.

Шавкат акани инсонийликнинг олдин қоидаларини бузмагани, ёмонларни ёмон, яхшиларни яхши, деб ўз номи-ла атагани, муҳими, тўғрисўз бўлганлиги учун ҳурмат қилардим. Шу жиҳатдан олганда, бу гўзал шоир шахси ва ижодининг баъзи очилмаган қирралари ҳақида тадқиқотлар яратиш вақти келди, деб ўйлайман.

ЮРАГИДА ЙЎЛБАРСИ БОР ЙИГИТ

1980-йиллар ўрталарида Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётида давримизнинг таниқли адиблари, шоирлари фаолият олиб борарди. Эркин Воҳидов бош директор, Жамол Камол бош муҳаррир, Хайриддин Султонов, Низом Комилов бош муҳаррир ўринбосарлари, Эркин Аъзам кўпжилдлик асарлар, Шавкат Раҳмон шеърят, Машраб Бобоев наср, Ҳасан Тўрабеков наср таржимаси, Асқарали Шаропов танқид ва адабиётшунослик, Урие Эдемова қрим-татар, Анатолий Бобров рассомлик таҳририяти мудири лавозимларида ишлар эдилар. Адабиёт оламида донғи кетган устозларнинг назаридан қўлёзмани элакдан ўтказиб, чоп эттиришга ҳамма ижодкорнинг ҳам юраги дов бермасди – жиддий салобатидан ҳайиқиб туришарди.

1986 йилнинг баҳорида ушбу даргоҳга Муҳаммад Юсуф (1954-2001) билан олдинма кейин ишга қабул қилинганмиз. Бахтни қарангки, ўша пайтда жой топилмаганидан етти-саккиз ойча шундоқ зинапоё олдидаги 13-хонада бирга ўтирганмиз. Бу йигитнинг “Тошкент оқшоми” газетасидан нашриётга келиши, раҳбаримиз Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда, “ташкilotимизнинг омади чопгани” эди. Бунинг сабабини бир неча ойдан кейин билиб олдим. Қорамағиз юзли Муҳаммаджон ака адолатли, шартаки эди. Китоб чиқариш илинжида югуриб юрган шоирлар муҳаррирнинг қаттиққўллигини билгач, шеърят бўлимининг эшигига йўламай қўйишди. Бўлим бошлиғи Шавкат Раҳмон ва катта муҳаррир Муҳаммад Юсуф қалин папкага жойланган (70-80 ёшли оқсоқол шоирларнинг ижод маҳсули), бадиий жиҳатдан саёз қўлёзмаларни чиқармаслик ҳақида хулосани ёзиб, раҳбаримиз Эркин Воҳидовга киритарди. Энди Мирмуҳсин, Рамз Бобожон каби шоирларнинг елиб-югуришини бир кўрсангиз. Ким нонининг яримта бўлишини хоҳлайди дейсиз?!

Эсимда, Марказқўмдан директоримиз Эркин Воҳидовга илтимослар ёғилар, аммо шеърларнинг нашрига масъул бўлган М. Юсуф ва Ш. Раҳмоннинг ўзгармас позицияси туфайли, айрим китобларнинг чоп этилиши муддати кейинроққа сурилди. Охири, “семиз-семиз” китобларни чиқаришга ружў қўйган кекса шоирлар кичикроқ тўпламларни чиқаришга рози бўлдилар. “Атоқли” шеърларнинг ҳар сатрига отнинг калласидай гонорар (сатрига камида 2 сўмдан 5 сўмгача) тўланарди-да. Мисол учун, 1000 сатрига 5000 сўмгача олишарди. Бу мажбуриятдан қутулган нашриёт анча-мунча маблағни тежаб қолувди.

Корхонамиз республикадаги энг бақувват ноширлик маркази эди. Жамоада икки юз эллик киши ишларди, биз ҳар ойда маош, ҳам мукофот пулларини олардик. Матбуот қўмитаси молиявий оборот маблағининг қарийб 70 фоизи, яъни тизимдаги 12 млн. сўм маблағнинг 7-8 млн. сўми Адабиёт ва санъат нашриётининг улушига тўғри келарди. Камида беш-ўн минг нусхада чиқадиган бадиияти юксак савиядаги ранг-баранг китобларимиз бирпасда сотилиб кетарди. Ҳақиқатан ҳам, 70–80 йилларда халқимиз чинакам бадиий адабиётнинг шайдосига айланган эди.

Бир куни бухгалтерияга кирсам, бош муҳаррир ўринбосари Низом Комилов:

– Бу пулларни қайси чўнтагимга солай, синглим. Кечагина маош олувдим, энди қайси ойнинг мукофотини беряпсизлар? – деган гапининг устидан чиқиб қолдим.

Қизлар ҳам ҳазиллашди:

–Низом ака, “берганнинг юзига қараманг” дейишган машойихлар. Пулингиз ортиб қолса, машина оларсиз, бизлар ҳам минармиз, акажон.

– Мен машина ҳайдашни билмасам...Э, меҳнатнинг қадрига етадиган Эркин Воҳидовнинг отасига раҳмат!

Эркин ака катта шоир бўлишидан ташқари, бағрикенг, адолатли, виждонли раҳбар эди. Биз директоримизни жуда ҳурмат қилардик. Жамоа аъзолари бир жону бир тан бўлиб тер тўкардик. Эркин ижодий муҳит

яратилгани туфайли ходимлар садоқат билан хизмат қилишар, ўзаро аҳил-иноқ эди. Агар ёзган китоблари гонорари ва ойлик маошини ҳисоблаб кўрсак, бизнинг жамоадагилардан бойроқ маданият арбоби (журналист, артист, рассом ва бошқалар)ни учратмас эдингиз ўша пайтда.

Биз ноширлар ғаройиб орзулар оғушида юрардик. Руҳимиз баланд, кайфиятимиз чоғ. Самимий, кувнок давралар, ширин суҳбатларнинг кети узилмайди. Ёнимизда Ҳамза театри, нарида “Пахтакор” стадиони, рўпарада Савдо ярмаркаси, пивоҳона, тамаддихона... Танишлар бисёр. Ишдан кейинги ҳордик, эркин суҳбатлар. Хў, ана, Рауф Парфи пиво ҳўпларкан, девордаги табиат картинасига қараб шеърнинг туғилишини кутмоқда. Ёнида шогирдлар, шоирчалар... Тушга ўхшаб ўтиб кетган воқеалар ҳали ҳам бизга илҳом бағишлайди. *Ўтганларнинг руҳлари кезиб юрибди “Tachkent city” чорбоғларида.*

Ўша йилларда Ғ. Ғулом номидаги нашриёт ўзбек жамиятига эзгу ғоя, фикр, бақувват асарларни тақдим этадиган, ёш авлодга куч-илҳом берадиган зиёлилар қароргоҳи бўлган. Гарчи 2005 йилларда нашриёт Лабзак даҳасига кўчиб ўтган бўлса-да, Навоий, 30-уйдаги руҳий сокинликни топиш амри маҳол. Гуёки бинонинг тўртинчи қавати хоналари ва йўлакларида Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Одил Ёқубов, Миркарим Осим, Мирзиёд Мирзоидов, Носир Фозилов, Машраб Бобоев сингари таниқли ижодкорларнинг маърифий гурунглари, суҳбатлари, баҳс-мунозаралари қулоғимиз остида жаранглагандай туюлади. Кейинроқ, уларнинг ўрнини тўлдирган Иброҳим Ғафуров, Жамол Камол, Омон Матжон, Низом Комилов, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов ва бошқаларнинг гап-гурунглари ҳам ёдимиздан чиқмайди...Ахир, бу – тарих, хотираларга муҳрланган ўчмас тарих!

1988 йилнинг баҳор ойларида Муҳаммад аканинг ишлаб чиқариш бўлимида ишлайдиган Комил деган жияни уйланди. “Бахтиёр, юринг, биз томонларнинг тўйини кўриб келасиз”, деб қистайвергач, икки-уч киши автобусга ўтириб, Марҳаматнинг Қовунчи қишлоғига равона бўлдик.

Саргузаштлар ила манзилга етиб бордик. Қовунчи – баҳаво жойда жойлашган экан. Муҳаммад ака шаҳарнинг диққинафас ҳавоси-ю, қўлёмаларнинг чангидан сиқилган эканми, юртига келган заҳоти чой ичар-ичмас, синфдошларини футбол ўйинига чорлади.

–Олдинги гал ютқазганимнинг қасдини оламан! –деди шоир.

Биз – йигирма икки футболчи шоир ўқиган 25-мактабнинг спорт майдонига қатор тизилишдик. Атроф тумонат одам. Бир жамоага ўзи, бирига укаси Мурод (у ҳам Рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган, мактабда дарс беради) сардорлик қилишди. Ўзиям коптокни соғинган эканмизми, майдон бўйлаб қарийб уч соат югурибмиз... Ниҳоят, ўйин дуранг билан тугагач, қўл ташлашиб, хурсанд бўлганча тўйхона тарафга югурдик. У пайтлар тўйлар ҳовлида ўтказилар эди. Шунда Муҳаммад ака дарвозахона ичида, сўрида ўтирган оқсоқоллардан бири билан қуюқ кўришди. Келишган, оппоқ соқолли нуроний одам шоирнинг биринчи ўқитувчиси Сайдулла Тожихонов экан.

–Сиз биринчи муаллимим бўласиз! – дея отахонни мақтади.

–Раҳмат, болам, умрингдан барака топ. Ўзбекнинг эркаси бўлиб юр, юзга киргин, – дея елкасига қоқиб қўйди кекса муаллим.

Биз базм дастурхонига кириб борганимизда, соат саккиздан ошганди. Стол атрофида ўтирган ёшлар нафақат қишлоқ, балки бутун Андижоннинг фахрига айланган шоирга эҳтиром кўрсатиб, ўрнидан турдилар. Футбол ўйинидаги чарчоқдан ҳаллослаб ўтирсам, менга сўз беришди. Ҳазил аралаш гапириб, меҳмонларни дам олдирмай, мактаб стадионига “ҳайдаган” шоирни танқид қилган бўлдим.

–Бугунги ўйинда дўстлик, иноқлик ғалаба қозонди, ёш келин-куёв ҳам бир жамоа, оила аъзоларидек аҳил яшасин, бир-бирига дўст, меҳрибон бўлишсин, – дедим.

Эртаси куни Муҳаммад ака бизни қишлоқ этагидаги канал бўйига меҳмонга чақирди. У канални бошидан охиригача сузиб ўтиб, бу борада уста сузувчи эканини намойиш қилди. Ёзувчи Равшан Қодир, Муҳаммад Юсуф,

укаси Мурод ва камина икки соатча чўмилгач, танишлардан бири олдимизга тоғ асалини кўтариб келди.

–Бу жойлар жони-танним, одамлари жигарларим, уларни ҳаддан зиёд яхши кўраман. Мабодо каттаконлардан кимдир хафа қилса, чидаб туролмайман, – деди Муҳаммад ака дастурхонга қўйилган иссиқ нонни кўлига олиб. Салдан кейин кўшиб қўйди: – Бахтиёр, шоир ижодида меҳнаткаш халқимизни кўнглини кўтарадиган теша тегмаган сўзларни топиб айтиши лозим. Халқ – яхши сўзнинг ошиғи. Буни ёддан чиқарманг.

Тошкентга қайтиб келгач, ҳамхонам билан анча иноқлашиб кетдим. Хонамизда икки дугона – таржимонлар Холида Мансурова ва Ҳикоят Маҳмудова ёнма-ён ишлашар эди. Ноширчиликда суяги қотган, фидойи опаларимизни ҳамма ҳурмат қиларди. Улар нашриётга келиб тушадиган насрий асарларнинг моҳир муҳаррири сифатида танилган эдилар.

Ёдимда, бир куни Муҳаммад ака хонамизга келиб, қизи Мадинага аталган шеърини бизга ўқиб берди. Ота кечаси йиғлайверган қизалоғини ухлатишга уриниб: “Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим, Биз ҳали ҳаммадан ўтамыз, қизим!”, деган сатрлар билан хотима топарди шеър.

–Агар шу сўзларни кўшиқ қилсангиз, ҳаммага ёқади, –дея таклиф бердим.

Шоирнинг бундай шеърлари беҳисоб эди. Ўта самимий, содда, мағрур тилда ёза оларди у. Бахти ҳам шунда эди. Ёдимда, бир шеърида қизига бахт тилаб: *“Ўтларга кўмилиб кетганда изим, Ҳолинг нима кечар...юрагим оғрир”* деб ёзган. Бу сатрларни ҳис-ҳаяжон ила ўқиётиб, шоирнинг шеърларида *башоратлар* мавжудлигини илғай бошлагандим. Муҳаммад ака учала қизини ҳам жонидан ортиқ яхши кўрарди.

Ҳамхонам ростгўйликни ёқтирар эди. Биз ўзимиз ўқиган янги китоблар устида гоҳида баҳс-мунозаралар қилардик. Муҳаммад ака мумтоз адабиётимиздан тўлароқ баҳраманд бўлиш, баракали ижод қилиш ниятида Фирдавсий, Навоий, Жомий асарларини форс тилида ўқишни хоҳларди. Мен

айрим шеърларни, тарихий атамаларни, ибратли ривоятларни таржима қилиб берардим – ҳамхонам уларни дафтарига ёзиб оларди.

Муҳаммад Юсуф халқона тилда ёзарди, ўзини қийнаган дард ва аламларини содда ибораларда ифодалашга уста бўлиб кетганди. Ўз услубига ўхшаган русча китобларни мунтазам ўқирди. Бир куни доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг устози Эфенди Капиевнинг “Танланган асарлар” китобини ўқийётганимни кўриб қолди.

–Китобни бериб турунг, Бахтиёр. Бу мардона тоғликнинг исёни, аламли шеърларигина эмас, гўзал услуби ҳам менга ёқади, –деди ҳамхонам.

Қора муқовали қалин китобни совға қилдим. У ўз руҳиятига яқин шоирни ниҳоят топиб олганидан шодланиб, менга анча вақт миннатдорчилик билдириб юрди.

Муҳаммад Юсуфнинг ижод олами, ёзиш услуби сирли ҳодиса. Менимча, унинг тағзаминида тарихий шароит ва ижодий муҳит ётади. Маълумки, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида жамиятда янги етакчилар ва зиёлилар гуруҳи вужудга келади. Қадим файласуфларнинг таъкидлашича, истеъдодли кишиларда ғоялар, фикрлар узоқ қарамликдан сўнг, истиқлолга эришиб, ислохотларни бошлаган кураш давларида юзага келади. Мустамлакачилик асоратидан қутулиб, 1991 йилда хурликка етишганда, Аллоҳ туҳфа этган неъматнинг ҳақиқий таъми, ширин лаззатини англашга кўплар ошиқмади. Шунда шеърият майдонига отилиб кирган Муҳаммад Юсуф ўта дардли, аламли, жасоратли ғояларини шеърга солди. Ўша даврларда халқимиз билан жонли мулоқотда жайдари, ишонарли тилда сўйлагувчи сиёсатчилар, шоирларга эҳтиёж туғилди. Истиқлолдан илгари “Юртим, сенга нафим тегмади, Кўрдим беюз ҳакамларингни”, “Балиқларнинг кўзларида савол бор, Кетиб қолма, Оролим” (1989), дея қуйлаган шоирда самимийлик ўрнига исёнкорлик руҳи пайдо бўлди. Озодликни сабр-бардош билан кутган шоир келажак оstonасида турган содда, аммо ғурурли ўзбекнинг ички оламини тасвирлашга киришди. Лев Толстойнинг таъбирича,

кибри, калондимоғ тўраларнинг паст назарли қараши, аламу ситамлари олдида у энди “жим туrolмасди”.

М. Юсуф йиллар бўйи орзиқиб кутган ички изтироблари, армонлари, хис-ҳаяжонларини қоғозга тўка бошлади. Ўзбекистоннинг пурвикор тоғларини, бепоён пахтазор далаларини, ям-яшил яйловдаги қўй сурувларини, шифобахш булоқларининг жилдираб оқишини, халкнинг урф-одатлари, анъаналарини нозик талқинларда ифодалаб, жаннатмонанд юртимизни ардоқлади. Шеърларида ўзбек дўпписи, чопони, чимилдиғи, белбоғи, аллаларини, ёшликка хос севиш-севилиш, яқинларига хатлар битиш, болаларча соғиниш – соф ўзбекона ҳаётни эсда қоларли даражада қуйлади. Ўзбекнинг мард, тантилигини мақтади, кетмон кўтарган деҳқоннинг оғир меҳнатини ҳам унутмади. Оддий ҳаётнинг ажиб, ранго-ранг манзараларини шоирнинг ўйноқи услубида ўқиган халқимизнинг руҳи ўсган сари унга меҳри ошаверди... “Иқрор” шеърида: *“Шоирлик мен учун асло орзумас, Шу ҳам иш бўлдим ийигит бошимга. Ҳамма шоир зотин йигса – арзимас, Онамни соғиниб тўккан ёшимга”*, дейди у. Содда, залворли мисралар эди бу.

Муҳаммад Юсуф халқимиз юрагининг тубидаги дардларини қойилмақом тарзда қоғозга туширувчи шоирлардан эди. Табиатан, у элга яқин, ўзи ҳам дардкаш инсон эди. Унинг мазмунли, ўйноқи, табиийликка йўғрилган: “Бир қора кўз жилмайиб қолар, Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан”, “Алда мени, алдагани ўзим яхши”, “Сен кутган қиз бировнинг ёри”, “Энди сени қайдан топарман”, “Хур қизгина йиғлайди”, “Азизимсан, Бахтиёримсан”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” каби лирик; “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш”, “Тушимга киради Қодирий бобом”, “Айтсам адо бўлмас армонларинг бор”, “Самарқандга борсам мен агар”, “Улуғимсан, Ватаним!” сингари шеърлари хушовоз хонанда, мусиқачиларнинг ёрдами ила қўшиққа айланиб, одамларнинг қалбига муҳрланди. Телевидение, радионинг доимий репертуарига айланди. Шоирнинг “Кўнглимда бир ёр”, “Бевафо кўп экан”, “Эрка кийик”, “Ёлғончи ёр”, “Осмонимга олиб кетаман” каби китоблари эса ёшларимизнинг доимий ҳамроҳи бўлди.

Муҳаммад. Юсуф тез орада элнинг назарига тушди. 1998 йилга келиб, “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони билан тақдирланди. Бу – ишонч, масъулият, иззат-икромнинг намунаси эди. Ўша кезларда у юрт озодлиги учун курашган Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Усмон Носирнинг сиймосини кўз олдига келтирган, назаримда. Чунки ана шу сиймоларга ўхшашни жуда истарди. Ҳақиқатни севувчи, ёлғондан нафратланувчи шоир эди у. Ижодий йўлига назар ташласангиз, фикримизга исбот топилаверади. Ҳаётда учрайдиган номукамалликни қалбан сезар, ёлғончиликка қарши курашар, сабаби, унинг ўзида ҳам, сўзида ҳам исён мужассам эди. Шеърларининг бири баландпарвоз, сохта одамларга аталса, бири мансаб курсисида ўтириб, кўкрак керадиган, юртни орқага тортаётган олчоқ, алдовчи кимсаларга қарши ёзилган эди. “Ўзбекни қийратар маҳаллийчилик”, дея ҳайқириб, бир тупроқ, бир ота макон фарзандлари бўлиб яшашга даъват этарди.

Шоир билан ишхонада, адабий давраларда бўлганимда шохиди бўлганим: сохталик, жимжимадорликни жини суймасди, бундайларни кўрганда асаби титрарди. Агарда шунақа одам учраса, дарҳол даврани тарк этарди. Характери оғир, юрагида ўзи айтганидек, йўлбарс йиғлагудек алфозда “руҳий камсукумлик” зоҳир эди. Ўзини тутиши, характери яқинда “ойнаи жаҳон”да кўрганим жаҳондаги машҳур балет артисти Цискаридзеининг феъл-атвориға ўхшарди. Мухбир “Юбилей кунингизни (40 ёшга кирган) қандай ўтказмоқчисиз”, деб сўраганда, у: “Ўша дамларда уйдан чиқиб кетиб, кўчаларда сайр қилиб юрмоқчиман”, деб жавоб берди. Камина яхши билган Муҳаммад Юсуф ҳам худди шундай характерли шахс эди. Яхши билганлар унинг феъли-хўйига қараб иш тутишарди, ортиқча гап айтишмасди.

Ҳозирги ёшлар бу истеъдодли шахсдан тўғрилиқ, ҳалоллик, ҳақгўйлик ва камтарликни ўрганиши лозим, деб ўйлайман. Сабаби шуки, халқпарварлик ва фидокорлик уни осмон қадар юксакларга кўтариб кўйганди. Халқимизга шундай фидойи ва жонкуярлар ҳаммавақт керак – бугунги кунларда ҳам юртбошимиз ана шундай фидойи, жасур фарзандларни

каноти остига олмоқда. Муҳаммад Юсуф ҳали тириклигидаёқ эъзозга, ҳурматга эришди. Агар у айна дамларда тирик бўлганида, шеърят ва адабиёт қолиб, ёшларнинг таълим-тарбиясида миллийлик, табиийлик камайиб, модернизм, интернет ғолиб бўлаётганини билгач, минглаб мухлисларига атаб оташин шеърларни битган бўларди, деб ўйлайман.

Муҳаммад ака ҳаёт йўлларида турли нокасларнинг кимгадир ўтказган ноҳақлигига юзма-юз келса, “Юрагим оғришини айтмас ҳам иблис, Гўё кимдир уни тиғ билан тилар”, деб ёзган, тулкидай айёр, лўттибозлардан содда одамларни ҳимоя қилган бўларди, албатта.

“Ёзувчи гоялари пичоқ сингари чархланган бўлмоғи лозим”, дейди Нобель мукофоти совриндори, адиб Астуриас. Биз, ХХІ аср одамлари глобаллашув ва мафкуравий курашлар даврида яшамоқдамиз. Ғарб ва Шарқ қадриятлари, цивилизациялар ўртасида тўқнашув давом этмоқда. Маданиятлараро, динлараро “жанг”да ўзбек адиблари, шоирлари, олимлари ҳам фаол ва курашчан бўлмоғини хоҳлардим. Ижод аҳлининг бу борада вазифаси шуки, у миллий анъаналарни юксак қадрлаши: муаллимнинг нурли кўзларини, яратувчи деҳқоннинг қадок қўлларини, кон қидирувчининг мой юққан юзини, автомобилсознинг муҳандислик ғоясини, ўсмирнинг соғлом фикрини, зиёлининг тийрак нигоҳини чиройли ташбихларда ифодалай билмоғи лозим. Оқ қоғозга инсоннинг севинч кўз ёшларини, дард ва аламларини қўшган ҳолда, айрим бюрократлар, амалдорларнинг таъмали қарашлари, алдашларини ҳам қўшиб тасвирлаши лозимга ўхшайди. *Халқ виждони* бўлишни истаган шоир, адиб ўз ижодида одамларимизнинг руҳий изтиробини, ички тўполонларини тасвирлаб, инсоннинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қила билиши даркор. Ана шунда адабиёт арбоби халқимиз меҳрини қозонади...

Шоирлик вазифаси ва бурчини яхши адо эта олган Муҳаммад Юсуфни халқимиз шунинг учун яхши кўрган бўлса ажаб эмас. *Зулфияхоним – баҳор ва гўзаллик тимсоли* бўлиб, истеъдодли қизларни кашф этгани, жамиятга танитгани каби, Муҳаммад Юсуф ҳам юртни чин юракдан севиш ва

ардоқлашнинг рамзи бўлиб қолади. Агар элга танилган ҳар бир ижодкор, олим, зиёли ана шундай миссияни зиммасига олгудек бўлса, ўзбек жамияти янада юксаларди. Самимий, таъмасиз адабий фазилатлари учун биз Зулфияхонимни ҳам, Муҳаммад Юсуфни ҳам ҳали кўп соғинамиз.

Шоир ўзи туғилиб ўсган қишлоғига бағишлаб ёзган “Марҳамат” шеърисида қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

Қаранг, қандай бахтли боламан!

Ўйларимда гуллар ухлайди.

Кўзларимда жаранглар кулгу,

Юрагимда... йўлбарс... йиғлайди.

Бу мисраларда шоир кўзларида севинч, юрагида қайғуни кўтариб юргани ва ўз “мен”ини тўлиқ айтолмагани учун афсус чекмоқда. Унда умри жасоратга тўла ижодкорнинг қалб нидосигина эмас, балки ижод дунёси ҳам чизиб берилади.

Муҳаммад Юсуфнинг Эллиққалъага хизмат сафарига борган маҳалида – 2001 йил 31 июлида қўққисдан вафот этганини эшитиб, бир неча кун ўзимга келолмадим. Аслида, бу – унинг қисмати, тақдири азал эди.

Афсуски, Муҳаммад аканинг бир ажойиб тилаги армонга айланди:

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,

Ажин тушсин юзларига, доғ тушсин.

Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,

Қўлларига асо – бир таёқ тушсин.

Имони соғ, юзга кириб ёруғ юз,

Тўйлар кўриб, елкасидан тоғ тушсин.

Ва жисмига сўнгги сафар олдидан

Ўз ўғлининг қўлидан тупроқ тушсин.





ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ

Баланд бўйли, озғин, зийрак, ширинкалом бу нуроний отахоннинг таржимаи ҳолини мамлакатимиздаги минглаб халқ маорифи ходимлари яхши билишади. Насриддин Раҳмоновнинг 80 ёшида ўз хотиралари ва шогирдларининг дил сўзлари ёзилган “Умр йўли” китоби (2004) ўзбек педагогларининг аллақачон севимли мулкига айланган.

Отахоннинг таржимаи ҳоли бой ва қизиқарли. У 1924 йилда Нурота шахрида таваллуд топди. Болалигидан эрта етим қолиб, кўп қийинчилигу кўргиликларни бошидан кечирди. 1942–1946 йилларда армия сафида хизмат қилди. Савашлардан омон чиқди. Армия хизматидан бўшагач, Нуротадаги Карл Либкнехт номидаги мактабга ўқитувчиликка чақиришди. Муаллим кадрлар етишмас эди. Таниқли шарқшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Мубинжон Баратовнинг ҳикоя қилишича, 7-синфда ўқиётганида, дарсларига 21–22 ёшли йигитча киради. Бу муаллим тарих, география, жисмоний тарбия, ҳарбий иш, конституция, кимё каби фанлардан дарс берарди. Бир куни адабиёт домласи Файзиев бетобланиб қолганида, ўрнига кетма-кет икки соат дарс ўтган Насриддин ака ўқувчиларга Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясини сўзлайди.

–Китобдан ўқийсизми ёки гапириб берасизми? –деб сўрашади болалар.

Насриддин ака ваъдасига вафо қилиб, икки соат давомида трагедияни ёддан гапиради. “Бизга, айниқса, Ҳамлетнинг отаси арвоҳи билан сўзлашгани, онаси билан амакиси отасига қандай қилиб заҳар берганини ва шунга ўхшаш ҳолатларни жуда таъсирли баён этдилар, –деб ёзади академик М. Баратов. –. Бизлар миқ этмай эшитдик”.

Мубинжон ака яна бир ибратли воқеани хотирлайди: “Кунларнинг бирида танаффус пайтида кўзимиз муаллимимизнинг дафтарига тушди.

Дафтар муковасидаги арабча ёзувларни кўрдик. Танаффусдан кейин синфга кирганларида: “Устоз, арабчани биласизми?”—деб сўраганимизда, улар: “Биламан, “Қуръони Каримни ёдлаганман”, —дедилар. Биз хайрон қолдик. Ҳаммамизни ишонтириш учун муаллимимиз араб тилида бир неча калималар, Қуръондан оятларни айтиб бердилар”¹¹.

У 1947–1952 йиллари Самарқанддаги Ўзбек давлат университетига ўқишга кириб, имтиёзли диплом билан битирди. Талабалик давридан бошлаб, ишчанлиги, билимдонлигини сезган раҳбарият уни ёшлар ишига сардор этиб тайинлади. Университетни тугатиб, Тошкент вилояти Янгийўл туманида ўқитувчилик қила бошлади. Умр йўлдоши Саломат ая ҳамроҳлигида мактабда таълим-тарбия ишларига масъулият билан ёндашиб, жамоа, ота-оналар, ўқувчиларнинг ҳурматига сазовор бўлади. Кўзга тушган муаллимни Халқ таълими вазирлигига ишга таклиф этишади. 1952 йилнинг ўзида вазирликда кечки мактаблар, кейин ўрта мактаблар бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. Шундай қилиб, раҳбарлик пиллапоясига дадил қадам қўйилди. Билимдон, маданиятли йигит тезда “юқори раҳбар”ларнинг назарига тушди, ҳатто 1953–1954 йилларда республика Министрлар Советининг раислари Н.А.Муҳиддинов ва У.Ю. Юсуповларнинг ёрдамчиси бўлиб ишлашга эришади.

— Ўшанда ҳозирги Фанлар академиясининг биносида хизмат қилардим. Урушдан кейинги машаққатли йиллар. Қийинчиликни кўрганлигимданми, раҳбарларимиз оғир, вазмин, мулоҳазали кишилар эди, —деб ҳикоя қилади отахон. — Улардан одамлар билан чиройли гаплашиш, тенг мулоқот қилиш, оғир масалаларни қай тартибда осон ҳал этиш йўлларини ўргандим. Хусусан, ҳужжатлар билан ишлаш, вазифалар ва топшириқларни ходимларга тенг тақсимлаш, назоратни кучайтириш каби ташкилий-сиёсий ишлар мени анча пишитди.

¹¹ Раҳмонов Н. Умр йўли. —Тошкент, Ибн Сино нашриёти, 2004. —84-85-бет.

Сўнгра, уни Самарқанд вилояти халқ маорифи бўлими бошлиғи лавозимига юборишди. 1954–1959 йилларда бу ерда ишларни жонлантиргач, республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ректор вазифасига чақиришди. Ниҳоят, 1970 йилдан Халқ маорифи вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди. Вазирликнинг энг қийин тармоғи – молия, режалаштириш, қурилиш, таъминот тармоғини, олий ва ўрта педагогика ўқув юртларини бошқарди. У зиммасига юкланган вазифаларни сидқидилдан бажариш учун бор куч-ғайратини, имкониятини аямади. 70–80-йилларда мактабларнинг ўқув-моддий базаси ниҳоятда ачинарли аҳволда эди. Шароит оғир, ҳатто дарслар уч сменада олиб бориладди. Шунда Н. Раҳмонов бир қатор ғоялар, таклифларни ўртага ташлаб, соҳанинг устувор жиҳатларини топиш, ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Вазир Саид Шермухамедов ўша йиллар воқеаларини шундай хотирлайди:

– Насриддин аканинг раҳбарлик услубида шахсий намуна муҳим роль ўйнар эди. Яна бошқа масалада ҳам чиндан кўпчиликка ўрناк эди. Бу – интизоми, фидойилиги, меҳнатсеварлиги, масъулиятни тўла ҳис этиши, ўзига ва қўл остидаги ходимларга талабчанлиги, қаттиққўллиги, айна пайтда, меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги, оилага чексиз садоқати ва болажонлигидир¹².

Бизга маълумки, 1972 йилдан педагогика институтлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидан Маориф вазирлигига ўтказилган. Ўша синовли қийин дамларда ходимлар жонбозлик, қатъият-лилиқ кўрсатиб ишлади. Аммо аксар ташкилий ишлар Насриддин Раҳмоновнинг елкасига тушганди. У барча ташкилий ишларни ишчанлик, тезкорлик ва моҳирлик билан уюштира оларди.

¹² Ўша китоб. 77-бет.

Ҳақиқатан ҳам, 1970 йилларда Ўзбекистондаги 14 та педагогика институти, 36 та педагогика билим юрти, 15 та малака ошириш институти, мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш республика курси, Қори-Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқот институтлари Маориф вазирлигига қарарди.

– Маориф вазирлиги тизимидаги 17 минг муассасани асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар, ўқув қуроллари, қурилиш материаллари, ҳатто ўтин-кўмир, ёқилғи ва транспорт воситалари билан таъминлашда, минглаб мактаблар, болалар боғчалари, педагогик институтлар, билим юртлари биноларини қуришда шахсан қатнашганман, – деб ҳикоясини давом эттиради отахон жиддий тортиб. – Туну кун ишлаш, назоратни кучайтириш ҳисобига бунча вазифани уддаладик. Яна Россия Федерацияси, Украина, Белоруссиянинг ўқув юртларида юз минглаб ўқитувчи кадрлар ўқитилди. Педагогика институтлари учун минглаб фан номзодлари, фан докторларини тайёрлашга ҳам улгурганмиз. Энг муҳими, ўқитувчи кадрлар сифатини яхшилашга, ўқув-тарбия усулларини такомиллаштиришга эришдик...

Бундай кенг миқёсдаги тадбирларни рўёбга чиқаришда устознинг иймонлилиги, билимдонлиги, сабр-тоқатлилиги, адолатлилиги, масъулиятлилиги, ўз манфаатини давлат манфаатлари билан уйғунлаштира олиши пойдевор вазифасини ўтади, десак хато қилмаймиз.

“Интиланга толе ёр”, деган мақол бекорга айтилмаган. Н. Раҳмонов ўта тиришқоқлиги, сабр-қаноатлилиги, билими ва заҳматли меҳнатлари эвазига эл ичида обрў-эътибор топди.

– Менинг ҳаётдаги катта бахтим – болаликдан Қуръонни ёд олганим бўлди,–дейди Насриддин бобо бир суҳбатимизда.–Камина 9–10 яшарлигимдаёқ Ислом дини нури билан руҳий озиқланиб, чиниққан эдим: асли кимлигимни, нимага яшаётганлигим ва авлодларим ким эканлигини билардим. Фақат яхшилиқни ўйлардим, ёмонликлардан ҳазар қилардим, инсон бошига тушажак азал ва абад сир-асрорларидан бохабар яшашга интилардим. Тенгдошларимдан ажратиб турадиган бундай кучли

жихатларим менга беҳисоб куч-қудрат бағишлади, деб ўйлайман. Иккинчи бахтли жихатим шуки, оқила, ҳалол умр йўлдошни топдим. Иккаламиз ҳам етим ўсгандик. Оила қургач, тўкис одамларга айландик, умр йўлида бир-биримизга ҳақиқий суянчиқ, яқин маслакдош бўлиб яшадик. Ҳамкасбим Саломатхон маърифат соҳасида баракали меҳнат қилиб, Чилонзордаги 126-ўрта мактабни 28 йил бошқарди. Айни дамларда, икки устоз-мураббий бир-биримизга далда бериб, қарилик гаштини сурмоқдамиз. Телевизор кўрамиз, суҳбат курамиз, ҳасратлашамиз, ҳаёт ташвишлари ва қувончларини муҳокама қиламиз...

Отахон Ўзбекистонда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан доимо хабардор. Улар Ироқда, Сурияда, Украинада рўй бераётган хунрезликларни қоралаб, юртимиздаги тинчлик, осойишталикни юксак қадрлайди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг дадил ҳаракатлари ва сиёсий ислохотларини ёқлайди.

–Ўғлим Диёржон Қувайтда элчи бўлиб қайтди, унинг икки ўғли давлатнинг масъул лавозимларида ишлашади, – деб қувончини ўртоқлашади отахон. – Шарофжон неварам Тошкент шаҳар ҳокимининг инвестициялар бўйича муовини, Ғайратжон катта вазирликнинг масъул ходими. Қизларим Дилбар ва Замиралар бахтли хонадонларнинг келини. Фарзанд ва набираларим, келинларим инглиз, немис, француз, араб, хитой тилларида бийрон сўзлашадики, буни кўриб дилим яйрайди. Тил билган, дунё таниган авлодимдан, дориломон истиқлол замонида яшаётганимдан бағоят мамнунман, ўғлим. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берган бунёдкорлик ишларини кўриб ва эшитиб, дилим ғурурга тўлади.

Насриддин Раҳмонов қайси лавозимда ишламасин, ҳаққонийлиги, ҳалоллиги, камтаринлиги, дўстларига ва шогирдларига нисбатан оқибатлилиги (ҳозир ҳам шогирдлари лавозимга ўтирганида ёки байрам кунларида биринчилардан бўлиб табриклайди) сабабли халқимизнинг суюкли фарзандига айланди.

Отахон босиб ўтган ҳаёт йўлидан жуда миннатдор. Сабаби, бир эр йигит орзу қиладиган бахт-иқболга эришиб ўтирибди! Устоз 95 ёшдан ошди, Саломатхон ая 90 га кирди. Насриддин Раҳмоновнинг умр йўлдоши Саломатхон оқила, идрокли, ифбатли, назокатли, меҳрибон аёл. Насриддин бува фарзандлари ва жажжи набираларини жон-дилидан севади, улардан меҳр-муҳаббатини аямайди.

Устоз раҳбарлик фаолияти билан чекланиб қолмасдан, “Ўзбекистон маданияти тарихи очерклари”, “Миллий озодлик ҳаракатининг долзарб масалалари, “Ўзбекистонда педагогик таълим тараққиёти” каби илмий-услубий китобларни ҳам ёзди. Кўплаб шогирдларни етиштиришга улгурди. Жумладан, узоқ йиллар раҳбарликда ишлаб, маориф соҳасига улкан хизмат қилган педагогика фанлари докторлари Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ҳ.Жўраев, Р. Ш.Аҳлиддинов, Ҳ. Йўлдошев; биология фанлари доктори, академик А.Қосимов, фалсафа фанлари доктори, академик М. Б. Баратов, физика-математика фанлари доктори, профессор А. Отакулов, кимё фанлари доктори, профессор К. Розиков, тарих фанлари доктори, профессор К.Оқилов, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Жабборов, тарих фанлари доктори, профессор Э. Холиқов, профессор М. Маматов садоқатли шогирдлари.

2014 йили январь оyi бошида Нурота Чашмаси ҳудудидаги супада, Чилустун жоме масжиди ёнида устознинг 90 йиллик тўйлари нишонланди. Пешин намозидан чиққан тумонот одам тадбир дастурхонига шошилди. Ҳамма нуроний бобо билан саломлашгиси келар, суҳбатига ошиқарди. Чиройли табриклардан кейин оқсоқоллардан бири шундай деди:

–Бу зиёли одам Нур чашмасидай тоза, самимий, пок яшаб, имон-этиқодини бузмай келгани учун Аллоҳ ҳам обрў, ҳам умрларини зиёда қилиб турибди. Сиздай инсон бўлишни ҳар бир Ўзбекистонлик орзу қилади

ДИЛБАР АЁЛ

90-йилларда жамоамизга раҳбарлик қилган Дилбар Искандаровна ҳам ташқи, ҳам ички гўзаллиги юзида барқ уриб турган хушбичим аёл эди. Биз бир жамоада ишлай бошлаган 1992 йилнинг апрелидан бошлаб, опалардек бир-биримизни яхши тушуна бошладик. Опанинг ҳалоллиги, тўғрисўзлиги ва принципиаллиги кўпчиликка ёқарди.

Кунларнинг бирида опа сарғайган қалин муқовали папкани қўлимга тутқазиб:

–Ўқиб кўринг-чи, биронта китобгабу материаллар ярармикан? –деди камтар оҳангда.

Мен хотиралар ёзилган қўлёзмани ва китобларга ишланган расмларни кўздан кечириб, қандайдир жиддий иш билан танишаётганимни ҳис этдим. Ўқишга тутиндим. Мўйқалам устасининг доврўгли ўзбек ёзувчи-шоирлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфиянинг китобларига чизган суратлари жуда нафис ишланган экан. Суриштирсам, рассом Искандар Икромов – раҳбаримизнинг отаси экан. Оқ-қора суратдаги сиймо опанинг куйиб-қўйгандек ўзгинаси: лўппи юзли, истараси иссиқ, чиройли киши эди.

Қўлёзмани ўқиб чиққандан кейин И. Икромов – ўзбек китобат санъатининг етук намояндаси эканлигини билдим. Тезда таҳрирга киришдим, қисқа вақт ичида “Китоб наққоши” номли ғаройиб китоб юзага келди. Ҳунарманд усталар сулоласининг давомчиси, санъат шайдоси Тўхтамурод Зуфаров китобни нашрга тайёрлабди. Шунча материалларни тўплаб, тартибга келтирган устага тасаннолар айтдим:

–Раҳмат, отахон. Соҳанинг ривожига ҳисса қўшган, кўп заҳмат чеккан, унутилаёзган маданият арбобларини халқимизга яна танитишга бел боғлабсиз, –дедим тўпловчига.

Тўхтамурод ака маданиятли оиланинг фарзанди. Бирон оғиз гап-сўз айтмай, қўлларини кўксига қўйдилар. Ҳозирда шу отахон “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” телекўрсатувини олиб борадилар.

Китоб ҳажми кичик бўлса-да, рассомнинг ички дунёсини очиб беришга етарди. Қўлёзмани варақлаб, куйидаги сўзларни ўқидим: “Ўзбеклар орасидан етишган биринчи полиграф санъаткори – китоб доктори (рассоми) Искандар Икромов ...чизикларнинг, рангларнинг сирини кўп яхши англайди. Чизик ва рангларга ҳаёт ва ҳаракат киргизади”. Бу хотира сўзларининг муаллифи Ойбек эди.

Искандар Икромов истеъдодли рассомгина эмас, ташкилотчи раҳбар, халқпарвар шахс эди. Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг раиси бўлиб ишлаганди. 1959 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтган халқаро китоб кўргазмада И. Икромовнинг ҳазрат Алишер Навоий асарларига ишланган безаклари диплом ва медаль билан тақдирланди. Фақат Алишер Навоий эмас, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Лутфий, Мирзо Улуғбек, Бобур каби буюк намояндаларнинг асарлари ҳам шу рассомнинг меҳрли қўллари билан чизилибди. Бундай бахтга мушарраф бўлган академик шоир Ғафур Ғулом рассом беаган китобини қўлига оларкан: “*Аввал Моний, Искандар соний*”, деб унинг санъатига юксак баҳо берган экан.

У қотмадан келган, бўйчан, зиёлиларга хос батартиб кийинадиган, озодалиқ ва саранжомликка ёқтирадиган киши бўлган. Ҳам сурати, ҳам сийрати гўзал бу одам ислом маданияти, араб алифбоси ва ҳуснихатидан хабардор, ўзбек миллий мусиқаси ва ҳунармандчилигини биладиган истеъдод соҳиби бўлгани ҳақиқат эди. “*Китоб ўзида жо қилинган бадий адабиёт маҳсулидек мангу қолиши лозим*,”–деган эди Искандар Икромов. – Бунинг учун китобни беаган рассом уни теран англаши, муаллифнинг ниятларини унинг ўзидек рўёбга чиқара билиши керак. Китоб графикаси – қуруқ безак эмас, балки борлиқни асар муаллифига елкама-елка туриб кашф этиш усулидир”¹³.

¹³ Қаранг.: Китоб наққоши. Тузувчи: Т. Зуфаров. – Тошкент, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 21-бет.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда китоб графикаси тарихи, унинг шаклланиш даври бевосита И. Икромовнинг ташкилотчиликлари билан боғланиб кетади. Хусусан, у ноширлик, китобат санъатининг оёққа туришига бекиёс улуш қўшади. Шунинг учун касбдошлари Икромовни “*китоб наққоши*”, деб аташади. Унинг юз қиёфаси, кийиниши, юриш-туришида европаликларга хос маданият акс этган. Опа эса Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромовнинг севимли қизи.

Раҳбаримиз Дилбар опа асли француз тили ўқитувчиси. Собик фирма Марказий қўмитасининг халқаро бўлимида узоқ йиллар самарали ишлаган, чет элдаги элчихонамизда хизмат қилган. Шу йўлдан кетишни жуда хоҳларди. Ўзбекистон-Франция халқаро муносабатларига доир тадқиқотини яқунлаб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини ҳам олган эди. 1980 йилларнинг охирида Москванинг “Прогресс” нашриёти Ўзбекистон бўлими очилди ва номзод топилавермагач, Дилбар Икромовани унга директор этиб тайинлашди.

Иш жараёнида опанинг яхши дипломат, нозиктаб инсон эканлигини ҳис қилдим. Катта-кичик масалада у шошқалоқликни ёқтирмас, “етмиш марта ўлчаб, бир кесадиган” раҳбарлар хилидан эди. Мен 1992 йилда бош муҳаррирликка ўтганимда, опадан муаллифларни дипломатик протокол бўйича қабул қилишни, одамларни тинглай олишни, ўз сўзи, “ваъдаси”нинг таҳлили асосида ҳулосавий фикрга келишни ўргандим. Устозим ёлғон-яшиқ ваъдаларга ишонмасди, мижозлар (муаллифлар)да лафз бўлишини истарди. Шу вазданми, нашриёт ишида ортиқча харажатларга йўл қўймас, китоб чиқаришда бошқаларга ўхшаб сонга эмас, балки сифатга эътиборни қаратарди. Мисол учун, “Буюк сиймолар, алломалар” рисоласи 1994 йилда нашриётимизда илк марта босилди. Кенг китобхонларнинг таклиф-тавсиялари обдон ўрганилгандан кейин 1996 йили у бир китобга жамланиб, “Маънавият юлдузлари” номида катта нусхада босмадан чиқарилди.

90-йилларда ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий номидаги нашриётимиз Шарқ адабий, тарихий меросининг нодир қўлёзмаларини излаб

топиш, қайта ишлаш ва китоб ҳолида чоп этишда барчага ўрнатилган бўлди, десак арзийди. Бу борада опанинг сафдоши, академик олимимиз Музаффар Хайруллаев кўмакдош, маслакдош бўлди. Биз Шарқшунослик институти Нодир қўлёмалар жамғармасидаги қадимги китобларни тўла чоп этишни мақсад қилмаган бўлсак-да, биргина “Маънавият юлдузлари” икки жилдлик китобининг ўзиёқ илм-маданият аҳли ва минглаб талабалар учун ажойиб совға бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган юздан зиёд олимлар, ижодкорларнинг таржимаи ҳоли, илмий мероси илк марта муфассал ёритилган китоб таълим-тарбия даргоҳлари, шу соҳага қизиқувчилар учун дастуриламалга айланди.

Ноширлар билан шарқшунос олимлар ўртасида келишув аҳдномаси тузилди. Биз 1992–2000 йилларда юзлаб қўлёмаларни ҳамкорликда нашр этишни режалаштирдик. Заҳматкаш олимлар – яқин ҳамкорларимиз Бўрибой Аҳмедов, Асомиддин Ўринбоев, Ашраф Аҳмедов, Ҳамидулла Ҳикматуллаев, Турғун Файзиевларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига “Шарқшунослик институти қўлёмалар фондида сақланаётган қўлёмалар каталоги” тайёрланиб, эллик нусхада чоп этилди.

Маданиятли, бир сўзли, қатъиятли Опани ҳаммамиз ҳурмат қилардик. Таваллуд куни арафасида фантаст адибимиз Ҳожиакбар Шайхов шундай ҳазил шеърни битганди:

*Навоий, 30 да бир наириёт бор,
Қодирий номида, улуг, бетакрор.
Тўртинчи қаватда уни бир малак,
Бошқарар оҳиста, бешовқин, бедор.
Дилбархон опа, Сиз – гўзал аёлсиз,
Ким учун – висолсиз, кимга – хаёлсиз.
Дунё тургунча то, қўшни бор бўлинг,
Матбуот аҳлига ифтихор бўлинг.*

Ўшанда Навоий кўчаси, 30-уйнинг тўртинчи қавати чап қанотида “Сирли олам” журнаlinesи бошқарган меҳридарё инсон Ҳожиакбар Шайхов

(жойлари жаннатда бўлсин) билан кўшни бўлиб ишлаганмиз. Кўзойнак таққан, ўта зиёли, меҳрибон бу одамдан яхши хотиралар қолган. Вилоятларга хизмат сафарларига бирга борганимизда Ҳожиакбар аканинг юксак диди, синчковлиги, ҳозиржавоблигига амин бўлганман...

Биз Дилбар Искандаровна билан нашриёт ва босмахоналарнинг “қўшилиши” ислоҳоти бошланган 2004 йилнинг июл ойига қадар бирга ишладик. Устоз–шогирд икки нашриётни ёнма-ён туриб бошқарганмиз. Ўша йилнинг баҳорида нашриётлар сони уч бараварга қисқарди. Буюк аллома Ибн Сино номидаги тиббиёт, ардоқли адибимиз Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётлари фаолияти тугатилиб, Миллий энциклопедия нашриётига бўлим сифатида қўшилиб кетди.

Опа ҳам, мен ҳам бу қарордан норози эдик. Кўп йиллик орзуларимиз ушалиб турганида, иккаламиз ҳам севимли ишимиздан ажралдик. Дилбар опа бутунлай нафақага чиқишни танлади ва бошқа ишга чиқмади. Устоз билан жамоа аъзолари ҳамгин кайфиятда хайрлашди. Опанинг ҳалол, баракали меҳнатлари кадрланмаганидан (беш марта номзоди тавсия қилинганди) ранжидик. Очиғини айтганда, Дилбар Икромова касбига хиёнат қилмаган, она юртимизнинг садоқатли, фидойи раҳбарларидан бири эди.

Яқинда бир таниқли олимнинг хонадонида бўлганимда, “Тиб конунлари”, “Маънавият юлдузлари”, “Фозил одамлар шаҳри” сингари китобларга кўзим тушиб, жуда қувониб кетдим. Куйинчак опамизнинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги бирдан кўз олдимга келди. Телефонни дарҳол қўлимга олиб, опани табрикладим. Нариги томондан овоз эшитилди: “Биз китобхонларга таништирган алломаларимизни ўқишаётган бўлишса, барака топишсин. Болажонларимизни ўша буюкларнинг руҳи қўллаб турсин, илоҳим”.

Опа саксондан ошган бўлсалар-да, ҳали ҳам зийрак, топағон. Ахир, бир вақтлар Ноширлар уйининг энг дилбар аёли эдилар.

ИБРАТ ЙЎЛИ

“Авесто” китобида ёзилган “яхши фикр, яхши мақсад ва яхши амал” ҳикматининг моҳиятини Сойибжон Негматовнинг ибрат бўлгулик ҳаётида кўргандек бўламан. Яхши эсимда, Патент идорасида ишлаганимда ўртоғим Абдуқодир сим қоқиб, устози билан ташриф буюражагини маълум қилади. Тошкент аграр университетида проректор лавозимида ишлаётган Абдуқодир Норкуловнинг докторлик иши бўйича илмий маслаҳатчиси домла экан. Икки соат ўтмасдан, устоз-шогирд етаклашиб хонага кириб келишди.

–Укажон, кўп вақтингизни олмаймиз. Сизни табриклагани кирдик, холос. Иш юзасидан ҳали кўп учрашиб турамиз, –деди барваста гавдали киши.

Тенгқурим Абдуқодир гапга чечан, хушмуомала, одамшаванда йигит эди. Уч ойча бурун у техника фанлари доктори илмий даражасини олувди (афсуски, шу суҳбатимиздан кейин кўп ўтмай, юрак хуружидан оламдан ўтди). Биз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, бир пиёла чой устида ярим соатча суҳбат қурдик. Тахминан олтмиш бешни қоралаган Сойибжон Содиқович Фанлар академиясининг академиги экан.

Биз илиқ хайрлашдик. Серташвиш замонда кунига қанчадан-қанча одамлар билан учрашамиз ва хайрлашамиз. Аммо орадан ҳафта ўтмасдан, столимда ташриф қоғози пайдо бўлди – муқаддас рамазон ойи шарофати билан ифторлик дастурхонига таклиф этилгандим.

Сойибжон аканинг тадбирида кўплаб зиёлилар билан танишдим. Олий ўқув даргоҳи раҳбарлари, профессор-муаллимларни илмий анжуманларда кўрган бўлсам-да, бир дастурхон атрофида суҳбат қурмаган эдим. Ташрифим муносабати билан олимлар ўртасида ўз ихтироларини, албатта, патентлаш зарурлиги ҳақида гап бўлиб ўтди, бу соҳага рағбат ҳам уйғонди. “Зиёли ва маърифатли кишиларнинг учрашуви беиз, бенишон кетмайди” – устозим Нажмиддин Комиловнинг ушбу сўзлари ёдимга тушди. Дўстлар, устозларнинг даврасидан қизиқ сабоқларни олдим: кекса домла кўр тўқиб

Ўтирмасдан, қўлини кўксига қўйганча шогирдларга хизмат қиларди. Шогирдлари орасида таълим даргоҳлари раҳбарлари, фан докторлари бисёр экан. Менга ёққани устоз-шогирдлар бир-бирига оқибатли, эътиборли эдилар.

Тадбирдан қайтгандан кейин домланинг таржимаи ҳолини варақладим. Сойибжон Содиқович Негматов 1941 йилнинг 16 апрелида Андижон шаҳрида туғилган. Тошкент политехника институтини битиргач, номзодлик ва докторлик илмий ишларини Москвада ҳимоя қилган экан. Эшитишимча, илм-фан, маданият арбобларининг назарига тушишига мумтоз қўшиқларни ажойиб тарзда куйлаши сабаб бўлган дейишади. Яхши, ширали овози бор экан. Лекин устози академик Абдулла Ўразаев уни йўлидан қайтарибди.

– Ука, олимлик ва ҳофизликдан бирини танла! – дебди қатъий равишда.

Домла олимликни танлаб, янглишмади. Меҳнаткаш, тиришқоқ ва ташкилотчи – шу учта фазилат унда тўла шаклланган эди. Техника фанлари доктори, профессор Сойибжон Негматов ўз устида тинимсиз ишлади, кўплаб китоблар чиқарди, бу соҳада танилгач, уни вазирликка таклиф этишди. 1978–1985-йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ҳам фаолият олиб борди.

Аммо 80-йиллар ўрталарида республиканинг юқори идораларида Москва қўли билан текшир-текширлар бошлангач, яна илмий соҳага қайтишни мақсад қилди. Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети)да ўзининг ташаббуси билан лаборатория очиб, шогирдларини ёнига чорлади. Етти йиллик тайёргарликдан сўнг, 1992 йилга келиб, вазирлик қошида “Фан ва тараққиёт” илмий-технологик мажмуаси очилди.

Мен йиғин ва давраларда, илмий анжуманларда домла билан нафақат бақамти ўтириб суҳбатлашиш, балки бирга ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Тўрт йилча кутлуғ корхонада умумий ишлар бўйича ўринбосар – патентлаш бўлимини бошқардим. Кундалик мулоқотлар чоғида уларни яқиндан кузатиш, бой тажрибасини ўрганиш имкони туғилди. Аввало, устознинг

одамохунлиги, самимийлиги, уддабуронлиги менга ёқади. Ходимларга ғамхўр ва талабчан. Домланинг иш кунлари жуда тигиз: ўнлаб инновацион, амалий лойиҳаларни муҳокама қилади, вазифаларни тақсимлайди ва ўз вақтида назорат қилади...

Пешин чоғи кабинети орқасида ҳар куни саккиз чоғли “команда” аъзолари йиғилади. Бу японча мулоқот услуби дейилади. Бош раҳбар, ғоя берувчи, қоғозга туширувчи, пул ундирувчи, амалга оширувчи, ҳисобот тайёрловчилар умумий манфаат йўлида фикрлашади ва бир қўл остида бирлашади. Мен бошқа соҳадан келганим сабабли, ихтирони патентловчи сифатида машваратда иштирок этаман. Очиғи, бу инновацион гуруҳда собиқ ректорлар, илмий ишлар проректорлари, завод директорлари, нефт-газ бурғиловчилари, борингки, фан ва ишлаб чиқаришнинг кучли мутахассислари тўпланади. Устознинг узоқни кўра билишига ҳамма қойил қолади.

Сойибжон Собирович кунига ўн икки соатча вақтини илм-фанга бахш этади. Садоқатли муовини, ташкилотчи раҳбар Жўра Умарович Исломов билан сарҳисоб қилсак, бир кунда икки юз саҳифа диссертация, юз саҳифа амалий ва инновацион лойиҳаларнинг матнини ўқиб, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритар экан. Эрталаб хизмат машинасидан тушганида, учта шогирди тўртта қалин-қалин портфелга солинган илмий лойиҳалар-у ҳужжатларни бинога кўтариб киради. Бу таниш манзарани қайта-қайта томоша қилар эканман, устознинг ишчанлиги, серғайратлигидан ҳайратга тушаман.

Моҳир раҳбарнинг тиниб-тинчимаслиги, ташкилотчилиги эвазига “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонаси (ДУК) доимо юксалишда давом этмоқда. Кабинетга кирсангиз, столларда техник чизмалар, грант ҳужжатлари, қораламалар ва китоб корректураларига кўзингиз тушади. Домла назарий ғояларини амалиётга қўллашга ҳамиша вақт топади. Бир қарасангиз, Чирчиқда ё Андижон ёғ-мой заводида, бир қарасангиз, Устюрт нефть конида ёки Қаршидаги Ўзбурғунефт компанияси идорасида

лаборатория мудири, муҳандислар даврасида муҳим бир лойиҳани ҳал этаётган бўлиб чиқади.

–80-йилларда кўплаб етук раҳбарлар билан бирга ишладим, вақти келганда ҳаммаси лавозимни тарк этишди, – дейди устоз. – Мансаб кишига боғлаб берилмаган, ука. Илм-фан билан ошно тутинган кам бўлмайди, илмдан узоқ одам эса ярим йўлда қолиб кетади. Бу – менинг ҳаётий тажрибамда исботланган ҳақиқат.

Дарвоқе, ер ости бойлиги умуман бўлмаган кунчиқар юрт Япония фақат илм ва технологиялари орқали дунёдаги энг бақувват давлатга айланди, ҳатто баъзи соҳаларда Американи қувиб ўтмоқда...

Мен Сойибжон акани улкан чинорга ўхшатгим келади. Баъзи олимлар шогирд етиштиришга вақт тополмайди, қизғанади ёки дангасалик қилади. Бундайлар таълим даргоҳида ишлашса-да, мевасиз дарахтдай умрини шахсий манфаати йўлида ўтказади. Домла бўлса, ҳар бир шогирдига ўғил ва қизидек муомала қилади, бор меҳрини аямайди, йўл-йўриқлар беради. Ютуғидан қувонади, камчилигини айтиб, уни биргаликда тузатиш йўллари қидиради. Албатта, натижага эришишга интилади. Грант лойиҳа қолиби, номзодлик, докторлик дипломи – у ҳаракат қиладиган натижалардир.

– Шогирдларимнинг оилавий шарт-шароити, фарзандлари тарбиясига ҳам қизиқаман, – дейди Сойибжон ота. – Кимдир ўз соҳасида иш тополмаган бўлса, уларни ишга оламан. Ўғил-қизларини ҳам илм билан шуғулланишини тайинлайман. Шахсий ҳаётида кичик муаммолар туғилса, қўлимдан келган моддий ва маънавий ёрдамимни аямайман.

“Фан ва тараққиёт” бағри кенг сермахсул корхона. Бу даргоҳда дастлаб ўн нафар ходим ишлаган бўлса, ҳозирда юздан зиёд олимлар, ёш тадқиқотчилар меҳнат қилади. Бугунги кунга қадар композицион полимер материалларга мактаби асосчиси бўлган забардаст олим Сойибжон Негматов 700 дан ортиқ илмий мақола, 32 та монография, 70 та ихтиронинг муаллифидир. “Полимер композитлар яратиш асослари” номли монографияси эса АҚШ, Германия, Японияда чоп этилган. Академик С. С.

Негматов АҚШ, Япония, Англия, Хитой, Германия, Италия, Ҳиндистон, Россия, шунингдек, МДХ давлатларида бўлиб ўтган илмий анжуманларда ўз илмий-амалий ютуқларини ва тажрибаларини баҳам кўриб, ўзбек фанини хорижда танитиб келмоқда.

Устознинг илмий фаолиятига Ўзбекистон ҳамда хорижий эллардаги етук олимлар, жумладан академиклар О.С.Содиқов, К.С.Аҳмедов, С.А.Азимов, Т.А.Саримсоқов, М.Т.Ўрозбоев, В.К.Қобулов, Ё.Х.Тўрақулов, Россия ФА академиги И.М.Макаров, Украина ФА академиги В.А.Латишченко ва бошқалар юқори баҳо беришган. Фидойи олим “Меҳнат шухрати”, “Ҳурмат белгиси” орденлари билан тақдирланган, 2017 йилда эса “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонига сазовор бўлган.

Сойибжон Негматов мамлакатимизда донғи кетган олим, тажрибали раҳбар. Улар инсонийлик, оқибатлиликда ҳам ҳар бир ўзбекка ўрناк бўла оладиган шахсдир. Домла ота-боболаримизнинг урф-одат ва анъаналарини жуда ҳурмат қилади. Дўстлари, шогирдлари, қариндош-уруғларининг тўй, маърака ва тадбирларидан ҳеч қачон қолмайди. Оқила, билимдон кеннойи Малика опа доимо атрофида гирдиқапалак. Энг яқин кўмакчилари бўлган олима қизлари Нодира ва Комила Негматовалар техника фанлари доктори илмий даражасини олишган, невараси Жаҳонгир номзодлик ишини тугалламоқда.

Бир сўз билан айтганда, академик Сойибжон Содиқович Негматов юртимизнинг бахтиёр, омадли, ҳаммага ибрат бўлгулик ҳотамтой, олийжаноб инсонларидан бири ҳисобланади.

Умрингиз узоқ бўлсин, устоз.

КУБРОНИНГ ЮРТДОШИ

80-йиллар ўрталарида бадиий адабиёт нашриётида шоир Омон Матжон “Кўп жилдлик асарлар” тахририяти мудирлари бўлиб, унда Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров каби оқсоқол адиб ва шоирларнинг икки-уч жилдлик асарлари пешма-пеш чоп этиларди. Бу тахририятни ёшлар унчалик хуш кўрмасди. Чунки совет тузуми ва Компартия тазйиқига қарши турган сўз санъаткорлари қатағонга учраган, ҳозирги тириклар ичида уларга тенг келадигани қолмаган эди-да. Ўзбекистон Марказқўми атрофида гирдикапалак юрган замонасоз, маддоҳ адибу шоирлар шу қадар кўпайиб кетган эдики, семиз папкалар шипларга етиб қолганди. Раҳбарият “летучка”лари ёки Матбуотқўм ҳайъати мажлисларида кекса адибларнинг кўпжилдлигини чоп этишда қоғоз тақсимоли бўйича жанжал чиқарди.

Бир гал шундай йиғинда котиблик қилишимга тўғри келган. Вазиримиз Рустам Шоғуломов 1992 йил баҳорида бошқарган мажлисда “Оқсоқоллар ўз даврида бу китобларини кўп марта чиқаришган, уларни яна ким ўқийди? Истеъдодли ёшларимиз ижодини нашр қилишга қоғоз етмай турганида бу компаниябозликка барҳам бериш керак-да”, деб зиёлилар очиқ норозилик билдиришди. Кутилмаган “қаршилиқ”ни совуққонлик билан қарши олган Мирмуҳсин ва Рамз Бобожон “юқори”дан расмий хатлар уюштиришди. Бошқа оқсоқоллар эса юбилей тўйларини рўқач қилишди. Қани, энди янги Марказқўмнинг талабини бажармай кўринг-чи? Омон Матжон нашриёт қолипига сиғмаган шу ғалвали бўлимда ишларди.

Оқсоқол адиблар яхшилаб “дуо” беришган эканми, сал ўтмаёқ, Омон ака Президент девонига ишга ўтиб кетди. Ўрнига Эркин Аъзамов мудирликка келди. Омон Матжон тўрт йилга яқин сиёсат ва маданият масалалари билан машғул бўлди. Турган гапки, нозик ишда вақт камлигидан ижодий

журналларда кўринмай ҳам қоларди. Давлат ва ҳукуратимиз истеъдод соҳибини муносиб тақдирлади, унга 1993 йилда Ўзбекистон халқ шоири унвони топширди.

Омон Матжон 1994 йилда Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига тайинланди. Ўша йили “Мерос” нашриёти бош муҳаррирлигидан қўмитанинг “Нашриётлар ишини ташкил этиш” бошқармасига бошлиқ бўлгандим. Кабинетимиз ёнма-ён жойлашганит туфайли Омон Матжон шахси ва ижоди билан яқиндан таниша бошладим. Дидли шоир, ақлли, зукко киши эди у. Тенгқурлари ижодига тан беришарди. Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Хожа Аҳрор, Паҳлавон Маҳмуд – Омон ака ижодида кўп мурожаат қиладиган сиймолар бўлган сабаби ўзи ҳам руҳияти баланд, истеъдодли шоир эди.

Омон ака идора ишларига, ҳужжатлар ижроси, ҳисоботу режаларга кўпам қизиқавермаганидан вазирдан нуқул “дакки” эшитарди. Натижада анча-мунча тезкор ишлар каминанинг бўйнига юкланарди. Мен ижодкорларнинг инжиқроқ характери, ғаройиб феъли ва ички руҳиятини тушунишга ҳаракат қилардим.

Орадан тўрт йил ўтиб, устоз “Чўлпон” нашриётига, камина “Ибн Сино” нашриётига раҳбар этиб тайинландик. Омон ака энди мумтоз болалар адабиётини рангли расмларда, катта тиражларда нашр қилиб, ёш авлодни маърифатли, билимдон қилиш юзасидан ғаройиб таклифлар билан чиқа бошлади. Бироқ республикада китоб савдоси фаолияти оқсаганидан, энг яхши жажжи китобчаларга ҳам тираж йиғилмай қоларди. Буюртмачи ва тарқатувчи бўлмагандан кейин китобни кимга чиқарасиз? Қарабсизки, “Чўлпон” нашриёти иқтисодий танг аҳволга тушиб қолди. Бу эса раҳбарнинг ишдан кетишига, ўз севимли машғулоти – қайноқ ижод билан шуғулланишига имкон туғдирди.

Хайрлашув арафасида Омон ака бир савоб ишга қўл урди. Узоқ йиллар нашриёт режасида навбат кутиб ётган Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” (“Обиҳаёт томчилари”) китоби қўлёзмаси матнини компьютерда

тердириб, нашриётимизга топширди ва:

– Бахтиёр, молиявий аҳволимиз мактанадиган даражасида эмас. Энди шу китобни ўзингиз босмага тайёрласангиз, камина нашрга масъул, сиз муҳаррир бўлсангиз, – деди илтимос оҳангида.

Таклифга бажонидил рози бўлдим. Али Сафий (1463–1503) нинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” асари машҳур шайх Хожа Аҳрори Валий (1404–1490) ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Форс тилида ёзилган асарни Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср) Хоразмда эски ўзбек тилига ўгириб, тошбосмада чоп эттирган. Шарқшунос олимлар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ уни табдил қилиб, нашрга тайёрлашган эди.

Мен бир ой ичида қўлёзмани қайта-қайта ўқиб, жиддий таҳрирдан ўтказдим. Форс тилини яхши билганим ва улуғ шайхнинг ҳаётига азбаройи қизиққанам ишимга кўмак берди. Айниқса, маснавий, қитъа, назм ва рубоийларнинг форсча ва ўзбекчасини узатишда китобхонни қийнайдиган ғализ жумлалар имкон бориचा бартараф этилди. Асарда юздан зиёд диний уламоларнинг таржимаи ҳоллари, адабий мерослари қисқача ёзилган бўлса-да, баён этиш услуби бирмунча мураккаб эди. Айниқса, иккинчи фаслга кирган Хожа Аҳрори Валийнинг фикрлари, кароматлари, мақомотлари, одатлари баёни кучли ёзилган экан. Уни ўқиганим сари ички руҳий олашим ва дунёқарашимда ажиб ўзгаришларни сезгандай бўлдим.

Қизиғи шуки, китобнинг нишона нусхаси қўлимга теккан куни вазирликда ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Айрим ғаламис кимсаларнинг ғийбати туфайли мажлисга қўшимча қилиб “Ибн Сино” нашриётининг фаолияти масаласини киритишибди. Ўшанда вазирлигимиз тизимида ташкилотларнинг бирлашуви жараёни кечарди. Мақсад идора раҳбарини ”савалаш”, ундан қасд олиш, мавқеини пасайтириш эди, назаримда.

Ўша ҳайъат мажлисига тизимнинг республика ва вилоят нашриётлари, китоб савдоси ташкилоти раҳбарлари ҳамда юқоридан масъул кураторлар ташриф буюрди. Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбари Рустам Шоғуломов йиғилишни кўтаринки руҳда бошларкан, одатига кўра, ишда камчиликка йўл

кўйган раҳбарларни бирма-бир турғиза бошлади. Шунда мен шайх Хожа Аҳрордан рухий мадад сўраб, ”Рашаҳот” китобини кўлимда ушлаганча, ичимда “Шарманда қилмагин, эй худойим”, деган сўзларни такрорлаб ўтиравердим. Ногаҳон мўъжиза рўй берди: раис менга аламли кўзлари-ла тик боққанча, ўрнидан кўзгалди ва:

–“Ибн Сино” нашриётига тегишли материаллар тўлиқ ва етарли бўлмагани сабабли, ушбу масала кейинга қолдирилади, –деб эълон қилди.

Китобни бағримга маҳкам босганча, Шайхга шивирлабгина миннатдорчилик билдирдим. “Раҳмат, пири. Мени малъунларнинг яна бир калтагидан қутқаздингиз...”

Нашриётимиз босмадан чиқарган “Рашаҳот” китоби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг 600 йиллик муборак тўйларига армуғон бўлди. 2003 йилги биринчи нашрига адабиёт ва санъатимизнинг таниқли намояндалари – Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ва Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевлар ҳомийлик қилдилар. Китоб бирпасда оммага тарқалиб кетди. 2004 йилда иккинчи тўлдирилган нашри чиқарилди. Бу ноёб китобни сўраб келадиганларнинг сони ҳанузга қадар камаймади.

Кўп йилдирки, яшил муқовали бу китоб иш столимда. Авлиёлар, шайхлар, пири муршидлар умр йўли ва кароматлари битилган мазмундор ажойиб асар мени эътиқодга чорлайди, ислоний қувват беради. Савобли ишидан кўнгли тўлган севимли шоиримиз ўша йилнинг ўзида “Халоскор руҳ” номли дostonни ёзиб тугаллади.

Шоир тарихни, динни яхши билса, чексиз имкониятлар эшиги очилади. Омон ака ўтмиш тарихимизнинг нозик, сирли жиҳатларини яхши билади ва бундан илҳом олади. Суҳбатлардан бирида ундан бу ҳақда сўраганимда:

– 70-йилларда чиққан биринчи китобимда “Қадимги оҳанглар” деган шеър бор.

*Ой-йиллар кезардим ажиб сўроқ ичинда,
Гул каби гоҳи очиб, кўнглимни бoғ ичинда.*

*Гоҳи кўмдим дилимни ойдаги доғ ичинда,
Бу дунё тилсимдир қил бор қиёқ ичинда.
Бир ганжи кўк ичинда, бири тупроқ ичинда...*

Аммо бу сирли тилсимотни биз гоҳ кўрамыз, гоҳ кўролмай армонда юрамыз. У фақат қалб кўзи билан кўрилади-да, – деб жавоб берганди.

Шоир ҳақ. Биз асл ҳақиқатни кўриш, илғаш, таҳлил этишга кўпинча қийналамиз. Таълим тизимининг барча босқичларида шаклланган оддий фикрлаш тарзи, тор тафаккур оламимиз бунга имкон бермайди, назаримда.

Омон Матжон билимдон, зукко шоир бўлса-да, гап-даврларда, адабий тадбирларда айрим ижодкорларга ўхшаб, олд қаторда ўтиришни, “пешқадам” бўлишни истамайди:

*Дилимнинг рангини гул билса бўлди,
Менинг кимлигимни эл билса бўлди...*

Ижодкорнинг ҳақиқий истеъдодини орденлари ва унвонлари билан эмас, халқнинг унга эҳтироми, меҳридан, ҳурматидан билиб олса бўлади. Замондошимиз Рауф Парфи (1943-2005) нинг шоирлик тақдири, баракали ижоди ва унга бугунги ёш авлоднинг муносабати ўқувчиларда танлаш имконияти пайдо бўлганидан дарак беради, деб ўйлайман. Вақт – ҳакам, вақт – асословчи, вақт – ҳукмдор.

Кубронинг юртдоши Омон Матжон ҳам миллионлаб мухлисларнинг олқишини олган шоирлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Чунки ўзбек халқининг Хоразмдан чиққан буюк сиймолари ҳақидаги драматик достонлари (“Паҳлавон Маҳмуд”, 1975; “Беруний”, 1977 ва б.) ни яратган, ҳазрат Навоий “Хамса”си таъсирида “Минг бир ёғду” (1982) асарини ёзган юртимизнинг ардоқли фарзанди Омон Матжон истиқлол даврига қадар аллақачон машҳурлик мақомига етишган эди. Шоир “Халоскор рух” бадиҳа қиссасида ёзганидек:

*Бу жаҳонга келдинг-ей – кўзгудасан,
Қанча ҳушёр бўлдигинг – ёғдудасан
Кулли ёрқин эрмаса мақсуд йўлинг,
Бил, уёнмабсан, ҳали уйқудасан.*

МИЛЛАТГА ҚАЙЎРАДИГАН ОЛИМ

Республика илмий жамоатчилиги фалсафа фанлари доктори, профессор Садулла Отамуродовни миллатимизнинг фидойи фарзанди сифатида яхши билади. Устоз самимий дўст ва амалиётчи олим бўлиб, қирк беш йилдирки, олий ўқув даргоҳида ўғил-қизларимизга гуманитар фанлардан сабоқ беради.

Домланинг ҳаёт йўли муракаб ва машаққатли кечди. У 1965 йили ўрта мактабни тамомлаб, 1965–1966 йилларда қишлоқдаги 8 йиллик мактабда пионерларга етакчилик қилгач, 1966–1971 йилларда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (ўша пайтдаги ТошДУ) тарих факультетида таҳсил олди. 1971–1972 йиллари тарих факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1972–1975 йилнинг декабригача университетнинг кундузги аспирантурасида ўқиди. Аспирантурани тугатгандан кейин Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтига катта ўқитувчи лавозимида ишга юборилди. 1978 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, собиқ иттифокда таниқли олим ва мураббий профессор Ҳ.Ғ.Расулов раҳбарлигида “Миллий маънавиятларнинг байналминаллашуви” мавзусида номзодлик диссер-тациясини ҳимоя қилди. Бу мавзунинг мураккаблиги шунда эдики, собиқ шўролар даврида миллий маънавият ҳақида фикр юритиш амалдаги сиёсатга зид эди. Диссертацияда “байналминаллашув” тушунчасини қўллаш орқали миллий маънавиятларни асраб қолиш ғояси илгари сурилди. Буни асослаш мақсадида “байналминаллашув” фақат миллийликдаги энг илғор заминлар асосида шаклланади”, деган концептуал ғоя ишлаб чиқилди.

Садулла Отамуродов 1976–1988 йилларда А.Р.Беруний номидаги Тошкент Политехника институтига (ҳозирги ТДТУ) катта ўқитувчи, доценти бўлиб ишлади. 1988 йил октябрдан Собиқ СССР фанлар академиясининг фалсафа институтининг этнология бўлимига докторантурага юборилди. Бу

институтда фалсафа фанлари доктори, Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А.И.Доронченков илмий маслаҳатчилигида “Жамиятни янгилаш жараёнида миллий маънавият ва миллий ўзликни англаш (ижтимоий-фалсафий аспекти)” мавзусида докторлик диссертацияси устида тадқиқотлар олиб борди. Диссертация мавзусининг қалтис жиҳати шунда эдики, бу даврда жар ёқасига келиб қолган тузумни сақлаб қолиш учун собиқ марказда турли тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш ҳаракатлари авж олдирилган эди. Аммо, етмиш йилда мажбурлаб ушлаб турилган миллатларнинг сабр-косаси тугаб бўлганди. Уларнинг ўзлигини англаши ва ўз заминларига интилиши кучайиб, ўлаётган тузумни сақлаб қолишнинг ҳеч қандай имкониятини қолдирмаган эди. Бу, ўз навбатида, тузумнинг қулашини тезлаштирди. Мана шу жараёни ҳолисона ўрганиб, миллий тараққиётнинг истиқболлари ҳақида концептуал ғоялар ишлаб чиқиш зарур эди. Шу маънода ҳам диссертация бу давр учун илмий янгилик бўлиб, у собиқ СССРда иккинчи тадқиқот эди. Чунки, Шўролар ҳукмронлиги шароитида бу мавзуда миллий кадрларга тадқиқотлар олиб боришга рухсат берилмасди. Собиқ марказдаги илмий тадқиқот институтларида эса “ягона совет халқи”нинг “ягона” маънавиятни шакллантириш зарурлиги вазифа қилиб белгиланган эди. Садулла Отамуродов устозининг масалага ва юзага келган вазиятга ҳолисона ёндашганлиги ҳисобига шу мавзуда тадқиқот олиб боришга муваффақ бўлганди. Муаммо шунда эдики, бу даврда ҳали тузум ҳаёт эди. Шунинг учун собиқ марказда шу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг кўпчилиги ҳали тузумни сақлаб қолиш ва миллатларга бир қатор эркинликларни бериб, уларнинг “бирлигини” сақлаб қолишдан умидвор эдилар. Шунинг учун миллий маънавият ва миллий ўзликнинг ривожланишига урғу бериш хатарли, деб ҳисоблар эдилар. Садулла Отамуродовнинг устози бундай мураккаб вазиятда маъсулиятни ўз зиммасига олиб, уни қўлаб-қувватлади.

Бу даврда “миллат” тушунчасига халқларнинг буюк “даҳо”си Иосиф Сталин томонидан берилган таъриф амалда эди. Баъзан илмий тадқиқотларда

эътирозлар билдирилган бўлса-да, ҳали янгича қарашлар шаклланмаган, айниқса “миллат”га таъриф берганда унинг муҳим элементи сифатида “миллий ўзликни англаш”ни таърифнинг таркибий қисмига киритиш ёки киритмаслик масаласи ижтимоий фалсафада муаммолигича қолаётган эди. Шу соҳада бутун умри давомида тадқиқотлар олиб бораётган олимлар бу омилни таърифга киритишга қарши бўлдилар. Садулла Отамуродовнинг диссертациясида ушбу масала илмий асосланди ва таърифи келтирилди. Диссертация Москвадаги Фалсафа институтида 1990 йилда 28 октябрь куни катта қизиқишлар, тортишувлар ва мунозаралар билан муҳокама қилиниб, якунида ижобий баҳога сазовор бўлди. Аммо ўша пайтда Фалсафа институтида фаолият олиб бораётган ихтисослашган Кенгашнинг муҳлати тугаганини ҳисобга олиб, домланинг таклифига кўра, ҳимояни Тошкентда ўтказишга келишилди. Аммо, Тошкентда ҳимоя икки йилга чўзилиб кетди ва, ниҳоят, 1992 йилнинг 23 феврилида муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Ўша йили янги очилган Тошкент кимё-технология институтига кафедра мудири сифатида ишга келган устоз уч йўналишда баравар ишларни олиб борди. Биринчиси, сифатли, мароқли дарс бериш малакасига эришди. Иккинчиси, сиёсат фалсафасининг ҳали ишланмаган йўналишларида фундаментал тадқиқот олиб борадиган ёш олимларни атрофига жамлади. Учинчиси, жамиятни қизиқтирган “миллат”, “глобаллашув”, “ўтиш даври”, “миллий ривожланиш фалсафаси” мавзуларида қалам тебратиб, бир қатор китоблар, монографияларни ёзди.

Устоз “илмингни кейинги авлодларга ҳам нафи тегсин”, деган қоидага амал қилиб яшамокда. Ўнлаб шогирдлари билан деярли ҳар куни мулоқот қиларкан, уларни теша тегмаган жиддий мавзуларга қўл уришга ундайди, фойдали йўл-йўриқлар беради, ёзилган тадқиқот қўлёзмаларини синчиклаб ўқийди, зарур фикрларини эринмай айтади.

Бир куни жамият модернизацияси назариясига оид илмий тадқиқотимни синчиклаб ўқигандан кейин шундай насиҳат қилди:

– Бу танкидий хулосани, албатта, олиб кўйинг, яхши олим бўлиб етишганингизда, ҳали кўп керак бўлади. Ўзаро баҳс асносида туғилган таҳририй тузатишлар сизни мустақил фикрлашга, олимона мушоҳадага ўргатади.

Ўқловдай ҳарфларда битилган, кишини сохта илмдан қочиб, сабр ва чидам билан ишлашга даъват этадиган ўша дастхатни авайлаб сақлаб юраман. Гоҳида, илмий услубдан публицистикага чекиниб қалам тебратганимда, Садулла аканинг самимий танқидларига кўз ташлаб кўяман.

Устоз фанда ишланган мавзулар ҳақида ёзмайди, балки жамиятни бирдай қизиқтирадиган, бошини қотирадиган муаммолар: ўзликни англаш, миллий ривожланиш, миллий хавфсизлик, миллатни асраб-авайлаш ҳақида ёзишдан эринмайди. 2008 йилда чоп этилган “Глобаллашув ва миллат” китобини олайлик. “Ўзбекистонда миллий-руҳий тикланиш”, “Миллий ривожланиш фалсафаси” сингари олдинги асарлари қаторида олим янги китобида сиёсатшунослик илмида ҳали тадқиқ қилинмаган глобаллашув шароитида ёш давлатларнинг сиёсий ҳаётида юз бераётган мураккаб жараёнлар, ёшларнинг ғарбона ёт ғояларга берилаётганини куйинчаклик билан қаламга олади. Китоб икки қисмдан иборат: биринчисида, глобаллашув ва миллат муносабатларининг назарий-методологик жиҳатлари, иккинчисида, миллатни глобаллашув даврида тажовузлардан ҳимоя қилишнинг назарий-ғоявий асослари ёритилади. Олим XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда пайдо бўлган глобаллашув, яъни умумбашарий муаммолар XXI асрга келиб, гарчи иқтисодиётнинг ривожланишига хизмат қилаётган бўлса-да, у янги техника, технологиялар, электрон ОАВ (телевидение, интернет, уяли телефон) “оммавий маданият”ни тарғиб қилаётганлиги учун айрим ёшларнинг онги ва қалбида нуқсонлар кўпайиб бораётганини республика ва ғарб таҳлилчилари тадқиқотлари, шахсий кузатишлари асосида очиб беради. “Оммавий маданиятнинг заминида тенглик эмас, балки турли соҳаларда катта қудратга

эга бўлган мамлакатларнинг маънавий тазйиқ ва зўравонлик ўтказиш йўли билан ғарбона маънавиятларини турли миллату элатлар онги ва қалбига сингдириш йўли орқали дунёда ўз ҳукмронлигини тиклашга қаратилган аниқ мақсад ётади”, деб очик ёзади муаллиф.

Миллатимизнинг келажак тақдирига дахлдорлик ва масъуллик туйғуси билан битилган китоб ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга, турли ёт ғояларнинг таъсирига берилмасликка даъват этади.

Олим ташқи ва ички таҳдидлардан қандай қилиб омон қоламиз, деган саволга “Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик” (2013) китобида аниқ ва тўлақонли жавоб беради. “Инсониятнинг юксак тараққиёти ҳосиласи бўлмиш глобаллашув ҳаётимизга ёпирилиб келаркан, “оммавий маънавият” соясида қолган миллий-маънавият барбод бўлади”, дейди муаллиф “Муқаддима”да устоз глобаллашувни “янги цивилизация”, тараққиётнинг юксаклиги кўрсаткичи, деб номлайди ва ўтган формациялардан ўрин олган цивилизациялардаги эволюцион ўзгаришларни ҳозиргиси билан таққослайди. Масалан, олдинги цивилизациялар ютуқларининг амалиётга татбиқ этилиши узоқ вақтни қамраб олган бўлса, глобаллашув шароитида одамлар онги, қалби, маънавиятига, ҳатто анъанавий менталитетига тезкорлик билан кучли таъсир этиш имкони пайдо бўлди. Бизнингча, “оммавий маданият (маънавият)” аллақачон ёшларда индивидуализм, шуҳратпарастлик, бойликка ўчлик, ўзгаларни назар-писанд қилмаслик, очкўзлик, ёвузлик, ўзаро бегоналашув сингари салбий хусусиятларнинг куртак отишига олиб келди.

Бундай салбий иллатларнинг илдизларига қарата профессор С. Отамуродов ибратли мисоллар келтириб, вазиятни ўнглашга доир ўзининг амалий таклифларини ҳам баён этади. Ҳозирги замон цивилизацияси билан глобаллашув жараёни ўртасида маълум зиддиятлар мавжудлигини таъкидлар экан, иккинчиси биринчиси яратган миллий бойликлар, урф-одатлар ва қадриятларга барҳам бериб, ҳалокатга етаклаши хавфидан барчани огоҳ қилади. Кейин глобаллашув, цивилизация ва миллатнинг ўзаро муносабатлари ҳақида гапириб, “мазкур мураккаб ўчликда миллат етакчи

мавқега эга, чунки унинг заминида ўзини ўзи англашга бўлган интилиш кучайиб боради”, деб ёзади.

Маълумки, юқори билим, юксак маънавият ва маърифат туфайли Турон замини бир вақтлар жаҳонда шуҳрат қозонди. Мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов 2014 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуманда: “Тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажагини тасаввур қилолмайди”, деди. Муаллиф ҳам миллий маънавиятни юксалтирадиган омиллар: шахснинг ўз-ўзини англаши (илмлилиқ, ор-номуслилиқ, сахийлиқ ва ҳ.к.); миллат вакили ва жамият вакили сифатидаги мақоми – миллий тил, миллий тарбия, миллий ғурур, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлиқ, вазминлиқ, умумбашарий муаммоларга бефарқ бўлмаслиқ, ижтимоий ҳаётда фаол бўлишлиқни мантиқли илмий таҳлиллар орқали далиллайди.

Профессор С.Отамуродов Биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг “Ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир”, деган фикрига жавобан, миллий-маънавий хавфсизлиқ тушунчаси ва унинг юзага келиш сабабларини ҳам батафсил ёритишга интилади. “Миллий хавфсизлиқ” деб аталмиш тизим занжиридаги асосий ҳалқа миллий-маънавий хавфсизлиқдир”, – деб ёзади у. Чунки миллий онг, дунёқараш, руҳият ва қалб унда мужассамдир. Айрим миллатларнинг ўзгаларга қарам ҳолатига тушиб қолишини объектив хавф-хатарлар сафига қўшаркан, буларни “миллий бирликнинг сусайгани, миллат вакилларининг ўз миллий маънавиятидан бегоналашиб бораётгани, таълимнинг тарбиядан узилиб қолганлиги, қонун устуворлигига етарли даражада амал қилмаётганлиги ва коррупция ҳолатлари кучайганлигида”, деб хулоса ясайди. “Миллий бирликнинг сусайишига маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчиликнинг сақланиб қолиши ёки унинг қайтадан бўй чўзиши таъсир этади”, деб ёзади.

Олим “Миллат” тушунчасига анъанавий амал қилиб келаётган таърифдан фарқли ўлароқ, янги илмий таъриф берди. “Миллий давлат”ни миллатнинг муҳим белгиси сифатида илмий истеъмолга олиб кирди. Яна бир янгилиги, собиқ шўроларнинг миллатларга нисбатан зўравонлиги амал қилаётган бир шароитда “Миллий тарбия” тушунчасини ижтимоий-фалсафий соҳаларнинг илмий истеъмолига киритганлиги бўлди. Бу етакчи олимлар томонидан илмий тадқиқотларда эътироф этилди. Шу билан бирга, миллий онг, миллий маънавият, миллий тикланиш, миллий ғоя каби ўта долзарб масалаларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқди.

Сиёсат фалсафасининг долзарб масалалари бўйича илмий тадқиқотларини давом эттириб, инсон ва ҳокимият, демократия ва ҳокимият, ҳокимият ва бошқарув, сиёсий партиялар ва демократия, сиёсий саводхонлик ва сиёсий маданият, “фуқаролик жамияти”, бошқарув институтлари каби демократик жамиятнинг асосини ташкил этувчи долзарб мавзуларда илмий мақолаларни эълон қилди.

Домла олий ўқув юртлари талабалари учун бир қатор фанлардан ўқув дастурлари, маърузалар матни, ўқув қўлланмаси ва дарсликлар яратди. Унинг раҳбарлигида “Маънавият асослари”, “Политология” ўқув дастурлари ва қўлланмалари дунёга келди. “Политология” ўқув қўлланмаси 2000 йилда Республика “Устоз” жамғармасининг биринчи мукофоти, “Маънавият асослари” ўқув қўлланмаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йилги энг яхши ўқув қўлланмаси учун эълон қилинган танловда учинчи ўринни эгаллади. “Миллий истиқлол ғояси”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” номли дарслик, ўқув қўлланмаларига ҳаммуаллифлик қилди. “Сиёсат фалсафаси” фани бўйича ёзган ўқув дастури ОАК томонидан республикада шу соҳада тайёрланаётган юқори малакали кадрлар (аспирантлар) учун ўқув дастури сифатида тасдиқланиб, фойдаланишга тавсия этилди ва ундан шу соҳада тайёрланаётган тадқиқотчилар ҳамон фойдаланиб келишмоқда.

Садулла Отамуродов жамоат ишларида фаол иштирок этиб келади. Узок йиллар давомида республикамиздаги бир қатор олий ўқув юртларида таълим олган бакалавр, магистрларнинг битирув ва диплом ишлари, Давлат Аттестацияларида Комиссия раиси ва аъзоси сифатида қатнашди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясини тугатаётган магистрларнинг диплом ҳимоясида раис, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетида магистрларнинг диплом ҳимоясида раис, Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабини тугатаётган магистрлар диплом ҳимоясида комиссия аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат Ирригация ва милиорация институти, Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат Университети, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент Давлат Архитектура қурилиш институти, Наманган Давлат университети, Гулистон Давлат университетини битказаетган бакалавр ва магистрларнинг Давлат аттестацияларига раислик қилди.

Домла тадқиқотчи-педагогик фаолиятини, етакчи олий ўқув юртларидаги илмий ишлари ва кадрлар тайёрлаш билан қўшиб олиб боради. Жумладан, 1998–2005 йилларда Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги сиёсий ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича фан номзоди ва фан докторлари илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгаш аъзоси. 2003-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАК да тарих, фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик ва сиёсий фанлар бўйича фан номзоди ва фан докторлиги илмий даражасини, доцент ва профессор илмий унвонларига тавсия берувчи экспертлар гуруҳида аъзо (2005–2006 йилларда гуруҳ раҳбари) бўлди. 1999-2011 йилларда қарийб 12 йил давомида ОАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида фан докторлари ва профессорлари учун ташкил этилган махсус комиссия аъзоси, худди ана шу йиллар давомида ОАК томонидан Ўзбекистон Миллий университети

кошида фан номзодлари ва доцентлари учун ташкил этилган махсус имтиҳон комиссиясининг раиси сифатида фаолият олиб борди. 2011 йилдан буён эса “Истеъдод” фондида малакасини ошираётган турли соҳадаги ёшларга маънавият ва маърифат курсидан маърузалар ўқиб келмоқда.

Ҳа, устоз машаққатли, шарафли йўлни босиб ўтди. Айни дамда, профессор С. Отамуродов миллатнинг фаол зиёлиси сифатида миллий ривожланиш, глобаллашув, миллат, миллий хавфсизлик ҳақида ёзар экан, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб боради. Баъзи кишилар онги, қалби ва туйғусида орқага чекинишлар юз бериб, фавқулудда вазиятларда хатти-ҳаракатларини бошқара олмаслигини вақтида илғаб олишга, келгусида сиёсий ҳушёр ва сергак бўлишга чақиради. “Ватаннинг бир парчаси бўлганингдан кейин шу жаннати юртга фидойи хизмат қилмасдан, умрингни ўтказиб юборма”, дейди олим қайғуриб.

Садулла Отамуродов ўз илмий фаолияти давомида 260 дан ортиқ монография, илмий мақола ва услубий қўлланмаларни эълон қилди. Жумладан, 10 та монография, 14 та рисола, 200 та илмий мақола ва 35 дан ортиқ илмий-услубий қўлланмаларни эълон қилди. Устоз ёзган “Миллий ривожланиш фалсафаси” (Тошкент, “Академия”, 2005); “Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил)” (Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008); “Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик (сиёсий-фалсафий таҳлил)” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013), “Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018) каби йирик монографик тадқиқотлар республикамизда глобаллашув шароитида миллат, миллий маънавият ва миллатни асраб қолиш омилларини ўрганишда методологик аҳамиятга моликдир.

Ўрни келганда, шуни таъкидлаш лозимки, миллат билан боғлиқ муаммолар жуда мураккаб. Чунки ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъи назар, қайсидир миллатнинг вакили ҳисобланади. Шу боисдан, ушбу масалага қизиқиш ва талабчанлик билан қарайди. Соҳага алоқадор баъзи “олимлар” масаланинг нозиклигидан фойдаланиб, ундан ўзларини бир кўрсатиб қўйиш

йўлида ҳаракатга тушдилар. Хусусан, 2005 йилларда Садулла Отамуродовга ана шундай “билагонлар” бир ҳамла қилиб кўришди. Аммо, режалари амалга ошмай қолди. Сабаби, олим томонидан кўтарилган масалаларга холисона қаровчилар кўпчилиқни ташкил этади. Боз устига, мустақиллик йилларида ниҳоят фикрлар хилма-хиллиги амал қилаётгани яна тасдиғини топди.

Бугунги кунда домланинг “Фалсафа: қомусий луғат” (Тошкент, “Шарқ”, 2004); “Фалсафа: қисқача изоҳли луғат” (Тошкент, “Шарқ”, 2004); “Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти” (Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007); “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати” (Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009); “Фалсафа: энциклопедик луғат” (Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2010); “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” (2005, 9- ва 10-томлар) тўпламларида эълон қилинган мақолаларидан илмий ходимлар, магистрлар, бакалаврлар фойдаланилиб келишмоқда. Россия ва бир қатор МДХ мамлакатларида унинг илмий тадқиқотларидан иқтибослар келтирилмоқда.

Файласуф олим, яхши ташкилотчи раҳбарнинг ҳаёт имтиҳонидан ўтган фикрлари ёшларни зукколик, қомиллик сари дадилроқ ҳаракат қилишга, жамият ва давлатнинг нуфузи, обрўси борасида қурашишга, ўзидан яхши ном қолдиришга руҳлантиради. Мақсади ҳам маърифат улашиб, халқимизни маънавий-руҳий қўғоналарга кўтаришдан иборат. Олимнинг таъкидича, ақлли мавжудот аталмиш инсон ўзини англаб, жамиятда тутган мавқеини тушуниб, ўзини намоён эта билиши даркор.

“Мен кўплаб ажойиб фанларни биламан, аммо фалсафадан ажойиброғини тополмадим”, деган эди немис олими Ф. Гегель. Устозимиз ўтаётган умри, ширин оиласи, ажойиб шогирдлари, ёзилган ўнлаб китобларини ўйлаб, бугунги ҳаётига шукроналар келтиради. Озод мамлакатнинг бахтли фуқароси сифатида давлат ва миллат ташвишларига ҳамдард бўлиб яшаётганидан беҳад қувонади.

КАМТАР УСТОЗИМ

Ҳамдам Эшонқулов билан 1976 йилда танишганман. Мактабни битириш арафасида танлаган касбим юзасидан уйда “жанжал” давом этарди.

– Эртага ўқишинг тугаса, нима қиласан?– гап қотди тоғам, – Дадангни қўли узунлигида юридик институтга кирмайсанми?

– Мен журналист бўламан, – дедим қатъий туриб, – жамиятда адолатнинг тикланишига ҳиссамни қўшаман. Шу оммабоп касб менга жуда ёқади.

– Ўғлим, танлаш имкони ўзингнинг қўлингда,–деди дадам менга эркинлик бериб. – Истагингга қарши боролмайман. Ёзган мақолаларингни тайёрлаб қўйсанг, эртага Ҳамдам акангни ишхонасига ўтамиз.

Ўшанда бу ном менинг ҳимоячим, яқин маслаҳатгўйим вазифасини бажарган эди. Туман шифохонаси биқинида жойлашган торгина ҳовлига кириб борганимизда ўрта бўйли, тим қора сочли мулойим киши – “Илғор чорвадор” газетасининг бош муҳаррири бизни илиқ қарши олди.

– Укангизни сизга шогирдликка бермоқчиман,–деди дадам. – Аммо Тошкентга ўқишга боришидан олдин мақолаларини чоп этиши зарил экан...

– Мени хурсанд қилдингиз, Ахтам ака! – дея қувонди бош муҳаррир. – Журналистикада ўқиса, халқ назарига тушади, турли тоифа одамларни танийди. Бу ҳаммабоп, қизиқарли касб... Кейин уни ўзимнинг жойимга тайёрлайман.

– Ҳаммабоп денг. Укангиз оғир, вазмин йигит-да. Касбининг қаттиқ нонини топиб ейишига ишонасизми ишқилиб?

–Бизнинг йигитлар меҳнатдан қочмайди, кучи ва билимига ишонади. Ҳали кўрасиз, ўғлингиз узоққа боради, ака.

Ҳамдам аканинг гап-сўзлари кутилмаган мадад ва далда бўлди. Босмахонадан анқиб турган қоғоз ва бўёқ ҳидлари дилимга ўтириб қолганди. Шундай қилиб, бир ҳафта ўтгач, “Илм чўққилари сари” номли мақолам

газетада босилиб чиқди. Мен уни физика ўқитувчим Қодир Ҳазратовнинг илмий ва педагогик фаолиятига бағишлаган эдим. Сўнг навбатма-навбат ўнлаб ижодий ишларимни чоп эттирдим. У пайтларда ҳамма идораю корхоналарда газетага обуна бўлишар, одамлар газета-журналларни ёппасига ўқишарди. Қарабсизки, маҳалла-кўйда, мактабда каминани танийдиган бўлдилар. Дадам бориб Ҳамдам акага миннатдорчилик билдириб келдилар.

1976 йилда мактабни битирганимдан кейин синов имтиҳонларини топшириб, Тошкент давлат университети журналистика факультетига ўқишга кирдим. Кечқурун ўқиганим туфайли, янги ташкил этилган “Қишлоқ ҳақиқати” газетасида иш бошладим. Жиддий қиёфали, қаттиққўл бош муҳаррир Исмоил Сулаймоновнинг суҳбатидан яхши ўтдим. Вазифам корректорлик бўлиб, газета саҳифаларининг беҳато, нуқсонсиз чиқишини таъминлаш эди. Газетада Нёъмат Ёқубов, Жамол Шаропов, Шухрат Жабборов, Мурод Калонхонов сингари таниқли публицистлар билан яқиндан танишдим. Улардан мақола, очерк, лавҳаларни ёзиш сирларини ўргандим...

Бешинчи курсга ўтганимда, қўшни идора – Марказқўмга қарашли нашриёт босмахонасининг журнал-ҳарф териш цехига ишга ўтдим. Мақсадим – квартира олиш, пойтахтда қолиб, илмий ва ижодий фаолиятимни давом эттириш эди, албатта. Мендек талаба йигитнинг босмахона ҳаётига кўникишида Тўхтасин Бобожонов, Жўрақул Адизов, Валерий Лосицкий, Абдулла Зокиров каби устозларимнинг алоҳида ўрни бор. Ишчилар қаторида бўлишнинг ўзига хос қийинчилиги ва лаззатларини ўзимда ҳис этганман. Бу жойда маошлар яхши, жамоамиз аҳил ва иноқ эди. “Гулистон”, “Саодат”, “Партия турмуши” сингари ўндан зиёд илмий ва адабий журналларнинг дастлабки корректураларини икки-уч марта жиддий ўқиб, босишга рухсат этиларди. Меҳнатнинг самараси тезда кўринди: икки ярим йил деганда, босмахонадан квартира беришди. Қизим Нафиса туғилган

21 март – Наврӯз байрами кунда кўлимга икки хонали квартиранинг ордерини тутқазишди.

Байрамлар, тўй-маросимларда она юртимга, албатта, бориб келардим. Қиладиган биринчи ишим – устозимни йўқлардим. Шунда уларнинг юз киёфаси, кайфияти, сўзларига эътибор берардим. Гап шундаки, Ҳамдам ака ҳеч ўзгармайди: камсуқум, камгап. Билишимча, устозим ҳаётда нимагаки эришган бўлса, фақат билимдонлиги, одамийлиги, ҳалол меҳнати ва ўткир қалами орқасидан топганди.

1983 йилда Навоий вилояти қайта ташкил этилгандан кейин икки йилча ўтиб, “Дўстлик байроғи” газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. У кеча-ю кундуз газетани ўқимишли, қизиқарли ва ҳозиржавоб бўлишига интилди. Ў-ҳў, шу касбда ишлаган йилларда ёзган мақолаларининг сони қарийб мингтадан ошиб кетибди! Ҳамдам ака Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларидаги юзлаб манзилу қишлоқларни кезиб чиқишга улгурди.

Олтмиш ёшга киргандан кейин “Халқ сўзи” газетасининг Навоий вилояти бўйича мухбири сифатида бир неча йил ишлади. Вилоятдаги кончилар ва чорвадорлар, пахтакорлар ва фермерлар жўшқин ҳаётининг янги-янги қирраларини марказий газетада чиройли ёритди.

Халқимиз Ҳамдам Эшонқуловни нафақат публицист, балки истеъдодли адиб сифатида ҳам яхши билади. Унинг “Яйлов ташвишлари”, “Ғозғон камалаги”, “Йўл” номли китобларида дашту далаларда яшовчи чўпонлар ва йўлчиларнинг машаққатли турмуш тарзи чиройли услубда ҳикоя қилинади. “Яйлов ташвишлари” китобини варақлашга тушамиз. Чорвадорлар ҳаётини миридан сиригача ўрганган синчков публицистнинг бадиий лавҳалари кишида чўл одамларига нисбатан ҳавас уйғотмай қолмайди. Чўпон отарларини сув билан таъминлаш, камалакранг сур терири қўзиларни, барханлар бағрида гулоби қовунлару гумбаз тарвузларни етиштириш тарихидан сўйлайди у. “Битовтоғ беги” очеркида бахши Эшонқул ота Қосимов, “Оқ тонглар”да хўжалик раҳбари Мирзан Нурбоев, “Ғозғон юлдузи”да чўпон Шабон Очилова, “Яйлов ва одамлар”да гумбаз тарвузлари

соҳиби Худойберди Назаров, “Тоштарошлар”да хунарманд усталар Ҳайитмурод Йўлдошев, Абдулла Ҳайитов, Эркин Абдуллаевнинг сиймолари, фидокорона меҳнати, характер дунёсини яққол кўрамиз...

Устознинг ёзиш услубида бошқа ижодкорларникига ўхшамаган жихатлар кўп. Ҳамдам ака чорвадорлар, чўл одамлари ҳаётини миридан сиригача яхши ўрганган. У ўқувчи кутмаган қизиқ деталлар ва ғаройиб чизгиларни рассом кўзи билан кўриб, адиб тили билан моҳирона тасвирлайди. Нурота дашту чўлларида қиш изғирини-ю, ёзнинг жазирамасида меҳнат қилаётган қишлоқ одамлари – бугунги кун қаҳрамонларининг рангин дунёси сизни лол қолдиради. Муаллиф қорақўл кўйларни ёз чилласида ётқизмасдан парвариш этиш, иссиқда ётган кўйни офтоб уриши ва жуни куйиши оқибатида молнинг ориқлаб кетиши, бу эса маҳсулот камайишига олиб келиши, кўй яйловда яйратиб боқилса, этига эт кўшилиб, жуни майинлашиб, маҳсулдорлиги ортишини худди мутахассислардек билиб ёзади. Бу китобларда қадим Нуротанинг ирригация коризлари, қадим қалъалари, сўлим қишлоқлари тарихи, чорвачилик ва сангтарошлик илми билимдонлари, ишбилармон кишилари содда, равон, ўқимишли тилда ёритилган.

Сўнгги китоби “Оқтов ҳикматлари” (Тошкент, Академнашр, 2016) устознинг мухлисларига навбатдаги тухфаси бўлди дейиш мумкин. Унда ҳаёти давомида кузатган воқеа-ҳодисалар, тақдирлар, ҳайвонот ва наботот олами, гиёҳлар, жониворлар ҳақидаги ов ва табиат ҳикоялари жамланган. Китоб инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, сирли боғлиқликдан химоя қилади. Сиру синоатга тўла тоғлар, кўпкари томошалари, саҳронинг мард одамлари, чўлнинг рангин жилolari чиройли деталларда очилади. Ҳикоялар номи ҳам дилтортар: “Чол ва илон”, “Бола ва бўри”, “Қорабайир ва жинлар”, “Кобра “қуллуқ қилди”, “Лангарлик мерган”, “Морбоз” (“Илон ўйнатувчи”), “Ўргатилган бургутлар”. Уларни ўқир экансиз, адибнинг нозик диди, ўта синчковлиги, юртпарваригил ва одамсеварлигига амин бўласиз. Хусусан, “Муҳиддин овчи”, “Лангарлик мерган”, “Ҳадик олган бўри”, “Сўзидан

кайтган овчи”, “Пистирмадаги йиртқичлар” сингари ов ҳикояларида Нурота, Оқтов, Томдитов тизмалари этаги сўлим табиати, содда, тўпори одамлари характери кўрамиз. Сайид Мубинжон, Комил деҳқон, Туроб морбоз, Жумакул полвон, Авазхон туячи, Дўсан йилқибоқар каби образлар орқали инсон табиати, хислатлари ёрқин рангларда тасвирланади. Сиз бу борада асарларини ёзиб қолдирган Сетон-Томпсон ёки Мавлон Икром асарларига ўхшаган воқеалару ҳодисалардан хабардор бўласиз. Бундай табиат тасвирларини беҳато, маромида етказиш учун адиб кузатувчан, синчков ва билимдон бўлиши лозим.

Бир куни Ҳамдам акадан ҳаётдаги суянадиган асосий тамойилларини сўрадим:

– Бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатингиз...

– Касбимга доғ туширмадим! – жавоб берди у.

Касбига доғ туширмаслик, садоқат, вафо сўзлари тагида тоғдек сабр, кучли ирода, виждон тушунчалари мужассам, деб ўйлайман.

Ҳа, сабрлилиги, тантилиги ва камтарлиги туфайли Ҳамдам Нурийни ҳамма яхши кўради. Устозининг шахси, умр ва ижод йўлини ўрганган адабиётшунос олим Аҳмад Отабой шундай дейди: “Ажойиб публицист ва адибнинг барча асарларида миллий қадриятларнинг таъсирчан, ҳаётий талқинлари, уларда яшаш ва яратиш, сабр-матонат, мардоналик, касб-корга садоқат, эл-юртига камарбасталик, табиатга шафқатли муносабат ҳикматлари тараннум этилади”.

КАРНЕГИНИНГ ИЗДОШИ

Ёрқин Абдуллаев. Ёши етмишдан ошган бўлишига карамай, тиришқок бу зиёлини илм-фан аҳли яхши танийди. У давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Мурод Шарифхўжаевнинг садоқатли шогирди. Тошкент шаҳрида 1932 йилда оддий деҳқон оиласида туғилган Мурод ака узоқ йиллар Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Иқтисодиёт университети) ва Молия институтининг ректори бўлиб ишлади. Жаҳоннинг нуфузли идоралари эътирофича, 1998 йилда XX асрнинг энг кўзга кўринган 500 нафар олими сафига кирди. Кейинчалик Олий Мажлис Сенатининг биринчи раиси бўлиб сайланди...

Мен билган Мурод ака ўта камтарин, диёнатли, тўғрисиўз зот эди. Афсуски, касаллик туфайли 2009 йилда вафот этдилар – илоҳим жойлари жаннатда бўлсин. Уларни халқимиз ўз хотирасида доимо ҳурматлаб, эъзозлаб келади. Бу иймон-эътиқодли зот билан Молия институтида ишлаш каминага ҳам насиб этган. 2000–2001 йиллар институтга қатнаб дарс берганимда, ректорнинг қабулида кўп марта суҳбат курганман. Домланинг илтимосларига кўра, институтда “Молиячи” газетасини, кейин “Иқтисод-Молия” нашриётини биргаликда ташкил этган эдик. Олтмиш йиллик тўйларига атаб тайёрланган “Одам борки..” китобини ҳам ўзимиз “Ибн Сино” номидаги тиббиёт нашриётида чоп этганмиз.

Узоқ тоғ қишлоғи – Нуротадан Тошкентга ўқишга келган, ҳаёт йўлини тополмаган йигитчага устози кўп яхшиликлар қилди. Ёрқин ака серғайрат, билимдон эди. Ана шу хислатлари сабабли, илмий жамоатчилик орасида тез танилди. У қарийб 40 йил “Статистика” фанидан талабаларга сабоқ берди. Бу соҳада мактаб яратишга муваффақ бўлди, назаримда.

Аммо М. Шарифхўжаев ўзининг ишонган шогирдини раҳбарлик лавозимларида ҳам синаб кўрганди. Фалакнинг гардиши билан Ёрқин Абдуллаев Тошкент Молия институтида узоқ йиллар мобайнида ўқув

ишлари проректори, кейинчалик институтнинг илмий ишлар проректори лавозимларида сидқидилдан ишлади. Республикада институтнинг обрў-эътиборини кўтаришга муносиб ҳиссасини қўшди. Домла таълим-тарбия берган, йўл кўрсатган шогирдлари эса банк-молия, иқтисод соҳасида, олий таълим даргоҳларида фаолият олиб боришмоқда...

Мен устознинг домлачилиги ҳақида эмас, балки адиблик фаолияти ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Кўпчиликка маълумки, Ёрқин ака неча йилдирки, маърифий китоблар ёзиш билан банд. Албатта, ижод, илм билан машғул бўлиш, китоб ёзишнинг ўзига хос мушкулоти ва машаққати бўлади. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

...Лочин кўчасидаги кўркам хонадонда ярим тунга қадар чироқ ўчмайди. Ёрқин ака умр бўйи мисқоллаб йиққан материалларини титкилаб, янги-янги саҳифаларни қоралашдан тўхтамайди. Унинг орзу-мақсади эса ўнлаб жилдликлар китобларни тезроқ столга қўйишдан иборат.

–Илмий-оммабоп манбаларни илк марта тўплаганимда, тахминан ўттиз ёшда эдим, – дейди олим. – 1990 йиллар охирида бундоқ чамалаб кўрсам, эллик жилдга етгулик маълумотларни йиғибман.

– Ахир, уларни ёзиш, жамоатчиликка тақдим этиш, маъқуллаш деганларидек...

– Бу ишлар қўлимдан келади, – дейди Ёрқин ака дадиллик билан. – “Ҳаёт ва осудалик” номли туркум китобларимнинг бешинчи китоби аллақачон тайёр бўлиб қолди.

Устоз фикрини тасдиқлаш мақсадида корректураси чиққан иккита китоби лойиҳасини менга узатди:

– Марҳамат,кўринг. Ношир сифатида таклиф ва тавсияларингизни ёзиб қолдирсангиз, миннатдор бўлардим.

Қўлёзмани бафуржа ўқиб, ўзим билмаган анчагина ҳаётий ривоятлар, ҳикоятлар, насиҳатлар ва ҳикматли сўзларга, муаллифнинг ибратли хулосаларига дуч келдим. Уни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Олимнинг фикрлари мантиқли, ишонарли ва далилланган эди. Ишлатилган

материалларнинг ранг-баранглиги, фойдалилиги менга ёқди, албатта. Муаллифнинг узок йиллик илмий меҳнати, бой билими, тўплаган ҳаётий тажрибасининг маҳсулини ўқиш бараварида, диний таълимотимиз саҳифалари, тарих зарварақлари билан танишдим. Китоб ўқувчини маънан ва руҳан тарбиялаб борарди. Беихтиёр, ўзингизнинг босиб ўтган йўлингизга танқидий назар ташлагингиз келади. Ҳаёт ва умрнинг қадрига етишга даъват қиларди у...

Мен қўлёзмани таҳрир қилиш жараёнида ноширликнинг “нозик” сир-асрорларидан келиб чиқиб, баъзи фикр-мулоҳазаларимни ёзиб бердим. Ушбу кичик тузатишлар, тўлдиришлар китобнинг мақсади, вазифаси ва бадий савиясини кўтаришга хизмат қиларди, назаримда.

Шу ўринда, каминани бир савол қийнади: етмишни қоралаб, невараларини бағрига босиб юрадиган паллада шундай юмушни адо этиш шартмикан?

– Жуда ҳам зарур, ука,— дейди Ёрқин ака ҳозиржавоблик билан. — Педагогик фаолиятим давомида иқтисодга оид ўттиздан зиёд дарслик ёзибман. “Қизиқарли статистика” китобим тўрт марта чоп этилибди. Шунда жамиятимизда ёшларни эзгулик, фидокорликка тарғиб этадиган маънавий-маърифий китобларга эҳтиёж ошиб бораётганини сездим.

– Китобга эътибор кучайди демоқчисиз-да...

– Албатта. Китобсиз ҳаётни, келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. укажон. Юртбошимиз 2019 йилнинг март ойида “Китоб челленж” ташаббусини илгари сурди. Китобхонликни ривожлантириш орқали фарзандлар тарбиясига таъсир кўрсатиш ва ҳар бир раҳбарнинг ўзи ўқиган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилиши борасидаги эзгу ташаббуси илиқ кутиб олинди.

Ҳа, домла кўп нарсадан хабардор. Чунки муаллим – жамиятнинг энг илғор вакили. Ёрқин Абдуллаев янги китобларида ўғил-қизларимизни ахлоқ-одобли, иймонли, вафоли, сабр-тоқатли, билимли бўлишга чорлайди. Энг

муҳими, у кўп жилддан иборат асарларида ҳар бир инсонга осуда ҳаёт кечиришнинг 99 та йўлини ўргатади...

Биз фарзандларимиз таълим-тарбияси билан ҳар куни, ҳар соатда шуғуллансак, миллатимиз келажаги барқарор, нурли бўлади. “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, дейди маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний. Профессор Ё. Абдуллаевнинг мазкур лойиҳани амалга оширишдан мақсади – жамиятда қайси омиллар ҳисобига тўқ, фаровон ва осуда яшаш мумкинлиги ҳақида барча даврларда яшаган Шарқу Ғарб донишмандларининг фикрларини таҳлил этиш, уларга янги ғояларни қўшган ҳолда, ўқувчиларга янги тавсиялар ва таклифларни беришдир. Менимча, устознинг маърифий лойиҳаси шу жиҳатдан кўпчиликда қизиқиш уйғотишига ишонамиз.

Яқинда бир ўқув даргоҳига борганимда, стол устида турган шартномалар нусхасига кўзим тушди. Улар орасида Ёрқин Абдуллаевнинг илтимоснома хати ҳам турган экан. Мен устоз маърифий-тарбиявий китобларининг асосий вазифаси ҳақида сўзлаб бердим, “Сотиб олсангиз, кам бўлмайсиз”, дедим мақтаб.

Маълумки, америкалик машҳур педагог, ёзувчи Дейл Карнеги (1888-1955)нинг “Безовталиқдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлаш сирлари”, “Дўст орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш ҳақида” сингари ўнлаб китоблари дунё мамлакатларида миллионлаб нусхада чоп этилиб, турли миллат ва элатларни эзгулик ва эзгу ном қолдиришга хизмат қилмоқда. Ўтган асрнинг 40-йилларида Американинг ҳар бир штатида Карнеги институтининг филиали ишлаган. Кейинроқ етмишта мамлакатда Карнеги марказлари очилиб, уни беш миллиондан ортиқ киши битириб чиқади. Бу марказлар ўз касбининг устаси бўлган рухшунослар, менежерлар ва файласуфлардан иборат институт мақомидаги донғи кетган компанияга айланади.

Эшитишимча, домла яқинда ўзлари очган корхонага ҳам “Осуда яшаш сирлари” деб ном қўйибдилар. Гапнинг очиғи, бу илмий лойиҳадан жуда

кувондим. Ниҳоят, юртимизда Дейл Карнегининг ҳақиқий издоши пайдо бўлибди...

Мен яқин йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Ёрқин Абдуллаев томонидан илгари сурилган ғоялар, амалий тавсиялар қоғозга туширилган ўнлаб китобларнинг (устоз уларнинг сонини 99 тага етказмоқчи – Б.О.) нашр этилишидан умидворман. Ўзбекистоннинг юзлаб шаҳару қишлоқларида одамларни бахтли ва хотиржам яшашга ўргатувчи марказлар очилишига ҳам жуда ишонгим келади.

ЗУККО АДИБ

Дарвешсифат киёфали, мулоҳазали Маҳкам Маҳмудов 1990 йиллар бошида “Мерос” нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Биз ижодий ходимлар иш пайтида кундалик масалаларни муҳокама қилиб олгандан кейин бошқа нашриётларда босилган бадиий ва илмий китобларнинг мазмун-моҳияти устида баҳс-мунозара қилардик. Европа адабиётида Мовароуннаҳр олимларининг тутган ўрни, обрў-нуфузини аниқлашга интилардик. Филология фанлари номзоди, Шарқ ва Ғарб адабиётининг билимдони бўлган Маҳкам Маҳмудов бу борада пешқадам мутахассис эди.

Маҳкам ака асли андижонлик. 1940 йилда Асака туманида туғилган. М. Маҳмуд адабиёт ва санъатнинг бир неча жанрида баравар ижод қилади. У дастлаб шоирликда ўз кучи, иқтидорини синаб кўрди. Кейинчалик насрга ўтиб, тарихий мавзулар ва фантастикада яхши асарларни битди. Унинг “Бибиҳоним”, “Шоҳлар маликаси”, “Мовароуннаҳр юлдузи”, “Султон Маҳмуд Ғазнавий”, “Бойсунғур ибн Шоҳрух”, “Имом Зайниддин Ғаззолий” сингари қисса, ҳикоя ва бадиалари ватанимиз тарихининг нодир саҳифаларидан хабардор бўлган адибни халқимизга тезда танитди. “Мен – мен эмасман”, “Тескари кўзлар сайёраси”, “Сирли қаср”, “Мангу куй излаб” каби асарларида эса фантастик, хаёлий мазмун ва ғоялар устуворлик қилади. Турли жанрларда ўзини синаб кўрган ижодкор адабиётшунослик бобида ҳам эсда қоларли мавзуларни ёритди, дейиш мумкин. “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Ҳайрат ва тафаккур”, “Аҳли дил” китоблари тез орада қўлма-қўл бўлиб кетди. Биз бу китобларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз – Маҳкам аканинг шахсияти ва жамиятда тутган ўрнига баҳо беришдан иборат.

Маҳкам Маҳмуд тилни ҳис қиладиган яхши таржимон. Аристотелнинг “Поэтика”, Бальзакнинг “Сағри тери тилсими” романи, Андерсен эртакларини, шунингдек, О.Уайлд, Жуброн Халил, Л. Борхес, Белинский,

Чернишевский, Жан-Жак Руссо асарларини ўзбек тилига катта маҳорат билан ўгирди.

“Радуга” нашриётидаги ижодий муҳит, ўзаро аҳиллик менга ёқарди. Ўзбек таҳририятида Тоҳир Иброҳим, Амир Файзулла, бош рассом Темур Саъдулла каби бақувват ижодкорлар ишларди. Баланд бўйли, қорачадан келган, юзи эронига ўхшаб кетадиган Тоҳир ака кексайиб қолган, аммо фикри теран, узоқ ўйлаб бир сўйлайдиган ақлли киши эди. Мир Аммоннинг “Чор дарвеш” китобини Т. Иброҳим урду тилидан таржима қилганди. Суҳбат давомида устоз майин муомала маданияти, катта давраларда ўзини тута билиш қоидалари бўйича менга ажойиб сабоқлар берган...

Жиззахлик ака-ука Амир ва Темур қадрдон ҳамкасбларим. Таниқли ҳинд таржимони ва рассом инисининг характери, ижод дунёси, ҳаётга қарашлари бир-биридан фарқ қилади. Ўрта бўйли, қорачадан келган Амир Файзулла 90-йиллар ўрталарида “Маҳобҳорат” ҳинд киноэпопеяси ва эллиқдан зиёд фильмларнинг таржимони сифатида халқимизга яхши танилган. Ўша машҳур фильм таржимаси нашриётимизда амалга ошди, десак тўғри бўлади. Чунки шахсан ўзим Амир акага бошлаган ишини бахайр бўлиши ва якунига етиши учун кўп шароитлар яратиб берганман. Иш столи корректурага тўлиб кетса-да, бутун ҳаёли ҳинд фильми қаҳрамонларида бўларди акамизни. Кўпинча, китобларнинг корректурасини муҳаррирларимиз Муҳсин Умарзода, Илҳом Зойир “амаллашарди”.

Муҳсин ака “Овози тожик” газетаси бош муҳаррири ўринбосари лавозимида узоқ йиллар ишлагач, нафақага чиққандан кейин нашриётимизга ишга келганди. М. Умарзода “Шоҳнома” эпосининг ажойиб тадқиқотчиси, форс-тожик адабиётининг чуқур билимдони, кучли шахматчи сифатида ижодкорлар орасида шуҳрат қозонган шахс. Покиза инсон. Ҳатто ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов бу шахмат устасининг ўйин услубига, принципиал ва ҳалоллигига ҳамиша тан берарди. Қаламкаш укамиз Илҳом

Зойир ўзининг тиришқоқлиги ва вазминлиги билан ҳамкасбларнинг эътирофига сазовор бўлган.

Амир Файзулла ўта меҳнаткаш ижодкор, буюк таржимон. Нашриётлар ёпилиши арафасида Амир ака буюк таржимон ва адабиётшунос олим Озод Шарофиддиновнинг назарига тушгач, 1997 йилдан бери “Жаҳон адабиёти” журналида садоқат билан хизмат қилиб келади.

Жингалак соч, ширинсухан Темур Саъдулла тарихий сиймоларни, шарқ аёли сиймосини чизишга уста бўлиб кетган. Машҳур мўйқалам соҳиби Чингиз Аҳмаровнинг садоқатли шогирди. Оилапарвар, одамохун бу ҳамкасбимни ҳам ҳурмат қилардим.

Аммо, бир йил ўтмасдан “Радуга” (1991 йилда “Шарқ” номини олганди) нашриёти “Прогресс” нашриётининг Тошкент филиали билан қўшилиб, унга ҳассос ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг номи бериладиган бўлди. Янги ташкилотга ўзбек халқининг адабий-тарихий меросини нашр этиш вазифаси юкланди. 1992 йилнинг 1 апрелида иш бошлаган нашриётга Дилбар Икромова директор, Азим Рихсиев ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари, Азиз Бобохонов бош муҳаррир этиб тайинланди. Биз иш фаолиятимизни Фанлар Академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти нодир қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмаларни чоп этишдан бошладик. Ўша вақтда институтнинг қўлёзмалар фондида 70 минг жилддан зиёд бебаҳо қўлёзмалар сақланар эди.

Тизимда қайта қўшилиш жараёни “силлиқ” тугагандан кейин бош муҳаррирликни топширган Маҳкам ака яна Тошкент давлат дорилфунуни филология факультетига ишга жойлашиб, педагогик фаолиятини давом эттирди. Бу билим даргоҳида икки-уч йил ишлагач, уйда қолиб, асосан бадиий ижод билан машғул бўлди...

Эндиликда биз кам кўришамиз. Шундай бўлса-да, кичик жуссали бу камсукум, билимдон инсоннинг илм бобида тоғларни ағдаргулик хатти-ҳаракати, жасоратига қойил қолганман. У антик давр адабиёти ва замонавий адабиёт тажрибасини таққослаш бобида ғаройиб тадқиқотлар олиб борди.

Хусусан, профессор Ҳамидулла Болтабоев билан ҳамкорликда грант лойиҳаси доирасида яратилган “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” (2013) китоби катта меҳнатнинг самараси. Унда қадимги Миср, Шумер, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Рим, Марказий Осиё ва Эрондаги маданиятлар тарихи, адабий-эстетик қарашлар тўлақонли ёритилган...

Маҳкам ака ҳақида ижодкорлар орасида кўплаб ҳангомалар юради. 80-йилларда янги машина олганида кўп марта авария қилгани, машинасини эсдан чиқариб, уйига трамвайда етиб олгани, кичик ўғилчасини ишхонада қолдириб кетгани тўғрисида эшитганман. Ўзининг фикрича, ўзига қаттиқ ишонади. Мана, биргина мисол: Маҳкам ака “Москвич”ини қайгадир уриб олиб, ҳамкасбидан ёрдамга пул сўрайди. “Бунақа экан, машина ҳайдаб нима қиласиз, худо кўрсатмасин, ўзингизга бирон қор-қол бўлмасин”, деб хуноб бўлади ҳамхонаси.

–Ўзимдан кўнглим тўқ, – жавоб беради у ишонч билан. – Мен мошинага ишонаман, жуда мустаҳкам. Қанча мошиналарни уриб пачоқ қилди, лекин унга жин ҳам ургани йўқ. “Авария”дан кўрқмайман.

Устоз ана шундай самимий, беғубор. Маҳкам ака худди “Адабиёт ва санъат” газетаси бўлим мудирини Маҳмуд Саъдийга ўхшаб кўп китоб ўқигани боис, жуда кўп нарсани билади. Кўп ўқисанг, кўп янглишасан, деганларидек, иккала ўртоқ ҳам камтарона, дарвешона яшашни ўзининг доимий ҳаёт тарзига айлантирган.

Мен содда, бағрикенг, заҳматкаш адиб Маҳкам Маҳмудовни ўзлигини йўқотмай келаётган чин ўзбек зиёлиси, деб биламан.

БАҲОР ЁМҒИРИ КУЙЧИСИ

Абдували мендан бир ёш кичик, эндигина олтмишга яқинлашган. Дунёга танилган шайхлар шажараси кенжа вакили. Авлоди Ургутдан бўлса-да, бобосининг шўролар тазйикидан қочиши оқибатида оиласи Қаршида яшаб турганида, таваллуд топган. 1982 йилда Тошкент давлат дорилфунунининг журналистика факультетини битирганидан кейин тўрт йилча Самарқанддаги “Зарафшон” газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. Ҳозирда республика “Халқ сўзи” газетасининг адабий ходими.

...1986 йилнинг сўлим баҳор ойлари. Кўчаларда ошкоралик, эркинлик шиорлари осилган шукуҳли кунлар. Ижод аҳли енг шимариб ишга киришган. Ахир, бундай имкон, рағбат яна қачон келади, худо билади. Хадра майдонига яқин Ғафур Гулом номидаги нашриёт жойлашган бино ижодкорлар билан ҳар доимгидек лиммо-лим. Ижодкор аҳли, албатта, “маҳсулот”ни китоб ҳолида чиқаргиси ва юртга танилгиси келади.

Биз тўрттинчи қаватнинг коридорида учрашиб қолганмиз. Озғин, кичик жуссали, хушбичим йигитнинг фикри теранлиги, тили бурролиги гап-сўзларидан маълум эди. Абдували ҳам раҳбар Эркин Воҳидов ҳузурига суҳбатга чақирилган экан. Кўп ўтмай, “Адабиётшунослик ва танқид” бўлимига ишга қабул қилинди. Биз бир жамоада ишлай бошладик. Ҳар куни мулоқот қилар, тушликда суҳбатларимизни яна давом эттирардик. Кейин оилавий борди-келдини йўлга қўйдик. Сағбон даҳасидаги ҳовлига ўтганимда, домла Нажмиддин Комилов, шоир Азиз Саид (қўшни торкўчада турарди) билан учовлон ўтириб, ҳаёт, ижод, китобхонлик завқи ҳақида соатлаб гаплашардик. Ширин суҳбатларнинг охири йўқдай, буюк адабиёт арбоблари берадиган сабоқларнинг чеки-чегараси кўринмайдигандай эди...

Ошкоралик йиллари адабиёт майдонида ўз “мен”ини исботлашга уринган шоирлар кўпайди. Турли адабий тажрибалар, модерн ғоялар, эркин фикрлар ўртага ташланар, А.С.Пушкин кўчаси, 1-уйдаги Ёзувчилар уюшмаси биноси шеърхонлик, баҳсу машваратларнинг марказига айланган эди.

Оловқалб, жасоратли шоирлар – Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Мирзо Кенжабек минбарга чиқиб шеърларини ўқишганда, зал бирдан қалқиб кетар, ёшларнинг сеҳр-жодули ижодга меҳри товланар, ўзлари ҳам улғайиб ўсиб боришарди. Ўша йиллар Шоир, Адиб кадри, Ношир нуфузи улуғланган маънавият кечаларининг ёрқин манзаралари ҳеч ёдимдан чиқмайди...

Истеъдодлар сафида ёш шоир Абдували Қутбиддин ҳам бўлгувчи эди. Ўзбек адабиёт майдонида ўрнини тезроқ топиш, чинакам мухлисларни кўпайтириш, қалбларни забт этиш орзусида у уйқу билмай ишлади. Эсимда, шоир илк ижод намуналарини “Ёшлик”, “Ёш куч” журналларида эълон қилиб турди. Танқидчилар унинг шеърларига юқори баҳо беришди. Сабаби, бошқалардан фарқли равишда, у ташбеҳларга бой, эркин ғарбона модернизм услубида шеърлар ёзарди.

1987 йилда Абдували Қутбиддиннинг “Найсон” номли илк китоби босмадан чиқди. Найсон – баҳор ёмғири демакдир. Одатда, у баҳорнинг ўрталари, апрель ойларида ёғади. Қишдан энди чиққан, салқин баҳор кунларини кутаётган Инсонга Умид, Ишонч, Эркинлик шабадаларини олиб келгувчи ёмғир бу. Талабалар шаҳарчасидаги шеърят мухлислари ялт этиб кўзга ташланган ўт-олов шоирнинг шеърларини ёдлашга тушдилар:

Ададсиз манзилларим боумид оққанида,

Қаттиқ тиканларини қалбимга қоққанида.

Томиримни шимсаму, ҳаётга бўлиб банда,

Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда.

xxx

Ҳижрон қон тундайд чўзилганида,

Кунлар кўк бағридан эзилганида,

Ёшим пиёлага сузилганида,

Согинчдан дил тўлиб бузилганида-

Капалак қонини топинглар менга. (“Ҳажр” шеъри)

Ўзида чуқур маънони сингдирган бундай ўйноқи шеърлар кишини ўйга толдирар, ҳам аллаларди. Шоир ўзига хос услуб, йўл топган, завқли ижоди кўпларни маст қилаётганини сезарди. Кейинроқ дўстимнинг бирин-кетин “Ҳумо”, “Бахтли йил”, “Сен ва сен учун”, “Хаёл кечаси”, “Узоқдан олисга” номли китоблари чикди. 2012 йилда – 50 ёши арафасида “Бор” номли салмоқли китоби¹⁴ дунё юзини кўрди. Китобнинг титул varaғида: “Абдували Қутбиддин оламни тасвирлар орқали илғаб, унинг тўлқинсимон манзараларини чизишга интилади. Шу боис, шоирнинг шеърий ифода услуби – фалсафий мушоҳада, метамарфозаларга уланиб товланади, ўқувчини сирли ва сеҳрли маъно сари парвоз қилишга чорлайди”, деб ёзилган эди.

...Биз 1992 йилнинг айна баҳор кунларида тоғлик Ургут туманининг Мерганча қишлоғига борганмиз. Шоирнинг ота-боболари яшаган макон. Жаннат нафаси уфуриб турадиган сўлим, жаннатмонанд гўша! Одамлари шоирона ва олимона сўйлашади. Биз олдин шоирнинг бобоси – шайх Қутбиддин эшон Муҳиддиновнинг туман марказидаги қабрини зиёрат қилдик. Қутбиддин Муҳитдинов (1906.19.11. – Самарқанд вилояти Ургут тумани –1983.17.12) – матншунос, манбашунос, луғатшунос олимларимиздан бири эди. 1956-61 йилларда Тожикистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида, 1961-1982 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт ҳамда Шарқшунослик институтларида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Шайх 72 ёшларида филология фанлари номзоди илмий даражасини олган. Қутб, Сайфи Саройи, Хўжандий асарларининг замонавий имлода нашр этилиши, Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғатини тузиш, изохлаш ва ундаги арабча, форсча сўзларга, мураккаб байтларга шарҳлар ёзишга ҳисса қўшган, Маҳдийхоннинг туркий-форсий “Санглоҳ” луғати устида иш олиб борган зот эдилар.

¹⁴ Қаранг.: Абдували Қутбиддин. Бор. Шеърлар. –Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2011. – 320 бет.

Бобонинг набираси Абдували яхши шоир ва ношир бўлиб етишди. У 1986–1993 йилларда Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, 1994–1997 йилларда янги ташкил топган “Ёзувчи” нашриётида бош муҳаррир, кейин қисқа муддат директор бўлиб ишлади. Ўша йилларда нашриётлар гуркираган давр эди. Абдували ташаббус кўрсатиб, узоқ йиллар сарғайиб навбат кутиб ётган қўлёзмаларни таҳрирдан ўтказиб, халқимизга тўхфа қилаверди. “Халқ китоблари” туркумида “Абу Муслим жангномаси”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Латифалар”, шарқшунос олим Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” китобларининг чоп этилишига ҳисса қўшди. Республикадаги кенжа нашриётни иқтисодий жиҳатдан бош-қош бўлди. Кейинроқ телевидениега ишга ўтиб, Халқаро каналда масъул лавозимда фаолият олиб борди. Аммо бу ерда кўп ишламади, чунки техника ва технологиялар ривожланган даврда у эркин ижодни истаб қолди. Ижодкор учун энг тўғри йўл шудир – шеър туғилганда осмону фалакларда парвоз қилиб, кўнглига сиғмаган, дардга айланган гўзал ташбеҳларни замин аҳлига баралла айтгиси келгандир, балким,...

Дўстимнинг айтишича, ўз шеърларининг туғилиши, қоғозга тушиш онларини эслолмайди: эмоционал руҳий ҳолатга тушади, ўзини унутади бир дам.

*Ўйма онлар имконимдан озиб борар,
Оҳугинам жаҳонимдан безиб борар,
Тан ҳансираб, жон-жонимдан тўзиб борар,
Ой юзингдан узиб таилай пардаларни,
Бўғзим қолди, ютай сўнгги зардаларни.*

Аммо шоирни тинглаганда, ичингиздаги дард ва аламлар қалқиб чиққандай бўлади ва бир оз таскину тамкин топа бошлайсиз. Қаршингизда Шоир тўлқинланиб лирик қўшиқни қуйлаётгандай туюлади. Садолар, нидолар асрлар қаъридан чиқиб келаётгандек. Ўтмиш ва Бугун дардларига малҳам топилгандай бўлади, гўё...

*То маҳшар базмига етгунга қадар,
Мен шотут баргларин айлағум дафтар,
Ҳар ёзган шеъримни оҳ, гулисафсар,
Сенга ўқиб берса бийрона, агар
То маҳшар базмига етгунга қадар.*

Ургутга сафаримиз чоғида Қутбиддин эшоннинг иниси, узун оппоқ соқолли, юзи нурли Қуддус бобо билан танишганмиз. Биз кун ва тунаро умр, вақт, лаҳзанинг кадр-қиммати, инсон тақдири, руҳий изтироблари сирлари ҳақида сўфиёна суҳбатлар курганмиз. Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Машрабнинг юзлаб шеърларини ёддан айтиб берган Эшон бобонинг ҳофиза қувватига қойил қолмай иложимиз қолмади. Устозимиз Нажмиддин ака ғазалларнинг айримларига қисқагина изоҳлар бердилар. Сокин тун, кенг осмон, кушлар овози, чигирткалар чириллаши назму мусикаларга қўшилди... Ҳовли этагидаги чорпояда ўн чоғли олимлар, шоирлар, дин аҳли йиғилган ўша учрашувни видео тасмасига ёзиб олганимизда, ТВдаги ўнлаб маърифат соатлари тўлиб кетарди.

Суҳбатимиз якунида Қуддусхон бобо:

– Болаларим, қисқагина умрда иймонли, ахлоқли бўлинг, насибангизни олинг-у олдиманг. Юртнинг улуғига айланинг,— деб оқ фотиҳа бердилар.

Бу воқеага ҳам йигирма йилдан ошибди. Ўша суҳбатнинг бош иштирокчиси бўлган меҳрибон устозимиз, профессор Нажмиддин Комилов оғир хасталикдан кейин 2012 йилнинг 26 апрелида вафот этдилар. Таъзияга етиб келган Қуддусхон бобо ва устоз Муслиҳиддин эшон билан яна қучоқ очиб кўришдик. Ёши тўқсондан ошган бобо домламизни софдиллиги, покдоманлиги ва ҳалимлиги учун яхши кўрарди.

– Нажмиддинга ўхшаган олимлар юз йилда бир бора туғилади. Муаллимнинг илмий меросини асраб-авайланг, имкон туғилса, уларни нашр қилдиринг,—дея насиҳат қилдилар жамоага юзланиб.

Бобони Ургутга кузатгач, ичкари ҳовлига кириб, Абдували билан умрнинг нақадар шитоб билан ўтажаги, ёшу қарининг барибир ўлим

шаробидан тотиб кўриши борасида сўзлашдик. Нажмиддин аканинг сўнгги сўзларини ёдга олдик. Мен дўстимга устозга бағишлаб ёзган “Афросиёб” шеърини эслатдим:

*Хурлиқо гоҳ бадфуруш лаҳзалар ўтиб битар,
Момо тилла супурги, кумуш кул олиб ўтар.
Келинчак чарх тортади, фалак йўллари тутар,
Кулоҳи ёғдуланиб, юз қаландарлар кетар.
Бариси бир-бир ўтар.*

Дунё – ўткинчи. Уни фақат ёши элликдан ошиб, олтмишга яқинлашган кишигина тушунади. Ҳаёт машаққатларга тўла, дардли, армонли. У ҳаммамиздан сабрли, қаноатли бўлишни талаб этади. На илож, биз – ожиз бандамиз...

Ўзимнинг ҳаётимда хафали, тушкун дамлар бўлганида, “дўстларим”, сирдошларим алдашганида, Абдували юмшоқ оҳангдаги таъсирли сўзлари билан таскин-тасалли беради.

–Хабарим бор, йигирма йилча раҳбарликнинг гоҳ шодон, гоҳ заҳматли, гоҳ оғриқли кунларини ўтказдингиз. Икковлон фарзанди аржумандларнинг никоҳ тўйларини бирин-кетин ўтказдик. Орзиқиб кутилган ширин-шакар неваралар ҳам дунёга келди, – дейди дўстим.– Бу дунёда бари бариси ўтади. Ҳамеш мегузарад! Ташвиш чекманг, азизим, Аллоҳнинг айтгани бўлади. Энди ҳою-ҳавасларни унутайлик, қолган умримизда бир-биримизни кўнглимизни кўтариб, алқаб юрайлик. Кўнгилда гап кўп...

Бундай мулойим, пурмаъно сўзлардан роҳатланаман. Садоқатли дўстим, яқин маслаҳатгўйим у. Абдували шеърлари ҳам, сўзлаш оҳанги ҳам инсон руҳини кўтаришга етгулик оҳангдор, сирли, гўзал. “Қасам” шеърида ёзганидек:

*Фаромуш боғларда солланиб маҳзун,
Заррин сарполарда, давлати фузун,
Қалбимга атайди нон ҳамда тузин,
Ё жоним муҳаббат,*

Сим-сим-эй, сим-сим,

Мабодо алдасам, қўлларим синсин.

Қаранг, 1984 йилда ёзилган ушбу шеърда сирли тилсимлар, дардлар яширин. Сағбон кўчасида бобоси Қутбиддин эшон, домла Нажмиддин Комилов билан бир ҳовлида яшаганда, тиниқ булоқлардан симириб сув ичган шоирнинг маънавий олами шаклланган.

Сизга ҳаммасини сўзлаб бердим –

Улуғ кўрдим сизни,

Қуллуқ қилдим бағримни бериб,

Қилиқ қилганим йўқ,

Иликдай қоқиб бердим вужудим гавҳарин.

Чунки мен борман,

Сиз каби борлиқда –

Ва мен Абдували Қутбиддин.

деб куйлайди у. Яна такрорлайди:

Сирли бандаргоҳда қуюқ туман,

Олмос лангар,

Биллур кема,

Зарбоф кўйлак кийган дарға мендирман,

Эй, гул, кетасанми мен билан.

Абдувалининг китобларини ҳар гал варақлаганимда, шоирнинг осмонларга етгулик хаёллари, рангин дунёси билан яқиндан танишаман. Қуйма, сўфиёна шеърлардан руҳий дунём ўсади. “Яшаш ҳам ишми?– дейди у “Бор” аллегориясида. “Ҳаммаси йўғида йўлга туш, дўст”. “Аслида олдинроқ келиб қўйганман, Ва уни кутганман, Ишқни майдалаб” (“Қайғу”).

Ҳақиқатан ҳам, “Бор” китоби адабий ҳодисага айланди. Дўстим уни тақдим қилаётиб, шундай сўзларни ёзиб қолдирди: “*Сиз қиёматли дўст, солиҳ авлоднинг собит фарзанди, меҳри кўп, олийжаноб инсонсиз. Неваралар роҳатини кўринг. Амина билан Хўжа Хизр ёшига етинглар. Осмонингиздан яхши ва бахтли кунлар асло аримасин...*”.

Бахтли шоир нурли манзилларда баралла куйлашда давом этмоқда.

Ададсиз манзилларим боумид оққанида,

Қаттиқ тиканларини қалбимга қоққанида.

Томиримни шимсаму, ҳаётга бўлиб банда,

Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда....

Абдувалини ёрқин истеъдод эгаси, деб биламан. Энг гуллаган ёшлик чоғимда, баҳор ёмғири ёғиб турган 1986 йилнинг апрель ойидаги илк учрашувдаёқ, Абдувалини қалбимда кашф қилганман. У ҳамон шеърий кашфиётларини яратиш, қалбларни ишғол этиш дарди билан банд.

Э-ҳе, неча ёзу қишлар ва яна баҳорлар ўтиб кетмади. Аммо бу йилларда шоир дўстим улғайди, камолга етди ва пок ниятли инсонга айланди.

Ўзбек шеърият осмонида Абдували Қутбиддин Бор!

НОШИР ДАФТАРИ



1. Илк қадамлар

1985 йил февраль ойида Навоий кўчасидаги 30-уйга, “Ўзбекистон” нашриётига ишга қабул қилиндим. Фалсафа фанлари доктори Наим Ғоибов (вазир ва элчи лавозимида ишлаган) нашриёт директори, Шомуҳиддин Мансуров илмий-оммабоп таҳририяти мудирлари эди. Мухаррир бўлиб ишловчи ёшлар маданият ва санъат, молия-иқтисод йўналишидаги кичик рисолаларни кўриб берардик. Бўлимимиз ойига ўттиз-қирқдан зиёд икки босма табоқлик рисолаларни нашрга тайёрлаб, босмахонага туширарди. Шу баҳонада, ўзимиз ҳам турли фанларга доир маълумотларни ўқиб, илмий ва сиёсий савиямизни ошириб борардик.

Ноширликда энг қийин иш – таҳрир санъатини пухта эгаллаш. Ҳар қандай ҳажмдаги қўлёзма ўзбек тили қонун-қоидаларига мос ўқимишли ёзилган, такрор ва баёнчиликдан холи бўлиши талаб этилади. Мен дастлабки кундан бошлаб шу борада тиним билмай изландим. Нашриётда муҳаррирнинг юзи, обрўси таҳрирининг сифати билан ўлчанади. Таҳририятимиз икки каттакон хонада жойлашган бўлиб, унда Мукаррама Ғаффорова, Раҳима Шомансурова, Зуфар Жўраев, Абдуҳошим Ирисбоев, Адолат Ҳакимжонова, Зухра Ҳакимова ўтиришар эди. Улар том маънода, таҳрир санъатини пухта эгаллаган муҳаррир. Агар “текширган” қўлёзмаларини варақласангиз, қалам тегмаган саҳифани тополмайсиз. Ана шу тажриба ва маҳорати сабабли, сал вақт ўтиб, М. Ғаффорова – истеъдодли шоира, Р. Шомансурова – “Саодат” журнали таниқли публицисти, З. Жўраев – илмий тадқиқотлар яратган иқтидорли олим, А. Ирисбоев – газетачи (“Оила ва жамият”ни ташкил қилганлардан бири) бўлиб, элнинг назарига тушдилар...

80-йилларда нашриётимизда икки юздан ошиқ ходим ишларди. Биз аҳил ва иноқ эдик, хусусан ёз ва куз ойларида олмазору пахтазорларга кишлоқ аҳлига ёрдамга чиққанимизда бир оила аъзоларидек ўта меҳрибон бўлиб кетардик. Янгийўлга узум, Жиззахнинг туманларига пахта тергани хашарга борганларимиз эсимда турибди. Шоир Мирзо Кенжабекнинг кишлоқ четидаги ётоқдагиларга Қор хат ёзганларини унутмайман...

Ўзбекистон 1991 йилда истиқлолга эришгач, барча тармоқлар қатори нашриёт-матбаачиликнинг фаолият майдони кенгайди: ноширлик тизимига компьютер техникаси, технологиялари, янги кўпайтириш, босма машиналари сотиб олиниб, цехларга ўрнатилди. Эндиликда ҳар бир муҳаррир, мусаввирнинг иш столида замонавий компьютерлар хизматга шай турарди. Ишимизнинг унумдорлиги ва сифати кучайгандан кучайиб бораверди. Фақат жиддий муаммо – юксак савияда ёзилган асарларнинг етишмаслиги эди.

Кўп ўтмай, каминага табаррук даргоҳ – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ишлаш насиб этди. Бу воқеага Ҳикоят Маҳмудова (Аллоҳ раҳматига олсин, хоксор аёл эди) сабабчи бўлган. Курсдошимиз Эркин Холиқовнинг турмуш ўртоғи бир куни хонамизга келиб:

–Бизнинг раҳбарият форс-тожик тилини биладиган муҳаррирни қидирмоқда. Хоҳласангиз, сизни суҳбатга чақиришади, –деб қолди.

–Бораман! –дедим.

Эртасига директор Эркин Воҳидов ҳузурига бордим. Баланд бўйли, оғир-вазмин раҳбар билан суҳбатимиз жуда қисқа ўтди.

–Укажон, бизга ёрдам берсангиз,–деди Эркин ака мақсадга кўчиб. – Республика раҳбари Шароф Рашидов вилоятларга чиққанда, тожик тилида ёзилган иккита қўлёзмани топширишибди. Уларни зудлик билан ўзбекчага ўгириб, нашриётимизда чоп этишимиз лозим. Сизни ишга қабул қиламиз.

1986 йилнинг баҳор ойларида нашриётда иш бошлаганимда, дастлаб шоир Шамси Одил билан бир хонада ишладим. Улар янги очилган “Юлдузча” нашриётининг ходими бўлса-да, жой етишмаслигидан бизнинг

хонамизда ўтирарди. Тахминан олтмиш ёшли, озар халқига ўхшаган Шамси ака жуда содда, камтарин инсон эди. Жамоадошлари таржимон Тўлқин Алимов ва шоир Турсунбой Адашбоев “Ака Шамсимилар ўзлари”, дея хонамизга дамба-дам ташриф буюриб, акаҳон билан кўп ҳазиллашарди. Бундай ювош кишининг Самарқанддан пойтахтга кўчиб келиб, болалар шоирига айланиши, республика раҳбари ҳузурига тап тортмай кириши, “Хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига қандай қилиб эга бўлиши воқеалари латифага айланиб кетганидан яна такрор сўйлаб беришга кисташарди. Бу ҳикояларни тинглаб бўлгач, хандон отиб:

–Сиз оддий одам эмас, Худонинг суйган бандасисиз. Омадингизни берсин, ака, –дея бағрига босишарди.

Шамси ака ўта ишонувчан, болалардай беғубор киши эди. Бундай содда феълли киши анқонинг уруғи дердингиз. Таниқли адиб, ажойиб раҳбар Абдусайд Кўчимов акаҳоннинг куёви эди.

Мен фаолиятимнинг илк кунларида Шамси акадан адабий таҳрир сирасорларини ўргандим. Жимжимали ибораларни қандай “пардозлаш”, ихчам ҳолга келтириш, муаллифнинг услубини сақлаш энг қийин ишлар эди, чамамда. Эсимда, машҳур турк шоири Нозим Ҳикматнинг “Қуёш қораймас” (таржимон Гавҳар Норматова) китобига муҳаррирлик қилганимда, илк ўқишда “ушлаб қолмаган”, илғай олмаган ғализликларни кейин топганман. Шунинг учун қўлёзмани уч марта таҳрирдан ўтказгандан кейин матн терувчи Зарифа опага узатганман.

Жамоадаги ҳамкасбларим: драматург Машраб Бобоев ростгўйлиги, адиб Эркин Аъзам камгаплиги, таржимон Низом Комилов дангаллиги, Урие Эдемова ориятлилиги, шоир Минҳожиддин Ҳайдар сўзамоллиги, шоир ва таржимон Жонибек Субҳон ҳотамтойлиги, таржимон Тоҳирахон жиддийлиги, шоир Абдували Қутбиддин эркатоилиги билан бир-биридан фарқ қилишарди. Аммо ўзаро ҳурмат, оқибат, одамийлик, елкадошлик ва маслакдошлик жамоадошларни юксалтириб турарди. Ўша йиллари

нашриётимиз ноширлик соҳасида пешқадам эди (бу ҳақда юқорида сўзладим – Б.О.). Ана шу ижодий рух, тоза муҳитни бошқа идораларда кўрмаганман...

Мен донғи кетган адиблар, шоирлар, олимлар билан бир жамоада беш йилча ишладим. Эркин Воҳидов бош директор, Жамол Камол бош муҳаррир, Хайриддин Султонов, Низом Комилов бош муҳаррирнинг муовинлари, Эркин Аъзам кўпжылдлик асарлар, Шавкат Раҳмон шеърят, Машраб Бобоев наср, Ҳасан Тўрабеков наср таржимаси, Асқарали Шаропов мумтоз адабиёт, танқид ва адабиётшунослик, Урие Эдемова қрим-татар, Анатолий Бобров рассомлик таҳририяти мудир эдилар. Жонкуяр, қаттиққўл бу ноширларнинг назаридан қўлёзмани элакдан ўтказиш азоб эди. Муаллифлар сифатли китоб чиқариш учун уч-тўрт йиллаб кутишарди.

Муҳаммад Юсуф, Маъсума Аҳмедова, Музаффар Мирражаб, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова, Ғофир Қурбон каби бизга ўхшаган ёшлар табаррук устозлардан ижод ва ҳаёт, сўз ва муомала санъатини ўзлаштириб боришарди.

Ҳаёт йўлимдаги бундай тансиқ, ҳаяжонли дамларни ҳеч унутолмайман.

2. Ошкоралик шабадалари

Совет даврининг сўнгги беш йили. 1985 йилга келиб, жамиятда қайта қуриш ва ошкоралик ғоялари ўртага ташланди. Тўполон, ғала-ғовур кунлар... Демократия шамоллари ноширлик соҳасига ҳам етиб келди. Танқидий рух кучайди. Ёшларни ҳокимиятга олиб келиш жараёни бошланди. 1987 йили вазирлик ва идора раҳбарлари, эндигина 28 ёшга киргандим. Ташкилотимизда қарийб икки юзта ходим ишларди. Халқимиз танийдиган Машраб Бобоев, Асқарали Шаропов, Жонибек Субҳон, Ҳасан Тўрабеков, Анатолий Бобров, Саломат Азимова ва яна икки-учта қизлар қўмитамизга аъзо бўлишди.

Нашриётда иш қайнаб ётарди. Асосий машғулотишдан кейин одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, дард ва ташвишларини тинглардим. Раҳбарликка тайёргарлигим Горбачев ғоялари илгари сурилган ошкоралик

йилларида бошланган десам хато бўлмайди. Маънавий ва иқтисодий эркинликдан фойдаланиб, уч йил энг шимариб ишладим. Ўратепа, Конибодом буюм бозорлари, Самарқанд, Бухоро, Ўш шаҳарларига зиёратга саёҳатлар уюштирдик. Чегаралар очик бўлганидан қардошларимиз билан дўстлашиб, фотосуратларга тушиб қайтганмиз. “Пахтакор” метро станцияси ёнидаги туризм фирмасига ҳар ҳафта қатнардим.

Эркин Воҳидов мард раҳбар эди. Бир куни ийманиб ёнларига кирсам:

– Бахтиёр, бемалол олдимга кираверинг. Сиз ўзингизга эмас, ходимларга ёрдам қўлини чўзмоқдасиз. Ҳали бу кунларни эслаб юришади. Заҳмат чеккан ижодкорлар вақтида ҳордиқ чиқаришни ҳам эпласин-да. Рухсат! – деб ҳужжатга имзо чекдилар.

Шундай қилиб, шоир ва адибларимиз Москва, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург), Одесса, Киев шаҳарлари, Болтиқбўйи республикалари, Волга дарёси бўйларида ҳафталаб дам олиб қайтишди.

Ошкоралик даврида жамоа тадбирлари ҳужжатлари, кадрлар масаласи фақат Меҳнат жамоаси кенгаши (Совет трудовых коллективов – СТК) ва касаба уюшмаси билан келишилиб, имзолангандан кейин раҳбар столига қўйиларди. Жамоа шартномасига амал қилинар, барча режалар ва дастурлар ходимлар томонидан муҳокама этилар эди. Баъзида жанжалли, низоли масалаларни ҳам кўриб чиқардик. Шу пайтларда СТК раиси Хайриддин Султонов қўшни хонадан олдимизга югуриб келиб:

– Қўлёзмани бемалол ўқишга халақит беришмоқда, улгура олмаяпман. Бахтиёр, шу муаммони ўзингиз ҳал этинг, мен эса имзо чекиб бераман! – дерди.

Жамоада ислоҳотлар жадал ўтказила бошланди. Шу баҳона, квартира ва енгил машина олувчиларнинг рўйхати қайтадан тузиб чиқилди. Қаршиликка учрашимизга қарамай, раҳбарнинг розилиги олиниб, илгари машина олган “уддабуррон” шахслар рўйхатдан чиқарилди. Бу кимгадир ёқмасди, аммо СТК, касаба уюшма қўмитаси розилиги ва маъмурият тасдиғидан кейин ҳеч ким оғиз очолмасди. Улкан мамлакатда ошкоралик, сўз

эркинлигига кенг шароит яратилганидан фукароларимиз мамнун эди, албатта. Ҳалиям эсимда, чехларнинг Себо этиклари, югослав костюм-шимлари, камёб хориж либослари, француз атир-упаларини ГУМ сотувчилари ишхонамизга келтириб, ходимларимизга сотишарди...

Аммо бизнинг бош вазифамиз шоиру адибларнинг замонага мос ёзилган китобларини сифатли чиқариш эди. Ишхонамизга ижодкорларнинг келиб-кетиши ҳеч тинмасди. Кимдир китоб чиқариш, кимдир янги китобининг муҳокамасини ўтказиш, кимдир машҳур ёзувчи билан яқиндан танишиш мақсадида қадам ранжида қиларди. Э-ҳе, бу даргоҳга ўзбекнинг энг машҳур шахслари оёғи теккан. Ижодий гурунглари, мунозаралар яна чоғроқ ҳовлида ёки пастдаги Маҳмуд мўйлов чойхонасида (ҳозирги “гўмма” ошхонаси ўрнида бўлган – Б.О.) давом этарди. Оқсоқол адибимиз Саид Аҳмаднинг 00-24-рақамли оқ Волгаси кўпинча чойхонанинг ёнгинасида савлат тўкиб турарди. Устоз атрофини ҳамиша шўх-шаддод шогирдлари ўраб оларди. Самимий, бегидир, юракдан чиқадиган суҳбатлар кишига ҳузур бағишларди. Китобларнинг “тақдимот” маросими ҳам, ихчам зиёфатлар ҳам шу чойхонада ўтарди...

Мен эслаётган 90-йилларда нашриётимизда уч юздан зиёд оммабоп китоблар босмадан чиқарди. Аммо бу китобларнинг бадиий савияси ҳам, беағи ҳам, қоғози ҳам, сотилиши ҳам рисоладагидек эди. Ўзим ҳам моҳир таржимон Ҳасан Тўрабековнинг тавсиясига кўра, иккита тожик адибининг қисса ва романини, ўнлаб афғон ҳикояларини, Лев Толстойнинг болаларга ёзган “Акула” ҳикоялар тўпламини ўғирдим. Атоқли Хитой адиби Лао Шэнинг “Бева аёл қиссаси”ни, “Мушуклар салтанати” романи таржимасига қўл урдим.

– Балли, бўшашманг,–деганди устозим. – Лекин сиз адиблик ва таржимонликдан бирини танланг.

Устознинг зийраклигига тан бердим. Бу, вақтида айтилган маслаҳат эди. Мен биринчи йўлни танладим. Чунки қаламим чархланмаган, ҳали

устимда кўп ишлашим керак эди. Бадий таржима санъатини эгаллаганим сари ижодий тажрибам ошиб борарди.

Нашриётимизда ўзига хос тоза мухит шаклланигани бизга илҳом бағишларди. Ёш-яланг ходимлар ҳам таҳрир санъати, ҳам суҳбат одоби, ҳам ҳаётий сабоқлардан баҳра оларди. Хоналар ва йўлакларда гапга чечан Саид Аҳмад, мулоҳазали Иброҳим Ғафуров, жайдари Тўра Сулаймон, камтарин Маъруф Жалил, оловқалб Усмон Азим, файласуф Шароф Бошбеков, интеллигент Ўткир Ҳошимов, чапани Турсунбой Адашбоев, воиз Турсуной Содиқоваларни учратиб, савол-жавоб қилганимизда, беихтиёр, дилларимиз яйраб кетардик. Қанийди, бу сониялар узоқ-узоқ давом этса дердик.

Жамоамизда ишламайдиган ижодкорлар кўпинча ўзлари соғинган яқин дўстларининг олдида келиб туришарди. Масалан, Ў. Ҳошимов таржимон Н. Комиловни, Т. Адашбоев адиб Н. Фозиловни, Т. Содиқова таржимон дугоналари Х. Мансурова, Ҳ. Маҳмудовани, Т. Сулаймон юртдоши шоир Ж. Субҳонни, Ч. Эргаш шоир Ш. Раҳмонни йўқлашар эди. Кузатишимча, Тоғай Мурод ва Тоҳир Маликларгина ойда ё йилда бир кўриниб қолишарди.

Қрим-татар таҳририяти ходимларининг аҳиллиги ва жипслиги менга ёқарди. Туғилиб ўсган она диёридан 1944 йилда мажбуран кўчирилган жабрдийда бу халқ вакиллари Қримга қайтиш орзусида яшар эдилар. Хайрият, Ўзбекистон истиқлолга эришган кунларда озгина фурсат туғилди дегунча, Урие Эдемова ва ҳамкасблари дарҳол Қримнинг ичкари туманларига кўчиб кетдилар. Таҳририят эса ўз фаолиятини тўхтатди.

Рассомларимиз ҳам фидойи, куйинчак, истеъдод соҳиблари эди. Анатолий Бобров (мудир), Илья Кириакиди, Маркус Карпузас, Юлай Габзалилов, Анвар Мамажонов ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг асарларига муқова ва ички расмларни маҳорат билан чизишарди. Ўзим муҳаррир бўлган Габриал Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов каби сўз санъаткорларининг китобларига Толя Бобров чизган суратлар ҳали ҳам оҳорини, бадий қимматини йўқотмаган...”Жаҳон адабиёти дурдоналари”, “Дўстлик кутубхонаси”, “Ўзбек халқ ижоди” туркумларига ишланган

муқовалар, безаклар ҳозирда ҳам кутубхоналаримизни беаб турибди. Ҳа, ижодий жамоамизда кучли муҳаррирлар, истеъдодли рассомларнинг мактаби мақтовга сазовор эди.

Мумтоз адабиёт ва фольклор бўлимининг иш ҳажми салмоқдор бўлиб, Навоий, Машраб, Лутфий, Бобур, Огаҳий сингари сермахсул шоирларнинг калин жилдликлари, халқ эртаклари, дostonлари ва адабий тўпламлар чоп этилади. Бўлимни адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Асқарали Шаропов бошқаради. Асли фарғоналик бўлган акахон ўжар, ўз “мен”ига эга, бир сўзли, чапани киши эди. Муаллифларга гапини ўтказа олар, тартибни ёқтирарди. Асқарали ака қассобликни ҳам эпларди. Биз Адабиёт музейи олдидаги Раъно опа мудир бўлган Гастрономдан ойига икки марта гўшт маҳсулотини олиб келардик. Дўконга гўшт келиши дараги олдин бизга етиб келарди. Акахон ваъда қилинган девзира гуручларни топшириб қўярдида. Сўйилган қўй гавдаларини ўзимизга мослаб чопиб бўлгач, тезда машинага юклардик. Сарафанга ўралган икки килолик гўштларни жамоага тарқатиб бўлгандан кейин, баъзида ортиб қолганини бинонинг бош эшиги колоннаси олдида чиқариб сотардик. Хўжалик ишларини дўндиришда Асқарали акага тенг келадигани топилмасди. Афсус, А. Шаропов олтмишга етар-етмас вафот этди.

Шу ўринда, нашриётда шахсан кузатганим бир ҳолатни сизга айтиб берсам. Доимий “меҳмон”ларимиздан бири Рауф Парфи, бири Чўлпон Эргаш бўларди. Иккалови ҳам дарвешона туриш-турмушни танлаган шоир. Уларнинг шахсий ҳаёти, ўзини тутиши ҳам сал ўхшаб кетарди. Аммо ички олами бўлакча: Рауф ака очиққўнгил, ҳазилкаш, самимий, Чўлпон аканинг феъли мураккаб, ичини очмайдиган, “ўзим биламан” хилидан эди. Р. Парфининг феъл-хўйи халқона, дардкаш, Ч. Эргаш тортинчоқ, сал беғамроқ. Шу боисданми, Чўлпон ака билан деярли кам киши гаплашарди. Бу гаплардан хулоса шуки, инсоннинг характериға қараб тақдир йўли ҳам ёзилади. Софдил ва одамохун Рауф Парфи шу ижобий жиҳати билан кўпчиликнинг хотирасида қолганди.

Бир куни Рауф ака менга ўзининг “Сабр дарахти” китобини совға қилаётиб:

–Сиз синчков йигитсиз, яна мени айблаб ўтирманг. Китобда шеърларимни эллик икки жойда нотўғри босишибди. Тузатиб ўкинг, –деди.

Аслида муҳаррир шеърларни обдон “ишлаган”, таҳрир эса муаллифга ёкмаган. Шунинг учун босмахона сиёҳи қуримай туриб, тўғрилаб қўйиб мухлисларга улашарди у. “Сабр дарахти” китобига йиллар давомида сараланган зўр шеърлар киритилган. Мана, шеърларни бир ўқиб кўринг-а:

*Тонг отмоқда, тонглар ўқ отар,
Тонг отмоқда, қуёш — замбарак.
Яраланган Ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак.*

Рауф аканинг ушбу сатрлари ҳам ёдимда:

*Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим,
Аллоҳим... мен ўлдим... мен Сенга етдим...*

Катта-ю кичикни ўзига сеҳрлаб, мафтун этиб қўядиган, файласуфона ёзилган бундай шеърлардан ҳайратланмай бўлмасди. Шоирнинг топган топилмалари, ташбихлари, ўйноқи деталлари ва ўхшатишлари бошқа ижодкорларникига ҳеч ўхшамайди...

Эҳ, ижодий орзулар, режалар сон-саноқсиз эди. Бироқ, ажойиб кунларнинг бирида янги раҳбаримиз, таржимон Шоир Усмонхўжаев мени ҳузурига чақирди.

– Номзодингизни Матбуот қўмитаси аппаратига тавсия этдик, –деди Шоир ака дабдурустдан.–Энди ўша ёқда ишлайсиз.

–Нега? Бу даргоҳда ишласам... – ҳайрон бўлдим.

–Баъзи гаплар суриштирилмайди, укажон, –деди раҳбар овозини баландлатиб. –Сиздек ёшлар ўсиб-униши керак эмасми?

–Шоир ака, очикроқ гапиринг. Мен тушунолмаяпман...

–Ҳасан ака сизга устоз бўладими?

–Ҳа, албатта.

–Кеча Тўрабеков бош муҳаррирликдан кетди...

– Бугун эшитдим. Яхши бўлмабди.

– Устозга “Наср таржимаси” бўлими мудирлигини бўшатиш керакми?

– Бўлди... Розиман.

– Баракалла, укажон. Келажагингиз олдинда, деб ўйлайман. Янги ишда омад тилайман.

Ушбу воқеа 1990 йилнинг 16 июлида рўй берган эди. Шундай қилиб, Матбуот қўмитасининг “Нашриётлар ишини ташкил этиш” бошқармасига етакчи муҳаррир лавозимига ўтдим. Тақдирни қарангки, ўша куни фаришталар омин деган эканми, ўттиз бир ёшимдан то умримнинг эллик уч баҳоригача – йигирма икки йил раҳбарлик лавозимида қолиб кетибман. Ўтган суронли, машаққатли йиллар сиёсий ва маънавий савиям ўсиб, билим ва тажрибам ошган бўлса-да, руҳий-маънавий дунёмни ўзгартирган адабиёт ва санъат нашриётига меҳру-муҳаббатим сақланиб қолди. Очиғи, ўзбек маданиятининг яловбардорлари, пешқадамлари билан елкама-елка ишлаш завқли, ҳаяжонли эди. Мен ношир акаларимдан таҳрир маҳоратини, ижод поғонасида ҳаёт сўқмоқлари-ю, равон йўлларини чиройли тасвирлаш, қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб беришни ўргандим. Гарчи раҳбарлик йилларида ижоддан узоқлашган бўлсам-да, кундаликлар тузиб, ҳаётда чуқур таассурот қолдирган воқеа-ҳодисаларни қайд этиб беришни асло тўхтатмадим. Бу қимматли кундаликлар давр руҳи ва одамларнинг ички оламини бутун мураккаблиги билан ёритиб турибди...

Бир китобда ёзилишича, янги ишга келган бош муҳаррир Валентин Катаевдан:

– Устоз, мен нима қилишим керак? – деб сўрабди.

– Ижодий ходимларга халақит бермасанг, бас, ҳаммаси жойида бўлади, – жавоб берибди Катаев.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ҳам шу олтин қоида амалда эди.

3. Буюклар даврасида

Мен ҳамкасбларимнинг ноширлик тажрибаси ва ёзган китобларидан ҳаёт йўлларимда ҳамиша фойдаланиб келаман. 1990 йиллардаги ёшлик даврим тасаввурида: Э. Воҳидов – юмшоққўнгил, Н. Фозилов – сўзамол, Ж. Камол – ақлли, О. Матжон – зукко, Ш. Раҳмон – адолатпарвар, Э. Аъзамов – эҳтиёткор, Н. Комилов – шарттаки, М.Бобоев – дангалчи, Ш. Усмонхўжаев – ширинсухан, Т. Алимов – пишиқ, Ш. Одил – жайдари, Ҳ. Маҳмудова – меҳнаткаш, У. Эдемова – сиёсатчи, Ж. Субҳон – сахий, А. Шаропов – уddaбуррон, Ҳ. Тўрабеков – мулозаматли киши сиймосида хотирам ойнасида туришибди. Мен ўткинчи дунё билан хайрлашган бу устозларимнинг хотирасини қалбимда сақлаб юрибман.

Ҳамхонам олтмиш ёшли Носир ака Фозилов (1929-2018) Туркистоннинг Кориз қишлоғида таваллуд топганди. Бу одам гапга чечанлиги, ҳазилкашлиги билан ҳаммага ёқарди. Гарчи ёшимиз ўртасидаги фарқ қарийб ўттиз йил бўлса-да, биз ака-укалардек қадрдон эдик.

Носир Фозилов болаларнинг севимли адиби. “Қайсар боланинг бошидан кечирганлари” қиссасининг ўзиёқ унинг бировларга ўхшамаган бой, тўпори дунёси борлигидан далолат беради...Шу самимий ва ҳаққонийлиги сабабли Носир акани оқсоқол адиб Саид Аҳмад ҳам, уста танқидчи Озод Шарофиддинов ҳам, заҳматкаш адиб Эркин Аъзам ҳам, қўйинг-чи ёш ижодкорлар ҳам бирдай ҳурмат қиларди. Чунки баъзиларга ўхшаб “баланд дорга осилмайди”, бировга ҳасад қилиб тош отмайди, аммо ўзини хафа қилдириб ҳам қўймайди. Керак бўлса, гап билан кучли “рақиби”ни чимчилаб оларди. Лўндаси, Носир ака Саид Аҳмаду Озод Шарофиддиновга яхши суҳбатдош, маслакдош бўлишга лойиқ инсон. Шу боисданми, учовлон гоҳо Фарғона водийсига, гоҳо Туркистон тарафларга ижодий сафарлар уюштириб туришарди. Унинг тафсилотидан хабардор бўлган абжир ижодкорлар дарҳол ҳикоячалар “тўқишарди” (Шодмон Отабекнинг “Дўрмон хангомалари” китоби).

Зуллisonайн шоир, уста таржимон Жамол Камол Бухоро Шофирконига карашли Чикарон қишлоғида таваллуд топган. Ўрта бўйли, билимдон, хушбичим, ҳаракатчан Жамол акани китобхонлар Жалолиддин Румий ва Вильям Шекспирнинг таржимони сифатида кўпроқ билишарди. Буюк драматург В. Шекспирнинг ўлмас трагедияларини инглиз тилидан таржима қилиш ҳар кимнинг қўлидан келавермасди. Румийнинг таржималарига келсак, Жамол ака форс тилини сувдай ичарди.

Ж. Камол 1990 йиллар бошида қутлуғ зиё даргоҳи – Ғ. Ғулом номидаги нашриётга бош муҳаррир этиб тайинланди. Ўша пайтда камина “Наср таржимаси” таҳририятида муҳаррир эдим. 1991 йилда нашриётимизда Вильям Шекспирнинг “Отелло” тўплами босмадан чиқди. Ўқувчилар уни олқишлар билан кутиб олишди. Китобда инглиз драматурги қаламига мансуб “Ҳамлет”, “Отелло”, “Макбет”, “Антоний ва Клеопатра”, “Афиналик Тимон” трагедиялари ўрин олган эди. Жаҳон адабиётининг етук сиймоси, шоир ва драматург Шекспир (1564–1616) жами 37 та пьеса, сонетлар ва поэмаларнинг муаллифи бўлган. Унинг асарларида ҳаётнинг нақадар чуқур, зиддиятли, даҳшатли кечиши, инсон ҳилқатининг жуда мураккаб, нозик ҳис-туйғуларга бой бўлиши маҳорат билан тасвирлангани сабабли, неча асрдирки, қалбларни ларзага солиб келади. Унинг *“Бутун дунё – театр, одамлар эса унда фақат роль ўйнашади”*, деган фалсафий гапи барча тилларда такрорланади.

Шекспир трагедиялари инсон тақдироти, жамият билан шахс ўртасидаги муросасиз кураш, ҳаёт ва ўлим, пинҳона курашлар очиб берилгани билан диққатга сазовор. Шунини таъкидлаш жоизки, Шекспир ўз дарди ва ҳикматларини асарлари ва қаҳрамонлари тақдирига яширди, улар орқали ўз ички дунёсини, қарашларини изҳор қилди. Мисол учун, Ромео ва Жульетта қисмати ила дунё ваҳший, шафқатсиз, ҳатто муҳаббатни ўлдиришга чоғланди, деб ҳайқирди. Бошқа бир трагедиясида Отелло Дездемонани рашк қилиб ўлдирмади, балки дунёдан қизганиб ўлдирди, инсон тақдирини ўйин, томоша, деб биладиган кўҳна, бузук, алдоқчи дунёдан гўзал, соф муҳаббатни қизганди. *Муҳаббат ва дунё бирга яшай*

олмайди, деган хулосага келди. Унинг рашки дунёга қарши чексиз нафрати ва исёнининг аломати эди.

Жамол Камол Шекспир ижодининг кўз илғамас “нозик”, “сирли” жиҳатларини таҳлилдан ўтказиб, унинг ғояларида ўз идеалини кўргандай бўлди, назаримда. Аммо аслиятдан таржима қилмаса, иши натижадор, кўнгилдагидай чиқмаслигини тушунгач, эллик ёшида инглиз тилини ўрганиб, таржимага узоқ тайёргарлик кўрди. 1991 йилда биз яқиндан танишган Шекспир ижодининг ўзгача тароватда намоён бўлиши, умуман, инглизчадан таржима этилиши адабиётимизда янги йўналишни бошлаб берди, албатта.

Бир куни Жамол ака билан суҳбатлашиб қолдик.

—Нега таржима учун Шекспир асарларини танладингиз? — деб сўрадим устоздан.

— Шекс ва пир — у трагедия пири! — жавоб берди таржимон. —Мен бундай имкониятни қандай қилиб, қўлдан бой берай?!

Нашриётимизда 1987 йили рус олими ва адиби Радий Фиш қаламига мансуб “Жалолиддин Румий” тарихий биографик романи ҳам Жамол Камол таржимасида босилган эди. Истиқлолга қадар сўфий шоир Ж. Румий ижоди Ўзбекистонда у қадар оммалашмаган. Ваҳоланки, унинг жаҳонга машҳур “Маънавийи маснавий”си ўттиз бир минг мисрадан зиёдроқни, “Девони Кабир”и (“Улуғ девон”) қарийб қирқ тўрт минг мисрани, фалсафий ва лирик тўртликлари, рубоийлари тўрт минг мисрадан ошарди.

Романнинг қўлма-қўл ўқилишига асосий сабаб, мутаржим истеъдоди ва маҳоратининг юксаклигида эди. Ж. Камол жумлаларни шеърга солгудай майин, ифодали, гўзал таржима этадики, гапнинг очиғи, ҳатто кейинги йилларда ҳам мен бундай ажойиб насрий таржимани ўқимаганман. Китоб таржимасида кишининг ички оламига ёруғлик, нур олиб кирадиган жумлалар беҳисоб: *“...биз сувдек оқиб ўтармиз, аммо майдек халойиқнинг қонида яшармиз. Бир кун оёқ чўзиб, тупроққа ётсак ҳам, кемага тушиб, елкан остида узоқларга интилган сайёҳдек ҳамиша аъмоли — ҳаракатда бўлармиз”* (241-бет). *“У янглишмаган эди. Етти асрдирки, унинг шеърларини масжиду*

хонақоларда, базмлару дорилфунунларда ўқишади. Одамлар ўрганишади, саводсиз деҳқонлар ёд олишади. Ҳиндистондан – Шимолий Африкагача бирор бир шоир йўқим, Жалолиддин Румий шеъриятидан таълим олмаган, унинг таъсирига бир қадар тушмаган бўлсин. Ўн тўққизинчи аср эрон халқ қўзғолони йўлбошчиси Сулаймонхон унинг шеърини айтиб туриб, кундага бош қўйган эди”.

Таржимон Румийнинг форсча шеърларини ҳам ўта маҳорат, бадий дид билан таржима қилган:

*Оч энди оразингни, равзатул анвони истармен,
Лаб очким, қатра-қатра неъматни дарёни истармен,
Булутлар пардасин йиртгин, юз очил менга, эй хуришд,
Саодат бергувчи ул шуълаи дунёни истармен.*

Рубойиларидан парча келтирамиз:

*Эй жону жаҳон , жону жаҳоним қайда?
Эй ой замину осмоним қайда?
Сен майни қўлимгамас, лабимга тутқил,
Мастлик била билмасам, даҳоним қайда?*

xxx

*Ай, дил, кўзингни оч, жаҳон ўтгусидир,
Умринг бу жаҳонда ройгон ўтгусидир.
Тан манзилида маҳбусу гофил қолма,
Манзил оша манзил карвон ўтгусидир.*

Жамол ака тиниб-тинчимас шоир. Чапдаст, талабчан, ишдан чарчамайди. 1996 йиллар раҳбарликдан бутунлай кетганидан кейин ҳаётини шоҳ асарларнинг бадий таржимасига бахшида этиб келади. Бу шахс Жалолиддин Румий, Вильям Шекспир, Фаридиддин Аттор, Низомий Ганжавий каби сўз даҳоларининг асарларини ўзбекчага ағдариб, моҳир таржимон, нозиктаб шоирлигини қайта-қайта исботлади.

Эркин Аъзам бойсунлик. 1986–1992 йилларда нашриётда “Кўпжилдлик асарлар” таҳририяти мудир бўлиб ишлаган кезларида камина “Наср таржимаси” таҳририятида хизмат қиларди. Иш жараёнида анча-мунча суҳбатлар қурганмиз. Эркин ака сурхон эли фарзандларидек чапанироқ, ўз ишини билиб қиладиган, камгап, жиддий киши. Харақтери оғирлиги шундаки, ёлғон гапирганни ёқтирмайди, ёлғончидан узоқда юради. Жамоада Ихтиёр Ризо деган курд миллатига мансуб хўжалик мудиримиз, ҳам шоир бор эди. У кўп китоб ўқир, аммо билганларига, ижодкорларнинг шахсий ҳаётига қўшиб-чатиб сўзлайдиган одати бор эди. Ҳар гал адабий давраларга Ихтиёр оға келиб қўшилса, Эркин ака хонани тарқ этарди. У ёлғонни хушламасди.

Адибнинг “Олам ям-яшил” (1984), “Жавоб” (1987), “Байрамдан бошқа кунлар” (1989) сингари китоблари кетма-кет чиққанидан кейин адабий танқидчилар адабиётимизга янги овоз кириб келганини тан олишди. Бу асарларда замондошларимиз ҳаёти қаламга олиниб, ахлоқ, эътиқод, бурч, оддий иисоний муносабатлар ўзига хос услубда акс эттирилади. Эркин Аъзам прозаси Абдулла Қаҳҳор, Шуккур Холмирзаев ижодий намуналари каби лўнда ва тўла ифодаси, шафқатсиз реализми ва профессионал маҳорати билан бошқа ёзувчилар асарларидан ажралиб туради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида нашриётларда қоғоз қаҳатчилиги пайдо бўлиб, китобларни етарли нусхада чоп этишда қийинчиликлар туғилди. Мураккаб вазиятни ҳис қилгандай, Эркин Аъзамни Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги бош директорининг биринчи муовини лавозимига таклиф этишди. Ахборот майдонида ўзини синаб кўрди. Янги ижодий ғояларни ўртага ташлади. Бу ташкилотда бир неча йил ишлагандан сўнг, Озод Шарофиддиновнинг таклифига кўниб, “Тафаккур” журнаliga ўтиб кетди...

Қарийб ўттиз йилдирки, Эркин Аъзам “Тафаккур” журналининг бош муҳаррири. Журнал юксак савияда ёзилган маънавий-маърифий мақолаларни

босиб чиқаради. Бу борада у барча адабий нашрларга андоза, ўрناк бўлгулик. Бунинг сирларидан бири яхши маълум: адабий-бадий асар кўлёмаси тахририда Эркин аканинг олдиға тушадиган мухаррир камдан-кам топилади. Чунки, 1970 йилларда у “Гулистон” журналида Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматов яратган кучли тахрирчилар мактабида бой тажриба орттирган.

Эркин Аъзам ўнлаб фильмларнинг сценарий муаллифи ҳамдир. У фақат билган ва кўрганлари ҳақида ёзгани учун асарлари томошабинда кизиқиш уйғотади. “Ўтов” каби бир қатор фильмлари ҳатто хорижий элларда эътироф этилиб, кўрик-танловларнинг ғолиби бўлди. “Сув ёқалаб” фильмини мириқиб томоша қилар эканман, адибнинг тоғ қишлоқлари ҳаёти, эски даврда яшаган мард, танти раислар характерини чиройли очиб берганиға амин бўламиз. Собиқ раис ўғилларини ёниға олиб, қишлоқ бўйлаб от чоптириб бораётиб, йўлида учраган чойхоначи, мироб, тенгкур чоллар, навқирон қизлар, ҳатто ёшлиқдаги севгилиси билан абадий хайрлашади, гўё. Чунки, уйига етиб келганидан кейин жон таслим қилади...

Эркин ака чўрткесар одам. Бу айниқса, унинг асарларига кўчган. 2014 йиллар эди, чоғи, “Эркин Аъзам дейдики...” деган ён дафтардаги битикларини ўқиб қолдим:

“Битта “секрет”имни айтайми? Мавжуд андозаларни унутиб, сипогарчиликни йиғиштириб, воқеликни, қаҳрамонларингизни иложи борича аниқ, ростгўйлик билан тасвирлаб берсангиз, ўзи шундай чиқаверади: кулгилироқ, ҳайратомуз... Бунда ўзингизнинг шахсиятингиз, таъб-дидингиз ҳам муҳим, албатта.

* * *

Кўп ўқиб-ўрганганим, ҳавас қилганларим рост, аммо сира бировға ўхшатиб ёзгим келмайди. Ахир, ўзим-чи, мен ҳам одамман-ку, ҳеч кимға ўхшамайман-ку, билганимча, қўлдан келганича ёзаверай-чи, деб уриниб ётавераман.

* * *

*Адабиёт... ўзим яхши кўрган, ҳаётимни бағишламоққа аҳд қилган соҳа.
Тақдир бошқа бир йўлга солиб юборганида ҳам мен барибир усиз яшаёлмас
эдим чоғи”.*

Ҳа, Эркин Аъзам олдин ҳам, ҳозирда ҳам ҳаётий тамойили – адолатпарварликдан воз кечмаган, ижодда ўз “мен”ини яратган, виждони буюрганни ёзиб, сўзи ва иши мос тушадиган шахс ҳисобланади.

4. Вазирликда тажриба орттириб...

Тақдирнинг амрини қарангки, каминага 1990–1991 йил, кейин 1994–1995 йил ва, ниҳоят, 2004–2005 йилларда Матбуот қўмитасида ишлаш насиб этди. Раҳбарларим Убай Абдураззоқов, Рубен Сафаров, Хайриддин Назиров, Эркин Бойсинов, Рустам Шоғуломовдан олган сабоқларим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Убай Аббосовичнинг динга ихлоси, Рустам Шомуродовичнинг чўрткесарлиги, Эркин аканинг вазминлиги, Хайриддин аканинг талабчанлигини унутмайман. Илоҳим, устозларимнинг охиратлари обод бўлсин!

xxx

Вазирнинг биринчи ўринбосари Рубен Акопович Сафаровнинг асосий вазифаси газета-журналлар ва китобларнинг сиёсий-мафкуравий жиҳатини кўздан кечириш бўлган. Мени хурсанд этадигани, ўзи ҳам кўплаб тарихий асарларнинг муаллифи эди. Китоб ёзадиган одамдан ҳаргиз ёмонлик чиқмайди.

Унинг русча китобларини ўқиб чиққач, бу зиёли шахсни ёқтириб қолдим. Баланд бўйли, жингалак соч, арбобсифат одам ақлли раҳбар ҳам эди. Ҳар гал биронта масала юзасидан қошига кирсангиз, баъзи раҳбарларга ўхшаб, қандайдир бўлмағур муаммони орага қўшиб, асабингизга тегмасди. Ишни ортиқча чўзмасдан, аниқлик ва тезкорлик билан ҳал этарди.

Мен Р. Сафаровдан расмий дипломатия услубини, одамларни тинглай билиш ва ўзини вазмин тутиш маҳоратини ўргандим.

Хайриддин Назиров 1990–1993 йиллари Матбуот қўмитасининг нашриётлар ишини ташкил этиш бошқармасини бошқарди. Бир сўзли, каттикқўл одам эди у. Ўрта бўй, кирпиникига ўхшаган сочли Хайриддин ака йўлакларда секин қадам ташлаб юрар, ёш ходимлар иш вақтида коридор йўлагига унга учраб қолишдан хайиқишар эди.

Камина бир йил унинг қўли остида ишладим. Бошқармада ишлар бошимиздан ошиб ётганига қарамай, раҳбарнинг столида ҳамиша бир варақ қоғоз билан битта қалам туриши мени ажаблантирган. Аммо бошлиқ оғзаки топшириқ беришнинг ҳадисини олган, ижроси таъмин қилинмагунча бизга тинчлик бермасди. Эсимда, бир куни ҳамхонам шоир Бахтиёр Раббим раҳбардан сўрамасдан (қидириб тополмаган, чоғи) пешиндан кейин оиласида янги туғилган чақалоқ билан хотинини туғруқхонадан олишга боради. Эртаси куни қўпол танбеҳлардан дили оғрийди. Шоир эмасми, кечқурун уйига боргач, озгина ичиб олади-да, алам ичра Хайриддин акага сим қоқади. “Ҳаҳ, саними!”, деб уни роса бўралаб сўқади. Бахтиёр ишдан ҳайдалишини сезиб, уч-тўрт кун кўрқиб юрди. Аммо раҳбаримиз кечирди.

Хайриддин ака иш услубидаги аниқлик, тартиблилик ва саранжом-саришталик менга жуда ёқарди. Ҳақиқатан ҳам, баъзи раҳбарлар хонасига кирсангиз, стол устида тахланиб ётган қоғозу ҳужжатлар, китоблар, газета тахламлари пала-партишлигидан эсингиз оғади. Феълидаги салгина қўполликни айтмаса, Хайриддин ака тўғрилиқни ёқтирадиган, принципиал, ҳақгўй одам эди. Бу менинг истагимга мос тушарди.

Бироқ расмийликдан кўра, бадий ижодга азбаройи қизиқишим зўрлигидан, тинимсиз маълумотнома ёзишдан зерикдим. Шу боис, кўнглимга яқин ёзувчи ва танқидчи Маҳкам ака Маҳмудовнинг “қистови”га биноан, “Радуга” нашриётининг Тошкентдаги филиалига ишга ўтдим. Илтимосим ерда қолмади. Идорага Азиз Бобохонов раҳбарлик қиларди. Нашриётда араб, форс, ҳинд, урду, дарий, пуштун тилларида Осиё адиблари

асарларининг таржимаси чиқарди. Ўзим ҳам узоқ вақтдан бери Шарқ тилларини ўрганишни кўнглимга тугиб юргандим.

Ёши олтмишга яқинлашган, ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган Азиз ака билан тезда тил топишдик. У киши матбаачилик тарихига оид китобнинг муаллифи, тарих фанлари номзоди экан. Идора Матбаа техникуми олдида, Матбаачилик илмий-тадқиқот институти (раҳбари А. Лю деган корейс киши –Б.О.) биносининг юқори қаватида жойлашган.

А. Бобохонов 1991–1992 йилда “Ўзбек халқ эртаклари” беш жилдлигининг ҳар бирини 100 минг нусхадан чиқариб, нашриётни иқтисодий жиҳатдан оёққа турғазди. Иқтисодий даромадлар эвазига Шарқ адабиётининг ўн жилдлик дурдона китобларини чоп этиш лойиҳаси устида иш бошланди. Мен бўлим мудирини сифатида йигирмадан зиёд нодир, ўқимишли кўлёмаларни йиллик мавзулар режасига киритдим. Ҳар ойда таржимонлар гуруҳи ишхонамизга келиб, янги таржималар тўғрисида ахборот бериб кетишарди.

Азиз ака ўғли Авазни ҳам ношир ва матбаачи қилиб тарбиялади. Аваз Бобохонов бир неча йил Тошкент китоб-журнал фабрикасига раҳбарлик қилди, кейин йирик босмахоналардан бирига масъул лавозимга кўтарилди.

Нашриётлар қўшилган 1992 йилда А. Бобохонов аризасига кўра, ишдан бўшади. Чунки характери оғир, қизиққон ва бировга бўйсунитишни хоҳламасди. Эркинликни ёқтирарди. Эшитишимча, ҳаётининг охириги йилларида қон босимидан шикоят қиладиган бўлибди. Биз Навоий, 30 га йўли тушиб келганида, суҳбатлашиб турардик. Собик раҳбаримиз туркум китоблар чиқариш фикридан қайтмаган, янги лойиҳалари, ғоялари кўп эди. Маданият институти профессори, филология фанлари доктори Малик Муродов ва садоқатли шогирдлари нашрга тайёрлаган “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” сериясидаги юз жилдлик китобларни тезроқ чоп этишни хоҳларди...

Афсус, устознинг орзулари тўлиқ амалга ошмай қолди.

5. Раҳбарликка ўтиш

1992 йилнинг охирида ҳаётимда туб бурилиш содир бўлди: биринчи марта раҳбарлик столига ўтирдим. Опа каминани Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти бош муҳаррири этиб тайинлади. Ўзимга ишонч, умид пайдо бўлди. Энди бошқа ходимларга қараганда икки ҳисса кўп ишлашимга тўғри келарди.

Биринчи навбатда, мени китобларнинг тили, услуби, мавзуларнинг кўламдорлиги қизиқтирди. Узоқ ўйлаб ўтирмай, Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига мурожаат этдик. Қўлимизга илинган биринчи нодир иш – қомусий олим ва ҳаким Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари бўлди. Уни уч жилдда, жаъми уч юз минг нусхада босиб чиқаришга эришдик. Китоб бирпасда Тошкент шаҳри ва вилоятларга тарқалди. Биринчи нашри 1960 йилларда амалда оширилган бу беназир, бебаҳо китобни ўқувчилар орзиқиб кутиб олишди. Биргина нашрдан олган даромадимиз икки йилникини қўшиб ҳисоблаганда ҳам ундан ошиб кетарди. Унинг сифатли чоп этилишига раҳбар ўринбосари, яхши матбаачи Азимжон Рихсиев (Эркин Бойсинов ноширлик мактабининг вакили) муносиб улуш қўшди. Назаримда, нашрнинг камчилиги ҳам йўқ эмас: табобат султони аниқлаган ва тавсия этган гиёҳларнинг бугунги номлари, ишлатилиши ҳақида изоҳлар етишмасди. Афсус, илтимосимизни олимлар уддалашмади. Гуруҳ раҳбари, академик Убайдулла Каримов анча кексайган, шогирдлари ва қизининг эса тажрибаси етишмас эди (бу орзу бугун ҳам орзулигича қолиб келмоқда. Ибн Сино ишлатган кўплаб муолажа усуллари ва дори турлари йўқолгани, янги даволаш йўллари топилгани хусусида илмий маълумот, изоҳлар ишлаб чиқилмади – Б.О.).

Ноширликда шов-шувли китоблар беш-олти йилда бир марта чиқади. Бу ютуқдан бирмунча руҳланиб, рекламабоп буклет, проспект ва плакатларни кўпайтириб бордик. Китобхонларнинг талаб-истакларини ўрганиб, 1993–1994 йилларда халқимиз узоқ йиллардан бери кутган асарлар: Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Саъдий Шерозийнинг

“Гулистон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Абу Бакр ар-Розийнинг “Касалликлар тарихи”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”(Н. Комилов таржимаси), Ҳасанхожа Нисорийнинг ”Музакири ахбоб” (И. Бекжон таржимаси), Бўрибой Аҳмедовнинг “Ўзбек улуси“, Музаффар Хайруллаевнинг “Буюк сиймолар, алломалар”, Нажмиддин Комиловнинг “Нажмиддин Кубро”, Убайдулла Уватовнинг “Маҳмуд аз-Замахшарий”, Ашраф Аҳмедовнинг “Улуғбек Муҳаммад Тарағай”, Турғун Файзиевнинг “Темурий маликалар”, Насимхон Раҳмоннинг “Турк ҳоқонлиги“ ва бошқа асарларни босиб чиқардик.

1992 йил апрелидан бошлаб, “Мерос” нашриёти ҳукумат қарорига кўра, Абдулла Қодирий номли халқ мероси, дея аталадиган бўлди. Янги жамоа Шарқнинг бебаҳо хазинасидан ўрин олган кўплаб дурдона асарларни халқимизга тортиқ қилиб, элимизнинг назарига тушди. Жумладан, қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1200 йиллигига “Феруза” (“Жавоҳирлар китоби”дан), улуғ “Шоҳнома” яратилганининг 1000 йиллигига Фирдавсийнинг “Шоҳнома” (С. Улуғзода насрий баёни), шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигига бағишлаб “Мубаййин” асаридан ўрин олган “Китобу-с-салот”, “Китобу-л-ҳаж”, буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйи арафасида “Тошпўлод тажанг нима дейди?”, “Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида” асарларининг тўлиқ нашри (тузувчи Хондамир Қодирий), “Ёднома” туркумидан “Қодирийни кўмсаб” (тузувчи Шеркон Қодирий) номли хотиралар китоблари ўқувчилар қўлига етиб борди.

Абдулла Қодирий юбилейига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Бунда адибнинг истеъдодли набиралари Шеркон, Хондамирнинг тиришқоқлиги ва куйинчаклиги фойда берди, деб ўйлайман. Мазкур хайрли ишлар ноширлар, китобхонлар ва нашрга тайёрловчиларнинг яқин ижодий ҳамкорлиги маҳсули, дадил ташаббуси, илмий изланиши ва фидойилиги намунаси, деб биламан. Биз Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ва бир қатор таниқли

шарқшунос олимлар – Ўзбекистон ФА академиклари Музаффар Хайруллаев, Бўрибой Аҳмедов, Убайдулла Каримов, зукко олимлар Алибек Рустамов, Ҳайдарбек Бобобеков, Ҳамидулла Ҳикматуллаев, Нажмиддин Комилов, Матёқуб Қўшжонов, Убайдулла Уватов, Саидбек Ҳасанов, Турғун Файзиев, Абдусодиқ Ирисов, Шамсиддин Бобохонов, Насимхон Раҳмонов, Исмоил Бекжонлар билан ҳамкорликда иш олиб борардик. Улар ишхонамизга тез-тез келиб туришар ёки ўзимиз чақирардик. Шу баҳонада қарийб ўн йиллик мавзулар режасини тузиб қўйганим эсимда (узрли сабабларга кўра, нашрга тайёрловчилар ишларни охирига етказишолмади). “Радуга” нашриёти тажрибасини қўллаб, хорижий фирмалар кўмагида нодир қўлёзмаларни инглиз, француз, араб, форс тилларида чоп этишни ҳам мўлжаллаган эдик...

Нашриётда қизғин ижодий ишлар давом этарди. Муҳсин Умарзода, Маҳкам Маҳмудов, Амир Файзулла, Темур Саъдулла, Илҳом Зойир, Мелижон Садиров, Ботиржон, Муҳаммаджон сингари тажрибали муҳаррир ва ишлаб чиқариш бўлими масъуллари енг шимариб ишлашарди. Раҳбарият ва муҳаррирлар гуруҳи йирик саноат корхоналари билан шартномалар тузилиб, рангли альбом, буклетларни инглиз, француз, рус тилларида нашр этиш бошланган эди. Мисол учун 1993–1995 йилларда “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий машинасозлик заводи, Тошкент заргарлик заводи, Тошкент трактор заводи буюртмаларини қабул қилиб, уни сифатли қоғозларда чоп этиб бергандик. Экспортбоп реклама маҳсулотларининг нусхаси камроқ бўлса-да, ундан идорамиз ҳисоб рақамига яхшигина маблағ келиб тушарди...

6. Яна Матбуот қўмитасида

1994 йилнинг жазирама ёз чилласида, таътилда чоғимда кутилмаганда Матбуот ва ахборот қўмитасига чақиришди. Эртаси куни бордим. Вазиримиз Рустам Шоғуломов “Нашриётлар фаолиятини ташкил этиш” бошқармасига бошлиқ этиб тайинлаш таклифини ўртага ташлади. Бошқарма бошлиғи Ўткир Обидович Зокиров яқинда Президент девонининг кадрлар бўлимига ишга ўтган ва ўзининг ўрнига номзодимни кўрсатган экан.

Дилбар Искандаровна оёқ тираб туриб олди:

– Тушунинг, бошлаган ишларимиз чала қолиб кетади, –деди у.

Раис гапидан қайтмайдиган одам эди.

–Йўқ, бўлмайди. Нашриётингизга ҳам ёрдами тегади, –деб масалани кескин қўйди.

Яна чиновникка айландим. Ёшлар газетасида 1980 йиллари Рустам ака қўлида ишлагандим. Чўрткесар, шартаки бу одамнинг раъйини қайтарсам, акс садо бериши мумкинлигини билганим сабабли, таклифига кўндим.

Ўша вақтда республикада ўттизга яқин нашриёт фаолият олиб борарди. Бир йилча олдин иш бошлаган ўн иккита вилоят нашриётларида эса кадрлар тақчиллиги ва ёш ноширларнинг тажрибасизлиги ишимизга панд берарди. “Сангзор” (Жиззах), “Зарафшон” (Самарқанд), “Зиё” (Сирдарё), “Насаф” (Қашқадарё), “Хоразм” нашриётларида иқтисодий аҳвол танг эди. Эсимда, Фарғона вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи А. Хусанов кадр масаласини ҳал қилолмагач, ўзимиз водийга отланиб, учала вилоят нашриётларига янги кадрларни топиб, ишларни ташкил этиб қайганмиз. Олтиариқ туман босмахонасида ишлаб турган Набижон Хошимовни “Фарғона” нашриётига директор лавозимига ўтишга кўндирдик. Ташаббускор йигит кўп фойдали ишларга қўл урди. Истеъдодли ношир ва матбаачига айланди. Бора-бора бадий ижодга шўнғиб кетиб, драматург ва киносценарийчи сифатида танилди. Тошкентга кўчиб келиб, Кўзи ожизлар жамияти босмахонаси ва “Постда” газетасини бошқарди. “Зебу зар” номли кўп серияли фильми сценарийси кино мухлисларининг назарига тушди. Ўнлаб саргузашт асарларни ёзди.

Барибир, вилоят нашриётларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши муаммолигича қолаверди. “Нима қилсак, вазиятдан чиқиб кетамиз”, деган савол бизни қийнади. Бошқармамизда барча таклифларни жиддий ўрганиб чиқиб ва муҳокама қилиб, “Ўқитувчи”, “Ўзбекистон”, “Меҳнат”, “Ғафур Ғулом” номидаги бой-бақувват нашриётларга вилоятдаги ҳамкасбларини бириктириб қўйиш ҳақидаги таклифимизни раис қувватлади. Ростдан ҳам,

маҳаллий нашриётлар икки-учта мактаб дарслигини тажрибали ноширлар кўмагида катта нусхада босиб чиқариб, беш-олти ой ичида иқтисодий даромадга эришдилар.

Ўша йили нашрларнинг илмий ва бадиий савиясини ошириш ниятида “Йилнинг энг яхши китоби” кўрик-танлови эълон қилинди. Ёш истеъдодларни кўллаб-қувватлаш мақсадида “Менинг биринчи китобчам” туркумида кичик шеърӣ гулдасталар тақдим этиб борилди. 1994 йилда ташкил этилган янги туркумимиз ҳозирга қадар юзлаб ёш ижодкорларни халқимизга танитди. Биргина мисол: тавсиямизга кўра, Фарҳод Арзиев деган 17 ёшли нуроталик йигитнинг “Ёлғизлик ранглари” номли китобчаси “Ёзувчи” нашриётида 1996 йилда босиб чиқарилди. Сўфиёна оҳангда битилган ғаройиб шеърлар истеъдодга ҳурмат ҳиссини уйғотганидан, ҳатто айрим шеърларини дафтаримга кўчириб олгандим. Мана, уни ўқиб кўринг:

*Кўзимни юмсаму, кўзингни юмсанг,
Ёнимда сен бўлсанг, ёнингда бўлсам.
Мен сени кўрсайдим, сен мени кўрсанг,
Ёдимда бўлсайдинг, ёдингда бўлсам.*

*Агар созим жимдур – наволар ўзга,
Агар рангим синиқ – ҳаволар ўзга.
Даво қидирмасдим бу ерлардан мен,
Билсайдим дардимга даволар ўзга.*

*Ўтдим ё ўтмадим қайси кўчадан,
Қолдим ё қолмадим дунё ичида.
Изламоқ бўлсангиз излангиз мени,
Кўнглимга ёр ишқи тушган кечадан.*

Шарқ мутафаккири Умар Ҳайём рубойлари таъсирида ёзилган шеър ҳам назаримда, жуда таъсирчан:

*Ҳазрат ҲАЙЁМ,
Руҳимиз бемехр, совуқ очунда,
Шаробдек чайқалур вужуд ичинда.
Ҳазрат ҲАЙЁМ,*

*Ҳамон ҳайронамиз бегоналикдан,
Қачон бегонамиз ҳайроналикдан?
Ҳазрат ҲАЙЁМ,*

*Тупроққа тўлибди кўзларимиз,
Майлими синдирсак пиёламизни?..*

Фарҳоддан яхши шоир чиқарди, аммо ҳаёт уни бошқа жабҳада синаб кўрди. Кейинги йилларда у Нью-Йорк, Женева, Деҳлидаги элчихоналаримизда ишлаб, юртимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Ҳозирда эса у Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги мухтор элчиси вазифасида фаолият олиб борапти.

Матбуот кўмитасида янги инновацион лойиҳаларни илгари суриш, муаллифларни излаб топиш, ижодкорлар бисотидаги ноёб қўлёзмаларни сўраб олиш, йиллик мавзулар режасини бойитиш устида кўпроқ бош қотира бошладик. Ёдимда: тизимдаги нашриётларнинг мавзулар режаси 1994 йил охирида илк марта яхлит китоб ҳолида ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу ишни ходимларимиз – истеъдодли шоирлар Эшқобил Шукур ва Дилшод Ражаблар амалга оширди. Бунинг натижасида китоб савдоси ташкилотлари ва таълим даргоҳлари барча нашриётлар китобларининг номи, ҳажми ва қисқача мазмуни ўрин олган 300–400 га яқин асарга буюртмаларни бирданига топшириш имконига эга бўлдилар. Шу билан бирга, ҳар бир нашриёт муҳаррирининг илмий-бадий савияси, диди, маданияти, муаллифларни топиш ва ҳамкорликда китоб тайёрлаш кўникмаси юксалиб бораётгани сезилди.

Янги китобларнинг мазмун-мундарижаси бойитилиб, ранг-баранглиги, кўламдорлигига эътиборни қаратдик. Бу борада бош муҳаррирлар Абдулла Ҳасанов (“Ўқитувчи”), Мангуберди Саъдуллаев (“Ўзбекистон”), Жаббор Раззоқов (“Ижод дунёси”), Ислом Усмонов (“Меҳнат”), Илҳом Зойиров (“Мерос”), Абдували Қутбиддинов (“Ёзувчи”) анча-мунча тер тўкдилар...

Инновацион ижодий ёндашувнинг самараси ўларок, ўзбек ноширлари 1995 йилда Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом” (2 жилдлик), Журжи Зайдоннинг “Хорун ар-Рашиднинг синглиси”, Явдот Илёсовнинг “Афсунгар”, Хилда Хукхэмнинг “Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоний”, Абушийнинг “Қавмларимиз тарихи”, Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб”, Омон Матжоннинг “Шайх Нажмиддин Кубро”, Холида Ахророванинг “Ноҳақлик қурбони”, Эдвард Ртвеладзенинг “Мусулмон осори атиқалари”, Эмин Булатовнинг “Халқ амалий безак санъати”, Усмон Қорабоевнинг “Халқ миллий анъаналари ва ўйинлари” каби юқори савияда тайёрланган маънавий-маърифий китоблари ўқувчиларнинг ҳукмига тақдим этилди.

7. Отахон нашриётга қайтиш

Раҳбарият 1995 йилда каминани “Ўзбекистон” нашриётига бош муҳаррир лавозимига тавсия этди. Роппа-роса 10 йил муқаддам Навоий, 30 даги иш фаолиятимни шу отахон нашриётда бошлаган эдим. Мен кекса ношир Восиқ Абдувалиевнинг пенсияга чиқиши туфайли вақтинча ишлаётган Мангуберди Саъдуллаевнинг ўрнини эгалладим.

Кўпчиликка маълумки, Ўзбекистон Ревкоми “Ўздавнашр” Низомини тасдиқлаган кун – 1925 йил 3 февраль Ўзбекистон тарихида биринчи нашриёт ташкил топган сана ҳисобланади. Ўша йили 190 номда 1074 минг нусха китоб чоп қилинган экан. 1935 йилларга қадар буюртма адабиётлардан ташқари, А. Қодирий, С. Айний, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Уйғун, А. Қаҳҳор, К. Яшин, Ғайратийларнинг насрий ва назмий асарлари ҳам кўплаб нусхада нашр этилган.

30-йилларнинг бошида нашриётда директор И. Гиёсхўжаев, директор ўринбосари Қ. Берегин, бош муҳаррир Наим Саид эди. Шариф Бўлатов, Малик Раҳмон, Илёс Муслим, Шукур Саъдулла, Абдулла Хўжахонов, Насрулла Охундий, Собиржон Иброҳимов, Ойдин Собирова, Акмал Пўлат, Ғайратий, Зулфия Исроилова сингари адиб ва шоирлар, Абдулла Ўрозаев, Мажид Усмон, Зайнаб Тинчерова, Аҳад Қосимов, Алавий Ҳасанов каби журналистлар дастлабки муҳаррирлар эди. Искандар Икромов, Мидхат Гумеровдек рассомлар улар билан елкама-елка ишлаб, давр юкини кўтаришган. Бир сўз билан айтганда, улар республика ноширчилигининг қалдирғочлари бўлишган.

“Ўзбекистон” нашриёти тарихига қисқа назар соладиган бўлсак, мустақилликдан сал олдин, 1990 йилда нашриёт ҳузурида техникавий ва дастурий воситалар негизида ишлайдиган хўжалик ҳисобидаги давлат корхонаси – “Ўзбекинтерфин” очилди. Бу корхона, ўз низомига кўра, чет давлатлар билан бевосита алоқа ўрнатиш, улардан янги техника, қоғоз ва матбаа материалларини сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада нашриётимиз қисқа вақтда дисплей ва лазерли принтерлар сотиб олиб, амалиётга жорий қилди. Техникаларни самарали ишлатиш мақсадида йигирмадан зиёд ходимимиз Санкт-Петербург (собик Ленинград) шаҳрида махсус курсларда ўқиб қайтишди. Шундан сўнг, нашриёт босмахоналарга оригинал макет топшира бошлади. Бунинг оқибатида, қўлёзмани нашрга тайёрлаш тартиби ўзгарди: аввало, матн босувчиларга эҳтиёж камайди. Ўзбек ва рус тилларида матн терувчилар компьютер техникаси билан муомала қилишга ўргатилди.

90-йиллар ўрталарига келиб, ноширлик соҳасига самарали шакл ва усуллар кириб келди. Энди қўлёзма таҳрирдан чиққач, машинкада кўчирилмай, компьютер терилади, сўнг матн саҳифаланади. Ана ундан кейин корректура ўқилади. Мусахҳиҳлар муҳаррирнинг қайта ўқувида кўрсатилган барча хатоларни тўғрилагач (тўлиқ матн икки ёки уч марта ўқилади), оператор уни тузатиб, бошдан-оёқ тоза саҳифага чиқаради. Охирги нусхасига

бош муҳаррир ҳам имзо чекканидан кейин у суратга олинб, кўпайтириш учун босмахонага етказилади. Биринчидан, кўлёзма билан ишлашдаги жараён қисқарган, иккинчидан, вақтдан ютилган, учинчидан, сифатли, ранг-баранг муқовали китоблар чоп этишга эришилган эди. Муаммо шунда эдики, муҳаррирларда компьютерда ишлаш кўникмаси шаклланмаган, улар ўзи таҳрирдан ўтказган имловий, услубий хатоларни тузатишни билишмасди. Ишда кутилган натижа у қадар сезилмасди. Шунда “Ўзбекинтерфин” корхонаси “Ношир” масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Энди, компьютерда териш цехи кенгайди. Жами йигирмага яқин компьютер, 2 та лазерли принтер сотиб олинди. Уч йил ичида цех бир кунда 20 босма табок (яъни, 320 бетлик китоб) маҳсулот бера бошлади. “Ношир” МЧЖни тажрибали ва фидойи Алишер Салихов бошқарганидан кейин 12 та матн босувчи, 3 та оператор, бир диспетчер ва бош инженер ишлашга ўтди. А. Салихов уддабурро, абжир, одобли йигит эди (илоҳим, охирати обод бўлсин, 45 ёшида тўсатдан вафот этди). Шу тариқа, компьютерчилар нафақат “Ўзбекистон” нашриёти, балки нуфузли вазирлик ва идораларнинг “нозик” реклама ва босма нашрлари буюртмасини ҳам қабул қила бошлади. Ходимлар кечаю-кундуз икки сменада ишлар, шунга яраша икки баравар кўп маош олишарди. Президент девони, Ташқи ишлар вазирлигининг махсус буюртмаларини ҳам фақат “Ношир”чилар эплай оларди ўша пайтда...

Янги раҳбаримиз Шомухиддин Мансуров туғма ношир эди. Менга унинг билимдонлиги, одамохунлиги ёқарди. Эсимда, 1985 йили бошида Навоий кўчаси, 30-уйга келганимда, Шомухиддин ака мудирлигидаги “Илмий-оммабоп адабиётлар” таҳририятида иш бошлаган эдим. Биз асосан “Билим” жамиятининг кичик рисоаларини чоп этардик. Янглишмасам, таниқли файласуф олим, академик Эркин Юсупов собиқ иттифокда донг таратган жамиятнинг раиси эди. Эсимда, ўзбек олими сайловчилар билан учрашувда украиналик кучли рақибини илми ва салоҳияти (улкан корхона раҳбари уч соат қоғозда гапирган бўлса, Э. Юсупов шунча вақт қоғозсиз давлат ва жамиятнинг муаммоларини уста заргардек таҳлил қилганди – Б.О.),

орқали енгиб, Олий Кенгаш депутати мақомига эришди. Яқинда, 2019 йил март ойининг 15-санасида забардаст ўзбек олими, улкан ташкилотчи Эркин Юсуповнинг 100 йиллик тўйи нишонланганида, ўша унутилмас воқеалар фахр-ифтихор билан хотирланди...

Паст бўйли, миқтидан келган, серғайрат Шомуҳиддин ака Мансуровнинг ҳам ўта билимдон, куйинчаклигига ҳамма тан берарди. Тарих, маданият, дин тарихини устоз яхши биларди. Аммо вазир Рустам Шоғуломов бу одамни негадир кўпроқ раҳбарлик лавозимларида синаб, катта имтиҳондан ўтказди. Устоз “Миллий энциклопедия” нашриёти бош директори ўринбосари, “Ўзувчи” нашриёти директори лавозимларида тўрт йилча ишлаб, тажрибали ноширга айланган эди.

“Ўзбекистон” нашриёти ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юрти талабаларига дарсликлар, ижтимоий-сиёсий мавзудаги китобларни, жумладан, Биринчи президентимиз Ислам Каримовнинг кўпжилдлик асарларини чоп этиш билан шуғулланар эди. Кўпинча, газеталарнинг саҳифаланиши ва босилиши жараёнига ўхшаб, кун тугаб бораётганда, республика Ташқи ишлар вазирлиги Протокол бўлимидан чет эл делегацияси ташрифига доир буклетларни ва бошқа маданий-маърифий ташкилотлар ҳар хил тадбирлар – концертлар ва оқшомги меню дастурларини хонамизга кўтариб келишарди.

– Шошилишч, эртага пешингача столимизда бўлиши керак!– дейишарди буйруқ оҳангида.

Қани, давлат буюртмасини бажармай кўринг-чи?! Ишни тезкор ташкил этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида ишчи ижодий гуруҳ тузиларди. Ўн-ўн беш чоғли ходимларимиз эрталабга қадар ишхонада қолиб кетарди. Муҳаррир, таржимон, рассом, техник муҳаррир, мусахҳиҳ ва компьютерчилардан иборат гуруҳ материалларни ўзбек, рус, инглиз тилида териб, корректурасини қайта-қайта ўқиб, тонгга яқин босишга рухсат оларди. Сўнг босмахонага топшириб, қаҳва ичганча, нишона нусхаларини соатлаб

кутардик. Хўжалик мудирлари ходимларга дастурхон тузаш ва машинада уйига етказиш учун масъул эди...

Ташкилий-сиёсий ишларга шахсан вазир Рустам Шоғуломов ва директор Шомухиддин Мансуров раҳбарлик қилишарди. Ҳар ойда камида беш-олти марта шундай “нозикрок” ҳукумат топшириқлари бўлиб турарди. Баъзида икки юз варақлик китобларни бир ҳафтада чиқарган вақтларимиз бўлган. Янги китобнинг нишона нусхасини вазиримиз Президент Девонига топшириб қайтгунича, “Ишқилиб, хато ўтиб кетмаган бўлсин-да”, деб биз раҳбарлар юрак ҳовучлаб ўтирардик. Ўша кезларда ижодий ва техник ходимларимиз ҳукумат буюртмасини сифатли, тезкор чоп этишда уста бўлиб кетишгани ҳақиқат эди. Нашриёт қошидаги “Ношир” кичик корхонасининг йигирмага яқин компьютерчи қизларига эса оригинал-макет тайёрлашда ҳеч ким бас келолмасди.

Бош муҳарририят 1996 йилги мавзулар режасини тузганида, каминанинг ташаббусига кўра, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан бирга, ўқувчилар йиллаб орзиқиб кутган бадиий ва тарихий асарларни киритишга жазм этди. Қўшни нашриётлар азбаройи моддий аҳволи қийинлигидан бундай нашрларни чиқаришга имкони йўқ, бизда эса иқтисодий шароит яхши эди. Шундай қилиб, ижодий-техник ходимларимизнинг саъй-ҳаракати эвазига Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ж. Румийнинг “Фихи мофихий ёҳуд моҳият сири”, Н. Хисравнинг “Сафарнома”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” (рус тилида, 10 жилдлик), Б. Марғинонийнинг “Ҳидоя” (рус тилида, 4 жилдлик), М. Авфийнинг “Нодир ҳикоялар”, Ф.Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб”, Б. Аҳмедовнинг “Амир Темурни ёд этиб”, Н. Муҳитдиновнинг “Кремлда ўтган йилларим” (“Годы, проведенные в Кремле”), “Комил инсон ҳақида тўрт рисола” (Н. Комилов таржимаси) асарларини, “Ўзбекистон”, “Самарқанд”, “Хива” альбомларини, рассом М. Набиевнинг “Амир Темур”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” плакатларини чоп этдик.

Бир куни “Тинчлик” метроси биқинидаги маҳаллада турувчи Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг уйига тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов ҳамроҳлигида борганмиз. Ўша кунлари рассом бетобланиб ётган экан.

–Тузалиб олсам, охирига етказиб бераман, хафа бўлмайсизлар, –деди хазин овозда.

Амир Темурнинг 600 йиллик тўйи яқинлашиб қолган эди. Шунда Бўрибой ака:

–Йўқ, бўлмайди, уста. Катта бошимизни кичик қилиб келиб ўтирибмиз-а. Халқимиз сиздан буюк аждодларимизнинг сиймоси акс эттирилган суратларни кутмоқда, – деб илтимос қилдилар.

Малик ака ноилож кўнди. Расмларни узоқ кутмай қўлга киритдик. Буюк рассом подшоҳ ва вазирлар сиймосини қайта ишлаб, бўёқлари қурмаган суратларини бизга тақдим этди ва у юз минглаб нусхада плакат ҳолида чоп этилди.

Атоқли шарқшунос олимларимиз Фозила Сулаймонова, Бўрибой Аҳмедов, Нажмиддин Комилов, Убайдулла Уватов, Сайидбек Ҳасановнинг иш кабинетига қатнайвериб, янги тадқиқотларни олиб келганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди.

Шомуҳиддин ака камтарона яшаш йўлини танлаган зиёли эди. Истеъдодли раҳбар Қорасарой мавзесидаги кўп қаватли уйларнинг 9-қаватида яшабини эшитганимда... бир сесканиб кетгандим. Афсуски, мазмунли умрини ноширликка бағишлаган устозимиз меҳнатининг роҳатларини кўра олмади. 2013 йилнинг 17 январь куни Шомуҳиддин ака юрак хуружидан вафот этди. Эндигина 62 ёшга етган Ш. Мансуровнинг меҳнатдан букчайган сиймоси, майин кулиб турувчи кўзлари хотирамда абадий сақланади.

xxx

Яна ноширлик муаммоларига қайтамиз. Кўпчилик ҳамкасбларимиз “Яхши кўлёзмалар йўқ”, деб нолийди. Ваҳоланки, заҳматкаш олимлар,

адиблар, таржимонларнинг хонадонларида ишланавериб, китоб ҳолига келиб қолган қўлёзмаларнинг тайёрлигидан хабардормиз. Топган баҳонамиз шуки, “нашр этишга маблағимиз етмайди”. Агар ноширлар нуқул фойда кетидан куваверса, миллатимиз маърифатда ютқазади. Ношуд ношир фойда кўриш илинжида юзаки, олди-қочди китобларни босмадан чиқаришга ўтса, кейин харидорни йўқотиб қўяди. Омборхонада тўпланиб қолган илмий ва бадиий савияси саёз китобларни чиқаришдан кимга фойда-ю, кимга зиён?! Айни кунларда ҳам нашриётлар омборида миллиардлаб сўмлик қалин муқовали китоблар макулатурага топшириш арафасида турибди. Уларга сарфланган қоғозларга жаҳон маданияти дурдоналари босиб чиқарилса бўлмасмиди?!

2018 йилларга келиб, республикадаги юздан ошиқ нашриётдан нари борса, ўттизтаси илм, маърифат мухлисларига сидқидилдан хизмат қилади, қолгани олди-қочди, савияси паст, маза-матрасиз китобчаларни босиб чиқариш билан овораи сарсон. Аммо улар ичида “Янги аср авлоди” ноширлик марказига ўхшаган миллат фидойилари ҳам бор. Профессионал ношир, ташкилотчи ва тадбиркор йигит Эркин Абдурахмонов савобли ишларга қўл уриб, жаҳон адабиётининг юзлаб дурдона асарларини халқимизга тухфа этмоқда. Уларни қойилмақом беаган Шарқ миниатюра услубига эга истеъдодли рассом Уйғун Солиҳовнинг маҳоратига тан бермай иложингиз қолмайди. Беихтиёр, китобни сотиб олгингиз келади. Мана, бу рассомнинг ажойиб муқова ишланмаларини кўрган “Hilol nashr” раҳбарлари уни ишга чақиришди...

Эркиннинг лойиҳа ва ғоялари шу қадар кўпки, охирига етиб бўлмайди. Жумладан, Маҳкам Маҳмудов, Урфон Отажон, Саида Жўраева, Улуғбек Ҳамдам, Фатхулла Намозов, Анвар Намозов ўгирган жаҳонга машҳур файласуф, сиёсатчи ва жамоат арбобларининг китоблари шу нашриётда илк марта нашр этилди. Яна қанча китоблар кўчиришда, таҳрирда, ижодкорларнинг ғаладонида ётибди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти неча йилдирки, бу борада ҳамма ноширларга ўрнак бўлиб келади. Сабаби,

нашриёт бўлимида миллатпарвар, юртпарвар ноширлар меҳнат қилади. “Шарқ”ликларнинг иш услубидаги мақтовга сазовор жиҳат шундаки, ноширлар Иброҳим Ғафуров, Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммадга ўхшаган машҳур ижод аҳли, атоқли олимлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган...

Мусулмон оламида танилган Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф тириклигида тузган “Ҳилол-нашр” ноширлик-матбаачилик марказининг олийжаноб фаолияти, миллатга беназир хизматини ҳам тилга олиб ўтишни зарур, деб биламан. Корхонанинг сўнгги уч йилда бажарган ишлари ноширчиликда инқилоб, эзгу мақсадларнинг ҳақиқий ижроси бўлди. Бу – қалбларга йўл топиш, зиё тарқатиш, миллатни тарбиялаш, ўзбекнинг имонини мустаҳкамлаш сари ташланган улкан қадамлар...

Барчага маълумки, бугунги кунда Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлғамалар фондида юз минглаб нодир асарлар тадқиқотчи олимлар ва ноширларни кутиб ётибди. Уни ким нашрга тайёрлайди, кимнинг маблағи эвазига чоп этилади – ҳеч ким билмайди?! Агар бу қўлғамалар япон ва хитойларнинг қўлига тушганида борми, ўзлари нима қилишни билишарди, дейман баъзида. Бу борада ноширлар ҳам чет эллик ҳомийларни жалб этиш эвазига ташаббуслар кўрсатиши пайти етиб келди, чамамда. Аммо бунинг учун Қўлғамалар каталоги тўлиқ рўйхати қўлимизда бўлиши керак. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббусни қўлга олиб (янги раҳбарият бир қатор янги инновацион ғоялар, тоза фикрларни соҳага олиб келганидан зиёлиларнинг боши осмонга етиб турибди. Аммо миллат маърифатини юксалтириш бобида қиладиган ишлари жуда кўп – Б.О.) Мамлакатимизда етук олимлар, тажрибали ноширлар ва саховатпеша ҳомийларнинг учлигини тузишга тезроқ киришилса, аллома боболаримизнинг руҳи ва хотираси олдида юзимиз ёруғ бўларди.

90-йиллар охирида отахон “Ўзбекистон” нашриёти томонидан юзлаб номдаги харидоргир китоблар ўқувчилар оммасининг қўлига етиб борди. Барча маърифий китобларни ўқувчилар қизиқиш ва иштиёқ билан кутиб

олишди. Биз мухлисларнинг талаб ва тавсияларига кўра, тарихий ва адабий меросимизнинг энг ноёб дурдоналарини чоп этишга киришгандик. Шу мақсадда М.Хайруллаев, А.Ўринбоев, Б.Аҳмедов, Т.Файзиев, А.Аҳмедов, А.Аскарров, К. Шониёзов, Ж. Туленов, И.Жабборов, Н.Комилов, Ҳ. Ҳомидий сингари заҳматкаш олимларни атрофимизга тўплادик, ўзимиз китобларни “ижтимоий буюртма” бериб, уларни қисқа муддатда ёзиб беришларини илтимос қилдик...

xxx

Бу воқеа ёдимда яхши сақланган. Иш айни қизиган кунларнинг бирида Юнусобод мавзеида яшовчи ҳамкасбим Суннатулла Аҳмедов мени уйига чақирди. Салом-аликдан кейин мақсадга кўчди: янги очиладиган “Маънавият” нашриётига ишга чақирди. Ўзимнинг истагим ҳам маърифатли даргоҳда ишлаш, табаррук соҳанинг ривожига ҳисса қўшиш эди. Бу ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликка келишиб олдик. Икки-уч марта уйларида учрашиб, бўлғуси корхонанинг мавзулар режасини биргаликда тузиб чиқдик. Қадим тарихимиз шонли саҳифаларини ёритган алломаларнинг тарихий меросини таништириш биринчи галдаги вазифа этиб белгиланди. Ўша кунлари “Маънавият ва маърифат” республика маркази бошлиғи, сатирик ёзувчи Неъмат Аминов (1937–2005)нинг суҳбатидан ҳам ўтдим. Тоғам, ёзувчи ва публицист Ашурали Жўраевнинг устози бўлган Неъмат ака мени яхши танирди. Биз Чилонзор ва Юнусободдаги гап-гаштак, оилавий тадбирларда учрашганмиз. Н. Аминов “Ёлғончи фаришталар” романи орқали китобхонларнинг севимли адибига айланганди. Устоз жамиятни қизиқтирган, теша тегмаган мавзуларда юксак савиядаги асарлар ёзган.

– Нашриётимиз энг кучли зиё маскани бўлиши лозим. Бош муҳаррир лавозимида ноширлик тажрибангизни тўла намоён этасиз, деган умиддаман, – деб ишонч билдирди Неъмат ака.

Шунда мен янги ишга бутунлай ўтиб кетишим раҳбаримга боғлиқ эканлигини айтдим. “Рухсат беришса бўлди”, дедим.

Ҳафтанинг охирида Р. Шоғуломовнинг ҳузурига кирганимда, қовоғини уюб:

–Сени ўзимиз униб-ўстирамиз. Бизда ҳам кадрлар етишмайди, – деб масалага нуқта қўйди.

“Маънавият” нашриётига Суннатулла Аҳмедов директор, шоир ва таржимон Усмон Қўчқор бош муҳаррир этиб тайинланди. Маънавият ва маърифат маркази қошидаги нашриёт ва “Тафаккур” журнали йиллар ўтиб, республиканинг энг обрўли маданият масканига айланди.

8. Самарқандга сафар

1997 йилнинг баҳор ойлари отам оғир бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Нуротага қатнайвериш ишимга халақит берарди. Рустам Шоғуломовнинг тавсиясига асосан, Самарқанд вилояти матбуот бошқармасига ўтишга розилик билдирдим. Вилоят ҳокими Алишер Мардиевга шахсан ўзлари телефон қилиб қўйганди.

Поезддан тушиб, ҳокимлик биносига етиб борганимда, ҳоким нуфузли халқаро ташкилотнинг раҳбари билан шаҳар айланишга чиқиб кетишган экан. Келгунига қадар корейс ёрдамчиси билан гаплашиб ўтирдим. У ташрифим сабабини батафсил сўраб олди. “Самарқандда шунча кадр турганида”, деган фикр ҳаёлидан ўтганини гап-сўзларидан сездим. Суҳбатимизга барваста гавдали Маҳмуд Эралиев келиб қўшилди. Биз ёшлар газетасида бирга ишлагандик. У киши соҳага доир муаммоларни қизиқсиниб сўрайверди...

Тахминан соат 4 да кабинетига қайтган ҳокимга ташрифим ҳақида ахборотни етказишди. Аммо кутувчилар кўплиги, раҳбарнинг бандлигини рўқач қилиб, мени олдига киритишмади. Роса асабийлашдим. Фақат кечга яқин корейс йигит:

–Эртага соат 10 да келсангиз, қабул қиладилар, – деди совуқ оҳангда.

Мен гапнинг нимадалигини сездим. Пастки қаватга тушиб, кадрлар бўлимининг мудирини Ҳабиб Темировга учрашдим.

–Бахтиёр, бу ишга сиздан муносиброқ номзод йўқ. Р. Шоғуломовнинг ўзи тавсия этибди, – деди у.

–Тошкентга қайтмасам бўлмайди. Бутун куним кутиш билан ўтди, – дея ишларим кўплигини баҳона қилдим.

Гапнинг очиғи, оёғим тортмади. Кўнглим ғаш эди. Хайру хўш қилмасдан, автовокзалга жўнадим.

Эртаси ишга чиқиб, Рустам Шоғуломовга бу ҳақда ахборот бердим:

–Бўлди, тушундим. Мўлжаллаган номзоди бор экан. Энди кутамиз. Кўявер, ҳаммаси яхши бўлади,–деди мийиғида кулиб.

Орадан ўн кун ўтар-ўтмас, Ҳабиб ака шошилинич сим қоқди:

–Тезроқ етиб келинг! Ҳокимимиз кутяпти!.

–Боролмайман. Кўнглим чопмаяпти,–дедим таклифини рад этиб.

Ҳабиб ака қаттиқ хафа бўлди. Тез кунларда бошқарма бошлиғи тайинланди. Буни қарангки, кабинетида мени саволларга кўмиб ташлаган, соҳага доир маълумотларни хижжалаб сўраган Маҳмуд Эралиев номзодига тўхталишибди. Менимча, ўшанда тўғри қарор қабул қилгандим. Самарқандда маънавий муҳитнинг “оғир”лиги, ишлаш шароити ва психологик ҳолатнинг мураккаблиги каминага тўғри келмасди. Ҳақгўйлигим ва ташаббускорлигим учун синардим ёки “синдиришарди”.

Орадан икки ой ўтди. Дадамнинг касаллиги кучайган сари, ишимдан ва ҳаётдан зерика бошладим. Бир куни ошхона ҳовлиси четида тушкун ҳолатда юрганимда вазир ёнига чақирди. Ўша пайт, қоида бўйича, вазирлар ҳовлида махсус жой ҳозирлаб, “команда”си билан бирга овқатланар, ул-бул жиддий масалалар ҳам бир пиёла чой устида ҳал бўларди. Пастки қаватга кириб борганимда, ўн чоғлиқ идора раҳбарлари диван ва креслоларда кўр тўкиб ўтиришган экан. Икки киши эса биллиард ўйнардди.

– Хафа кўринасан? – деди Рустам ака.

Оилавий аҳволимни тушунтирган бўлдим.

– Дадамнинг мазалари йўқроқ. Нуротага қатнаб туришим зарур...

–Майли, Ўзи шифосини берсин. Сенга таклиф бор: Президент хузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясига хужжатингни юборсан нима дейсан? Розимисан?

Яқинда очилган олий таълим даргоҳига ўқишга кириш ёшларнинг асосий орзуси эди. Унда 35–40 ёшлардаги ўрта поғона раҳбар кадрлар магистратурада таҳсил оларди.

–Розиман, – дедим кўлимни кўксимга қўйиб. –Раҳмат, устоз.

9. Академияда ўқиш

Ўзимни ўнглашим учун улкан имконият, шароит туғилган эди. Академияга хужжатларни олиш муддати тугашига уч кун қолган экан. Хайрият, охирги сонияларда улгурдим. Имтиҳонларни яхши топшириб, академияга бюджет ҳисобидан ўқишга кирдим. Академия ректори, профессор Алишер Аббосович Азизхўжаев биринчи йиғилишда:

–Сиз президентимиз ишонган команданинг сафида бўласиз! – деб ҳаммани табриклади.

А. Азизхўжаев айтган сўзига жавоб берадиган, ўзига қаттиқ ишонган, иродали шахс эди. У ҳар жабҳада бизни ҳимоя қилишга шай турарди.

–Билим олинг, кучли шахс бўлинг, қолгани эса ўзи келади, –дерди ҳар гал учрашганимизда.

Барча тингловчилар Алишер аканинг мард, жасоратли арбоб эканлигини ҳис қиларди. Ректоримиз ҳар қандай вазиятда бизни ҳимоясига олиб, беминнат кўмак берар, ўзи шижоатли, қўрқмас, қаттиққўллиги билан юқори идораларда ном қозонган эди.

Эсимда, 1999 йили Алишер аканинг ойиси Муҳаббат ая вафот этдилар. Тўрт ўғил ва икки қиз, жами олти фарзандни дунёга келтириб, оқ ювиб оқ тараган аянинг ёши етмишларга яқинлашиб, бедаво дардга йўлиқди. Аббосхўжа ота анча эрта дунёдан кўз юмиб, фарзандларнинг росмана орзу-ҳаваслари якка онанинг зиммасида қолгач, ҳам ота, ҳам она бўлиб, болаларини элга қўшилишига бош бўлганди. Касаллик зўрайиб, сўнгги ой, ҳафталар қолганда, давлат маслаҳатчиси бўлган Алишер ака Президент

Ислом Каримовдан рухсат сўради – ўзи таътилга чиқиб, эрта-ю кеч онаси олдида бўлди. Ўзи қаради ва ўзи боқди. Жаноза куни шу воқеаларни жамоатдан эшитиб, кўнгил сўраймиз, деганимизда устознинг кўзи ёшдан кизариб, бўзлаб борарди. Алишер ака ўзбекнинг ҳам талабчан, ҳам меҳрибон, ҳам етук арбоби даражасига етган эркатоё фарзанди эди. Афсус, онасининг ёшига ҳам етмасдан, вафот этди. 2012 йилнинг 9 январи – устозни билган, кўрган кишилар, айниқса, Академия педагогик жамоаси, битирувчилари учун улкан йўқотиш куни бўлиб ёзилди.

Академияда туман, вилоят ҳокимлари, вазирлик ва идораларнинг бўлғуси раҳбарлари билан бир аудиторияда сабоқ олгандим. Ўқитувчилар талабчан, дарслар тиғиз, бош қашишга вақт топилмасди. Сабаби, икки йиллик ўқув дастурлари бор-йўғи бир йилда ўтилганди. Ҳар куни Абдулла Исмоилов мудирлигидаги “Хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчиларидан инглиз, француз ва немис тилларини уч соатлаб ўрганардик. “Давлат ва жамият бошқаруви”, “Замонавий менежмент”, “Бозор иқтисоди”, “Қиёсий сиёсатшунослик”, “Маънавий асослари”, “Диншунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Нутқ маданияти” каби фанлардан сабоқлар олардик. Хориж давлатлари бошқарув тизимлари назарияси ва амалиётини ўзлаштириш билан бирга, уч-тўрт ой ўтмаёқ, курсдошларимиз Германия, Франция, Жанубий Корея, Австралия, Япония, Дания каби давлатларга стажировкага бориб келдилар.

Бир йилда ўн йилларга етгулик билим ва тажрибани тўплаганмиз. Аввал олинган билимларимиз янада бойиди. Сиёсий ва иқтисодий савиямиз ошди. Бу даргоҳда ўқиш –улғайиш, уйғониш ва маънан юксалиш даврига айланди. Академияда Алишер Азизхўжаев, Рустам Қосимов, Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Ибодулла Эргашев, Темур Жўраев, Рустам Жумаев, Фатхулла Эргашев, Элшод Набиев, Абдулла Исмоилов, Файзулла Баҳромов, Улуғбек Саидов, Нусратулла Жумахўжа каби устозлардан маънавий ва маърифий сабоқларни олганмиз.

1998 йилнинг декабрь ойида ўттиз кишилик гуруҳ билан бир ойча Дания киролигида бўлиб, Скандинавия давлатларининг тараққиёт моделини синчиклаб ўргандик. Дания аҳоли турмуш тарзи бўйича дунёда иккинчи ўринда турадиган, бой-бадавлат, саранжом-саришта, интеллекти баланд фукаролар юрти...

Ислом Каримов ташаббуси билан очилган қутлуғ даргоҳ ёш кадрларга рағбат, чексиз мурувват ва беминнат ёрдам эди, назаримда. Менинг кейинги ҳаёт йўлимни белгилашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг алоҳида ўрни бор, деб биламан. Айниқса, 1998 йилда академияни тугаллаган тингловчилар энг билимдон, кучли, иқтидорли ёшлардан сараланган бўлиб, улар орасида 20 дан зиёд туман, 3 та вилоят ҳокими, ўнлаб туман, шаҳар прокурорлари, 4 та вазир ва бош вазир чиққани ўзиёқ бу истеъдодли кадрларнинг улкан салоҳиятидан дарак берарди. Ҳозирда ҳам 20 йиллик қадрдон курсдошлар тез-тез учрашиб, маслаҳатлашиб турамиз. Шу ўринда, юртимиз иқтисоди равнақига ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётган Зафар Рўзиев, Ойбек Ашурматов, Шукритдин Пахрутдинов, Азиз Тўраев, Баҳриддин Валиев, Фарҳод Зуфаров, Дилором Амонуллаева, Ирисмуҳаммад Абдукаримов, Абдували Қутбиддинов, Раҳмон Давлатов, Алишер Қамбаров, Обиддин Маҳмудов сингари курсдошларимиз ютуқларини алоҳида қайд этгим келади.

Академияни тамомлагандан кейин яна Навоий, 30 биносига қайтдим. Икки соатлик суҳбатдан сўнг вазир қўлимни қаттиқ сиқиб, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётига директор этиб тайинлади.

–Президент кадрларига йўл очик. Бахтиёр, билим ва тажрибанг ошибди. Энди ноширлик соҳасини кўтаришга астойдил хизмат қилгин, –деб елкамга қоқиб қўйди устоз.

10. Тиббиёт нашриётида

Мазкур нашриётга қарийб ўттиз йил Усмонжон Соибов, сўнг тўққиз йил Ринат Рискиев вафотига қадар (1998) раҳбарлик қилишганди. Уларнинг узоқ ишлаши жамоада ижодий муҳитнинг яхшилигидан далолат берарди. Тиббиётга ихтисослашган нашриётимиз Ўрта Осиёда ягона эди.

Мен одатим бўйича, кексайиб қолган Усмонжон ака Соибовни ёнимга чақириб, тиббиёт китобларини нашр этиш йўл-йўриқларига доир қимматли фикрларини билиб олдим. Анча суҳбатлашдик. Оқсоқол:

–Ўғлим, менга ўхшаб узоқ йил нашриётни бошқариш насиб этсин, – деб фотиҳа берди.

Олдимда ўтирган оппоқ сочили, камгап киши нақ ўттиз бир йил нашриётни бошқарибди. “Уддабуррон ва оқил киши экан,—дедим ичимда. – Бу нуроний кишининг доно маслаҳатларига суянаман”.

Ўтган йилларда шарт-шароит ўзгарган, бугунги куннинг мураккаб синовлари-ю, ҳукумат талабларини ўташ машаққат эди. Мамнунлик жойи шундаки, нашриётимиз эндигина қирқ ёшга кирган, менинг ёшим ҳам қирқда, жамоада қирқ киши меҳнат қиларди. Бош муҳаррир Акмал ака Камолов ҳам қирқ йилдан бери ишларди. Садоқатли акамиз Хуршид Дўстмуҳаммад айти шу далилларни “Хуррият”да ёзиб чиқди. 1998 йилнинг охирида шахсий ташаббус кўрсатиб (вазиримиз қаршилиқ қилувди), нашриётнинг 40 йиллик тўйини республика миқёсида нишонладик. Ўша куни Навоий, 30-уйнинг ҳовлисида ёзувчи-шоирлар, журналистлар ва ноширларга қирқ кило ош дамланди. Ҳа, ушбу тадбир навбатдаги ишларимизга кушойиш (очишиш) йўлларини бошлаб берганига шоҳидман. Эсталик рамзи сифатида “Абу Али ибн Сино –доимий ҳамроҳ” номли китобчани ҳам чиқариб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли идораларга бепул тарқатганмиз. Китобда фаол муаллифлар ва ишлаган ҳодимларимиз тўла рўйхати, нашриёт тарихи, вазифалари, доимий ҳамкорларимиз ўрин олган.

Икки-уч ой ўтгандан кейин олдин китоб чиқарган ва янги муаллифлар эшигимиздан кириб кела бошлашди. Етти йиллик раҳбарлик даврида улар

орасидан кўплаб дўстларни орттирдим. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, таникли инфекционист олим Исоқ Қурбонович Мусабоев, патологик анатомия мактаби асосчиси, академик Малика Саматовна Абдуллахўжаева, неврология мактабини очган йирик олим, академик Наби Мажидович Мажидов, истеъдодли кардиолог, профессор Анис Лутфуллаевич Алявий, донғи кетган болалар жарроҳи, профессор Жуманазар Бекназаров, заҳматкаш олим ва табиб Алижон Зоҳидий, халқ табобати билимдони Абдулазиз Саиднуриддин ўғли, машҳур публицист ва таржимон Жамол Шаропов билан мулоқотларимиз, ҳамкорлигимиз бардавом бўлди.

Нашр масаласида жамоада кўп йиллик навбатлар сақланиб қолаётган экан. Бюрократик тўсиқлар бутунлай олиб ташланди. “Яхши ёзилган, бозорбоп кўлёмаларни бемалол чоп этиб берамиз!”, деган шиорни ўртага ташладик. Даргоҳимизга қадам қўйган зиёли ва олимларни меҳрибонлик билан қарши олиб, қисқа муддатда китобларини босмадан чиқариб беравердик. Бу борада уста ношир, мулойим инсон бош муҳарриримиз Акмал ака Камолов, бўлим мудири Ботир Мансуров, катта муҳаррир Жамол Шаропов кўмак бердилар. Айниқса, муомала маданияти баланд, камсуқум Акмал ака ва куйинчак, меҳнаткаш ижодкор Жамол акани жуда ҳурмат қилардим.

Академик Исоқ Қурбонович Мусабоев ишхонамизга тез-тез келиб турарди. Отахон “қўли узун” муаллифлар сирасига кирарди. Бизда иши битмаса, невролог олим, академик Наби Мажидовга ўхшаб, тўғри вазирнинг ҳузурига киришарди. 1999 йил эди, чоғи, бир куни Исоқ Қурбонович янги китоби нашридан кейин “Искусство, методы врачевания...” номли кўлёмасини кўтариб келди.

–Домла, буни кейинги йилга чиқарамиз, хафа бўлманг, –дедим.

Ўн дақиқадан сўнг, кабинетимда телефон жиринглади:

–Нега домланинг китобини чиқармайман, дебсан–овоз келди нариги ёқдан. Бу –вазиримиз эди.

–Ахир, яқинда босмадан чиқарувдик...

–Бунисини ҳам чоп этасан. Академик домлалар бизга ғанимат, улар давлатга кўп хизмат қилишган, ахир.

90 ёшли И. Қ. Мусабоев фахрий муаллимимиз эди. Ҳар йили иккита китобини босиб чиқарардик. Ўзлари ҳам ректорларга хат юбориб, барча китобларини сотиб олиш масаласини осон ҳал қиларди. Кунларнинг бирида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тадбирида ўғли профессор Эркин Исоқовичга ҳазиллашдим:

– Отангизни китобларида исм шарифингиз ҳам туради. Оқсоқолни корректураларни ўқигани чақиришга уяламиз. Сиз келсангиз бўлмайдими? Отангизни овора қилиб...

–Уларга ишонаман, чунки отам менинг “танкам”! –жавоб берди Эркин ака.

Тиббиёт фанлари доктори, ташкилотчи раҳбар Э. Мусабоев отасига ҳақиқий ўринбосар раҳбар бўлиб етишди. “От ўрнини той босар”, деганларидек, 2005 йилларда Вирусология илмий-текшириш институтига раҳбар бўлди. Институтни мамлакатимиздаги илғор тиббиёт марказига айлантириш билан бирга, хорижий ҳамкорларни топиш борасида катта тажриба тўплади...

Биз нашриётда китобхонларнинг талаб-истакларини ўрганиб, “Ёш оила кутубхонаси”, “Табиб маслаҳатлари”, “Машҳур шифокорлар ҳаётидан”, “Инсон аъзолари”, “Кулги шифохонаси” каби туркумларни янгидан ташкил этдик. Ўша йиллари машҳур табиб Абу Бакр ар-Розийнинг “Қасалликлар тарихи”, Ибн Синонинг “Табобатдан сабоқлар”, турли ёшдагиларга атаб “Ёш оналарга маслаҳатлар”, “Ёш келин-куёвларга”, “Ёш ота-оналарга” каби тиббий, илмий-оммабоп мавзуларда ранг-баранг китобларни минглаб нусхаларда чоп эттирдик.

1999 йилда Халқ таълими вазирлиги тарихида илк марта китоблар нашри учун тендер савдоси бўлиб ўтди. Вазирнинг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов бошқарган Осиё Ривожланиш банки (ОРБ) тендерда

“Маънавият” нашриёти ўқув дарсликларини, “Ибн Сино” нашриёти тиббиётга оид плакатларни чоп этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бизнинг ҳисоб рақамимизга катта миқдорда маблағлар келиб тушди. Натижада вазирлик мажлисидан бирида Р. Шоғуломов тендер савдоларининг фойдали жихатлари ҳақида ахборот беришимни сўради. Янги имконият афзалликлари ҳақида гапириб бўлгач, раҳбарларга қараб:

–Тиббиёт нашриётидан ўрناк олинглар. Бахтиёр, сен ҳужжатларни тайёрлаш йўллари ва тендерда ютишни ўргатгин, –деди. – ОРБ тендери бизни иқтисодий тарафдан қутқарадиган ягона йўл, шуни уйдalasак, пулларимиз кўпаяди.

Шундай қилиб, 2000 йилларда мамлакатимизда тендер тизими авж олиб кетди. Нашриётлар миллионлаб сўмлик савдоларда ютиб, ижара асосида тарқатиладиган мактаб дарсликларини босмадан чиқариб бераверишди. Аммо Туробжон Жўраев Молия вазири ўринбосарлигидан Халқ таълими вазири лавозимида ўтгандан кейин бу соҳага ҳам коррупция очикчасига кириб келди. Қайсидир йўллар орқали “савдолашиб”, рухсат олингандан кейин дарсликлар тендерлари йирик нашриётлардан “кичик”ларига ортмайдиган бўлди...

Республикада китоб савдоси тизими маймун йиғлағудек ачинарли аҳволга келиб қолганди. 1998-2005 йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказий кўчаларидаги юзлаб китоб уйлари, дўконлари “бойвачча”ларга арзонгаровга сотиб юборилди. Қисқа вақтда эллик йиллик тизим бутунлай издан чиқди. Нашриётлар топширган китоблари пулларини йиллар давомида қайтариб ололмай овораи сарсон бўлишарди. Тиббиёт нашриёти ҳам юз миллионлаб сўмлик сотилган китобларига пул олиш ўрнига “ўтмас моллар”ни икки баравар қимматда қабул қилишга мажбурланди (учига чиққан аҳмоқгарчилик эди бу – Б.О.). Бу китоблар ва канцеллярия молларини сотиб бўлмасди. Шунда жанжал кўтариб, китоб савдосига тегишли “Бибколлектор” шўба корхонасини юзлаб мижозлари билан нашриётимиз

кўшганмиз. Яна вилоятларга китобларимизни ташиш учун уларнинг балансидаги “Дамас” енгил машинасини тортиб олганмиз...

Ўзимизнинг раҳбарлар қўли билан “Китоб сотувчи”, “Китоб тарқатувчи” номларига доғ тушди. Зиё тарқатувчи олийжаноб касбга эътибор сусайди. Аниқ буюртмачи бўлмагандан кейин ноширлар ҳам ўзбилармонликка берилиб, омборларини бўлар-бўлмас зерикарли китобларга тўлдириб ташлашди. Агентлик тизимидгаи корхоналар омборида 7-8 миллиард сўмлик китоблар уюми пайдо бўлди.

Хайъат йиғилишларида энг оғриқли масала китоб савдоси бўларди. Вазир аҳволни ўнглаш мақсадида вилоятларда китоб ярмаркасини уюштириб, адиблар, шоирлар, санъаткорларни унга жалб этарди. Аммо барча ҳаракатлар зое кетди, негаки китобларнинг нархи қиммат, бунинг устига, ишсиз ўтирган савдо ходимлари худди “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик жамияти фаолиятида кузатилганидек, ўн минг сўмлик китобнинг транспорт харажатига яна саккиз мингни қўшишарди. Назаримда, бу – илм, маърифат соҳасига ва унинг истеъмолчиларига қаратилган зарба эди. Офсет ва газета қоғозининг 95-98 фоизи Россиядан сотиб олинishi ҳам китобларнинг қимматлашувига олиб келарди.

Ана шу муаммоларга ечим топиш мақсадида “Ибн Сино” нашриёти олтита вилоятда ўзининг китоб дўконларини очди. Уларни ўзимизнинг “Дамас” машинасида жойларга етказиш ва савдони мувофиқлаштириш учун “Ношир” шўъба корхонасини ташкил этгандик. Хусусан, 2002-2004 йиллари Навоий, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, шаҳарларида китоб дўконларимиз яхши фаолият олиб бораётган эди.

Халқаро фаолият ҳам яхши йўлга қўйилди. Нашриётимиз бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Осиё ривожланиш банки, ЮНИСЕФ, ЮСАИД каби БМТ ташкилотлари буюртмасини бажариб берарди. Жумладан, 2000 йил “Соғлом авлод йили” деб аталганида, Давид Вернернинг “Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси” (“Там, где нет доктора”)

китобини чоп этдик. Бу китоб қишлоқ врачлик шаҳобчалари учун ягона тиббий қўлланма эди!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан, 2002 йилда “Болаларни уйда ва шифохонада парвариш қилиш” китоби босмадан чиқарилди (2004 йилда фаолиятимиз тўхтагандан кейин “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти бу китобларни қайта-қайта нашр этиб, яхши даромад олганди – Б.О.). Булардан ташқари, “Она ва бола” туркумида ўнга яқин кичик рисоаларни рангли суратларда чиқаришга улгурдик. 2003 йилда ҳукумат топшириғи бўйича “Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз” номли рангли китоб-альбомни ҳам чоп этиб, юқори раҳбариятдан мақтовларни эшитдик. Олимпия чемпиони, машҳур боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳаётига доир “Ўзбегимнинг баҳодири” китоби ҳам илиқ кутиб олинди.

Тиббиёт нашриёти айна оёққа турган даврлар бошланди. Биз республикамиздаги олтита тиббиёт институти, эллик иккита тиббиёт коллежига ўқув дарсликлари, қўлланмаларини чоп этиб берардик. Сўнгги йилларда маҳсулотларимизни вилоятлардаги китоб дўконларимизда сотишга киришувдик. Лекин ... 2004 йилнинг баҳорида Ҳукумат қарори чиқди-ю, жамоамизни “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат нашриётига қўшиб юборишди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига мурожаатимиз ҳам жавобсиз қолиб кетаверди...

11. Ҳукумат идорасида

Янги “ислоҳот” натижасида ўн саккизта ташкилот базасида бор-йўғи бешта нашриёт-матбаа бирлашмаси пайдо бўлди. Раҳбарлик ўринлари учун кураш бошланди. Самарасиз ислоҳотдан кейин юзлаб фидойи ноширлар, моҳир муҳаррирлар, истеъдодли рассомлар ишсиз қолишди ёки нафақага чиқишди. Президент академияси битирувчиси, сиёсий фанлар номзоди илмий даражасига эга каминага ўхшаган кадрлар ҳам чеккада қолиб кетаверди. “Имкон туғилди, докторлик ишимни тугаллайман!”, дедим ўзимга. Институтлардан бирига ўтиб кетаман. Ҳозирга қадар Тошкент молия

институти, Шарқшунослик институти ва Президент ҳузуридаги академияда ўриндошлик асосида талабаларга дарс ўтганман-ку...

Аммо таълим даргоҳига ўтиб кетишга сал кечикдим – вазирлигимизда бўшаган бош мухаррир лавозимига ишга чақиришди. Ноилож кўндим. Ўзим севган ноширлик касбидан ажралгим келмасди. Тўрт ойча ўтгандан кейин янги очилган Лицензиялашни ташкил этиш бошқармасига бошлиқ этиб тайинлашди. Албатта, бу қизиқарли ва кўлами кенг соҳа эди. Давлат рўйхатидан ўтказилган тахминан икки мингга яқин оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение) ва элликка яқин нашриётларнинг фаолиятини таҳлил ва назоратга олишимиз керак эди. Шунча катта ҳажмдаги вазифани беш киши уддалардик. Бошга тушганни кўз кўради. Ўзимни кўрсатишим керак! Биз бешовлон тезда ташкилий ишларни бошлаб юбордик. Икки ой ичида рўйхатдаги ташкилотларнинг Давлат реестри илк марта тузиб чиқилди. Энди кимнинг қайси манзилда қанча ҳажмда иш бажариш маълум эди. Ҳаммаси ойнадагидек равшанлашди. Булардан ташқари, агентликнинг Ҳайъат йиғилишига, Вазирлар Маҳкамасига ўндан зиёд таҳлилий маълумотномаларни мунтазам равишда тайёрлаб борардик...

Бир куни кутилмаганда ҳужжатларимга юқори идора қизиқиш билдирди. Бош вазир ўринбосари Абдулла Негматович Ариповнинг суҳбатига бордим. Савол-жавоблардан хулоса қилдимки, янгича талаблар асосида ишларни ташкиллаштириш зарур. Матбуот, нашриёт, оммавий ахборот воситалари, китоб савдоси, архив бўйича кураторнинг лавозими бўш экан.

Президент девонидан ўрнатилган тартибда суҳбатдан ўтгач, ўн беш кунларда хабарини етказишди: ҳукумат аппаратининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари департаментига етакчи мутахассисликка қабул қилишди. 2005 йилнинг 10 феввалида ҳукумат қарори чиқди. Бу асли омадми ёки ишончми – англай олмадим. Бироқ 10 март куни “Мамлакатни демократлаштириш, модернизациялаш ва ислоҳ этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24-сонли қарори

эълон қилинди. Бу республикада илк марта иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, жамият ва одамларни тубдан ўзгартиришга, демократик қадриятларни жорий этишга қаратилган тўлақонли ҳужжат эди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларига тегишли 40 га яқин қонунлар, ҳукумат қарорлари ва фармойишларини қисқа муддатларда тайёрлаш вазифаси бизга юкланди...

Мен кураторлик қиладиган матбуот ва ноширлик соҳасида норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш тажрибаси умуман шаклланмаган. Ҳужжатда устувор соҳаларда жамиятни модернизациялашга доир янги лойиҳаларни бандма банд ишлаб чиқиш кунлари, ойлари аниқ кўрсатилган бўлиб, уни бажаришнинг имкони йўқ эди. Бу эса раҳбаримиз Абдулла Арипов, департамент мудир Хуршид Мирзоҳидов ва камина учаламизга ҳушёрликни ўн чандон ошириб юборди, десам янглишмайман. Биз шу графикка улгурайлик, деб кеча-ю кундуз югурардик. Ўн битта қонун, йигирмага яқин қарорлар лойиҳасини элликка яқин вазирлик ва идоралар раҳбарлари (вазирлар) таҳлилидан ўтказиб имзоларни тўплаш, ОАВ ҳақидаги қонунлар лойиҳасини парламент депутатлари назаридан ўтказиш ҳазилакам иш эмас эди. Бу борада жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва Ўзбекистон тажрибасини уйғунлаштириш, таққослаш натижасида илмий хулосалар тайёрлашга вақт умуман етишмас эди. Уларнинг ижроси ҳақида ҳар ойда бош вазирга ҳисобот тайёрлаб киритардик.

Абдулла Арипов ишнинг кўзини биладиган, замонавий менежер раҳбар. Ҳар қандай вазиятда муаммони ечиш йўллари қидиради ва топади. Раҳбаримизнинг ташаббусига кўра, Матбуот ва ахборот агентлиги қошида Жамоатчилик кенгаши тузилди. Унга ҳуқуқшунос олимлар, назариётчи ва амалиётчилар таклиф этилди. Биз Навоий, 30-уйда тез-тез учрашиб, оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришга доир қонун ва қарорларнинг лойиҳалари устида иш олиб борардик. Бу масала ечимида Хуршид Дўстмуҳаммедов, Фирдавс Абдухолиқов, Асаджон Ходжаев, Файзулла Мўминов, Бобоқул Тошев ва бошқа етук мутахассислар алоҳида улуш қўшганини таъкидлагим келади. Шу тариқа, ҳужжатларни тезкор

тайёрлашга киришилди, қарор лойиҳаларининг мазмуни ва сифати янада ошди. Вазирлар Маҳкамасида эса Хуршид Мирзохидов, Шухрат Содиқов, Абдушукур Абдуллаев, Баҳром Қўчқоров, Русланбек Давлетов, Шерзод Шерматов, Шухрат Атамухамедов каби ҳамкасб дўстларимиз маънавий қўллаб-қувватлашди. Бунинг натижасида Президентимиз 24-сонли қарорининг бажарилиши таъминлаб берилди.

Бундан ташқари, миллий Ахборот агентлиги (ЎЗА), “Шарқ” нашриёт-матбаа компанияси, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Республика Архив агентлиги, Китоб савдоси ташкилотларининг молиявий фаолияти юзасидан чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаб бориш зиммаларига юкланган. Биз вазирлик ва идораларнинг ахборотларини таҳлил қилиб, мавжуд муаммолар ечими ҳақида раҳбариятга масала киритардик. Булар ҳаммаси ўн беш соатлаб ишлашни талаб этарди. Соғлом, билимдон, сабрли одамгина бу иш-юмушларга улгурарди...

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний “Идора қилиш ва бошқариш – роҳатдан маҳрум бўлиш деган сўздир”, деб бежиз айтмаган. Юқоридаги синов ва имтиҳонлардан ёруғ юз билан ўтишни жуда хоҳлардим.

Бўлиб ўтган бир воқеани ҳеч унутгим келмайди. Вазирликлардан бирида вужудга келган носоғлом муҳит ҳақида ҳукуматнинг “Хатлар ва шикоятлар” бўлимига хатлар келиб туша бошлади. Биз беш кишилик комиссия тузиб, ҳақиқий ҳолатни бориб ўргандик. Аниқланишича, тизимдаги корхоналарда ошна-оғайнигарчилик, қариндош уруғчилик, давлат манфаатидан шахсий манфаатларини устун қўйиш ҳолатлари кучайибди. Таҳлил ва хулосаларимизни қоғозга тушириб, имзоларни чектириб, раҳбариятга топширдик. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Вазирлик раҳбари танқидга холис қараш, хатоларни тузатиш ва айрим раҳбар ходимларга нисбатан интизомий чораларни кўриш ўрнига, комиссия аъзолари, хусусан . каминадан қасд олишга киришди. Шу мақсадда юқори мартабадаги кишиларни ўртага солиб, раҳбарларни чалғитишга уринишди. Аммо назорат варақасига қўл қўймадим, бундан аччиқланган вазир менга

тазйиқлар ва ҳужумларни уюштирди. Мақсади – ўрнимга бошқа одамни олиб келиш эди, албатта.

“Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади”, деганларидек, орадан беш йил ўтгач, бизлар маълумотномага киритган ноқонуний хатти-ҳаракатлар тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан аниқланиб, бир қатор ташкилот раҳбарлари маҳкамага тортилди. Маслаҳатимизга вақтида кулоқ солиб, камчиликни бартараф этишганда, аянчли, изтиробли вазиятга тушмаган бўлишарди...

11. Ажойиб ўқув даргоҳида

Ахийри, бошқа ишга ўтиб кетишга тўғри келди. 2006 йилнинг охирида Тошкент ахборот технологиялари университетида маънавий-тарбия ишлари бўйича биринчи проректор лавозимида ишлай бошладим. Бу, албатта, каминага сийлов, ҳам синов эди. Қаттиққўл раҳбаримиз Содиқжон Собирович Қосимовнинг таъбирича, ўқув даргоҳида штатда ишламаган кишини иккинчи раҳбарликда кўришнинг қийинчилиги кўп бўлади. Майли, бу талабларга чидайман, бардошимни ҳам синайман, деб ўзимга сўз бердим.

Ўша йилларда университетнинг бакалавр ва магистратура босқичида қарийб олти мингта талаба таҳсил оларди. Маънавият бўлими мудир, социолог олим Ёзоза Каримова тажрибали аёл экан. У топшириқни бекам-у кўст бажарар, ташкилотчи ва ташаббускор эди. Биз бўлим, деканлар билан бирга биринчи ўринда йиллик режалар дастурини пишиқ тузиб олдик. Ҳар бир маданий тадбирни, албатта, реклама қилиш зарурлигини келишдик. Аммо маънавият соҳасида тадбирларнинг сон-саноғини билиб бўлмасди. Ҳануз ёдимда: Наврўз, Хотин-қизлар, Билимлар, Ватан ҳимоячилари, Хотира ва қадрлаш, Мустақиллик, Конституция кунлари, факультетлараро “Талаба баҳори”, “Зулфияхоним қизлари”, “Энг яхши мураббий”, “Энг яхши ўқитувчи”, “Энг намунали талаба”, “Энг яхши гуруҳ”; Талабалар турар жойида “Энг яхши қават”, “Энг яхши ўғил болалар хонаси”, “Энг яхши қиз болалар хонаси” каби ўнлаб кўрик танловларни ўтказишга вақтимизни сарфлар эдик. Мисол учун, Наврўз умумхалқ байрами арафасида

университет ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. 21 март куни Талабалар турар жойида спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар тақдирланади. 9 қаватли ётоқхоналар пастида эса 750 нафар талабага ош дамлаб тарқатиш лозим. Бошқа ётоқхонада эса сумалак пиширилади.

Кам таъминланган талабалар, ишчи-ходимлар, нафақадаги нуроний ва профессор-ўқитувчиларга моддий ёрдам бериш, руҳий-маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам зиммамиздаги вазифага киради. Дейлик, туманнинг 2-мавзесида жойлашган 31-меҳрибонлик уйининг 87-ёрдамчи мактабида беш маротаба борганман. Мактабнинг биносини қисман таъмирлаб берганмиз.

Маданий ҳаётимизда чуқур из қолдирган муҳим саналарни юқори савияда нишонлашни йўлга қўйганмиз. Жаҳон илм-фани, маданиятига беқиёс ҳисса қўшган давлат, фан ва маданият арбоблари Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зулфия каби тарихий шахсларнинг таваллуд кечалари юқори савияда ўтказилди. Юқоридаги тадбирлар миллий урф-одат, анъана, кадриятларимизни асраб-авайлашга қодир маънавий баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиларди, албатта.

Июнь ойининг жазирама кунларида “Универсиада – 2007” мусобақалари бўлиб ўтди. Республиканинг элликдан зиёд олий ўқув юрти ректорлари ва спортчи талабалари ТАТУнинг тўққиз қаватли учта ётоқхонасида ўн кун истиқомат қилишди. Шаҳардаги спорт заллари ва стадионларда ҳар куни мусобақалар ўтади, кечкурун таниқли санъаткорлар концерти, истеъдодли шоирларнинг чиқиши ёшларда юқори маънавият кайфиятини уйғотади...Ҳа, бир-бирига уланиб кетадиган барча тадбирлар педагогик ҳаётимда янги даврни бошлаб берди. Келажагимни талаба ёшларсиз тасаввур этолмас эдим.

Кунларнинг бирида ректор Содикжон Қосимов мени хузурига чақирди. Домла одатдаги савол-жавобни йиғиштириб қўйиб, хушxabардан гап очди:

–Бахтиёр, сизга ҳозир чиройли тавсифнома ёзиб, хайдовчи билан вазирликка юбордим. Яхши лавозимга тавсия этдик сизни. Олдиндан табриклайман.

–Устоз, университет шарт-шароитига эндигина мослашаётган эдим. Илмий ишларимни давом эттирмоқчиман,—дедим ўрнимдан туриб.

–Хурсанд бўлаверинг, укажон. Бу хабар аслида биз учун ҳам шарафдир. Ҳукуматда юрган одамга биронта вазирликда ишлаш осон кўчади. Аммо масалангиз тез кунларда ҳал бўлади,—деди ректор қўлимни қисиб.

12. Муаллифлик агентлигида

Чиндан ҳам, сал ўтмаёқ, Президент қарорига кўра, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигининг бош директори муовини лавозимига тайинландим. Агентлик раҳбари Абдулла Нигматович Арипов бош вазир ўринбосари бўлгани сабабли, идора ишларига деярли вақт ажрата олмасди...

Биз ташкилий-сиёсий ишларни меҳнат интизоми масаласини кун тартибига қўйишдан бошладик. Кузатишимча, айрим ходимлар ўзи хоҳлаган вақтида ишга келарди. Энди бундай бошбошдоқликка чек қўйилди. Ташкилотни кенг жамоатчиликка танитиш ниятида интернетдаги сайтимиз тикланди. Ахборот хизмати очилиб, Бинафша Қаландарова деган хорижий тилларни биладиган қизни ишга олдик. Кам ўрганилган соҳа бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишимиз керак эди-да.

Раҳбаримиз ёрдамида бир ой ичида “Матиз” машинали бўлдик. Шаҳардаги кўплаб театрлар, провайдерлар офисига бориб ёки уларни чақириб, шартномавий мажбуриятлари қайтадан кўриб чиқилди. Рўйхатга кирган драматург, актёрлар ҳар бир томошадан иштирокига қараб қалам ҳақи оладиган бўлди. Инспекторлар фаолияти ва шартнома бўлимининг иши анча

жонланди. Мингдан зиёд муаллифларнинг ҳисоб-китобини юритадиган бухгалтерия дастурини тезда ишлаб чиқиб ўрнатдик.

Кейинги босқичда вилоятларни қамраб олишга киришилди. Бизнингча, ўн бешта ходим билан катта ҳажмдаги ишларни уддалаб бўлмасди. Шу ҳақда Вазирлар Маҳкамасига расмий хат киритилиб, Мувофиқлаштирувчи органни тузиш таклифи билдирилди. Бундан кўзланган мақсад: 2006 йилда мамлакатимиз адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш учун қўшилган Берн конвенцияси талабларини тўлиқ адо этиш эди. Афсуски, бу борада халқаро битим қоидаларини бузилаётганига дуч келардик. Яна бир муаммо шуки, чет эл муаллифлари ҳуқуқларини бузиш, кино, видео асарларни ноқонуний ишлатиб фойда кўриш, яъни лицензиясиз (қароқчи) олинган маҳсулотдан тижорат мақсадида фойдаланиш Ўзбекистонда авж олган эди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашга бозорларга муаллифлар билан шартнома тузмасдан сотувга чиқарилган қароқчилик аудио-видео маҳсулотларини тўхтатиб, муаллифга етказилган маънавий ва иқтисодий зарарни қоплаш белгиланди. Устига устак, “пират” дисклар сотувчилари давлат хазинасига солиқларни тўламай келарди (афсуски, бу ноқонуний фаолият ҳозирда ҳам тўлиқ назорат қилинмайди – Б.О.).

2007 йилнинг 17 декабрида ҳукуматда бўлиб ўтган йиғилишда идорамиз ишлари ижобий баҳоланди. Шу билан бирга:

- “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилишига қарши курашиш” ойликларини ўтказиш;

- вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат Ишчи гуруҳни тузиш;

- ҳуқуқ-тартибот (суд, прокуратура, ички ишлар), солиқ, божхона органлари ҳамда ОАВ мақсадли тадбирларни тизимли, самарали ташкил этиш;

- барча ҳудудларда муаллифлик-ҳуқуқий қонунчилигининг қоидаларига риоя этиш мақсадида аудио-видео контрафакт маҳсулотларни савдо расталаридан олиб, белгиланган тартибда йўқ қилинишига эришиш;

–аудио-видео контрафакт маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси ва ижараси билан шуғулланаётган барча объектлар фаолиятини тўхтатиш ва бажарилган ишлар тўғрисида ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари департаментига маълумот киритиш топшириғи берилди.

Контрафакт маҳсулотларни йўқ қилиш акциясини юқори даражада ўтказишни таъминлашга Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги масъул этиб белгиланди. Асосий масъулият каминанинг зиммасига тушарди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта контрафакт маҳсулотларини йўқ қилиш акцияси 2007 йилнинг 19 декабрь куни амалга оширилди. Янгиобод бозорида ўтказилган рейд натижасига кўра, суд қарорига асосан, бир жойга йиғилган йирик миқдордаги ноқонуний дисклар Чилонзор метроси ёнидаги Фавқулодда вазиятлар институтининг ҳовлиси ҳудудида йўқ қилинди. Булдозер дисклар устидан ўн марталаб юриб ўтди. Ушбу тасвирлар Ўзбекистон телевидениесидан бир неча марта намойиш этилди. Тасвирларни интернетга ҳам жойлаштирдик.

– Хитойда ва Россияда бундай рейдлар телевидениеда такрор-такрор олиб кўрсатилади,—деди тадбирдан қувонган агентлигимиз раҳбари А. Арипов. – Биз ҳам жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадида бундай акцияларни кўпайтириб боришимиз лозим.

Шундай қилиб, 2008 йилдан эътиборан, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри бозорларида контрафакт маҳсулотларнинг савдосига қарши рейдлар кўпайиб бораверди. Тадбирга Мувофиқлаштирувчи орган аъзолари: республика ички ишлар, солиқ, божхона, миллий хавфсизлик, суд департаменти, прокуратура департаменти раҳбари ва масъул ходимлари ҳамда уларнинг вилоятлардаги бўлимлари бош-қош бўлдилар. Шахсан ўзим Қорақалпоғистон автоном республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Навоий вилоятларига бориб, вилоят ҳокими ўринбосари ва тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари иштирокида буюм бозорларида қўшма рейдларни ўтказишда қатнашдим. Контрафакт маҳсулотлари сотилиши ва дисклар

орқали ёшларимизга бегона, ёт ғоялар, унсурларни тарғиб этилишига қарши вилоятларда ўтказилган рейдлар ижобий баҳоланиб, жамоатчилик эътиборини тортди. Тадбир натижалари миллий ҳамда вилоят телевидениеларида кўп марта намойиш этилди. Ҳар гал контрафакт CD, DVD дискларининг бульдозер оёқлари остида қолиши лавҳаларини эсласам, кўнглим ғурурга тўлиб кетади...

Агентликда бир йил ишлаб улгурмасимдан, республика давлат Патент идорасига ишга юборишди.

12. Ихтироларни рўйхатдан ўтказамиз

Президент девонига ҳужжатимни сўраб олишди ва ўн кунча ўтмасдан, суҳбатга чақиришди. Олдин етакчи консультант Нажмиддин Мўминов, бош консультант Анвар Саъдуллаев, кейин Президентнинг кадрлар бўйича Давлат маслаҳатчиси Равшан Шамсиев олдида суҳбатга кириб чиқдим. Муаллифлик ҳуқуқини тушунганим учун Республика Патент идорасида ишлаш менга осондек туюлди. Ўша пайтдаги ҳолатдан келиб чиқиб, истиқболли дастуримни баён қилдим. Улар кўлимни сиқиб, таклифимни қўллаб-қувватлашди.

Ҳукуматнинг қарорига биноан, 2008 йил 26 ноябрь куни Республика Патент идорасининг директори этиб тайинландим. Декабрь ойининг ўнинчисида бош вазир ўринбосари Рустам Собирович Қосимов мени жамоага таништириб, ишимга муваффақият тилади.

– Илмий ва бизнес ташкилотларни боғловчи идоранинг келажаги порлоқ, – деди раҳбаримиз хайрлашаётиб. – Афсуски, соҳанинг имкониятини олимлар ва ишлаб чиқарувчилар унчалик яхши билмайди. Сиз ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишланг. Насиб қилса, нафақагача ишлашингиз тарафдориман.

Офисимиз шаҳарнинг қоқ марказида –Хитой, Туркия, Франция, Ҳиндистон, Белоруссия давлатлари элчихоналари ҳамда Фанлар академияси ёнгинасида жойлашган. Уч қаватли кўркам бино ва кичик ҳовли бутунлай балансимизга қарайди. Бир юз йигирма кишилик жамоада ўн тўртта бўлим

ишлайди. Ўринбосарим Валентина Васильевна Ермолаева олтмишдан ошган бўлса-да, ҳозиржавоб, ақлли аёл бўлиб, олдиндан уларни билардим. Патент идорасида техника университети ва хорижий тиллар институтларида таҳсил олган тажрибали хотин-қизлар кўпроқ ишлар экан. Эртаси куни барча ходимлар билан шахсий суҳбат ўтказдим. Жамоа аъзоларининг бой интеллекти, хориж тажрибасидан хабардорлиги мени қониқтирди.

Январ ойи бошида йиллик иш режаларимиз тасдиқланди. Ҳар душанба куни ҳафталик, уч ойда чораклик Ҳайъат йиғилишлари кенгайтирилган таркибда, аниқ стратегик мақсадлар қўйилган, муаммолар таҳлил қилинган ҳолда ўтказилиб, камчиликларни бартараф этишга киришилди. Интеллектуал мулк объектларига ҳимоя ҳужжатларини олиш учун аниқ муддатлар белгиланган. Халқаро норма ва қоидаларни бузишга ёки сансалорлик қилишга ҳаққимиз йўқ эди. Бўлимлар ишини жиддий таҳлил этганимизда, бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Ишда йўл қўйган жиддий камчилиги ва хизмат вазифаларини тўлиқ бажармагани, ижро интизомини бузганлиги учун учта бўлим бошлиғи лавозимидан озод қилинди, олти ходимга ҳайфсан, ўн ходимга огоҳлантириш берилди. Бу борада тартиб ўрнатиш учун иш берувчи ва ходимларнинг мажбурият ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир Жамоа шартномаси янгидан ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

2009 йилнинг якунида ишларимизни сарҳисоб қилиб кўрдим: идора фаолиятини такомиллаштиришга оид олти тартиб низоми ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди, бўлимлар ишини сифат жиҳатдан яхшилашга доир элликка яқин буйруқ чиқарилди, корхонанинг асосий ва иккиламчи воситалари инвентаризацияси тугалланди ҳамда молиявий-хўжалик бўлими фаолияти танқидий ўрганилди, патент. уз веб-сайти идора тарихи, патент тизими юксалиш босқичлари, ОАВда патент соҳаси янгиликлари, долзарб саволларга жавоблар каби рубрикалар билан тўлдирилди, “Интеллектуал мулкни бошқариш” журнали фаолияти қайта тикланди, “Интеллектуал мулк соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва

халқаро шартномалар тўплами” электрон диски (ўзбек ва рус тилида, жами 980 бетлик), Тошкент шаҳри 2200 йиллигига атаб “Welcome to Tashkent” (600 дан зиёд фотосурат) медиафильми электрон диски чиқарилди, “Жаҳон ихтиролар тарихидан” номли 15 дақиқалик фильм иши тугалланди...

Мазкур ижтимоий-маърифий тадбирларда баҳамжиҳат ишлаш жамоамизни жипслаштирди, десам хато бўлмайди. “Жамоа бирлашса, енгилмас кучга айланади”, дегани рост экан. Жамоада соғлом ижодий муҳит яратилди. Кадрлар ўртасида кучли рақобат юзага келди. Шарт-шароит ҳам замонга қараб ўзгариб бораверди. Ходимларнинг моддий даромади кўпайди. 2009 йилда ойлик маошимиз ўртача 1-1,2 млн. сўмга етарди.

Аммо бизни навбатдаги ишлар кутиб ётарди. Биринчи навбатда, корхонамизда тарғибот-ташвиқот ишлари жадаллашди. Мижозлар сонини оширишнинг ягона йўли шу эди. Ҳисоблаб кўрса, даромадимизнинг 60-65 фоизи чет эллик талабнома берувчи ихтирочиларнинг ҳиссасига тўғри келар экан. Маҳаллий ихтирочилар, товар белгисини рўйхатдан ўтказувчи тадбиркорлар қаерда юрибди, деган савол ҳаммамизни қийнади. Ҳайъат мажлисида вилоятлар тизимидаги ишларни жонлантириш зарурлиги кўрсатилиб, тартиб-режа асосида тадбирларни ўтказишга келишдик...

Олти ой ичида Тошкент шаҳри ва вилоятларда жойлашган қирқдан зиёд олий ўқув юртлари ва саноат корхоналарида семинар-тренинглар ўтказдик. Барча бўлим мудирлари ва биттадан лектор вилоятларга хизмат сафарига бордилар. Шахсан ўзим Навоий, Бухоро, Сирдарё вилоятларида бўлдим. Сафаримиз якунида вилоят ҳокимларига кириб, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишларимиз ривожланган тақдирда, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқа кенгайиб, миллий иқтисодимиз катта фойда кўришини тушунтирдик. Икки томонлама фойдали шартномалар тузишга эришилди.

2009 йилнинг баҳор ойлари Навоий вилояти ҳокими Эркин Турдимовга шу масала борасида кирдим. Ҳокимга Навоий кон-металлургия комбинатида бўлиб ўтган семинар-тренинг ва ишлаб чиқарувчилар билан учрашувлар таассуротини гапириб бердим.

–Ўзбек олимлари яратган ноёб ихтиролар хужжатларини энди Тошкентга топшириш вақти келди, –дедим сўзимни якунлаб.

–Бўпти, ўйлаб кўрамиз, – деди ҳоким шошилиб турганлигини айтиб.

–Ихтироларни патентлашга иккинчи даражали масала деб қарасак, ажойиб ғояларимизни Роспатентдаги ҳамкасбларимиз илиб кетишади. Янги амалий ғоялар, технологиялар ва инновацияларни четга чиқариш ҳисобига мамлакатимиз миллионлаб доллар маблағ йўқотганини биласизми?!

Эркинжон Окбўтаевич асли иқтисодчи эмасми, аҳволни ўнглашга ваъда берди. Кейинроқ билсак, ҳоким НКМК мутахассисларини чақириб, ихтиролар рўйхатини олиш ва келгуси режаларни келишиш бўйича фармойиш қабул қилибди. Сухбатимиз чоғида йирик саноат корхоналари ва Навоий кончилик институтида “Патентлаш ва инновация” бўлимларини очиш, ихтиро, фойдали моделларнинг маълумотлар базасини яратиш, ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун корхоналар томонидан маблағ ажратишга аҳамият бериш масаласи ўртага ташланди.

Ҳоким бу борада сезиларли силжишга эришди. Йил охирида Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларидан келиб тушадиган буюртмалар сони қарийб икки баробарга кўпайди. Навоийлик ихтиро муаллифларининг аризаларини Россия патент ташкилотидан қайтариб олишлари ҳаммани қувонтирди. Бу борада корхона раҳбари, техника фанлари доктори Қувондик Санақуловнинг шахсан ўзи бошқаларга ўрнак бўлди. Келишувга биноан, икки ой ўтмаёқ, Навоий шаҳридаги ўттиздан ортиқ муҳандис-мутахассисларга интеллектуал мулк ҳуқуқидан махсус курсни бепул ташкил этиб бердик. Навоий машинасозлик заводидаги Инновация маркази билан Патент идораси ўртасида бизнес лойиҳаларни бирга расмийлаштириш масаласи келишиб олинди...

Вилоятларда ўтган тадбирларда интеллектуал мулкнинг ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, товар белгиси каби йўналишлари мақсад-вазифаларига доир буклетлар, рисоалар тарқатилди. Барча семинар-тренингларда ўзимиз тайёрлаган китобчалар ва кўргазмали қуроллар

намойиш этилди. “Интеллектуал мулк объектларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар” номли электрон дискимиз эса патент вакиллари ва ихтирочиларга ўқув қўлланма вазифасини ўтади. Диска жойланган қарийб бир минг саҳифалик норматив ҳужжатлар: қонунлар, низомлар, тушунтиришлар, чизмалар ҳозирга қадар соҳанинг такомиллашувига беминнат хизмат қилаётир.

Маълумки, Ўзбекистонда патент вакиллари институти тизими ҳам ишлайди. Идорамиздан лицензия олган ўттиздан зиёд патент вакиллари чет эллик буюртмачилар билан тўғридан-тўғри иш олиб бориш ҳуқуқига эга. (бир рақамга эътибор беринг: мутахассисларнинг 95 фоизи русийзабон. Миллий кадрларимизда ушбу бадавлат соҳага эътибор пасайган – Б.О.) Айрим патент вакилларимиз Европа давлатларида филиал очишгани қувонарли ҳолат. Бу йўналишда ҳам ишларни такомиллаштириш ниятида олий ўқув юртлари ва саноат корхоналарида ишлаб турган патентшунослар билан йилига икки марта давра суҳбати ва учрашувлар ўтказардик. Мақсадимиз муаммоларга бирга ечим излаш ва миллий буюртмаларнинг сонини ошириш эди. Шунини айтиш лозимки, 2000 йилдан бошлаб институтларда “патентшунос” штати қисқаргани республикада инновациянинг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Патент идорасида матбуот хизматининг мақоми янада ошди. “Тарғибот – корхонанинг таянчи”, деган шиор илгари сурилди. Республикадаги нуфузли нашрлар, телевидение, радио билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Ҳар ойда бўлим мудирлари ёзган таҳлилий-танқидий мақолаларни ўзим таҳрирдан чиқариб, “Интеллектуал мулкни бошқариш” журнали ёки республика газеталаридан бирига топширардик. Патент соҳаси билимдони, кекса журналист Анатолий Ершов ҳар 15 кунда қабулимга кириб, бюллетенимизда эълон қилинган қизиқарли ихтироларнинг ахборот бюллетенини олиб кетарди. Бир неча кун ўтгач, “Правда Востока”, “Тошкент оқшоми” газеталарида ўнлаб ихтиро ёки товар белгисининг таърифи, технологияси ҳақида қизиқарли мақолалар чиқарди. Уларнинг тагида

“Патент идораси материаллари асосида тайёрланди”, деган сўзларни ўқиганимда, кўнглим тоғдай кўтариларди. Бир куни санаб чиқсак, биргина ўзим ишлаган 2009-2011 йилларда марказий газета, телевидение ва радиода бир юз олти мишта мақола ва кўрсатувлар эълон қилинибди.

Ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш, уларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳам асосий диққат-эътиборимизда бўлди. Ишга келган кунимдан бошлаб, билимдон ва ташкилотчи миллий кадрларни раҳбарлик лавозимига тайинлашга киришдим. Бу ўша даврнинг эҳтиёжи эди, назаримда. Мисол учун тажрибали мутахассис, фармацевтика фанлари номзоди Севара Каримова “Ихтиролар ва фойдали моделлар” бўлимига, Ўктам Иброҳимов “Рўйхатга олиш ва лицензиялаш” бўлимига, Фарҳод Жумаев “Товар белгилари” бўлимига, Ўктам Ҳамдамов “Ахборот технологиялари” бўлимига, Феруза Эргашева “Матбуот котиби” лавозимига бошлиқ этиб тайинландилар. Файзулла, Саидахмад, Дилмурод, Элёр, Гўзал, Дилором, Баҳром, Жаҳонгир, Зиёвуддин сингари билимдон ёшларга ҳам катта ишонч билдирилиб, янги лавозимларга ўтказилди.

2009 йилнинг бошида Москва шаҳридаги Россия давлат интеллектуал мулк институтининг сиртқи бўлимига олти нафар идора ходими ўқишга кирди. Уларнинг контракт пуллари ҳам тўланди. Яна тўрт нафар ходим Президент хузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир йиллик курсларига ўқишга юборилди. Саида Эшонхўжаева, Ўктам Иброҳимов каби иқтидорли ёшларимиз академияни битириб, юқори идораларнинг назарига тушди.

МДҲга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни юқори поғонага кўтариб, бир қатор ишларни амалга оширдик. Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида идоранинг асосий йўналишлари ва фаолияти якунига оид йиллик таҳлилий ҳисобот, ҳар ойда Расмий ахборотнома бюллетени, “Интеллектуал мулкни бошқариш – Управление интеллектуальной собственностью” журнали ва ихтиролар жамланган CD-ROM дисклар юбориб турилди. Идорамиз электрон кутубхонасида АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Германия, Исроил, Швейцария,

Франция сингари ривожланган давлатлардан келиб тушган интеллектуал мулк объектлари маълумотлар базаси сақланади. Биз олий ўқув юрти ректорларига хат ёзиб, магистрант ва катта илмий ходимларни кутубхонамизга таклиф этардик.

Бизнингча, миллий иктисодиётимиз ривожда илмий ва техник адабиётлар электрон нусхалари, хусусан, патент идораларининг маълумотлар базаси муҳим роль ўйнайди. Хорижда бу ахборот оқимида қизиқиш юқори: эксперт ва тегишли компаниялар томонидан деярли ҳар йили уларнинг таҳлили олиб борилади. Ҳукумат бу соҳага катта молиявий маблағларни ажратади.

Илмий адабиётларни сотиб олиш харажатлари мамлакатлар миқёсида турлича: Россия илмий адабиётлар обунасига йилига (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар) тахминан 11 млн. АҚШ долларини (2003 й. маълумоти), Польша – 25 млн., Швеция – 26 млн., Ҳиндистон – 54 млн., Буюк Британия – 116 млн., Хитой – 120 млн. сарфлайди.

Бир олимга илмий адабиётлар сотиб олиш учун сарфланган маблағлар миқдори ҳам фарқ қилади: у Россияда – 23, Хитойда – 159, Польшада – 438, Ҳиндистонда – 510, Швецияда – 578, Буюк Британияда – 727 долларни ташкил этади.

Жаҳон илмий ахборот ресурсларига кириш муаммосини ҳам давлатлар ўз имкониятига қараб ҳал этади. Муқобил йўл – олимлар ва корхоналарнинг хориж нашриётлари электрон сайтларида мавжуд бўлган электрон журналларга аъзолигига эришиш. Аммо бундай обуналар интернетдан фойдаланувчилар трафики харажатини кўпайтириш; хориж нашриётлари электрон сайтларида мавжуд бўлган электрон журналларга бошқа олимларни фойдаланиши ва ахборот олишини чеклаб қўяди.

Республикада патент тизими фаолиятида Россия Федерацияси интеллектуал мулк институти АҚТ; Евроосиё патент идораси ЕАПАТИС АҚТ, СССР ихтиролар маълумот базаси; Россия ихтиролар ва фойдали моделлар маълумот базаси;

Евроосиё патент идораси патент хужжатлари; МДХ давлатлари патент хужжатлари ва идорамизнинг маълумот базаларидан унумли фойдаланилади. Яна интернетдаги интеллектуал мулк соҳасига яқин PubMedHome, ChemWeb, National Agricultural Library USA. BIC Biotechnology Information Centre, CANCERLIT каби илмий ва техник журналларга, хусусан, www.fips.ru, www.espacenet.com, uspto.gov маълумотлар базасига фойдаланувчилар кўп мурожаат қилишади.

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб, илмий-техник ва инновацион фаолиятга доир илмий ахборотлар билан таъминлашда ижобий силжиш кузатилади. 2018 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилгандан кейин бу соҳага эътибор кучайди. Бунинг натижасида иқтисод тармоқларида фойдаланиш учун илмий корхоналар таклифлари асосида илмий ташкилотлар, илмий дастурлар ва лойиҳалар ҳамда экспертларнинг алоҳида маълумотлар базаси шаклланди; илмий-техник ахборотларни сақлаш ва жамлаш учун дастурлар воситаси яратилди; мамлакатимиз илмий потенциали ривожини баҳолаш индикатори бўйича бўлимлар очилди; фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар натижалари материаллари очик эълон қилинди, илмий-техник фаолият натижаларини ҳисобга олиш бўйича норматив хужжатлар ишлаб чиқилди.

Хулосамиз шуки, ҳар бир мамлакат фақат илм-фан вакилларига ана шундай иқтисодий имконият яратиши, олимларни рағбатлантириши орқали миллий тараққиётга эришади. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон айна шу бошқарув усуллари кўллаб, иқтисодий натижаларга эришгани айна ҳақиқатдир.

Мамлакатимизда ихтиролар, фойдали моделлар ва товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш борасида муаммолар тўпланиб қолишининг сабаби куйидагилар билан характерланади:

биринчидан, жамиятда интеллектуал мулк (ИМ) тушунчаси яхши шаклланмаган, олий ўқув даргоҳларида “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” фани ўқитилмайди;

иккинчидан, техник ишланма муаллифлари ва патент эгаларига мукофот пули деярли берилмайди;

учинчидан, саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнесда ИМ ривожига, илмий-техника адабиётларига кам маблағ ажратилади.

Ўзбекистонда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга қизиқиш у қадар сезилмайди, демакки, бу ишлаб чиқариш суръати ва самарадорлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу ҳақда идорамиз томонидан тайёрланган тақдимот маросими 2011 йилнинг 12 июнида Вазирлар Маҳкамасининг барча департамент мудирларига, масъул ходимларига тақдим этилган бўлса-да, жиддий ўзгариш сезилмади. Балким, вазирлик ва идоралар раҳбарлари илм-фан ва бизнесни боғловчи ихтирочилик соҳасининг улкан имкониятини тушуниб етишмагандир?!

Биз 2009 йилдаёқ соҳада тўпланиб қолган муаммоларга ечим топиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2010–2015 йилларга мўлжалланган Стратегик ривожланиш Концепцияси”ни ишлаб чиққан эдик. Концепция август ойидаги Хайъат йиғилишида тасдиқланиб, патент. уз сайтига жойлаштирилди. Концепция асосида Давлат дастурини тайёрлаш ва уни Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқлаш кўзда тутилган эди. Афсуски, ажойиб орзуларимиз амалга ошмай қолди.

2010 йилнинг декабрь ойида соҳани ислоҳ этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори чиқди. Унга кўра, 2011 йил мобайнида Давлат патент идораси (110 киши) ва Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги (17 киши) қўшилиб, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги тузилиши кўзда тутилди. Топшириқга биноан, идорамиз етук мутахассислари қисқа муддатда янги агентликнинг қарори лойиҳасини ишлаб чиқишди, ўнлаб ҳукумат қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лойиҳалари ҳам тайёрланди.

Бироқ агентликка марказдан бино топиш масаласи охирига етмай қолаётган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 6 апрелдаги фармойишига кўра, Низомий номидаги Педагогика университети биқинидаги

Микроэлектроника илмий-тадқиқот институти биносига бир ой ичида кўчиб ўтиш белгиланди. Манзилга бориб кўрсак, 1947 йилда қурилган эски бино тўкилиб ётибди. Уни қайта тиклашнинг иложи йўқ. Бу ҳақда бош вазир ўринбосари А.Н.Ариповга ахборот берилди. “Фармойишни бажариш керак, вассалом”, деган жавобни олдик. Мен эса оёғимни қаттиқ тираб олдим. Ўзим ишлаган даврда орқага кетиш, маънавий йўқотиш бўлишини билардим. БМТ тизимидаги 16 та йирик ташкилотдан энг обрўлиси ҳам Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳисобланади. Биз Женева шаҳридаги бош офисимизга доимо ахборотлар юбориб турамиз. Ойига уч марта ҳисоб рақамимизга келиб тушадиган хорижий валюта ва миллий сўмларнинг 92 фоизи республика бюджетига ўтказилади. Давлатга яхши иқтисодий фойда келтирадиган идорага муносабатнинг ўзгаришини хоҳлардим.

Асосий муддао Тошкент марказидан замонавий бинони қидириб топиш эди. Шу масалада Вазирлар Маҳкамаси ва Мулк қўмитасига кўп марта қатнашимизга тўғри келди. Охир-оқибат, масаланинг ечими топилгандек бўлди. Икки ташкилот қўшилишига доир Президент қарори эълон қилинишига ўн кунча қолганда, шаҳарда бўшаган каттакон бинонинг дарагини эшитдим. Давлат Мулк қўмитаси раисининг ўринбосари Ахтам Долиевга дарҳол учраб, Ҳамид Олимжон метроси ёнидаги Ранглиметалл илмий-тадқиқот институти собиқ биносининг 5-7-қаватларини “эгаллаб олиш” бўйича музокаралар олиб бордик. Сухбат-учрашувлар якунида барча лойиҳа чизмаларини кўтариб, бош вазир ўринбосари Абдулла Ариповнинг ҳузурига бордик.

—Бу бинога Тошкент шаҳар ҳокимлигининг эски биносидан чиқарилган “Маҳалла” фонди, Маънавият тарғибот маркази каби эътиборли идораларни жойлаштирамиз,—деди қатъий оҳангда А. Арипов.

—БМТ ташкилоти билан доимий ишлайдиган Патент идорасига жой топмасак бўлмайди, Абдулла ака,—дедим илтимос оҳангида. — Шу бинони кўлдан чиқармайлик. Президент қарори чиккунга қадар масаланинг ечими топилса, манзилимиз ҳужжатга кириб қоларди.

Ўшанда раҳбар Интеллектуал мулк агентлигини тузиш тўғрисида қарор тайёрланаётгани эсига тушиб, сал юмшаган бўлди, чоғи, бино лойиҳаси ҳужжатини тезроқ олиб келишни сўради. Биз стол устига қоғозларни ёйиб ташладик. Арипов бешинчи-еттинчи қаватларнинг жойлашуви харитасини кўздан кечирди.

- Шу жой етадими, бошқа талаб қилмайсизми? –салмоқлаб сўради у.
- Етиб ортади, Абдулла ака.
- Бўпти, расмийлаштираверинг.

Масала ижобий ҳал бўлган эди! Ютуғимиз шунда эдики, бу жой Патент идораси биносидан икки баравар кўпроқ майдонни эгаллаган эди. Долиев, ҳукумат идораси вакили ва камина хурсанд бўлганча хонадан югуриб чиқиб кетдик. Беш кун ўтмаёқ, Президент қарори эълон қилинди. Унда Агентликнинг манзилгоҳи алоҳида бандда кўрсатиб ўтилди.

Лекин Интеллектуал мулк агентлигининг раҳбари масаласи юқори идораларда ҳали кўрилмаган эди. Бунга сабаб, уч ойдирки (ўрнатилган тартибдан уч баравар кўп муддат) Молия вазирлиги назорат-тафтиш бош бошқармаси вакиллари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан бирга идорамизни илма-тешиқ қилиб текширарди. Молия-хўжалиқ фаолиятида айтарли камчилик топишмаган бўлишса-да, иш “буюртма” бўлгани туфайли текширишни чўзиб келишарди. Ҳатто бу масалага ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам аралашди. Мақсад мени маъмурий жазолаш ва янги вазир лавозимига номзодимни олиб ташлашдан иборат бўлганди. Ахийри, “буюртмачилар” асл мақсадига эришди: бухгалтериянинг масъул ходимлари ва каминани ишда “совуққонлик”да айблаб, жарима жазосига тортишди. Ариза ёзиб, ишдан бўшашдан ўзга чорам қолмади. Кадрлар бўлими бошлиғи Ўткир Жўраевга аризамни ташлаб, хонани дарҳол бўшатдим-да, уйимга равона бўлдим.

Йўлда кетиб бораяпман. Хаёлимда ғалати фикрлар айланади. Олти йил давлатнинг масъул лавозимларида: Вазирлар Маҳкамаси аппаратида, Ахборот технологиялари университетида проректор, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигида вазир ўринбосари, Патент идорасида вазир

лавозимларида ишладим. Юқорининг топшириғини виждонан бажардим, давлатга ва жамоага хиёнат қилмадим. Ўғирликка қўл урмадим. Шунга карамай, “кўча таътили”га чиқариб юборишди?! “Омонов яхши ишлаб турувди, қайсидир махсус орган “буюртма”си бўйича уни текшириб, ишдан бўшашга мажбур қилишибди”, деган саволни кураторлар бермади. Ҳа, ўша йиллари яхши раҳбарларга ёппасига “ҳужум” кучайган эди. “Майли, садқаи сар, бир жиҳатдан яхши бўлди, давлат хизматида елиб-югуриб, ҳаловатимни йўқотдим. Оилам, фарзандларим, қариндошларим билан кам учрашдим, соғлиғимни ҳам йўқотдим. Ўт пуфагимда тош йиғилган, асабларим обдан чарчаган”, дердим ўзимга.

Ўшанда ўзимга муносиб иш топиб кетишимга ишонардим. Бироқ кўнглингга ёққан ишингга ўтишинг қийин, сабаби ён атрофингда “Бу одам юқори лавозимдан беҳуда кетмаган” дегувчилар кўпайган эди. Ўша йилларда жамиятда нотабиий муҳит ҳукмронлик қилишини билардим. Инсон бошига оғир иш тушганда, буни юрак-юракдан ҳис этар экан.

Бир ойдирки, уйда ётибман. Бекорчиликдан тамоман зерикиб кетдим. Юрагим сиқилади. Кунига ўн-ўн икки соат раҳбарлик курсисида ўтирган одамга ишсиз юриш азоб-уқубат экан.

13. Инновация марказида

Ўша кунлари бир ҳадисни ўқиб қолдим. Муҳаммад алайҳиссалом издошларига “Илм эгалланг! Илм – саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида–таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда–мададкор, одамлар орасида–зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”¹⁵, деган эканлар. Ажойиб сўзларни ўқиганимдан кейин, беихтиёр, докторлик диссертациясини давом эттириш истаги уйғонди. Устозим Садулла Отамуродов икки йилдирки, мени ўзим йиққан тадқиқот материаллари билан бирга ўз кабинетида кутарди. “Раҳбарликдан бу иш

¹⁵ Муҳаммад пайғамбар қиссаси / Билқиз Аладдин. Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом қиссаси. Т.: Камалак, 1991. – 43-бет.

афзал. Раҳбарлик бугунги кунга, илмий даража узоқ йилларга хизмат қилади”, дерди домла.

Ишсиз юрганимга бир ой ўтганди. Кутилмаганда Талабалар шаҳарчасида жойлашган “Фан ва тараққиёт” илмий-технологик мажмуасига ишга таклиф этиб қолишди. Хурсанд бўлдим. Инновация маркази менга бегонароқ соҳа бўлса-да, бу борада ҳам тажриба тўпласам зарар қилмайди, деган фикр туғилди. Энди жамиятда пастроққа тушиб, олимларнинг ихтироларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ёрдам бераман!

Раисимиз Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Сойибжон Содикович Негматов кўпни кўрган, ўта зиёли одам эди.

–Ўзим ҳам 1985 йилларда олий таълим вазири ўринбосари лавозимидан бўшагач, сиз кўрган корхонани тузишга киришдим, – деди раҳбаримиз суҳбат чоғида. – Асбоб-ускуналар сотиб олдик, илмий лабораториялар очиб, кимё, физика, композицион полимер материаллар соҳасида ишлайдиган иқтидорли олимларни атрофимизга тўплادик. Уч қаватли биномизда иқтисодиётнинг турли тармоқларида тадқиқотлар олиб бориш учун шарт-шароит муҳайё этилган...

Шундай қилиб, корхонада интеллектуал мулк масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимида иш бошладим. Қарийб икки гектар майдон ҳудуд механика факультетининг шундоқ орқасида жойлашган. Сокин, баҳаво, ҳам тинч жой. Иш жараёни билан яқиндан танишар эканман, бу марказ композицион полимер материаллар йўналишида мактаб яратганига гувоҳ бўлдим.

Улкан илмий-технологик мажмуа таркибида ўн битта илмий-тадқиқот лаборатория, “Ностандарт ва технологик жиҳозлар” конструкторлик бюроси, “Таркибий тадқиқотлаш ва ноёб асбоб-ускуналар” бўлими бор. Унда учта академик, ўн иккита фан доктори, йигирмадан зиёд фан номзоди ишлашининг ўзиёқ, салоҳият юқори эканлигидан далолат беради. 1998 йилдан бери даргоҳда “Композицион материаллар кимёси ва технологияси”, “Локлар, бўёқлар ва органик қопламалар технологияси” ва “Каучук ва резина технологияси”

ихтисослиги бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўлиб ўтади.

Ишдан бўш вақтимда, жамиятнинг сиёсий модернизациясига оид тадқиқотимни давом эттирдим. Инсон нимадандир ютқазса, бошқасида ютади. Қўлимда анча манбалар тўпланганидан, диссертациянинг керакли ўринларини тўлдириб ва бойитиб боравердим. Нашриётларда ишлаганим туфайли режа асосида ёзиш, илмий манбалардан фойдаланиш, мантикий давомийликка эришиш, ишни таҳрирдан ўтказиш ҳадисини олганим иш берди. Тўрт ойларда тадқиқотнинг биринчи вариантыни ёзиб тугаллаб, илмий раҳбаримга топширдим. Саъдулла ака мулоҳазали, вазмин киши. Ишимни тезда ўқиб чиқиб, холис танқидий фикрларини ёзиб қўлимга тутқазди. Домланинг зийрак нигоҳидан ҳеч нарсани беркитиб бўлмаслигини тушундим: ўн икки бетдан иборат хулосада роса пўстагим қоқилган эди. Бир ойча ухламасдан, камчиликларни тузатиб чиқдим. Сўнг яна компьютерда ишлашга ўтирдим. Гапнинг очиғи, узун қиш кечаларида қаттиқ заҳмат чекканим ҳисобига диссертациянинг олтита варианты дунёга келганди. Роса толиқдим ва озиб-тўзиб кетдим...

Бир куни қўрқа-писа яна Саъдулла аканинг кабинетига кириб бордим. Домла қўлёзмани йигирма кунча кўриб бўлгач, мени қошларига чақирдилар.

– Бахтиёр, сиёсий модернизация мавзусида республикамизда илмий ишлар ёзилмаган. Янги тадқиқот пайдо бўлибди. Барака топинг!–дедилар бағриларига босиб. – Ишингизни китоб ҳолида чиқаришга тавсия этаман.

Энди устозни уялтирмаган эдим. Қўлёзмани дарҳол қоғозда чиқариб, “Фан ва технология” нашриётига топширдим. 2012 йилнинг май ойида “Сиёсий модернизациялаш моделлари ва Ўзбекистон тажрибаси” номли йигирма босма табоқлик монография босилиб чиқди. Ўша куни хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Узоқ йиллик меҳнатим самараси рўёбга чиққан эди-да.

Ҳар бир давр, жамият вақт ўтган сари диалектик асосда замон билан мослашиб, ўзгариб ва янгиланиб боради. Шундай экан, ҳар қандай

янгиланиш қандай усулда амалга оширилади? Унинг мазмун-моҳияти, мезонлари ва тамойилларини нималар ташкил этади? Сиёсий модернизациялаш-замонавийлашувнинг мақсади, унинг концептуал моделлари барқарор тараққиётни кафолатлашда қандай рол ўйнайди? Юртимизда ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда сиёсий модернизациянинг ўрни нимадан иборат? Сиёсий модернизациялаш моделларининг илғор хориж тажрибасини ўрганиш мамлакатимизга нима беради? Ушбу китоб ана шу назарий ва амалий саволларга атрофлича жавоб берарди.

Шундай қилиб, 2012 йилнинг сентябрь ойида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишни мўлжаллагандим. Аммо, кутилмаганда, июль ойида докторлик ишлари ҳимояси тартибини такомиллаштиришга доир ҳукуматнинг 365-сонли қарори чиқди. Хужжатга кўра, номзодлик ишлари барҳам топди, магистрлик мақоми кўтарилди, аспирантура ўрнига докторантура тизими жорий этилди. Испаниянинг Болонья тизимиغا ўтилиши муносабати билан июль ойидан то 2014 йилнинг сентябрь ойигача илмий ҳимоялар вақтинча тўхтатиб қўйилди. Мен Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига тадқиқотимни топшириб қўйган эдим...

Ноиложликдан бошқа ишларга шўнғиб кетдим. Ишхонамизда нефт ва газ тармоғи билан ихтироларни жорий этишга доир бир қатор шартномалар тузилган эди. Режага амал қилишда жиддий муаммолар пайдо бўлди. Гарчи бу борада анча ишлар бажарилган бўлса-да, маблағдан дарак йўқ эди. Раисимиз Сойибжон Негматов мени олдига чақириб:

– Қарши шаҳрига тезда бориб келиш керак!–деди. –Буюртмачи “Ўзгеобурғунефтгаз” компаниясининг раҳбарияти ва тегишли муҳандис-техник ходимларга учраб, шу ишларни тезлаштирасиз.

– Бўпти, домла.

– Сизни юборишимдан мақсад – шартнома бўйича ҳисоботни қабул қилдириш ва далолатномаларга имзо чектириб олиш. Агар кечиксак, маблағ ололмай қоламиз. Аҳволни ўрганиб ижобий томонга ўзгартириш лозим.

Иккинчи сафар борганда, нефть тармоғи бўйича кучли мутахассис Йўлдош ака Раҳимовни қўшиб юбораман. Нефть қудуқларига фойдали кимёвий реагентни лабораторияда синаб келасизлар.

Сойибжон Содиқович ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон раҳбар. Устозимиз кимни нима мақсадда йўналтиришни яхши билади. Масалан, расмий хат ва ҳисоботларни Жўра Исломовга, ташкилий юмушларни Баҳодир Собировга, грант тадқиқотлар ва илмий ҳимояларни Муҳиба Бобохоновага юклаб қўяди. Лекин ижро назоратини ўзи тўлиқ зиммасига олиб, ҳатто икки-уча папкадаги ҳужжатларни уйига олиб кетади. Шу сабаб, вазирлик ва идораларга жўнатилган ҳисоботларимиздан хато топишмайди.

Домла Қарши шаҳрида ҳужжатларни имзолашда бюрократик тўсиқлар бўлишини олдиндан билар экан. Чунки 2010 йилда Устюртга борган ходимларимиз қишли-қировли изғиринда бир ҳафта чўлда қолиб кетиб, овораи-сарсон бўлишган, шунда ҳам ишлари ярим-ёрти бажариб ортга қайтишган эди. Бунинг боиси, компания ходимлари, хусусан, бошқарма бошлиқлари ҳудуди бир минг километрга чўзилган бурғулаш қудуқларига мунтазам чиқиб туришар экан.

Аммо бу гал ишимиз осон битди. Раҳбар ўринбосари Алимардонов Президент академиясида ўқиган йигит экан. Мен озгина муддат сабоқ берган эдим. Бир-биримизни таниб қолдик. Гаплашиб олгандан кейин у бизга кўмак беришга сўз берди. Ҳукумат мажлиси баённомасини асос сифатида қўлига тутқазганимдан кейин маблағ ўтказишни ҳам тезлаштирди.

Домла хурсанд эди. “Баракалла, ўғлим. Қайтиб келгандан кейин натижани нишонлаймиз”, деди телефонда. Ҳа, Сойибжон Негматовнинг хотамтойиги, мард инсон эканлигини ҳамма биларди.

xxx

...Ҳаётим давомида турли касб ва тоифадаги одамлар билан баҳамжиҳат ишладим. Ноширлар, матбаачилар, шоирлар, адиблар, журналистлар, таржимонлар, олимлар, ихтирочилар билан ўтказган мулоқотлар, суҳбатлар менга кўп сабоқлар берди. Аллоҳнинг марҳамати, ота-

онамнинг тарбияси ва атрофимдаги яхши инсонларнинг далдаси эвазига шундай кунларга етиб келдим...

Умр йўлида учратган хамроҳларим, маслакдошларим: академиклар Бўрибой Аҳмедов, Сойибжон Негматов, профессор Нажмиддин Комилов, шоирлар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, ноширлар Ислон Шоғуломов, Рустам Шоғуломов, Тўхтасин Бобожонов, профессор Алишер Азизхўжаев, профессор Садулла Отамуродовдан умрбод қарздорман. Устозлар билан ўтказган дамларимни, уларнинг илиқ муносабати ва меҳр-мурувватларини ҳеч қачон унутмайман. Бу кўмаклар, далдалар, юпатишлар, табриклар ва ҳатто танқидлар ўзимни намоён этишимга имкон берди. Ёшлигимга бориб, дўстона, холис танбеҳларни ҳисобга олмаганим, бепарволик қилган онларимни армон билан эслайман. Буни Тақдир дерлар, тақдирни эса ўзгартириб бўлмайди...

Мен – бахтиёрман!

БАҲОР, ҚИШ...



Азиз авлиёлар инсоннинг умрини тўрт фаслга ўхшатишади: баҳор, ёз, куз, қиш. Нимагалигини билмайман-у, улар ичида боши ва охирини кўпроқ эслашади. Сабаб, киши ёшлигида ҳаётга ташна, кўнгли тоза, ўзи самимий, ёқимтой бўлади. Ўртада неки ўтса ўтади – билмайди, эътибор бермайди, вақт бор-ку, улгураман, тузаламан, яхши одам бўламан, деб телбаворларча яшайверади. Бир куни қарасаки, соқолига оқ оралабди, бобо бўлибди. Ёзи ва кузи шамолдай елиб ўтибди. Бор-йўғи киши қолибди. Э, кўп нарсага ақлим, фаросатим етар экан-ку, нега адашиб, улоқиб олтин вақтимни беҳуда ўтказибман, дейди афсус чекиб.

Ушбу битиклар бир инсоннинг яхши-ёмон кунларидан чиқарган сабоқлари, ўзи тўқиган ҳикматларидир. Марҳамат, мутолаа қилинг.

НИДОЛАР

Қалб нидоси, фарёди, кўпириши, тиниши – инсоннинг ўз йўлидан чекиниши, ожизлигини билдирмайди, балки бу – ўзликка қайтиш, юракдан мадад ва малҳам топа олишдир.

Инсон. Тангри яратган мураккаб хилқат у. Инсоннинг кучли тарафларини сафдошлари, ҳамкасблари тан олмайди, ожиз томонларини ўзи билмайди, қусурларини эса мансаб курсиси ёпиб туради.

Ҳаёт. Шахмат тахтасига ўхшаган ўйин у. Ё ютасан, ё ютқазасан. Пиёда кучсиз бўлса-да, отлиқ, вазир ва подшо билан курашишдан қайтмайди.

Умр йўлида. Йигирма ёш – телбавор хаёлларга берилиш;

ўттиз ёш – югурик ташвишларга кўмилиш;

қирқ ёш – сокинликка юз буриш;

эллик ёш – тозариш ва эврилиш;

олтмиш ёш – саждага кечикиб бош қўйиш;

етмиш ёш – умрни тарозига солиш;

саксон ёш – болаликка қайтиш;

тўқсон ёш – минг ойликдан сакраб ўтиш;

юз ёш – ўлимга тик боқиш.

Ўттизга кирган, ёш кўнглим, дунёнинг баланд-паст йўлларида юришга, аччиқ-тиззиқ кунларга бардошинг етадими? Бир ёқдан аканг бақирса, бир ёқдан ҳамкасбинг ўртага низо солмоқчи бўлса, раҳбаринг туриб ўдағайласа, рўзғор ташвиши тишингни қайраса, буларга чидай оласанми? Ҳали кичик, дарз етмаган қалбинг имтиҳонга дош берадими?!

Элликка кирган, кўнглим, дунёнинг югур-югурларида чарчаб, ниҳоят, эмин-эркинликни, хотиржамликни ўзингга эп кўргин. Сен энди деворларга урилган бошингни асрашни ҳам ўргангин.

Рақиб ким? У сен сиғинган Ҳақ Каъбасига бош урмаган, доно фикрлару теран ўйларингдан олисда юрган танишинг.

Рақиб – сени кибр-ҳаводан асраган, дамба-дам қамчилаб, тўғри йўлга бошлаган ҳамроҳинг.

Рақиб – манманлик ва разиллик кўчасига кирганингда, юзингга ҳақни айтган, огоҳликка чақирган чин дўстинг.

Пул. Пулни пул чақиради, дейди тадбиркор, аммо қўлидаги пуллар қай йўл билан топилганидан Аллоҳ бохабар эканлигини билмайди. Ҳаром пуллар наслни – авлодларини бузиб қўяжagini ўйламайди.

Ароқ. Инсоният ўйлаб топган энг зарарли ичимлик, фожиаларнинг боши, йигит умрининг заволи.

Китоб – қуёш. Кимнидир тарбиялаб улуғликка бошласа, баъзи бир китоблар кимнидир ҳаётдан бездириб қўйиши ҳам мумкин. Ақлий салоҳият ген орқали зурриётга кўчади. Китобдан безиб улғайган бола сўкағон бўлиб ўсади.

Ноқобил фарзанд. Боланг гап қайтарса, кўнглингга озор берса, кишига алам қилар экан. Ўзингни зурёдинг шундай бўлгач...ўзгадан хафа бўлиш ўринлими, инсон?!

Уруғ. Танишингнинг ўзбек ёки тожик уруғидан эканлигини билиш сенга шунчалик зарилми? Ўтмишдаги қайси бир қабила ёки қавмнинг хислатлари ва аъмоли бизга етиб келибди, болам.

Келин. Ақли калта келин – оила сирини ёйиш, гап-сўзларни уйдан уйга ташиш, қудаларни уриштиришга мойил бўлиб, улкан деворни қулата олади у.

Ақлли келин – хонадон бахти, буюк зурриётлар давомчиси, миллатнинг фахри. Президентларни ҳам, ботирларни ҳам, даҳоларни ҳам у тукқан.

Ғулом. Хизматкор азалдан бой-бадавлат одамларга хизмат қилиш учун яралган. Унинг фикри-ёди фақир кулбасига нон, овқат, кийим-кечак олиб келишдир. Шуни билгинки, ақл-идрокдан жисмоний меҳнатни устун қўйган ғулом фикрламайди – бу машғулоти у ўзига эп кўрмайди.

“Боғбон”. Бу номнинг маъно-мазмунини англашимда, ёшлигимда кўрган ҳиндларнинг “Боғбон” фильми яхшигина сабоқ бўлган.

“Боғбон” – оила бошлиғи меҳнатининг қадр топмаслиги ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат ришталари узилиши тимсоли.

“Боғбон” – тошбағир ўғиллар, бешафқат келинларнинг ота-онага, қайнота ва қайнонага ётсирай бошлашидан мужда ва огоҳлик дарағи.

Рамазон. Меҳр-шафқат, мурувват, рағбат, шафоат оyi. Рўзадорлар оғанини, сирдош, маслакдош ва биродар бўладиган муқаддас ой.

Рўза тута олмаган мусулмон ислом нури, ибодати, илоҳий мўъжизасидан бенасиб, бир-бирининг дарди, ички кечинмаларидан йироқ, ҳар ишда сабрсиз, ўзи иродасиз, нафсга тобе кимса.

Жим. Ул зот суҳбатларда, давраларда жим, кўчада жим юришни одат қилганига йигирма йилдан ошди. Гунг-соқов одамга ўхшайди, гўё. У ўзини нега бунчалар сирли-синоатли тутишини ёлғиз Парвардигор билади.

Баъзан жимликни бузгиси келади, давраларда фикр истаб қолади. Аммо биладики, фикрини очик билдирганни ёқтиришмайди. “Замондан орқада қолган”, дейишади.

Жим юриш яхши, фойдали одат. Биродарим ўн йил жим юрди, ичида сақлаган дард, исёнларини яширди. Кунларнинг бирида “Жим” деган

романини ёзиб тугатди. Ўқиганлар ҳайратдан ёқа ушлади. Жасур, кучли одам экан, деб алқашди. Ўзи пахтадай юмшоқ бўлса-да, юраги йўлбарсникидан бақувват экан, дегувчилар ҳам бўлди.

Муомала. Ҳаётда сув ва ҳаводай зарур восита бу. Мен билган йигит хоксор бўлгани, дардини ичида сақлагани, ўта эҳтиёткорлиги туфайли омади чопмади.

Аммо яқин ўртоғининг билими, савияси ўн чандон паст бўлса-да, сўзамоллиги, хушомадгўйлиги сабабли... юқорига кўтарилди.

Мансаб театр томошасига ўхшайди. Ҳаётда ролингни қойилмақом бажармасанг, жамият сени... бошқаси билан алмаштиради.

Раҳбарликда узоқ ўтирган киши буюклик, халқ ичида танилган шахс соддалик касалига дучор бўлади.

Бировнинг сири ва гапини раҳбарларга ташиб юравериб, лавозимга ўтирган киши – энг тубан кимсадир.

Бошингга оғир кун тушганда юқори лавозимдаги танишингни қошига борма, аҳволинг баттарлашади.

Кино ақлни ўтмаслаштиради, китоб ақлни чархлайди. Бекорчилик одамни сафсатабозга айлантиради, бозорда ишлаш – пул касалига йўлиқтиради.

Телевизор балои офат: олдин танангни, кейин онгни, сўнг қалбингни заҳарлайди. Охирги иши – умрингни қисқартиради.

Олимлар телевизор томоша қилишнинг 8 та салбий оқибатини аниқлашган. Яъни, у бош мия фаоллигини кучсизлантиради, артериал босимни, асабийликни, онкологик касалликлар ривожланиши эҳтимолини 9 фоизга оширади. Агар цивилизациянинг бу ютуғидан кунига 1,5 – 2 соат баҳраманд бўлсак, жисмоний ва руҳий саломатлигимизни сақлаган бўламиз.

Пулнинг кучи. Агар оилада пул кўпайса, хотин эрини топармон-тутармон киши сифатида қўшнилардан юқори қўяди, бировларга паст назар билан қарайди. Пулга зориқса... эрини ёмон кўради ва уни ёмонлашга тушади.

Пул, бойлик – хотиннинг кўзини ёпади. У эрини яна кўпроқ пул топишга кўндиради, кейин қурган ҳовли-жойи, машиналари билан мақтана бошлайди.

Пул, бойлик – камбағал ва бойлар ўртасида меҳр-оқибатни камайтиради.

Пулнинг кучи шундаки, у одамларни табақага бўлади: “юқори” табақа тез-тез учрашиб, бизнесни юргизади; “паст” табақа – пул топишдан йирок кимсалар оддий умргузаронлик қилиб юради. Олтин ўрталикни танлайди. Лекин топган-тутган лукмалари ҳалол бўлади.

Пул, бойлик кетидан қувган кимсаларнинг ҳаёти қандай якун топишини эса ёлғиз Аллоҳ билади.

Душман ким? Чин дўстни тополмаган, дўстликни қадрига етмаган пайтингда рўпарангда душман пайдо бўлади. Билимсиз, ғўр, ҳавойи бўлсанг душманлар сени излаб келаверади. Шароит туғдирдингми, бўлди, энди у сени назорат қилади.

Сен яхшиликка юз буриб, жамиятда ақлинг, билиминг, тажрибанг билан ажралиб туришингда “душман”ингни ҳам хизмати бор, деб билгин.

Чунки душман кичик ишораси, кучли танқиди ва кутилмаган турткиси билан кўзингни очиб боради.

Товуш. Баланд, йўғон товушли одам ҳаётда кўп қийналади. Сабаби, оддий гаплари ҳам бошқаларга жаҳлдорлик, ғазабга ўхшаб туюлади. Сухбатдоши: “Овозингни кўтарма, қулоғим эшитади”, дейди хафа бўлиб.

Товуш мулойим, ширали бўлса, хижолат чекмайсан, ҳатто бундан тананг яйрайди. Хушмуомала, ширинкалом кишини ҳамма ҳурмат қилади ва унинг оҳанрабодай нутқи одамларни ўзига жалб қилади.

Йўғон, бақироқ овозли киши дилларга билинар-билинемас озор етказади.

Димоғ. Ҳайвоний манмансираш, кибру ҳавонинг бир тури. Димоғдор бурнидан пастини кўрмайди, сал бундайроқ одамни писанд қилмайди... Аммо у ўзидан юқори мансабдаги “зот”ни кўрса, бирдан турланади, ўзини йўқотиб қўяди.

Булар ва улар. Бу тушунчани сизга соддароқ тилда етказаман.

Мен “Булар”нинг “Ватан мадҳи”ни қўшиғида у қадар қуйлашига ишонгим келмайди. Чунки дили, дарди, юриш-туриши, кийиниши– енгил,

хаёти ҳам енгиллик устига қурилган. Шу боисдан, “...Жоним фидо” деб баралла куйлаши қалбларга етиб бормади. Юрагимиз жиз этмаса, бу санъат эмас-да.

Узоқ йиллар бурун сахналаримизни тўлдирган “Улар”ни ҳам эслолмай туролмайман. Юрти учун жонини тиккан, камтар яшаган, жонфидо зотлар эди “улар”. Фикрлари ўзидек тоза, қўшиқлари оҳори тўкилмаган, дилга яқин, дилтортар, соғинчли эди. “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ”, “Наргиз”ни куйлашарди. Халқ лапарлари, куйлари, қўшиқлари мангулик лаззат; сиймолари кадрли; гаплари содда, ички туғёни элга яқин эди...

“Булар” (Бугунги қўшиқчилар) “Улар”дан юз баробар тўкин яшайди, лекин юлдуз бўла олмайди. Кучли фонограмма ҳам, улкан технологиялар ҳам, қоп-қоп пуллари ҳам, реклама ҳам юлдуз қилишга ожизлик қилади.

Уйқу. Бепарво одам эрталаб мириқиб ухлайди. Бошқалар нонуштага ўтирганда ҳам, пешинда ҳам ухлаётган бўлади. Шом маҳали кимлардир намоз ўқиётганда уйқуга чўмади, тунда олим ва шоирлар учқур илҳом отига миниб, фикр, ғояларини қоғозга тушираётганда ҳам ширин уйқуда кўрамиз.

Уйқу – даҳшатли туш, зерикарли эртак ва сароб аралаш ҳаёт.

Уйқу – узоқ давом этадиган алаҳсираш, нимадандир бебаҳра қолиш, бенасиб бўлиш дамлари.

Совға. Таваллуд, юбилей, тўй маросимида чин дилдан ёки сохталик билан топширилган тухфа. Ҳажми шоҳона, ўртамиёна ё оддий бўлади. Узоқни кўра билгувчи раҳбар катта совғани қабул қилмайди. Чунки яхши тухфани олгудек бўлса, ўзини ўша одамга ипсиз боғлаб қўяди.

Совға – эркинликни чеклаб қўядиган матоҳ.

Мулойим одам. Баланд бўйли, юмшоққўнгил, сал соддароқ бу одам билан тоғ бағридаги санаторийда танишдим. Оғир-вазмин, ҳис-ҳаяжондан холи, мулоҳазали одам экан. Камина билган, учрашган зиёли шахсларнинг барини танишига қойил қолдим.

Шаҳарга қайтиб келганимдан кейин саволларимга жавоб топгандай бўлдим. Узоқни кўра оладиган, уддабуррон танишим ҳаётда ҳеч кимни хафа қилмаган, бирон кишига ақалли қарши бормаган экан. Англашимча, у ишини

хамирдан қил суғургандай осон битиради, лекин ишхонада, давраларда инқилобий фикрлар-у, ўткир ғояларни айтмайди. “Домла” ўзига ёрдами тегадиган, фойдали шахслар билан борди-келди қилар, тўй-маъракалардан қолмас, ёру биродарлари шифохонага ётса, кунора ҳолидан хабар оларди. Унинг сабр-қаноатига, “замонасоз” характериға тан бердим. Жамиятнинг талабларини бекаму кўст адо этгани сабабли, уйда ҳам, ишхонада ҳам уни эъзозлар эдилар.

Камина эллик ёшга кирган бўлса-да, “Мулойимликнинг олтин қоидаси”дан беҳабар эканман.

– Отам одамларға тўғри гап ёқмаслигини қулоғимға қуйган ўн икки яшарлигимдан бошлаб, пластинкани дарҳол бошқа томонға ўзгартирдим, – дейди танишим. – Уларнинг насиҳатлари олтин улашгандан ҳам зиёда бўлди: мен хизмат пиллапоясидан юқорилаб боравердим. Ҳозирда катта бир илмий тадқиқот даргоҳининг раҳбариман.

– Отангиз буюк экан, – дедим домлага.

Менинг ибодатхонам. Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов. “Ҳар бир ёзувчи одам ўз ибодатхонасини қуришни истайди ва уни ёлғиз ўзи қуради”, деган эди. Айтматовнинг буюклиги шундаки, у инсон, табиат, она юрт, туркий халқларнинг буюк-содда турмуши, ғаройиб маросимлари, анъаналари, ритуали, психикаси, одатларининг энг нозик, теша тегмаган жиҳатларини ғоят гўзал тасвирлайди. Яна ёш севишганларнинг қалб тебраниши, азобларини, дарди ва армонларини ғаройиб талқинда бера олади.

Чингиз Айтматов – миллийликдан умумбашарий воқеа-ҳодисаларға туташадиган дардларни қуйлағувчи сўз сеҳргари. “Юзма-юз”, “Жамила”, “Оқ кема”, “Асрни қаритган кун”, “Қиёмат” асарлари фикримизға жонли далил.

Чингиз Айтматов – чўл ва дашт одамларининг турмушини нозик тасвирловчи адиб.

Мўъжизакор нутқ. Менинг назаримда, бундай нутқ – инсон тафаккури, руҳияти, ички олами, тебранишлари, ғалаёнлари, изтироблари, дарди-армонлари, орзуси, идеали, ҳатто кимлиги, қайдан келаётганлиги ва қайға

отланиб турганлиги ҳақида тўлиқ тасаввур беришга қодирдир. Мен эҳтиросли, таъсирчан нутқ ҳақида баҳс юритаётиб, сўнгги ўттиз йилда илмий, адабий жамоатчилик йиғилган тадбирларда юксак мақомда, баланд савияда айтилган, миллатимизга ўрнатилган бўлгулик нутқларни соғиниб халқ орзиги кутаётганини сезаман. Стокгольм шаҳрида Нобель мукофоти совриндорлари ҳаяжонли дақиқаларда сўзлаган ўта чуқур маъноли нутқларга ошиқ бўлиб қолганман...

Ўзгал нутқ – инсон ўз “мен”ини тўла намоён қилишининг чексиз имкони.

Телевиденияда ақлли, зийрак зиёлилар ўрнини замонасоз актёрлар, фонограммачи артистлар, саёз қўшиқчилар эгаллади. ZO‘R TVда “Божалар”, “Қуёвлар”, “Келинлар”, “Қайноналар” кўрсатувини кўрганимда, сохта кулгулар, сунъий гаплар, бачкана қилиқлардан ҳафа бўлиб кетаман. Актёр нутқи, сохта, сунъий, бачкана бўлса жуда ёмон экан.

Ёлғон нутқ халқни тарбияламайди, балки савияни тушириб қўяди.

Раҳбарликдан кетган одам. Энди у маълум вақт янгича шароитга кўника олмайди. Қарахт, маст одамга ўхшаб юради. Машинасиз қолган кунлари учун хотини уни ёмонлайди.

Раҳбарликдан кетган одам – оддий фуқароларга ўхшаб содда, камтарона яшашни яхши билмайди.

Аммо уйда, кўчада у салобатли қадамлар ташлайди. Ўйғон овозда гапирди. Паст тушгиси келмайди-да.

– Буйруқ берманг, бақирманг, лавозимдан кетган одам учун шунга зарурат қолмаган, – деб хотини қийинчилади.

Ичида у бир гапни такрорлаб юради: “Мансаб курсисини эсон-омон топшириб, ярим тунгача югуриш азобидан қутулдим. Худога минг қатла шукр”.

Сув. Сув ва сувсизлик нелигини ташналикни бошидан ўтказган киши билади. Бир замонлар Нурота ўлкаси тоғу тошлардан сизилиб келадиган оби ҳаётнинг йўллари тўсилди. Халқ кўп жабру жафоларни чекди. Юртда вабо тарқалиб, одамлар ўла бошлади. Фалокатнинг олдини тўсиш мақсадида халқнинг ўзи ер ости сув иншооти – қориз ирригация тизимини ўйлаб топди.

Эллик йил ичида қалъа-ю, сардобалар, дала-даштларда тўрт юзга яқин коризлар қазилди.

Одамлар яна сувга ташналигини қондирди. Ҳовлилар, томорқалар, полизлар ям-яшил рангга бўялди. Гумбаз, Бўрикалла навли қовун-тарвузлар машина-машина шаҳарга ташила бошланди...

“Халқ –денгиз”, “халқ – куч” , деган сўзларнинг исботи коризлар мисолида исботини топди.

Тоғай. Табиатан камгап бўлса-да, ўзи кучли шахс эди у. Журналларга ҳарф териш цехида мусахҳиҳ бўлиб бирга ишлаганимизда оғзига талқон солган, соқов одамдай юргувчи эди. Давра-гаштакларда фикр билдирмасди, фақат эшитарди.

Ҳамкасбим қақшатқич ҳаёт синовларига чидаб яшади. Бўёқ ҳиди анқиб турган босмахонадан уйига келгани ҳамон дардини, аламини қоғоздан оларди. Инсоннинг чексиз-чегарасиз имконлари-ю, руҳий исёнларини ёзишдан тўхтамасди.

Ички туйғуларини одамизоддан яширар, фақат парвардигорга ва оппоқ қоғозга ишонар эди. Ёзганида қоғозлар ғижимланиб кетарди. Тунлари уйқуни билмасди. Умри ўлчоғлик эканини ичдан сезарди. Ахийри, кунларнинг бирида “Полвон”¹⁶ деган қиссаси “Садо” журналида чиққандан кейин у ёшларнинг севимли адибига айланди-қолди.

Тоғай – ҳаёт куйчиси.

Тоғай – инсон дарду аламларини елкасига юклаган шоир.

Тоғай – кўнгли тоғдай юксак, маъсум шахс.

Бекорчилик. Бундай кунга қолишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Негаки, бекорчида кунлик режа, мақсад ва юмушнинг ўзи бўлмайди. Қадоқ кўллари, отни қувишга етгулик оёқлари тайинли ишнинг йўқлигидан зерикади, кўзини уйқу босади.

¹⁶ “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси назарда тутилган (муаллиф изоҳи).

Кўчага чиқади. Уч-тўртта такасалтанг, ишёқмас йигитлар енгил-елпи гаплардан сўз очиб, бошини оғритади. Энсаси қотади. “Шу аҳволга тушиб қолдимми”, деб ўзини ёмон кўра бошлайди.

Шартта уйга кириб, “Ўткан кунлар”ни ўқишга тушади. Отабек ва Кумушларнинг завқли ва аянчли ҳаётига қизиққанидан, атрофида уларга ўхшаш сиймоларни излайди, аммо тополмайди. Шунақа экан, китоб ўқиб нима қилади?!

Телевизор мурватини бурайди. “Дунё бўйлаб” каналидан Дубай, Қрим манзараларини кўриб, орзулар дарёсига ғарқ бўлади...

Эрталаб кўзини очиб, кечаги воқеаларни эслашга тушади. Шунда бирдан миясига “Ўқиш ва ишлаш керак!”, деган фикр келади.

Бўлмаса – ўлади.

Интернет. Сирли, кутилмаган мўъжиза. Ихтирочи Бернерс Ли аломат одам экан. 1989 йилда у қитъалар, минтақалар ва одамларни бирлаштиришни уддалаб қўйди-я.

Бир ижодкор дўстимга ўғли интернетиди WiFiга улаб бергач, ҳаловати буткул йўқолди. Кечкурун ишдан ҳориб қайтган заҳоти, чой ичар-ичмас, интернетга шўнғийди. Facebookга кириб, янги дўстларни қидиради, улар билан ёзишмалар алмашади, электрон манзилига кириб, хатларни ўқийди.

Кундалик юмушлар эса ортга сурилади. Умр оқиб ўтаверади...

Иш тополмаган зиёли. Бундан ўн йил олдин бу одамни пўрим кийиниб, қизил галстук тақиб олган ҳолатда бир дўстимнинг тўйида кўргандим. Қайсидир республика идорасида иш бошқарувчи бўлиб ишларди...

Яқинда яна учрашиб қолдик. У икки йилдан бери ишсизлиги, вақтида кимгадир ёрдам қўлини чўзгани, энди узатган қўллари бўш қайтаётгани, ўғлини уйлаш учун маблағ тополмаётгани, хуллас, йўллари тақатақ ёпилганидан қаттиқ нолиди.

Узоқ саргардонлик, аламли кутишлардан сўнг, энди ишлашга аввалги қизиқиши сўнган, чаққон табиятидан асар қолмаган эди.

–Нега бундай бўлди, жўра? Ишингизни орқага кетишига аниқ сабаб борми? – сўрадим куйиниб.

– Очик одамман! Сиримни ичимда сақлолмайман. Айбим шу, – деди у бошини эгиб.

Синфдошлар. Мактабни битиргандан сўнг, қирқ баҳор ва қиш, қирқ ёз ва куздан иборат шиддаткор умр фасллари бошдан кечирдик. Унинг йигирмаси уйқу билмаган майхонада, йигирмаси бола-чақани боқиш ташвиши билан ўтибди.

Биз яна ўша мактабдаги синфхонада учрашдик. Саксонга кирган собиқ физика муаллимимиз Қодир ота Ҳазратов оила жумбоқлари ҳақида қизик бир топишмоқни ўртага ташлади. Жавоб топа олмадик. Миялар толибди

Ўн етти яшарлигида кўрганим синфдош қизларнинг пешонасига ажин, сочига оқ тушиб, кўзларидаги нур сўнибди. Кимнингдир бошига ғам кўланкаси, кимнингдир юрагига дард чанг солганини кўрдим. Саккиз синфдошимиз ҳаёт билан видолашибди. Ўша болаликдаги нозик сиймолар бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Мен жамалак сочларидан тортқилаган қизил кўйлакли қизча дунёдан кўз юмибди. Кўзларимга ёш қалқиди.

Хазонрезги кузнинг офтобли кунида ҳасратлашиш жуда оғир кечди. Ҳаяжон, алам, ўкинч, армон, ҳижронни ўзида жамлаган ўша дийдор куни “ҳаёт – ўткинчи”, “ҳаёт – жилвакор”, “ҳаёт – алдамчи” деган ҳикматларнинг мағзини чаққандай бўлдим.

Кимлигингни билай. Ушбу саволга кўпинча жавоб тополмай қийналаман. Қодирий, Чўлпонларнинг ўлимига сабабчи бўлганлар, Усмон Носирни қамаганлар ўз ватандошлари эмасми? Бугун раҳбариятнинг оқил сўзларига қарсак чалган, эшиқдан ташқарига чиққани ҳамон, раҳбарга қарши мағзава сўзлар, иғво гаплар ағдарган, ёлғон ахборот сотиб, ўзи сотилиб юрадиганлар ҳам ватандошлар эмасми?!

Одам қалби кирланса ёмон экан. Алдоқчи, ўғриваччанинг пулига учиб, тоза қалби айниган, бижғиган одам, устингдаги ғилофингни еч – кимлигингни билиб олай. Тўғримисан, эгримисан ё иккиюзламачимисан?

Истеъдоднинг сўниши. Яқинда ёзувчи дўстимнинг чиройли ташбиҳини ўқиб қолдим. “Гулга кирган истеъдодни – мансаб, тўқлик, сохта шон каби бемаврид совуқлар уриб кетиши мумкин,—деб ёзади у.— Манманлик, кўрқоқлик, сотқинлик шамоллари юлқиб кетиши мумкин. Чамаси, улар ҳам истеъдоднинг нишона гулларига ўч бўлишади. Шунданмikan, халқ эрта гуллаган дарахтлардан умидини узади”.

Одатда, истеъдодли шахсларга мансабни бериб, истеъдодини ўлдиришади. Шунда илҳоми сўнади, руҳияти ўлади. Кейин у ички туйғуларини тиклашга фурсат тополмайди. Уч-тўрт соатлик мажлисбозликдан сўнг, баённома тузиш, қарорлар, фармойишларнинг лойиҳасини ёзиш ижодкорни ҳолдан тойдиради.

Ёзувчилар уюшмаси ҳам истеъдодли адиб ва шоирни тан олгиси келмайди. Амма ўлимидан кейин тан олади. Ҳаёт қонунлари қакшатқич...

Мен бир шоир ва рассомни яхши биламан. Истеъдодли шахслар. Бирининг иккита китоби чиқди, бири эса санъат кўргазмасини уюштирди. Шунда ҳам истеъдодга муносабат ўзгармади, қайтангга танқидлар кўпайди.

Кутилмаганда, икки дўстнинг ҳам омади чопди. Салафлари тажрибаси қўл келдими, ишқилиб, уларни юқори давлат идораларига ишга чақиришди.

Ана, имкон, ана минбар. Расмий давраларда тез-тез кўриниш бергач, жамият бу номларни нафақат таниди, ҳатто мақташга тушди.

Хаёл чечаклари. Турмуш ташвишларидан чарчаб қолган дамларимда Валентин Катаевнинг “Хаёл чечаклари” китобини оҳиста қўлимга оламан. Рус адиблари Иван Бунин ва Владимир Маяковскийнинг шахсий ҳаёти зарварақларини мазза қилиб ўқийман. Катаев ўз устозларининг изтиробли дамлари, нозик ўй-хаёллари, чимдим гаплари, заҳаромуз кулгулари, дабдабали турмуш тарзи ҳақида бўямасдан самимий оҳангда ёзади.

Бир куни Бунин шогирдига “ижодий” топшириқ беради: “Анави, елкасига сочиқ ташлаб олган, қўлида балиқ пуфаги, денгиз томон чопиб кетаётган қизчанинг шиппаги остидан чиқаётган шағал овозини тасвирланг. Қанақа овоз бу? Ёичирлаш десангиз, ёичирлаш эмас. Жаранглаш десангиз, жаранглаш эмас,

шитирлаш десангиз шитирлаш ҳам эмас. Бошқача – шағалнинг ўзига хос – ягона тўғри бир сўз топилиши зарур бўлган овоз”. Шогирд ҳалиги деталларни чизишга киришади. Бундай ижодий лаборатория ёш адибнинг қаламини чархлайди.

Китобда устоз портрети шундай тасвирланади: “Бунин кўринишдан чорбоғчига ўхшар, лекин у похол шляпа, апаш кўйлак, порусин туфли кийган, лапашанг маҳаллий чорбоғчи эмас эди. У қимматбаҳо ёзлик шиппак, кенг, яхши дазмолланган, қайтарма ёқали бўз кўйлакда, пўлат пенсьнеси кичкина кўкрак чўнтагига икки буклаб солиб қўйилган, белига кўп кишилар, – масалан менинг отам, – боғлаб юрадиган, шокиласи титилиб кетган бемаза илон тасма эмас, оддий, лекин барибир, анча қимматбаҳолиги кўриниб турган чарм камар боғлаб, ҳар замонда Толстойга ўхшаб унинг орасига қўлини тикиб юрадиган назокатли, зиёли пойтахтлик чорбоғчи эди”

Баъзида ўйга толаман: сўз ва эстрада санъаткорларининг устоз-шогирдлик анъанасини бизда ҳам шу тахлит давом эттирса бўлмасмикан?

Бино қўйма. Машҳур авлиёнинг умр бўйи такрорлаган ҳикмати менга жуда ёқади: “Ўзингизга бино қўйманг, ўзингизга бино қўйманг, ўзингизга бино қўйманг!”.

Шайх шу сўзларни такрорлаб, жон таслим қилади.

Нафс. Ҳам хатарли, ҳам даҳшатли тушунча!

Нафс – инсон фожиасининг бошланиш нуқтаси.

Нафс – меҳр-оқибатнинг йўқолиши, худбинликнинг бошланиши.

Нафс – ота-бола, эр-хотин, ака-ука, опа-сингилларни бегона, қалбсиз қилиб қўювчи куч.

Ёвузлик. Интернетга ҳар куни ёвузликни тарғиб этувчи минглаб видео, аудиоларнинг қўйилиши – ўзини ўзи ўлдириш, тўққизинчи қават айвонидан ерга қулаш, йўлда нобуд бўлиш, боласини пичоқлаш, отасини ўлдириш... инсон меҳр-шафқатсиз бўлиб бораётганининг далолати эмасми?!

Бу ёвузликлар – инсоннинг айниши, бузилиши даражаси, инсонда сифатий ўзгаришдан ботқоқлик сари қулашининг аломати.

Бу ёвузликлар – инсоннинг яхшилик, мурувват, меҳрибонликдан орқага қайтиши, ўлимга бурилиши (ёш умри хазон бўлган тиббиёт коллежи талабаси Жасурбекнинг қотиллари ҳам палид кимсалар ва уларнинг ёвуз тарбиячилари).

Бу ёвузликлар – ғарбда оила институтининг мағлуб бўлиши, шарк одамининг глобаллашув олдида таслим бўлиш жараёнининг тезлашуви.

Одобсиз бола. Ота-онасига овози борица бақирган, гап қайтарган, алмойи-алжойи сўзларни айтиб, юрагини парчалаган ёввойи болага бу сифат айтилади.

Қайтар дунёни кўрингки, оила қуриб, фарзандли бўлгач, ота қуйидаги суҳбатнинг шоҳиди бўлади:

“–Ишингизни бажармайман, дада. Дарсимни қилганимдан кейин репетиторга бораман, –жавоб беради ўғли.

– Сигирга бир қучоқ ўт ўришга ўн дақиқа вақтинг кетади-ку, ахир, – дейди ота.

– Менда имкон йўқ, бекорчи бўлсангиз, марҳамат, ўзингиз қилаверинг, дейди бола кўчага чиқиб кетаётиб”.

Одобсиз боланинг гапидан ота тутоқиб кетади: бақиради, бўкиради, сўкинади. “Э, падарлаънат, ишёқмас, ярамас...”.

Ё товба, йигирма йил олдинги сахна кўриниши такрорланиб ўтирибди. Ўша диалог, ўша хатти-ҳаракат...

Ота болаликда ўзидан ўтган хатосини англаб, оғир ўйга ботади.

Дўстимга деганларим. Сен: курашлардан чарчадим, пайғамбар ёшига етсам ҳам бирим икки бўлмади, дедингми? Гапларингни қайтариб ол, дўстим. Аллоҳ сенга оқила аёлни, ўғил ва қизларни берибди. Сен жажжи болажонларнинг севимли журналида ўттиз йил ҳалол ишладинг. Курортларга бормаган, енгил машина минмаган, ресторанларда тўй бермаган бўлсанг-да, ўзинг ва оиланг хотиржам, осойишта яшамокда.

Бу дунёда сенга ўхшаган одамлар камми?! Йигирма йил ишласа ҳам икки хонали уйга эга бўлолмаган, ота-онасининг танга тушгулик ҳовлисида сиқилиб яшаётган оилалар озмунчами?!

Бечора отанинг тарбияси хотимаси.

Қиз – меҳрибон, суюкли, оқибатли, одобли.

Ўғил – тошбағир, калондимоғ, калтабин, шафқатсиз.

Қиз – ота-онанинг умрини узайтирувчи шарқ аёли.

Ўғил – ота асабларини қақшатиб, умрини қисқартирувчи телбавор европалик.

Бойваччанинг дегани. “Сергели машина бозоридан битта Ласетти олсам, уни ясантириб, қимматроққа сотсам. Учта машинамни, иккита квартирамни сотиб, “коробка”ли ҳовлини қўлга киритсам. Кейин меъмор, буёқчи-ю сувоқчи, том ёпувчиларни ишга солиб, уни гўзал ҳолга келтирсам, ўртасига бассейн қурсам, сўнг битта пулдорга беш юз минг кўкига пулласам-да, ўрнига иккита ўғлимга йигирма сотихдан қирқ сотих ерни арзонгаровга олиб, зўр лойиҳачи, бинокор усталар ёрдамида янгисини кўтарсам...”

Камбағал одамнинг дегани. “Бугун ҳам беҳудага эллик минг сўм харажатга тушдим. Иккита юбиляр чолга пул йиғилармиш. Эҳ, мен шу қароқчи чолларнинг ёшига (бири етмиш, бири саксонга кирибди) етаманми – йўқми, билмадим. Маошимнинг камлиги, доимий йўқчилик, асаббузарлик, боз устига, болаларимнинг ҳақгўйлигимни юзимга солиши мени адои тамом қилди...”

Илмий иш. Бир олим йигит эрталаб зўр ниятлар билан кўчага чиқди. Хужжатларини институт илмий кенгаши котибига топшириб, анча енгил нафас олди. Хайрият, саккиз йиллик меҳнати бугун охирлади.

Лекин уйдаги гап кўчага тўғри келавермаслигини у билмади. Бир ҳафта ўтмасдан, ишини қайтариб беришди. Хорижий элда нашр этилган мақоласи “бегона” журналда босилган эмиш.

Навбатдаги дил хиралик. Яна югур-югур, кутиш, сарф-харажат. Олий аттестация вакилига тавозе, қуллуқлар... “Э, падарига қусур. Олим бўлганимга минг лаънат. Игна билан қудуқ қазиган олимга таъма кўзларини тикишганига ўлайми?! Тунлари мижжа қоқмай ишлаб, жамиятдаги бир муаммога ечим топганида, тадқиқотидан нуқсон қидириб, бошингни қотиришади.

Бир куни ақли расо, покдомон домлага шу саволни берди.

– Мен қийналганман, энди булар ҳам бир қийналиб кўрсин, дейишса керак-да, – жавоб берди домла. – Окоси, бундан хафа бўлманг, чиданг.

Ўзимдан ўтгани. Бир дўстим яқин қариндошини оиласи билан шаҳарга кўчириб келди. Катталар илтимос қилгач, гапини қайтаролмади. Уйининг бир хонасини бўшатиб, расмий рўйхатга тиркаб қўйди. Сўнг, таниш-билишларни ўртага қўйиб, эр-хотинни ўзлари хоҳлаган муносиб ишга жойлаштирди.

Орадан ойлар, йиллар ўтиб, ўша йигит таниқли бир идоранинг бўлим бошлиғи даражасига эришди. Бўлим – давлат бюджети ҳисобига яхшигина таъминланган эди. “Қариндош”нинг пичоғи мой устида бўлди. Пишиқлиги, устомонлиги туфайли қўша-қўша машина ва квартираларни қўлга киритди. Именинада эътироф этишича, бойлиги “тоға”никидан беш баробарга ошиб кетибди...

“Пул, бойлик одамни диндан чиқаради”, дегани рост чиқди. Пул – қариндош-уруғлар орасига нифоқ солди. Укаҳон билан хотини энди ўзларига тенг, бойроқ хонадон ва давраларни қўмсаб, хешларни унута бошлади.

Бир куни учрашганда, жаҳлдор тоға унга шундай насиҳат қилди:

– Ука, бу азим шаҳарда яна неча йил бирга яшашимизни билмайман-у, аммо сен кирадиган эшигингни тепасига қўнғироқча осиб қўйишни унутма!

Виртуал авлод. Бу тушунча ХХИ асрнинг бошида пайдо бўлди. Интернет, мобил алоқа шахснинг янги имконларини кучайтирди. Компьютер асосида тарбияланган, неча асрлик анъаналарни бузишга интилган авлод ўзининг сирли қирраларини намоён қила бошлади.

Виртуал авлод – Ғарбнинг урф-одатлари, анъаналарига сажда қилувчи тўда.

Виртуал авлод – қадим маданиятидан маҳрум. аросатда қолган одамлар галаси.

Виртуал авлод – мобиль телефон, рок, рэп қўшиқларни севган, кийиниши ва машинаси модага мос бўлган “чиройли” қавм.

Виртуал авлод – бағрикенглик, камтарлик, самимият, раҳм-шафқат, меҳр-оқибатдан маҳрум авлод.

Эҳ, бундайларга таълим-у тарбия беришга шайланган муаллимнинг асабларига тоғдай сабр-бардош бер, Аллоҳим.

Маърифат. Онг, дид, фаросатни билдиради.

Маърифатли инсон – жамиятнинг устун.

Ижод. Парвардигор кудратини англаш ҳиссини туйиш.

Ижод – инсоннинг олам ичидаги одамни тасвирлаш сониялари.

Ижод – инсоннинг кадр-қимматини тушунишга интилиш имконлари.

Ижод – инсоннинг ўзини тўла кашф этиш, намоён қила билиш санъати.

Янги адабиёт. XX асрда пайдо бўлган адабиёт – тафаккурни ёйиш, фикр, тасаввур, дард, изтироб тимсол (рамз)ларининг шодаси.

Янги адабиёт – инсонни майда-чуйдалардан қутқариб, юксак мақомларга кўтарадиган кудратли куч.

Янги адабиёт – қалбни тозалаш, поклаш, шахсни Шахс мақомига кўтариш.

Компьютер. Ғарб одами ўйлаб топган ихтиро.

Компьютер – қитъалар ва одамларни “ўргимчак тўри”, ахборот олами билан боғловчи сиймо.

Компьютер – Ғарбга қарамликнинг сиртмоғи.

“Хомсиз” (дўстим ҳикояси). Ўттиз ёшимда қишлоқдаги маҳалла оқсоқолининг олдига кирдим. Ҳол-аҳвол сўраш, мулоқот, мулоҳазалардан сўнг, гапларимдан қоникмай: “Ҳали анча хом экансиз”, деди.

Шаҳарга қайтиб ишга шўнғидим. Нимагадир интилдим. Кунларнинг бирида қишлоққа келиб, оқсоқолнинг ҳузурига ошиқдим. Гапларимнинг тинглаб бўлгач, кейин менга юзланиб, “Ҳалиям хомсиз, майли, ҳаёт пиширади”, деди.

Маънос ҳолда, ортимга қайтдим. Ишга сидкидилдан ёндошдим. Тиним билмадим. Шаҳарда ошна-оғайниларим кўпайди. Хизмат даражам ҳам икки поғона кўтарилди.

Орадан ўн беш йил ўтиб кетди. Оқсоқол қариб қолган пайтлар эди. Умид ила олдига кирдик.

–Энди баҳо беринг жўрамга. Яқинда вазир бўлди! – деди ҳамроҳ дўстим.

Устоз менга бошдан-оёқ разм солди, кўзларимга синчиклаб қаради. Ҳаётим ва рўзгорим билан қизиқди. Янглишмай жавоб бердим.

Оқсоқол бошини сарак-сарак қилиб: “Хомсиз, озгина бор пишишга”, деди.

–Нима қилсам, кўнглингиз тўлади, –сўрадим хафа бўлиб.

–Буни ўзинг билишинг зарур, – жавоб берди у.

Камолотга етишиш учун тинмай изландим.

Йиллар ўтди. Устознинг оғир касалланиб ётганини эшитиб, яна қошига бордим. Аниқроғи, ўзлари чақирди.

– Умрим тугаб бораяпти, – деди оқсоқол. – Гапларимга қулоқ солгин.

– Устоз, қулоғим сизда.

–Биринчи насиҳатим шулки, амалга ошмайдиган ҳавойи орзулардан воз кеч. Ерга туш. Иккинчидан, кўп ўқимагин, чунки кўп ўқисанг, кўп фикрлар билан тўқнаш келиб янглишасан. Учинчидан, содда бўлма, кўп алдашади. Тўртинчидан, табиатинг очиқ эмас, балки ёпиқ бўлсин, ишинг ва дардингни ҳаммага очаверма. Устингдан кулишади, фикрларингни эса ўғирлашади.

– Тушундим, устоз. Бу сўзларни нега аввалроқ айтмадингиз?

– Буларни олдиндан айтиб бўлмасди, чунки ҳаётнинг ўзи инсонни пиштади, муаллимлик қилади. Илоҳим, тушунганинг рост бўлсин, болам. Омин!

Доно ҳикматлардан бағоят мамнун бўлдим. Дарвоқе, ҳаёт қозонида пишиб борганим сари, ишларим илдамлай бошлади. Ўз хатти-ҳаракатимни ўзим назорат қиладиган бўлдим. Устозга раҳмат айтишга чоғландим.

Бироқ оқсоқол вафот этган эди.

Олтмиш ёш – ёшлик билан хайр-хўшлашиш дамлари.

Олтмиш ёш – қариликка тайёргарлик кўриш палласи.

Олтмиш ёш – дунёни англашда бир поғона юксалиш сониялари.

Етмиш ёш. Етмиш ёш – ўткинчи умрнинг майда-чуйда ишларидан воз кечиб, жомеъ масжидига бориш орзулари.

Етмиш ёш – Аллоҳга сажда қилиш, хатоларни қалбан англаш ва ичдан разм солиш дақиқалари.

Биз. Инсон моддий ва маънавий поғонага етишиш, ҳаётда муносиб ўрнини топиш йўлида туну кун меҳнат қилади. Оиласини боқади. Қийин дамларда давлатдан кўмак сўрайди.

Инсон кўп ўқийди, изланади. Фаровон яшашни истайди. Орзулар оғушида яшайди. Аммо унинг замон, макон, жамият, ҳаёт, одамлар ҳақидаги билими, тасаввури у қадар тўлиқ бўлмайди. Шайх Хожа Ахрорнинг сўзлари маъносини ҳам у кеч тушунади.

Пир айтадики, “Сен бойликни узоқдан қидириб юрма, у ёнгинангда, гиламнинг тагида ётибди...”

М у н д а р и ж а

Ноширнинг ҳаёт дафтари. Х.Дўстмуҳаммад.....	3
---	---

Яхшиларни эслаб...

Тарих илмининг билимдони (Бўрибой Аҳмедов).....	4
Нурли сиймо (Ғайбулла Саломов).....	13
Устоз, мураббий ва дўст (Нажмиддин Комилов).....	18
Моҳир таржимон (Қодир Мирмуҳамедов).....	34
Нақшбанд тариқати мухлиси (Убай Абдураззоқов).....	38
Пешқадам ношир (Эркин Бойсинов).....	40
Таржимага бахшида умр (Ҳасан Тўрабеков).....	42
Меҳри дарёча эди (Нормурод Нарзуллаев).....	46
Тиниб-тинчимас олим (Иноятилла Сувонқулов).....	49
Нур фарзанди (Ҳожикул Худойкулов).....	52
Мактаб директори (Баҳриддин Рустамов).....	54
Хокисор инсон (Жонибек Субҳон).....	61
Тўғрисўз шоир (Шавкат Раҳмон).....	64
Юрагида йўлбарси бор йигит (Муҳаммад Юсуф).....	67

Устозларга эргашиб...

Таълим фидойиси (Насриддин Раҳмонов).....	77
Дилбар аёл (Дилбар Икромов).....	84
Ибрат йўли (Сойибжон Негматов).....	89
Кубронинг юртдоши (Омон Матжон).....	96
Миллатга қайғурадиган олим (Садулла Отамуродов).....	101
Камтар устозим (Ҳамдам Эшонқулов).....	112
Карнегининг издоши (Ёркин Абдуллаев)	116
Зукко адиб (Маҳкам Маҳмудов).....	120
Баҳор ёмғири куйчиси (Абдували Қутбиддин).....	124

Ношир дафтари.....	131
Баҳор, қиш (мансуралар).....	198

Адабий-бадий нашр
Бахтиёр Омон
НОШИР ДАФТАРИ

Бадиалар, мансуралар

Ўзбек тилида

Тошкент, “SHARQ” НМИУ, 2019.

Нашриёт лицензияси AI № 158. 14.08.2009.

Муҳаррир Вафо Файзуллоҳ
Бадий муҳаррир Уйғун Солиҳов
Техник муҳаррир
Мусахҳих
Компьютерда саҳифаловчи

Босишга 20.03.19 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1 /32. Офсет
босма. Шартли босма табоқ . Нашр табоқ . Адади 3000 нусха. —
рақамли буюртма. — рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси осмахонасида чоп
этилди. 100129. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Шартнома №